

# Agroiqtisodiyot

илмий-амалий агроиқтисодий журнал

## МУНДАРИЖА

3. **Н.ХУШМАТОВ.** Қандаланинг пахтачиликка келтирадиган зарарини пахта хом ашёси сифати пасайиши асосида баҳолаш усули
7. **А.ЧЕРТОВИЦКИЙ., Ш.НАРБАЕВ.** Модернизация системы землепользования: организационно-экономический аспект управления
11. **Р.ДУСМУРАТОВ.** Тезис нима? У қандай тузилади ва ёзилади?
15. **С.УМАРОВ.** Сув хўжалиги тизимида инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг илмий-амалий асослари
18. **О.САЛИМОВ, Ш.ИМОМОВ, З.МАМАДАЛИЕВА.** Наманган вилоятида биогаз технологияларни жорий қилинишининг иқтисодий ва энергетик истиқболлари
22. **Т.ФАРМАНОВ, Р.МУРАДОВ.** Совершенствование методики по определению экономической ценности пастбищ
28. **А.АЛТИЕВ.** Ернинг молиявий функциясини кучайтириш-ислохотларнинг муҳим шартлари
31. **Н.АСКАРОВ, М.ҚОСИМОВ, Н.РАХМОНОВ.** Ипак қурти уруғчилиги тизимини ривожлантириш бўйича хорижий тажрибалар
35. **А.МУХТОРОВ.** Экотизим хизматлари ва уни баҳолашнинг илмий-амалий жиҳатлари
38. **Ғ.ДУСМУРАТОВ.** Қишлоқ хўжалигида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш
40. **Б.МЕНГЛИҚУЛОВ.** Биологик активлар аудитини ташкил этишнинг хусусиятлари
44. **У.САНГИРОВА.** Инновационный подход в развитии аквакультуры и рыболовства в Узбекистане
47. **Б.ДЖУРАЕВ, Н.РАХМОНОВ.** Агрофирмаларда ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг айрим жиҳатлари
49. **М.САИДОВА.** Формировании кадровой политики в аграрном секторе
51. **М.ЛИ.** Роль животноводческого подсектора в обеспечении продовольственной безопасности
55. **У.САДУЛЛАЕВ.** Чорвачилик тармоғининг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари
58. **А.БАХРИДДИНОВ.** Пиллачилик тармоғида маҳсулот сифати ва сифатни бошқариш тизимини ривожлантириш
61. **Ш.ТУРСУНОВ, А.НУРМАТОВ, И.РУСТАМОВА.** Қорамолларни озиклантиришда Кореянинг TMR технологиясини баҳолаш
63. **А.ЖУМАНОВ.** Сув танқислиги шароитида узумзорларни суғоришда тежамкор технологияларни қўллаш
66. **Ш.МУРАТОВ, Ғ.САДУЛЛАЕВА, Ш.ҲАСАНОВ.** Қишлоқ хўжалигида саримсоқпиез етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги
69. **А.ТАДЖИЕВ.** Ер ва сув ислохотлари қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг муҳим омили
71. **Ғ.АБДУЛҲАЕВА.** Тоғ ва тоғ олди ҳудудларида қишлоқ хўжалигини мақсадли дастурлар асосида ривожлантиришнинг илмий асослари
75. **А.ВАФОВ.** Балиқчиликда ишлаб чиқариш харажатларини назорат қилишнинг муҳим воситалари
78. **Д.ЯНГИБОВ.** Лалмикор деҳқончиликнинг ўзига хос хусусиятлари
80. **У.АЛИМОВ.** Қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштиришни хатарлардан ҳимоялаш тизими ва унинг аҳамияти
82. **Ю.УСМАНОВ.** Деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланиш тизимининг ер ислохотидаги ўрни ва вазибалари
85. **Т.НУРЫМБЕТОВ, С.БАЙЖАНОВ.** Қишлоқ хўжалигида диверсификациялашнинг ўзига хос хусусиятлари ва устувор йўналишлари
88. **А.ПАРДАБОВ.** Деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланиш мониторингини такомиллаштириш
90. **М.РАЖАПБОВ, Ў.ИСЛОМОВ, С.ХИКМАТУЛЛАЕВ.** Қишлоқ хўжалиги ерларини мониторинг қилишда замонавий технологиялардан фойдаланиш
92. **Ш.ҚАРШИЕВ.** Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда мева-сабзавот маҳсулотларининг ўрни
94. **С.КУЧИМОВ, Э.УМУРЗОКОВ, Б.ДЖАЛИЛОВ.** Қишлоқ хўжалик экинларини зараркунандалардан ҳимоя қилишнинг иқтисодий самарадорлиги
96. **Б.МАТЯКУБОВ, К.ИСАБАЕВ.** Ғўзани суғориш технологияларининг иқтисодий самарадорлиги
99. **Б.ҲАҚБЕРДИЕВ.** Суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини ошириш йўналишлари
102. **Х.ҚАЛИМБЕТОВ, Б.ЕРЕЖЕПОВА.** Фермер хўжаликларида асосий тармоқдан ташқари бошқа тармоқларни ҳам ташкил этиш зарурати
105. **Қ.ШАВАЗОВ, М.ШОУМАРОВА, Т.АБДИЛЛАЕВ.** О необходимости установки соломопрессующего аппарата на зерновой комбайн в условиях Узбекистана
108. **Б.ШАФКАРОВ.** Узумчилик маҳсулотлари етиштиришда ҳудудий хусусиятлар ва улардан самарали фойдаланиш
112. **А.МЕНГНОРОВ, Х.САЙДАКБАРОВ.** Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари истеъмолчи ва даромад ўртасидаги боғлиқликнинг регрессион таҳлили
114. **З.ТАЖЕКЕЕВ.** Организационные вопросы аудита кредитов и займов
117. **О.ШЕРМАТОВ, Д.ИСЛАМОВА.** Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш самарадорлиги
120. **З.МУРАТБАЕВА.** Ипак қурти уруғчилиги корхоналарида ўзаро муносабатларни самарали ташкил этиш йўллари

# Agroiqtisodiyot

илмий-амалий агроиқтисодий журнал

3 (13), 2019

Бош муҳаррир: Баҳодир СУЛТАНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Саидасрор ҒУЛОМОВ  
Ўктам УМУРЗАКОВ  
Норқул ҲУШМАТОВ  
Равшан АБДУЛЛАЕВ  
Абдурашид ҚОДИРОВ  
Қурбон ЧОРИЕВ  
Тулқин ФАРМОНОВ  
Фотима НАЗАРОВА  
Учқун НИГМАДЖОНОВ  
Раджапбай ДУСМУРАТОВ  
Фармонқул ЭГАМБЕРДИЕВ  
Олим МУРТАЗОЕВ  
Рашид ҲАКИМОВ  
Акмал ҚОСИМОВ  
Абдуҳолиқ МУХТОРОВ  
Азизулло ҲАМДАМОВ  
Шоназар ЭРМАМАТОВ  
Бахтиёр МЕНГЛИҚУЛОВ  
Назимжон АСКАРОВ

МУАССИС:

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 10 мартда 0909-рақам билан рўйхатга олинган.

Журнал 2017 йил июндан чиқа бошлаган.

Бир йилда 4 мартда чоп этилади.

## ҚАНДАЛАНИНГ ПАХТАЧИЛИККА КЕЛТИРАДИГАН ЗАРАРИНИ ПАХТА ХОМ АШЁСИ СИФАТИ ПАСАЙИШИ АСОСИДА БАҲОЛАШ УСУЛИ

**Норқул ХУШМАТОВ,**

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази  
Бош илмий котиби, и.ф.д. профессор

**Аннотация:** Мақолада муаллиф томонидан ишлаб чиқилган пахтачилик тармоғига ўсимликхўр қандала томонидан келтирилган зарарлар миқдорини аниқлаш бўйича услубий ёндашувлар баён этилган.

**Аннотация:** В статье разработан авторский методический подход к количественной оценке ущерба, причиненного троядными вредителями хлопководческой отрасли.

**Abstract:** In the article, the author develops a methodological approach to the quantitative assessment of damage caused by livestock pests to cotton industry animals.

**М**аълумки, пахтачилик тармоғида зараркунанда сифатида ўсимликхўр қандаланинг салбий таъсири натижасида фермер хўжаликлари катта миқдорда зарар кўришади. Бунда пахта ҳосилдорлиги билан биргаликда йиғиштириб олинган хом ашёнинг сифати ҳам пасайиши юз беради. Демак, зараркунанда томонидан фермер хўжаликлари пахтачилик тармоғига келтириладиган зарарлар биринчи навбатда экин майдони бирлиги ҳисобига пахта ҳосилининг камайиши ҳамда унинг йил якунидаги ялпи маҳсулот қиймати камайиши орқали юзага келади.

Зараркунанда томонидан пахтачилик тармоғига келтириладиган зарарни ҳисоблашда, олимлар томонидан қўйилган тажрибалар орқали ғўза ўсимлиги ҳосил элементлари зарарланиши даражасига баҳо берилади ва тегишли кўрсаткичлар тавсия қилинади. Ҳосил элементлари сифатида ўсимликдаги кўсақлар очилиш фазасидаги пишиб етилган барча (қандала томонидан зарарланган ва зарарланмаган) кўсақлар эътиборга олиниб, шу орқали пахта хом ашёси толаси сифатига ҳам баҳо бериш имкони пайдо бўлади.

Агарда амалиётдаги пахта далаларида ғўза ҳосил элементларининг ўсимликхўр қандала томонидан зарарланиш ҳолатига эътибор қаратадиган бўлсак, бу борада амалга оширилган тажрибалар натижалари бўйича турли омиллар таъсирида турлича кўрсаткичлар қайд этилганлигини кўриш мумкин. Жумладан, Сурхондарё вилоятида амалга оширилган тажрибалар натижаларига таянадиган бўл-

сак (Б.Холиқов, 2017 йил) пахтанинг ўртача ҳосилдорлигига тупроқ унумдорлиги, ғўзани озиклантириш, суғоришлар сони ва меъёрлари, чигитни экиш муддати ҳамда экиш усуллари, экишдан олдин ва ўсимликнинг вегетация даври давомида тупроққа ишлов бериш усуллари, ғўзани чилпиш муддатлари ва усуллари, дефоляция муддатлари ва меъёрлари ҳам таъсир кўрсатган.

Айни пайтда ғўзанинг қандала томонидан зарарланиши даражаси ҳам пахта экин майдонларида кўчат қалинлиги, суғоришлар сони, ғўзани чилпиш ёки чилпиш ўтказилмаслиги (кечкикиши) каби агротехник тадбирларга жуда кучли боғлиқлигини соҳа олимлари ўтказган тажрибалар кўрсатган. Хусусан, Сурхондарё вилоятининг Музработ туманидаги «Янгиобод лочини» фермер хўжалигида кўчат қалинлиги гектарига 90-100 минг донани ташкил қилган вариантда қандала билан зарарланиш даражаси 10,1 фоизини ташкил қилгани ҳолда, кўчат қалинлиги гектарига 130-140 минг донани ташкил қилганда қандала томонидан зарарланиш 13,8 фоизни ташкил қилган (1-жадвал).

Хусусан, ушбу тажрибаларда қандаланинг сони июнь ойидан августгача ошиб бориб, ғўзанинг кўчат қалинлиги 90-100 минг дона/га бўлганда 100 дона ғўзада - 3,6 дона қандала, кўчат қалинлиги 110-120 минг дона /га бўлганда қандала сони 8,8 дона, кўчатлар қалинлиги 130-140 минг дона /га бўлганда эса қандала сони 17,6 донани ташкил қилган. Шунингдек, суғоришлар сони ортиб бориши ёки чилпиш ўтказилмаган далаларда ҳам қандаланинг

**Калит сўзлар:** қандала, кўсақ, ялпи маҳсулот, ялпи маҳсулот қиймати, ўсимликхўр зараркунанда, зарар миқдори, услуб, профилактик кузатув, визуал кузатув, фермер хўжалиги.

Қандала томонидан ғўзанинг ҳосил элементлари зарарлаш муҳитини аниқлаш бўйича тажрибалар натижалари<sup>1</sup>

Туман номи	Тажриба қўйилган фермер хўжалиги номи	Тажрибалардаги ғўза қалинлиги ва агротехник тадбирлар вариантлари	Ғўза ҳосил элементларининг қандала билан зарарланиши		
			Жами ҳосил элементи, (дона)	ш.ж. зарарланган, (дона)	Зарарланиш даражаси, (%)
Музработ	Янгиобод лочини ф/х	90-100 минг дона /га	15,9	1,6	10,1
		110-120 минг дона /га	13,4	1,7	12,7
		130-140 минг дона /га	13,0	1,8	13,8
	Кумуш Нур ф/х	1-2 марта суғорилган	17,1	1,8	10,5
	Яшнайвер Сурхоним ф/х	Чилпиш ўтказилган	26,5	1,9	7,2
		Чилпиш ўтказилмаган	23,9	2,7	11,3
Маматали Холбоев ф/х	3-4 марта суғорилган	22,6	4,2	18,6	

Б.Холиқов томонидан 2017 йилда Сурхондарё вилоятида мазкур мега лойиҳанинг иккинчи бўлими доирасида ўтказилган тажрибалар натижалари асосида ҳисобланган.

экин майдонларидаги зичлиги ортиб борган (2-жадвал).

Масалан, Маматали Холбоев номидаги фермер хўжалигида 3-4 марта суғорилган пахта экин далаларида 9 август куни ўтказилган кузатишлар чоғида 16,4 дона қандала аниқланган бўлса, ушбу санага 1-2 марта суғорилган Кумуш Нур фермер хўжалиги далаларида 2,4 дона қандала кузатилган.

рига таянадиган бўлсак, турли кўчат қалинлиги ва суғоришлар сонини эътиборга олган ҳолда ҳосил элементларининг зарарланиш даражаси ўртача 12,2 фоизни ташкил қилади. Бу эса пахта толасининг сифати ўртача 10-12 фоизга пасайиб кетади, деб хулоса қилишга асос бўлади. Чунки қандала билан зарарланиш пахта кўсақларидан териб олинган пахта толаси сифатининг пасайишига олиб келади (1-расм).

Пахта экин майдонларида қандаланинг сони ўзгариши динамикаси<sup>2</sup>

Туман номи	Тажриба қўйилган фермер хўжалиги номи	Тажрибалардаги ғўза қалинлиги ва агротехник тадбирлар вариантлари	Қандаланинг 100 та ўсимликда аниқланган кузатув муддатлари бўйича сони (2017 йил)				
			13 июнь	28 июнь	04 июль	19 июль	09 август
Музработ	Янгиобод лочини ф/х	90-100 минг дона/га	0,3	1,0	1,6	3,5	3,6
		110-120 минг дона/га	0,6	3,0	2,0	6,0	8,8
		130-140 минг дона/га	1,0	4,0	2,4	6,5	17,6
	Кумуш Нур ф/х	1-2 марта суғорилган	-	1,6	1,3	5,0	2,4
	Яшнайвер Сурхоним ф/х	Чилпиш ўтказилган	0,2	0,2	-	-	2,4
		Чилпиш ўтказилмаган	0,4	0,4	1,6	2,0	8,8
Маматали Холбоев ф/х	3-4 марта суғорилган	-	1,6	4,3	6,1	16,4	
Қизирик	Бектепа Мерсаж ф/х	Чилпиш ўтказилган	-	-	-	0,4	1,2
		Чилпиш ўтказилмаган	-	-	-	1,6	3,6
	Шохбаракат ф/х	90-100 минг дона/га	-	0,6	-	-	2,4
		110-120 минг дона/га	-	1,2	-	-	5,2
		130-140 минг дона/га	-	2,0	-	-	8,0
	Ойдиной Янгиобод ф/х	1-2 марта суғорилган	1,0	1,5	-	1,6	2,4
Давронбек Абдурасулов ф/х	3-4 марта суғорилган	3,0	3,4	3,6	6,8	6,8	

Б.Холиқов томонидан 2017 йилда Сурхондарё вилоятида мазкур мега лойиҳанинг иккинчи бўлими доирасида ўтказилган тажрибалар натижалари асосида ҳисобланган.

Демак, ўтказилган тажрибалар натижа-

Шунинг учун пахтачилик тармоғига қан-

дала томонидан келтириладиган иқтисодий зарарлар миқдорини пахта хом ашёси сифати пасайиши нуқтаи назаридан баҳолашда қуйидагича ёндашиш тавсия қилинади. Қандала билан экин майдонлари зарарланган фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган пахта хом ашёси сотилгандан сўнг шакланувчи пахтачиликдаги ялпи ҳосил қиймати (тушум) асосида қандала томонидан келтирилган зарар миқдорини аниқлашда қуйидаги формула тавсия қилинади (СБЗ):

$$СБЗ = \frac{ЯМК \times СПС}{100} \quad (1)$$

бу ерда, ЯМК – пахтачилик тармоғида баҳоланаётган йилда яратилган ялпи маҳсулот қиймати (ялпи тушум), минг сўм.



Манба: Тажриба майдонларидан олинган сурат асосида  
1-расм Ўсимликхўр қандала билан зарарланган ғўза  
ҳосил элементлари

Демак, ҳисоблаб топилган қиймат пахтачилик фермер хўжалигининг қандала томонидан зарарланиш натижасида пахтачилик тармоғида йўқотилган иқтисодий имконияти (бой берилган фойда) миқдорини ўзида акс эттиради. Бу кўрсаткич Сурхондарё вилоятининг Музработ ва Қизириқ туманлари фермер хўжаликлари далаларида ўтказилган тажрибалар натижаларига кўра ўртача 12 фоизни ташкил қилади. Ёки қандала томонидан пахтачилик тармоғига келтирилган зарар миқдори етиштирилган пахта хом ашёси сифатининг сотиш пайтида пахта қабул қилиш пунктларида хом ашёга белгиланадиган саноат сортлари бўйича бир поғона пастга тушиб кетишини билдиради.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 февралдаги 149-сонли “Қишлоқ хўжалигида бозор механизмлари кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган

пахта хом ашёсини харид қилиш бўйича 2018 йил учун белгиланган баҳоларга биноан фермер хўжалиги томонидан етиштирилган ўрта толали ғўза навлари бўйича тўланиши керак бўлган ўртача баҳо (амалиётда ўртача баҳо сифатида 4 тип II сорт 1 класс қабул қилинган) 3 250 000 сўмни ташкил қиладиган бўлса, ушбу миқдорнинг 12 фоизи (тажрибаларда аниқланган қандала томонидан зарарланиш даражаси) 390 000 сўмни ташкил қилади ( $3\,250\,000 \div 100 \times 12$ ). Ушбу миқдор сотиладиган пахта хом ашёсининг бир сортга пастга тушиб кетишини билдиради. Яъни, III сорт 1 класс 4 типга мансуб бўлган хом ашёни сотиб олиш баҳоси 2 847 000 сўмни ташкил қилади (3-жадвал).

Республикада 2018 йилда давлат томонидан белгиланган пахта хом ашёсини иккинчи ва учинчи сортлар бўйича харид қилиш баҳолари ўртасидаги фарқ 403 000 сўмни ташкил қилади. Биз таклиф қилаётган услуб бўйича эса ушбу миқдор 390 000 сўмга тенг бўлиб, таклиф қилинаётган услубнинг амалиётга жуда яқинлигини (яқинлик даражаси 96,8%) билдиради.

Демак, қандаланинг пахтачилик тармоғига келтирадиган зарарини аввалдан амалга оширилган махсус илмий-амалий тажрибалар натижалари бўйича олдиндан аниқланган кўрсаткичлар асосида ҳисоблаб топиш юзасидан тавсия қилинаётган хом ашёнинг сифати ёмонлашиши формуласига таянган ҳолда умумлаштирувчи баҳолаш кўрсаткични аниқлаймиз. Бунда пахтачилик фермер хўжаликлари томонидан пахта ҳосилдорлиги пасайиши натижасида бой берилган ҳосил ва тола сифати ёмонлашиши натижасида нисбатан пастроқ сортларга маҳсулот сотиш туфайли йўқотган маблағлари йиғиндиси асосида, фермер хўжалиги томонидан умумий бой берилган маблағлар миқдори ҳисоблаб топилади. Бунинг учун қуйидаги формула тавсия қилинади (ББМ):

$$ББМ = \text{ЙХМ} \times \text{УСБ} + \text{СБЗ} + (\text{ККХ} \times 0,135) \quad (2)$$

бу ерда, УСБ – қандаланинг зарари баҳоланаётган йил учун тегишли бўлган пахта хом ашёсининг фермер хўжалиги бўйича ўртача сотиш баҳоси, (сўм/тонна);

ККХ – фермер хўжалигида қандалага қарши кураш билан боғлиқ сарф-харажатлар, сўм.

$$\text{ЙХМ} = \frac{\text{ПХ}_n}{\text{ПХ}_1} \times \text{ЯХ} - \text{ЯХ} \quad (3)$$



**3-жадвал.**  
**Республика бўйича 2018 йилда етиштирилган**  
**ҳосилидан пахта хом ашёсининг сотиб олиш баҳоси**  
**(сўм 1 тонна)**

Сорт	Класс	Пахта толаси типлари ва кодлари			
		Ўрта толари пахта хом ашёси сортлари			
		4	5	6	
I	1	3 555 500	3 507 499	3 461 990	3 419 679
	2	3 464 500	3 417 730	3 373 379	3 332 160
	3	2 772 250	2 734 829	2 699 339	2 666 350
II	1	3 250 000	3 206 130	3 164 530	3 125 850
	2	2 980 250	2 940 019	2 901 870	2 866 400
	3	2 739 750	2 702 760	2 667 699	2 635 089
III	1	2 847 000	2 808 569	2 772 119	2 738 249
	2	2 531 750	2 497 570	2 465 169	2 435 040
	3	1 790 750	1 766 579	1 743 650	1 722 340
IV	1	2 119 000	2 090 389	2 063 270	2 038 050
	2	1 644 500	1 622 300	1 601 249	1 581 680
	3	1 257 750	1 240 770	1 224 670	1 209 699
V	3	880 750	868 859	857 590	847 110

Бунда ЙХМ ҳосилдорлик камайиши ҳисобига йўқотилган пахта ҳосили миқдорини аниқлаш мумкин:

бу ерда,  $PX_T$  – тажриба қафасида (қандала мавжуд бўлган қафас) ўстирилган ғўзадан йиғиб олинган пахта хом ашёси, (кг);

$PX_H$  – назорат қафасида (барча турдаги ҳашаротдан тоза қафас) ўстирилган ғўзадан йиғиб олинган пахта хом ашёси, (кг);

ЯХ – пахтачилик фермер хўжалигида йил якун-

лари билан териб олинган жами пахта хом ашёси миқдори, яъни ялпи ҳосил, (т).

Бу фермер хўжалигида ҳашарот таъсирида йўқотилган пахта ҳосили миқдори ҳисобланади.

Қандалага қарши кураш билан боғлиқ сарф-харажатларни аниқлашда бир қатор кўшимча тадбирларни ҳам амалга ошириш лозим бўлади. Жумладан, фермер хўжаликларида ғўзанинг ҳар бир зараркунандага қарши курашда сарф қилинадиган харажатларни ажратиб ҳисоблаш имкони йўқ ва бундай ҳисоб-китоблар олиб борилмайди. Шунинг учун ҳам қандалага қарши кураш билан боғлиқ сарф-харажатларни (ККХ) жами ўсимликларни ҳимоялаш билан боғлиқ сарф-харажатлар таркибидан ажратиб олиш лозим бўлади.

Тадқиқотлар кўрсатишича, ғўзанинг асосий зараркунандаларига қарши пахтачилик хўжаликларида йил давомида муттасил курашиб борилади. Бу чоралар агротехник тадбирлар, профилактик кузатув тадбирлари (феромон тутқичлардан фойдаланиш ёки визуал кузатув орқали), биологик қарши кураш чоралари, экинларга кимёвий ишлов бериш тадбирларидан иборат. Айни пайтда ушбу тадбирларни амалга ошириш учун сарфланган маблағлар ишлаб чиқарилган маҳсулот таннарни ортишига олиб келади ва ҳашаротларга қарши кураш билан боғлиқ харажатлар ҳисобига якуний соф молиявий натижанинг камайишига олиб келади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Садыков М.С. Клопы, повреждающие хлопчатник, и меры борьбы с ними. Экология насекомых Узбекистана и научные основы борьбы с вредными видами. Сборник статей. Т., “Фан” 1968.
2. Хамраев А. Ш. Система интегрированной защиты хлопчатника от основных вредителей на Югозападе Узбекистана. Т.: – 1991, 26 с.
3. А.Ш.Хамраев, Р.С.Очилов ва бошқ. “Ўзани сўқир қандалалардан ҳимоя қилиш”. Тавсиялар. Т.: 2006.
4. Ш.Т.Хўжаев, Н.Сатторов, Г.Шокирова, Ф.Юлдашев, М.Мирзаева С.Хакимова “Ўза тунлами: ҳаёт кечириши, зарари ва унга қарши курашнинг замонавий кўриниши”. Т.: – 2012.
6. А.Қодиров, Ё.Ортиқов. Ўсимликларни химиявий усулда ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш. “Ўзбекистон”, Т.: – 1982.

## МОДЕРНИЗАЦИЯ СИСТЕМЫ ЗЕМЛЕПОЛЬЗОВАНИЯ: ОРГАНИЗАЦИОННО-ЭКОНОМИЧЕСКИЙ АСПЕКТ УПРАВЛЕНИЯ

**Александр ЧЕРТОВИЦКИЙ,**  
д.э.н., ТИИИМСХ  
**Шарофиддин НАРБАЕВ,**  
доктор философии (PhD), ТИИИМСХ

**Аннотация:** Исследованы вопросы модернизации организационно-экономического аспекта управления системой землепользования, в том числе создания и функционирования рынка земли и недвижимости в республике, арендных земельных отношений и функционирования рынка права аренды земельных участков сельскохозяйственного назначения, земельные рентные отношения, составляющие земельной ренты и механизм их исчисления, обоснование величины земельного налога за использование земли.

**Аннотация:** Мақолада ердан фойдаланиш тизимини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий йўналишлари тадқиқ этилган бўлиб, республикада кўчмас мулк ва ер бозорининг фаолият юриштири, ижара муносабатлари, ижара бозори, қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланишнинг ижара ҳуқуқи, ер рентасининг шаклланиши ва уни ҳисоблаш механизми ҳамда ер ва сувдан фойдаланиш учун тўловлар, уларни табиий ресурслар сифатида, ер ва сув рентасини ҳисобга олингани ҳолда ўрнатилиши зарурлиги асослаб берилган.

**Abstract:** The issues of modernization of the organizational and economic aspect of land use management are investigated, including the creation and functioning of the land and real estate market in the republic, rental land relations and the functioning of the market lease rights for agricultural land, land rental relations that make up land rent and the mechanism of their calculation, justification land tax for land use. It is established that payments for land and water resources should be made in aggregate for land and irrigation water as natural resources, taking into account land and water rents.

**Введение.** С целью перевода экономики страны на устойчивый и инновационный путь развития и реализации Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан [1] приняты Указ Президента Республики Узбекистан от 21 сентября 2018 г. № УП-5544 «Об утверждении Стратегии инновационного развития Республики Узбекистан на 2019–2021 годы» [2] и постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 20 октября 2018 г. № 841 «О мерах по реализации национальных целей и задач в области устойчивого развития на период до 2030 года» [3], в которых определены ключевые задачи по модернизации национальной экономики на основе инновационной деятельности. Важнейшими составляющими модернизации системы экономики являются: выявление причин снижения эффективности и сбоев в ее функционировании, установление основных направлений ее совершенствования; поиск и установление источников необходимых инвестиций на НИОКР; научные исследования по разработке высоких и ресурсосберегающих технологий, техническому обновлению производства, обоснование современных форм

организации и интегрированного управления производством; внедрение научных нововведений в производство.

Модернизация экономики страны объективно предполагает и модернизацию системы природопользования как ее основного сектора, в том числе и систему землепользования. Земельные ресурсы используются во всех секторах экономики общества, в том числе и в его социальной сфере. Ограниченность земельных ресурсов, многоцелевое использование их обществом и трудновоспроизводимый характер их возобновления определяют сложность и специфику модернизации системы землепользования, что требует дальнейшего исследования проблемы повышения ее эффективности.

**Ситуационный анализ.** Система землепользования страны мало эффективная, отсутствует рынок земли, в результате чего земли не сельскохозяйственного назначения не вовлечены в оборот и не приносят возможного значительного дохода. Арендные земельные отношения по существу не имеют рыночной сущности. Земли сельскохозяйственного назначения истощены на 30–40%, подвержены

**Ключевые слова:** система, землепользование, рынок земли, арендные отношения, земельная рента, управление, модернизация, платежи за землю.

ветровой и водной эрозии. Отсутствует система полезационных лесных полос, орошаемые земли на 45% засолены в разной степени, слабые темпы внедрения капельного орошения, пастбища деградированы на 20–30% и более, богарное земледелие не использует до 50–60% пашни. Почвенные и полевые обследования земель ведутся довольно затратными полевыми (экспедиционными) методами, подготовка земельнокадастровых данных осуществляется старыми непроизводительными технологиями. Достоверность и себестоимость земельной информации оставляет желать лучшего, не внедряются современные технические средства для оперативного ведения мониторинга состояния и использования земель. Перечисленные и ряд других недостатков в землепользовании негативно отражаются на качестве проектирования и управления использованием земельных ресурсов. В республике слабо развивается научная отрасль «Землепользование», отсутствует инфраструктура научной отрасли, подготовка специалистов для Госкомземгеодезкадастра не отвечает современным потребностям для перехода к модели устойчивого землепользования. Необходима коренная модернизация системы землепользования, как в структурном, так и функциональном отношении. Рассмотрим содержание модернизации наиболее важного аспекта управления землепользованием – организационно-экономического.

**Методы исследования.** Система землепользования – сложная управляемая система и требует системного подхода к решению проблем ее модернизации. Управление системой землепользованием включает ряд аспектов управления, разных по своему содержанию, сложности и значимости. Модернизация системы землепользования требует, прежде всего, рассмотрения главного, основного его вопроса, определяющего экономическую и правовую сущность земельных отношений – вопроса собственности на землю. В условиях развитой рыночной экономики земля вовлечена в рыночный оборот, приняла роль товара, функционирует рынок земли. Мировой опыт развитых и многих развивающихся стран показывает, что в условиях развитого рынка земли она более эффективно используется и приносит значительный экономический эффект. Поэтому важнейшим, приоритетным направлением модернизации системы землепользования (экономического аспекта управления) является создание рынка прав собственности (земли несельскохозяйственного назначения) и аренды на землю (земли сельскохозяйственного назначения). Постановлением Президента Республики Узбекистан предусмотрено «гарантирование реализации прав собственности на земельные участки для физических и юридических лиц под жилыми, нежилыми зданиями и строениями, формирование условий для введения земельных участков в

гражданский оборот» [4]. Функционирование рынка земли обеспечивает поступление значительных денежных потоков в государственный бюджет за счет:

- реализации права собственности (приватизации) на земельные участки не сельскохозяйственного назначения;
- реализации права аренды на земельные участки сельскохозяйственного назначения;
- взимания налога на недвижимость (земельный участок несельскохозяйственного назначения);
- взимания земельного налога на земли сельскохозяйственного назначения;
- взимания государственной пошлины за кадастровую регистрацию сделок с земельными участками.

Создание и функционирование рынка земли обеспечивает перераспределение денежных потоков между отраслями экономики.

Следует отметить, что приватизация земельных участков и создание рынка предусматривает не реализацию самой земли, а реализацию только права на земельные участки. Для земель несельскохозяйственного назначения реализуется право собственности на земельные участки, для земель сельскохозяйственного назначения – право аренды земельных участков (на определенный срок). Важным положением функционирования рынка является то, что приватизация земли осуществляется в строгом соответствии с земельным и иным законодательством страны, которое регулирует требования к владельцам и пользователям в области использования и распоряжения земельными участками. В случае государственной или общественной необходимости правительство имеет право выкупить соответствующий земельный участок (или участки) у владельцев по рыночной стоимости (в установленном порядке).

Приватизация земли обеспечивает создание первичного рынка земли, при этом возникает потребность в установлении нормативной стоимостной оценки прав на земельные участки, поскольку такие кадастровые данные в настоящее время в республике отсутствуют (из-за отсутствия самого рынка). С этой целью могут быть применены методы нормативных расчетов, капитализации ранее установленной арендной платы, сравнительной оценки с ценой земли на черном рынке (при его наличии), опыт стран с схожими с нашей республикой социально-экономическими условиями развития экономики и др. По мере возрастания числа сделок с земельными участками на рынке самими владельцами и пользователями формируется вторичный, окончательный земельный рынок и устанавливается рыночная цена собственности и права аренды на земельные участки посредством функционирования рыночного механизма. Доход собственника земельного участка, занимающегося предпринимательской деятельностью,



составляет часть его дохода от его деятельности. В настоящее время структура составляющих доходов не изучена и не установлена.

Создание рынка права аренды земли сельскохозяйственного назначения предусматривает стоимостную оценку права аренды земли на соответствующий срок. Арендные отношения тесно связаны с рентными земельными отношениями [5]. Арендная плата за землю включает следующие составляющие. Собственник земли сельскохозяйственного назначения устанавливает арендную плату за землю, включающую абсолютную земельную ренту (реализация права собственности на землю), дифференциальную ренту I за качество земли и местоположение земельного участка (относительно населенных пунктов, пунктов реализации продукции), дифференциальную ренту II, если он инвестировал средства на повышение качества земли, а также монопольную ренту. Арендатор земельного участка присваивает доход от производства продукции, а также дифференциальную ренту II, если он инвестировал мелиоративные мероприятия для повышения качества земли. В этой связи создание модели устойчивого инновационного землепользования требует модернизации земельных отношений на основе подхода к ним с научных позиций, рассмотрения сущности всех видов ренты, разработки и внедрения механизма их исчисления в производство. Следует отметить, что в условиях функционирования рынка права аренды арендатор, при необходимости и по своему желанию, может реализовать оставшийся не использованный срок аренды земельного участка на рынке. Наличие рынка права аренды земли способствует притоку значительных инвестиций, в том числе иностранных, в сельское хозяйство в целом и по отдельным его секторам специализации, как в растениеводстве, так и животноводстве.

Платежами за использование земли в условиях государственной собственности на землю являются земельный налог, налог за использование оросительной воды как природного ресурса, налог за доставку ее к земельному участку. Земельный налог, взимается государством с арендаторов и включает абсолютную земельную ренту (реализация права собственности государства на землю), дифференциальную ренту I и монопольную (при наличии ее). Абсолютная рента приравнивается доходу с земель худшего качества, дифференциальная рента исчисляется на основе качественной оценки земли по балу бонитета. Дифференциальная рента присваивается государством или арендатором в зависимости от того, кто осуществлял инвестиции в мелиорацию земель.

Следует отметить, что в настоящее время налог за оросительную воду как за ресурс в законодательном порядке не существует. Однако земельный налог за использование богарных и орошаемых земель значительно различается, в

чем существенная разница между этими видами сельскохозяйственных угодий? Какой фактор делает орошаемые земли более ценными и продуктивными сравнительно с используемыми богарными пахотными землями? Безусловно (кроме сложных технологий возделывания сельскохозяйственных культур) оросительная вода. Термин «орошаемые земли» уже предполагает наличие в почве оросительной воды в необходимом количестве и ее подачу к земельному участку (на земельный участок). Другими словами, орошаемые земли – это земельный ресурс вкупе с оросительной водой (ресурсом). Из изложенного, во-первых, следует, что вопросы земельной и водной ренты в настоящее время слабо изучены, а механизмы научного изъятия и присвоения отдельных видов ренты практически не разработаны и не внедрены в практику использования орошаемых земель. Во-вторых, вопросы платежей за орошаемые земли следует решать в комплексе – за использование земельных и водных ресурсов. В-третьих, внедрение реальных рыночных земельных и водных отношений в сельскохозяйственное землепользование должно осуществляться одновременно, то есть инновационная экономика кроме развития рынка земли предполагает и развитие рынка оросительной воды.

Существенной составной частью модернизации управления землепользованием является оптимизация структуры земельных угодий и посевных площадей на основе учета природно-климатических и экономических условий регионов. Целесообразно максимально перенести многолетние фруктовые насаждения из долинной части республики в предгорную зону. Это позволит ввести в хозяйственный оборот ранее не использованные предгорные земли, лучше учитывать климатические особенности, повысить урожайность плодовых насаждений, освободить значительные площади в долинах для посевных культур.

Наиболее актуальным проблемой экономического аспекта управления землепользованием является воспроизводство плодородия почв и соблюдение замкнутого воспроизводственного цикла использования земли. В последние годы воспроизводственный цикл в связи с отсутствием необходимого финансирования восстановления продуктивности почвы постоянно остается незамкнутым, что привело к значительной деградации земель, снижению урожайности сельскохозяйственных культур и продуктивности пастбищного животноводства. Без воспроизводства продуктивности земли, коренной модернизации экономических отношений в обеспечении расширенного воспроизводственного цикла использования земли не возможен переход к устойчивой модели развития землепользования. Затраты хозяйствующих субъектов на воспроизводство плодородия почвы, планируемые на первой стадии воспроизводственного цикла земли в

соответствии с политикой экологизации землепользования и осуществляемые в течение второй и третьей стадий, должны относиться на издержки производства и учитываться при исчислении себестоимости производства продукции. Экологизация землепользования, во-первых, обязывает хозяйствующие субъекты осуществлять воспроизводство продуктивности земли, сохранять и повышать ее качественное состояние, во-вторых, обеспечивает повышение урожайности сельскохозяйственных культур и производство продукции, в-третьих, существенно меняет принятую в настоящее время методику исчисления себестоимости производства продукции. Экономической эффективностью введения севооборотов с бобовыми культурами является (помимо воспроизводства плодородия почвы биологическим методом) существенное укрепление кормовой базы животноводства, увеличение производства животноводческой продукции, обеспечение Продовольственной безопасности страны.

Важнейшей составляющей модернизации экономического аспекта управления землепользованием является внедрение интегрированного управления его системой. Интегрированное управление землепользованием – это способ управления, учитывающий эволюционное по восходящей спирали развитие его системы путем непрерывного накопления знаний, включающий оптимизацию ее структурных и функциональных отношений, обеспечивающий совокупную реализацию воздействия всего комплекса составляющих управленческих аспектов в оптимальной последовательности и определенном обоснованном сочетании и получение синергетического эффекта от использования земельных ресурсов. Следовательно, интегрированное управление объективно предполагает непрерывную модернизацию системы землепользования на основе инновационных нововведений в систему управления, что требует в свою очередь создания научной инфраструктуры в сфере

землепользования, развития научной отрасли «Землепользования», подготовки современных специалистов для решения проблемы перехода к модели устойчивого землепользования.

**Результаты.** Выполненные исследования позволили установить следующее:

– существующая система землепользования является мало эффективной, не отвечающей требованиям устойчивого использования земельных ресурсов в условиях инновационной экономики; требуется коренная ее модернизация, при этом приоритетным направлением модернизации является организационно-экономический аспект управления системой;

– модернизация экономического аспекта управления землепользованием включает создание рынка права собственности на землю (земли несельскохозяйственного назначения) и рынка права аренды земли (земли сельскохозяйственного назначения), внедрение реальных арендных земельных и рентных отношений в землепользование, научное обоснование платежей за землепользование и орошение в условиях рыночной экономики, совершенствование организационно-экономических форм хозяйствования в землепользовании, оптимизацию структуры земельных угодий и посевных площадей в соответствии с природно-климатическими условиями регионов, воспроизводство плодородия почвы и достижение замкнутого воспроизводственного цикла использования земель;

– модернизация системы землепользования требует осуществления непрерывной инновационной деятельности, создание научно-исследовательской инфраструктуры, подготовки высококвалифицированных специалистов для сферы землепользования, необходимых инвестиций для этих целей и внедрения научных нововведений в систему использования земельных ресурсов, для перехода к модели устойчивого инвестиционного землепользования.

#### ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТУРАТУРА:

1. Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 г. № УП-4947.
2. Указ Президента Республики Узбекистан от 21 сентября 2018 г. № УП-5544 «Об утверждении Стратегии инновационного развития Республики Узбекистан на 2019-2021 годы».
3. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 20 октября 2018 г № 841 «О мерах по реализации национальных целей и задач в области устойчивого развития на период до 2030 года».
4. Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному совершенствованию процессов урбанизации» от 10 января 2019 г. № УП-5623.
5. Хлыстун В.Н., Пальчиков Ф.И. Земельные отношения и землеустройство. М.: Колос, 1984. – 278 с.
6. Нарбаев Ш.К. Объединения дехканских пастбищепользователей. Ташкент, МВССО, ТИИ-ИМСХ. – 128 с.

## ТЕЗИС НИМА? У ҚАНДАЙ ТУЗИЛАДИ ВА ЧОП ЭТИЛАДИ?

**Раджапбай ДУСМУРАТОВ,**

ТошДАУ, и.ф.д., профессор, «Ўзбекистон Республикаси олий таълими аълочиси»

**Аннотация:** Мақола ёш изланувчилар ва илм йўлини танлаган магистратура талабаларига мўлжалланган бўлиб, унда илмий маъруза тезисларининг мазмуни, ёзиш тартиби (қоидаси), расмийлаштириш ва эълон қилиш масалалари ёритилган. Шунингдек, маъруза тезислари тур-қумланган, хусусиятлари ва илмий мақоладан фарқли жиҳатлари очиб берилган, тезисларни тайёрлаш ва чоп этиш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар берилган.

**Аннотация:** Статья предназначена молодым соискателям и студентам магистратуры, избравшие научную деятельность. В частности, вней освещены сущность тезисов научного доклада, порядок(правила) их составления, оформления и опубликования. Также, охарактеризованы типы тезисов научного доклада, раскрыто их особенности, отличительные аспекты от научной статьи, даны предложения и рекомендации по подготовке и опубликованию.

**Abstract:** The article is intended for young applicants and graduate students who have chosen scientific activities. In particular, the essence of the theses of the scientific report, the procedure (rules) for their preparation, design and publication are highlighted. Also, the types of theses of the scientific report are characterized, their features, distinctive aspects from the scientific article are described, suggestions and recommendations for the preparation and publication are given.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сонли «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан тасдиқланган «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисида Низом»нинг 16 бандига мувофиқ таянч докторантурага: «фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий натижалар, шу жумладан илмий журналларда чоп этилган камида битта мақола ҳамда тегишли йўналишлар бўйича иккитадан кам бўлмаган илмий ишлар тўпламларига киритилган маъруза тезисларига эга бўлганлар» [1] қабул қилинади.

Фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун тадқиқотлар олиб бораётган изланувчилар, профессор-ўқитувчилар ва талабалар илмий-амалий конференциялар тўпламларида тезис чоп эттирадilar. Лекин уларнинг айримлари: тезис нима? Унинг илмий мақоладан фарқлари қандай? Тезиснинг таркиби ва уни расмийлаштиришга қандай талаблар қўйилади? – каби саволларга жавоб бера олмайди. Бу борада муаллифнинг шахсий кузатувлари ва таҳлили шуни тасдиқламоқда-ки, илмий- амалий конференцияларда чоп этилаётган материалларнинг кўпчилиги маъруза тезислари учун белгиланган талабларга жавоб

бермайди. Айримларида илм ҳам йўқ, амалиёт ҳам, яъни назарий ва эмпирик тадқиқотлар натижаси эмас, фақатгина ахборот тавсифига эга материал холос.

Хўш тезис ўзи нима? Тезиснинг илмий мақоладан фарқи қандай?

Тезис тушунчаси Ўзбек тили изоҳли луғатининг 4 жилдида қуйидагича таърифланган: «Тезис (юн. thesis – қоида; исбот) 1 илмий асар, мақола, маъруза ва шу кабилардаги асосий ғояларнинг қисқа ва лўнда баёни» [2.52 б.].

Бу тушунча Ўзбекистон миллий энциклопедиясининг 2-жилдида янада батафсилроқ тавсифланган: «Тезис (юн. thesis – қоида; исбот) – 1) кенг маънода – баҳсда ёки бирор назарияни баён қилишда айтилган ҳар қандай фикр; тор маънода – асосий фикр, принцип; 2) мантиқда исбот қилишни талаб этувчи фикр, мулоҳаза [3.329 б.].

Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, тезис эмас, илмий маъруза тезислари!

Илмий маъруза тезислари – илмий конференция (ёки симпозиум) бошланишидан олдин чоп этилиб, унда қилинадиган илмий маърузанинг асосий ва муҳим жиҳатлари акс эттирилган дастлабки материал. Илмий маъруза тезисларининг матни 1,5 интервалда ҳажми 2-3 бетдан ошмаслиги лозим. Бунга эришиш учун муаллиф илмий маъруза (ёки мақола) тезисини тузиш қоидаларини билиши ке-

**Калит сўзлар:** тезис, илмий маъруза, маъруза тезислари, тезисларнинг турлари, тадқиқот методикаси, муаллиф, илмий шарҳ, хулоса.

рак. Чунки ўқувчилар тезислар сифати бўйича муаллифнинг маърузасини эшитиш ва / ёки маъруза матни билан тўлиқ танишиш ҳақида қарор қабул қиладилар.

Илмий маъруза долзарб мавзуга бағишланган ва муваффақиятли ёзилган бўлишига қарамадан, унинг тезислари сифатсиз тузилган бўлса, бу ўқувчилар эътиборини жалб қилмайди. Аксинча, малакали тузилган тезислар ўқувчиларнинг эътиборини маърузачига ҳам, илмий материалга ҳам жалб қилади. Албатта, тезислар сифати илмий маъруза (ёки мақола)нинг ҳақиқий мазмуни ва ютуғи билан боғлиқ. Уни тезислар шаклида муваффақиятли тақдим этиш ҳам мумкин, бузиб қўйиш ҳам мумкин. Агар муаллиф илмий маъруза, мақола ва унинг тақдимотини муваффақиятли тайёрлаган, масалага малакали ёндашган ва маълум илмий натижаларга эришган бўлса, мазкур масалани ёзма шаклда қисқа ва лўнда тақдим этиш унинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Буни удалаш учун муаллифдан маълум меҳнат, тажриба ва вақт талаб қилинади. Лекин бу жараёнда баён қилинаётган материал ёки масалани чуқурроқ тушунсангиз, кўпинча янги фикрлар пайдо бўлади ва ўз ишининг моҳиятини бошқаларга тушунтириш осонлашади.

Ушбу вазифани самарали ҳал этиш учун ёш изланувчилар маълум қоидаларни билишлари лозим. Илмий ишлар тезислари тузиш даврига кўра:

1. Тайёр илмий маъруза (ёки мақола) асосида тузиладиган тезислар;

2. Илмий маъруза (ёки мақола) ёзилишидан олдин тузиладиган тезислар.

Тайёр илмий маъруза (ёки мақола) асосида тезислар тузишда мураккаблик унинг мазмуни бузмасдан, ҳажмини кичрайтириш ва сифатини оширишдан иборат. Агар муаллиф илмий маъруза (ёки мақола) мазмуни чуқур тушунмаса, уни тезисларга айлантиришда қийналади, ҳатто мазмуни бузиб қўйиши ҳам мумкин. Дастлаб муаллиф материални диққат билан 2-3 марта ўқиб чиқиш ва мазмунига кўра бир неча (5-6 ва ундан кўпроқ) парчаларга ажратиши тавсия этилади. Сўнгра ҳар бир парчани диққат билан яна ўқиб, ундаги муҳим (калит) сўзлар ва сўз бирикмаларини белгилаш, унинг моҳиятини ўқиб, янгидан («қисқа ва лўнда») алоҳида гап (қоида) тузи-


лади. Мана шунга тезис дейилади.

Ҳозирги вақтда иккинчи тоифага кирадиган, яъни олдин бирон-бир долзарб масала устида ўйлаб, шакллантирилган ғоя асосида маъруза тезислари тузиш ҳолатлари кўпроқ учрайди. Лекин, кейинчалик уларнинг кўпчилиги кенгайтирилиб (ривожлантирилиб), илмий маъруза (мақола) даражасига етказилмайди. Бунинг асосий сабаблари: биринчидан, тезисларни «номига» ёки «сони учун» чоп этиш мутлақо яроқсиз, ғайриилмий матнни (сўзлар йиғиндисини) тўпламга киритиш; иккинчидан, муаллифнинг ёзма қўлланма бўлган илмий ғоясини охиригача, пухта шакллантирмаганлиги бўлиши мумкин. Иккинчи сабаби илмий тадқиқотларда «нормал» ҳолат ҳисобланади.

Бунда пайдо бўлган ғояларни тезислар шаклида тўғри шакллантириш муҳимдир. Албатта, дастлаб, ёзув ҳажми жуда қисқа бўлиши мумкин. Чунки «қозонда бори чўмичга чиқади». Кейинчалик, ушбу ғоянинг муҳим жиҳатлари муаллиф томонидан ривожлантирилиб, ўқувчи учун тушунарли ва қизиқарли тарзда баён қилинади. Илмий ғоянинг ушбу барча жиҳатлари кўпи билан 2-3 бетга жойлашади. Тезислар шу тарзда дунёга келади.

Кейинчалик эса муаллиф «ҳафсала» қилса, муаммо устида изланишни давом эттирса, тезислардан яхши илмий маъруза (ҳатто бир нечта) чиқиши мумкин.

Илмий маъруза тезисларининг умумий-манتيқий тузилмасини кўйидагича тақдим этиш мумкин (1 - расм).



1-расм. Илмий маъруза тезисларининг умумий тузилмаси

Энди илмий маъруза тезисларини расмийлаштириш хусусида.

Ҳар қандай илмий-тадқиқот натижаси бўйича илмий маъруза тезислари кўйидаги талабларга мувофиқ расмийлаштирилади:

- юқоридан ўнг бурчақда муаллиф(лар)нинг



фамилияси ва исми-шарифининг бош ҳарфлари ҳамда у ҳақда маълумотлар келтирилади;

- илмий маъруза тезисларининг номи (мавзуси) унинг асосий ғоясини, мазмунини ва муҳим жиҳатларини ифодалайдиган 2-5 та сўздан иборат бўлиши мумкин.

Илмий ишлар тезисларини бундай «қисқа ва лўнда» тузишнинг яна бир мураккаб жиҳати уларнинг типлари билан боғлиқ:

1. Илмий муаммолар илгари сурилган тезислар;

2. Тадқиқот натижалари баён қилинган тезислар;

3. Янги методика яратилган тезислар.

Тезисларнинг ҳар бир типи таркибига кўра маълум талабларга жавоб бериши лозим (1,2,3-жадвалларга қаранг).

3-жадвал

«Янги методика яратилган тезислар» тайёрлашда қуйидаги қисмларга бўлинади:

№	Таркиби	Мавзу:
1	Тадқиқот мақсади (қандайдир янги методика яратиш)	
2	Мавжуд методикалар шарҳи	
3	Янги методика баёни	
4	Янги методикани қўллаш натижалари	
5	Янги методиканинг афзалликлари ва камчиликлари	
6	Хулосалар	

Одатда, тезисларни расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар конвенциянинг ташкилий қўмитаси томонидан ахборот хатида белгиланади ва барча қўйиладиган қатнашчилар эътиборига етказилади.

1-жадвал

«Илмий муаммолар илгари сурилган тезислар» таркиби қуйидагича:

№	Таркиби	Мавзу:
1	Мавзунинг долзарблиги	
2	Тадқиқот мақсади	
3	Вазифалар (муаммолар)	
4	Муаммога мавжуд ёндашувлар	
5	Муаллифнинг ёндашувлари	
6	Режалаштирилаётган тадқиқотлар	
7	Хулоса (истикболи)	

2-жадвал

«Тадқиқот натижалари баён қилинадиган тезислар» таркиби:

№	Таркиби	Мавзу:
1	Мавзунинг долзарблиги (қисқача)	
2	Тадқиқот мақсади	
3	Таянч қоидалар ёки гипотезалар (экспериментал тадқиқотларда)	
4	Тадқиқот методлари	
5	Танлаш ўлчамлари	
6	Оралиқ натижалар (зарурат бўлганда)	
7	Асосий натижалар	
8	Натижалар талқини ва хулоса	

Ушбу талабларга қатъий риоя қилиш лозим. Акс ҳолда илмий маърузалар тезисларининг тўпламини шакллантиришда муаммолар келиб чиқиши ва тақдим қилинган материаллар ташкилий қўмита томонидан рад этилиши мумкин.

Илмий маъруза тезислар шаклида тақдим этилганда, одатда манбаларни шарҳлаш, иқтибослар ва кўргазмали материаллар (расм, жадвал, диаграмма, графиклар ва б.) келтириш тавсия этилмайди.

Ҳар бир тезис янги хатбосидан бошланади ва битта ёки бир нечта гапдан иборат бўлиб, алоҳида мазмунга эга бўлади.

Тезислар ҳажми кичкина бўлганлиги учун унинг аҳамияти илмий мақоладан пастроқ деган нотўғри фикрлар ҳам учрайди. Аслида тезислар мукамал илмий ғоянинг ёки кенг қамровли тадқиқот натижаларининг қисқача баёни ҳисобланади. Шу боис, фикримизча, сўнгги ҳолат учун тезисларни тайёрлашда диссертациянинг боби бўйича олинган хулосалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Илмий маърузада эса бобдаги асосий таҳлиллар, кўргазма-

ли материаллар ва олинган натижалар батафсил тақдим қилиниши мумкин.

Шундай қилиб, баён қилинган фикр-мулоҳазаларни умумлаштириш асосида илмий маъруза тезисларини тайёрлашнинг «йўл харитаси»ни қуйидагича шакллантирамиз:

- аввало, сизнинг тайёрлаётган маъруза тезисларингиз юқорида келтирилган 3 та типдан қайси бирига тегишлилигини аниқлаштиринг ва унинг тузилмасига тўхталинг;

- тадқиқотингизнинг асосий натижаси ёки хулосаси қандай бўлишини аниқ тасаввур қилинг;

- тезисларингизга бирламчи мавзу шакллантиринг. Айти вақтда қуйидагиларни эътиборда тутинг: тезисларингизнинг қайси типга мансублиги; олинган асосий натижа (хулоса) ва унинг тезислардаги баёни; тақдим қилинаётган конференция (унинг секцияси) номи;

- тезисларингиз таркибий бўлимларини сиз танлаган типдаги тузилма бўлимлари билан мос тарзда тузинг. Ҳар бир бўлимда нима ҳақда сўз юритилиши устида чуқур ўйланг ва унинг асосий ғояси (тезиси)ни ҳар бир бўлимнинг тўғрисида битта жумла (гап) билан ёзинг. Одатда, тезислар матнида битта бўлимга битта хатбоши тўғри келади. Агар сизда битта бўлимга бир нечта ғоялар тўғри келса, демак, бу бўлим бир нечта хатбошидан иборат бўлади. Шу тарзда тезисларингизнинг дастлабки «скелети» пайдо бўлади;

- ёзилганларни диққат билан ўқинг, ушбу бўлимлар ва хатбошилар мавзу мазмунини тўлиқ очиб бериш учун етарлилигини текширинг. «Кемтик» жойларини тўлдириш ва таҳрир қилинг. Зарур бўлса мавзуга ҳам ўзгартириш киритишингиз мумкин;

- тезисларни расмийлаштириш қоидаларини диққат билан ўқиб чиқинг ва бунда уларнинг ҳажмига эътибор беринг. Уни талаб қилинаётган шрифт бўйича қаторлар сонига айлантинг, ушбу ҳажмни бўлимлар ва хатбошилар ўртасида тақсимланг. Шундай қи-

либ, тезисларингизнинг батафсил режасига эга бўласиз. Энди уни ёзишга киришишингиз мумкин;

- таркиб бўйича биринчи хат бошидан бошлаб, навбат билан ўз (!) фикрларингизни баён қилинг ва бунда ажратилган ҳажмга риоя қилинг. Албатта кетма-кетликни бузманг, биринчи хатбошини ёзганингиздан кейин иккинчисига ўтинг ва ҳ.к.;

- ҳосил бўлган матнни тўлиғича ўқиб чиқинг. Ҳар бир хатбошини ва битта хатбошидан кейингисига ўтиш (боғланиш) жойларини таҳрир қилинг. Тезисларни тайёрлаш жараёнида янги фикрлар пайдо бўлиш эҳтимоли жуда юқори. Агар янги фикр матнга киритилишини лозим деб ҳисобласангиз, уларни тегишли жойларга киритинг ва қайта кўриб чиқинг. Булар натижасида айрим хатбошилар ҳажми ошиши мумкин, муҳими тезислар сифати яхшиланиши ва хулосалар кучайиши лозим;

- тезисларнинг конференция «Ахборот хати»да кўрсатилган ҳажмга мос келишини текширинг. Агар ҳажми бироз ошиб кетган бўлса, иккинчи даражали жойларини қисқартиринг ва мазмунини бузиб қўймасдан таҳрир қилинг;

- тезисларни ташкилий қўмита томонидан қўйилган барча талабларга мувофиқ расмийлаштиринг;

- тайёрланган тезисларни илмий раҳбарингиз ва малакали ҳамкасбларингизга кўрсатинг, ишнинг мазмуни, савияси ва асосланганлиги бўйича уларнинг ҳам фикрларини эшитинг;

- ва ниҳоят, тайёр тезисларингизни конференция ташкилий қўмитасига жўнатишингиз мумкин.

Умумий хулоса шундан иборатки, илмий иш тезислари, унинг асосий ғоялари мантиқан изчил, қисқа ва лўнда баён қилинган ҳамда малакали ўқувчиларга йўлланган материал ҳисобланади.

#### ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон «Олий ўқув юртдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори,
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж. IV, -Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. – 608 б.
3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8-жилд. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2004. – 704 б.

## СУВ ХЎЖАЛИГИ ТИЗИМИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

Суҳроб УМАРОВ,

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти и.ф.д., профессор в.б.

**Аннотация:** Мақолада сув хўжалиги тизимини ривожлантиришда интеллектуал мулкнинг ўрни, илмий-тадқиқот ишларини молиялаштириш ҳолати ва инновацион технологияларнинг самарадорлиги баҳоланган. Шу билан бирга, давлатнинг сув хўжалиги тизимидаги инновацион сиёсатини тартиб ва тамойиллари келтирилган.

**Аннотация:** В статье оценивается роль интеллектуальной собственности в развитии систем водоснабжения, состояние финансирования научных исследований и эффективность инновационных технологий. При этом представлены порядок и принципы государственной инновационной политики в системе управления водными ресурсами.

**Abstract:** The article evaluates the role of intellectual property in the development of water management systems, the status of funding research and the effectiveness of innovative technologies. At the same time, the order and principles of the state's innovative policy in the water management system are presented.

Мамакатимизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этилиши мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, сувдан фойдаланувчиларни вегетация даврида сув ресурслари билан узлуксиз равишда таъминлаш ҳамда сув хўжалигининг самарали фаолияти ва моддий-техник таъминоти ҳолатига бевосита боғлиқ. Шу сабабли, мустақиллик йилларида сув хўжалиги тизимини ислоҳ қилиш, тизимда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, моддий-техник таъминотни тубдан яхшилаш, сув хўжалиги корхоналарини модернизациялашни барқарор молиялаштириб бориш йўналишларида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Жумладан, республикада суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобига қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолати яхшиланиши кузатила бошланди. Шунингдек, тизимда замонавий тежамкор технологияларни жорий этиш (хусусан, томчилатиб суғориш) ҳамда сувдан самарали фойдаланишни рағбатлантирувчи (аксинча, жазо чораларини қўллаш) ташкилий-иқтисодий механизмларни такомиллаштириш чора-тадбирлари амалга оширилди. Бироқ, узоқ йиллар давомида шакланган, йирик молиявий маблағларни талаб этувчи сув хўжалиги объектларининг бугунги ҳолати тизимда мулақо янгича ёндашувлар асосида модернизациялаш тадбирларини талаб этади. Шу боис, истиқболда сув хўжалиги тизими-

да “илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга кенг жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш” масаласи стратегик вазифа қилиб белгилаб олинди [1].

Сув хўжалиги тизими корхоналарига инновацияларни жорий этиш ўз мазмуни ва моҳияти жиҳатидан бир бутун жараён сифатида қаралиши лозим. Амалга оширилган илмий ишланмалар ва мавжуд ҳолатнинг таҳлиллари асосида сув хўжалиги соҳаси учун инновацион жараён ёки инновацияларга қуйидагича талқин этиш мумкин. Яни, ишлаб чиқаришнинг амалий муаммоларини иқтисодий тежамкор, техник жиҳатдан мустақкам, нисбатан самаралироқ ишлатилиши мумкин бўлган техник воситалар, усуллар, ташкилий-иқтисодий механизмларни ўз ичига олган аниқ илмий ишланмаларни амалиётга жорий қилиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар мажмуидан иборат.

Сув хўжалиги соҳасини инновацион ривожлантиришда, яъни ишлаб чиқаришда илмфан янгиликларидан фойдаланиш имконини берувчи зарур моддий-техник, молиявий, интеллектуал салоҳият, ахборот, илмий-техник ресурслар тарқатиш билан боғлиқ инфратузилманинг (моддий-техник ресурслар; моддий ва номоддий активлар; молиявий ресурслар; ташкилий, ҳуқуқий ресурслар; тадбиркорликни рағбатлантирувчи ижтимоий-сиёсий омиларнинг мутаносиб фаолияти) мавжуд-

**Калит сўзлар:** сув хўжалиги, инновацион фаолият, инновацион ишланмалар, интеллектуал мулк, инновацияларни рағбатлантириш йўналишлари, инновацион сиёсат.

лиги асосий рол ўйнайди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳам, ўз навбатида инновацион жараёнларни ташкил этиш учун – инновацион ғоя ва ишланмаларни жорий қилишни молиялаштириш учун етарли пул маблағларига, инновацион ғоялар асосида рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун тегишли моддий-техника базасига, янгиликларни амалга ошириш ва уни жорий этиш учун интеллектуал салоҳиятга эга ходимларга эга бўлиши талаб этилади [2].

Сув хўжалиги тизимини инновацион ривожлантиришни бошқариш, энг аввало, илмий-техник ва лойиҳа-тадқиқот муассасалари ҳамда сув хўжалиги, қурилиш ва эксплуатацион ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Бунда илмий-техник тараққиёт қатор ўзаро бир-бирига боғлиқ бўғинларни, илмий ғояларни ишлаб чиқишдан тортиб, уларни амалда қўллашгача бўлган жараёнларни қамраб олади. Шунингдек, соҳада ишлаб чиқариш ва илм-фан ўртасидаги интеграцияни таъминлаш билан биргаликда моддий-техник таъминот тизимининг инновацион ривожланиш ҳолатига мослигини таъминлаш талаб этилади.

Иқтисодийнинг бошқа тармоқлари каби сув хўжалигида ҳам инновацион фаолликни ривожлантиришда интеллектуал мулкнинг ўрни бекиёс бўлиб, тармоқда бу асосан илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш жараёнида кузатилади. Инновацион тадқиқотлар натижасида интеллектуал мулк эгалари томонидан олинган патентлар ва ихтиролар сув хўжалиги тизимида барқарор ўсишга таъсир этмаганлигини кўрсатмоқда.


Тадқиқотларимиз давомида сув хўжалиги тизимида илмий ва инновацион фаолият билан шуғулланувчи олимлар ўртасида ўтказилган социологик сўровлар натижаларига кўра:

– сиз, ўз илмий ва амалий фаолиятингиз давомида яратган янгилик ва кашфиётларингиз учун “Патент олганмисиз?” деган саволга жами респондентларнинг 27 фоизи “ҳа” ва 73 фоизи “йўқ” деб жавоб берган;

– сизнинг яратган илмий ишланмангиз (патентингиз) амалиётга жорий этилганми, деган саволга эса ўз ишланмаси учун патент олган олимларнинг атиги 8,0 фоизи “ҳа” деб жавоб берган. Бу ҳолат соҳа олимларида илмий натижаларни амалиётга жорий қилишдан манфаатдорликнинг пастлиги ва мураккаблигини кўрсатади.

Тадқиқот натижалари давомида ўз кашфиётлари ва илмий ишланмалари учун патент олмаган респондентларга “нима сабабдан Давлат патент идораларига мурожаат қилмадингиз” деган саволимизга респондентларнинг 12 % бунинг учун зарурат бўлмаган, 21 % патент

идораларидаги расмийлаштириш ишлари кўп, 27 % патент олингандан кейин уни амалиётга жорий этиш катта муаммо ҳамда 40 % олинган патентдан моддий манфаатдорлик даражаси паст деган жавоб беришган (1-расм).



1-расм. Жавоб берган респондентлар салмоғи.

Сув ресурсларини интеграллашган ҳолда бошқариш, мавжуд сув хўжалиги объектларини ишлатиш тизимида фаолият кўрсатаётган мутахассислар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ҳамда олий таълим муассасаларида малакали кадрлар тайёрлашни кучайтиришни тақозо қилади. Шунингдек, мавзу доирасида ўтказилган анкета сўровлари натижалари ҳам сув хўжалиги тизимида тайёрланаётган мутахассислар таркибига айрим ўзгаришларни киритишни тақозо қилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш лозимки, иқтисодийнинг муҳим тармоғи бўлган сув хўжалигини инновацион асосда ривожлантириш учун барча ташкилот ва корхоналарда ташкилий-иқтисодий ва технологик жараёнларни бошқариш ҳамда тартибга солиш билан шуғулланувчи кадрлар билан узлуксиз таъминлашнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш талаб этилади.

Мамлакатимизда илм-фаннинг ривожланиб ва такомиллашиб боришига молиялаштириш даражаси катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам, молиялаштириш илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини белгиловчи ва самарали бошқаришнинг асосий қуроли сифатида намоён бўлади. Бу, ўз навбатида, илмий-тадқиқот ишларини олдиндан белгилаб олиш имкониятини беради. Жумладан, давлат секторига тегишли ташкилотларда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларига қилинган харажатларнинг асосий қисми табиий фанлар ҳиссасига (жами харажатларнинг 46,4 фоизи), тадбиркорлик секторига техника фанлари ҳиссасига (64,4 фоиз), олий таълим ҳамда хусусий нотижорат секторларида ижтимоий фанлар ҳиссасига (мос равишда 27,2 ва 51,1 фоиз) тўғри келади.

Қишлоқ хўжалиги фанлари йўналишида ха-



ражатларнинг асосий қисми давлат секторига тўғри келиб, жами харажатларнинг 72,1 фоизи айнан шу секторга тўғри келмоқда.

Республикада сўнгги ўн етти йил мобайнида илмий муассасалар томонидан ўз кучи билан бажарилган илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини молиялаштириш манбаси таркибида жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда. Хусусан, 2000 йилда бажарилган илмий-тадқиқот ишларини молиялаштиришга асосан буюртмачи маблағлари (жами харажатларнинг 44,3 фоизи) жалб қилинган бўлса, сўнгги йилларда илмий-тадқиқот ишларини молиялаштиришда кўпроқ давлат бюджети маблағлари (57,7 фоизи) ва ўз маблағларидан (22,3 фоизи) фойдаланилмоқда. Бундан ташқари, илмий-тадқиқот ишларини молиялаштиришда хорижий манбалар ва бюджетдан ташқари фондлар маблағларидан фойдаланиш ҳам сезиларли даражада ошган.

Башоратларга қараганда, бундан кейин республикада оқиб келадиган сувнинг миқдори ошмайди, аммо глобал ҳарорат кўтарилиши билан сув бузланиши кўпайиши ва аҳоли ўсишини инобатга олганда сув оқими бир йилда 0,2-1 фоизга қадар камайиши мумкин. Ушбу жиҳатларни инобатга олган ҳолда, сувдан экинларни суғоришда самарали фойдаланиш, сув тежовчи технологияларни жорий этишнинг аҳамияти ортиб боради.

Давлат дастурига мувофиқ, кўзда тутилган чора-тадбирлар натижасида 2013-2017 йилларда 535,7 млн м<sup>3</sup> сув тежалган. Тежалган сув ресурсларидан мамлакат иқтисодий-барқарор ривожлантириш, шунингдек, сув тақчиллиги муаммолари ҳамда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалаларини ҳал этиш имконияти кенгайиб боради. Жумладан, анъанавий суғориш усулига нисбатан томчилатиб суғориш усулида 1 гектар майдонга нисбатан 238,0 минг сўм кўпроқни ташкил этади. Таҳлиллар натижасида шуни кўриш мумкинки, ресурслар сарфи ҳисобидан том-

чилатиб суғориш усулида молиявий маблағни тежаб бўлмайди. Демак, ердан фойдаланувчи фақатгина ҳосилдорликнинг оширилиши ҳисобидан молиявий устунликка эришиши мумкин.

Тежалган сувнинг ҳар бир м<sup>3</sup> бошқа соҳада ёки мамлакатнинг бошқа субъектлари томонидан ўзлаштирилиб, ижтимоий аҳамиятга эга бошқа маҳсулотлар яратиш имкониятини беради. Шунингдек, 1 гектар пахта майдонига томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш натижасида, тежаб қолинган 3300 м<sup>3</sup> сув ҳисобига қўшимча 0,27 гектар майдонга картошка экиб, 8,1 тонна ялпи ҳосил етиштириш имконияти яратилади. Ёки ушбу тежаб қолинган сув ҳисобига ғалладан бўшаган майдонларда қўшимча 7,1 тонна сабзаёт маҳсулотлари етиштириш имконияти пайдо бўлади.

Бизнинг фикримизча, инновацияларни қўллаб-қувватлаш ва инновацион сиёсатни ҳар бир соҳанинг ўзига хослиги ҳамда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги тутган ўрни ва аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир. Амалга оширилаётган тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда давлат томонидан сув хўжалиги тизимида инновацион сиёсатни қуйидаги тартиб ва тамойилларини тадбиқ этиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Яъни, бунда: тизимда инновацияларни ишлаб чиқишнинг қонунчилик базасини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш; сув хўжалиги учун олий ва ўрта махсус тайёргарликка эга раҳбар ва мутахассислар тайёрлаш тизimini қўллаб-қувватлаш; тизимда инновацион инфратузилмаларни ривожлантириш; сув хўжалиги тизимида инновацион тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш; интеллектуал мулк эгаларини қўллаб-қувватлаш ва меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш; инновацион ахборот таъминоти ва бу борада тажриба алмашув жараёнларини ташкил этиш ҳамда ривожлантириш йўналишларини қамраб олиш.

### ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. – Т.: Адолат, 2017. – 112 б.
2. Зайнутдинов Ш.Н. Инновацион салоҳиятни ошириш стратегияси. – Ж.: Иқтисодий ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали, 2011. – № 1.
3. Мурадов Р.А. Сув истеъмолчилари уюшмаларида ирригация ва мелиорация тизимларидан фойдаланишнинг технологик асослари. Т.ф.д. илм. даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т., 2015. – 80 б.
4. Умурзаков Ў.П., Умаров С.Р. Сув хўжалигида инновацион салоҳиятдан самарали фойдаланиш йўллари. – Ж. Irrigatsiya va melioratsiya, 2016. – №4(6). – Б. 50-52.
5. Умаров С.Р. Сув хўжалиги тизимида инновацион фаолиятни ривожлантириш йўналишлари. – Ж. Irrigatsiya va melioratsiya, 2017. – №3(9). – Б. 53-56.

## НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА БИОГАЗ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ҚИЛИНИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА ЭНЕРГЕТИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Оқил САЛИМОВ,**

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, академик

**Шавкат ИМОМОВ,**

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, т.ф.д., проф.

**Зульфия МАМАДАЛИЕВА,**

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ўқитувчиси

**Аннотация:** Мақолада анъанавий ресурсларга қўшимча равишда биогаз технологияларини жорий этиш орқали энергия тежаш ва энергия самарадорлигини ошириш имкониятларини таҳлили келтирилган.

**Аннотация:** Статья описывает анализ возможностей энергосбережения и повышения энергетической эффективности путём внедрения кроме традиционных ресурсов биогазовых технологий.

**Abstract:** This article describes the analysis of the possibilities of energy saving and energy efficiency improvement by introducing, in addition to traditional resources, biogas technologies.

**К**ишлоқ хўжалигини ривожлантириш масаласи Республикамиз иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашнинг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Агросаноат мажмуасига янги техника ва илғор технологияларни жорий этиш ишлари йилдан йилга жадаллашиб, чекланган ер ва сув ресурслари, капитал ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш юксалмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади [1]. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш орқали ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, қайта ишлаш саноатини хом ашё билан узлуксизлигини таъминлаш орқали мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторининг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш истиқболда амалга оширилиши кўзда тутилган энг муҳим вазифалардан саналади.

Фарғона водийсининг қишлоқ жойларида деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғуллана-

ётган 60% гача аҳоли яшайди. Марказдан узоқ жойлашган ва бориши қийин бўлган аҳоли пунктларида энергия етказувчилар қийматининг доимий ўсиши ва талабга жавоб бермаслиги оқибатида қўшимча оммабоп иссиқлик ва электр энергия яратувчи мустақил муқобил энергия таъминот тизимларини ривожлантиришни тақозо этади. Шунингдек, истеъмолчилар тоифасини инобатга олган ҳолда етказиб берилётган энергия ресурслари қийматини аниқлашда табақалаштирилган ёндашувининг мавжуд эмаслиги улардан нооқилона фойдаланишга олиб келмоқда. Энергия тежамкор технологиялар ва муқобил энергия манбаларини жорий этишни рағбатлантирмаслиги ҳолатлари кузатилди [2]. Ушбу ҳолатларни бартараф этиш учун марказ энергия таъминотидан узоқ жойлашган қишлоқ жойларида биогаз технологияларни жорий қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади. Маълумки, ушбу технология орқали нафақат захирали энергоманбаи бўлган биогазни ишлаб чиқиш, балки экологик муҳитни сезиларли даражада яхшилаш имконини беради. Ишлаб чиқилган биогаз тозалов ва компреслашдан кейин маиший мақсадлар, электр энергияни олиш, ҳамда транспорт воситаларини ёқилғи билан таъминлаш вазифасини ўтайди. Биомассанинг

**Калит сўзлар:** биогаз технологиялари, энергия ресурси, иссиқлик энергияси, энергетик истиқбол, янги техника, илғор технология, капитал, меҳнат ресурслари, қишлоқ хўжалиги.

метан бижғишдан ҳосил бўлган чиқиндилар экологик тоза, сифатли ўғит ҳамда озуқавий биоқўшимчалар сифатида фойдаланиш мумкин. Ҳар бир фермер хўжалиги учун қурилманинг схемаси ҳар хил бўлиб, омилларнинг кўплигига, яъни қорамоллар сонини ҳажми, ўғитлар сотиш имконияти, мавжуд энергия узатувчиларнинг нархи, аҳоли пунктларни жойлашуви ва шу каби омилларга боғлиқ бўлади. Шу сабабли тадқиқотнинг биринчи босқичида вилоятда мавжуд қорамол ва паррандалар таҳлил қилинди. Биринчи жадал маълумотларидан биогаз чиқиндининг энг катта ҳажми қорамол ва йилқиларнинг чиқиндисидан ишлаб чиқилади. 2017 йилда Наманган вилоятида жами 680098 бош қорамол, 702390 бош қўй ва эчки, 6655 бош от, 3839 минг бош парранда боқилиши кузатилди (1-жадвал).

Наманган вилоятида мавжуд уй ҳайвонлари ва паррандалар орқали биогаз ишлаб чиқиш салоҳияти кўрсаткичлари

Органик чиқинди манбалари	Ўлчов бирлиги	Жами	Органик чиқиндининг чиқиши т.		1 т гўнган биогаз чиқиш м3	биогаз чиқинмиқдори	
			1 кунлик	1 йиллик		1 кунлик	1 йиллик
Йирик шохли қорамолар	бош	680098	3060,441	1117060,97	31	94873,671	34628889,9
Қўй ва эчкилар	бош	702390	1053,585	384558,525	35	36875,475	13459548,4
Отлар	бош	6655	43,2575	15788,9875	25	1081,4375	394724,688
Паррандалар	минг. бош	3839,8	1919,9	700763,5	45	86395,5	31534357,5
<b>Жами</b>		<b>2073081</b>	<b>9371,3185</b>	<b>3420531,25</b>		<b>227850,34</b>	<b>83165375</b>

ганлигини ҳисобга олсак, истиқболда ишлаб чиқилиши мумкин бўлган биогаз орқали бир кунда 5300 га яқин киши ва бир йилда 1934078 кишиларни яъни вилоят аҳолисини 73 фоизининг эҳтиёжини қондириши мумкин.

Юқоридаги жадаллардан вилоятда биогаз ишлаб чиқиш салоҳиятини ўрганилганда, унинг асосий истемол мақсадларини кўриб чиқайлик. Агар 1 м<sup>3</sup> дан 2 кВт электр энергия ҳамда 4 кВт иссиқлик энергияси ишлаб чиқини ҳисобга оладиган бўлсак, вилоятимизда бир йилда 455700,685 кВт электр энергия

## 1-жадвал.

Наманган вилоятида боқилаётган уй ҳайвонлари ва паррандалар ҳақида маълумот

Органик чиқинди манбалари	Ўчов бирлиги	Жами	Шу жумладан		
			фермер хўжаликларида	Дехқон хўжаликларида	Қишлоқ хўжалик корхоналарида
Йирик шохли қорамолар	бош	680098	23500	654959	1639
Қўй ва эчкилар	бош	702390	25544	674796	2050
Отлар	бош	6655	401	6222	32
Паррандалар	минг. бош	3839,8	1435,3	1690,4	714,1
Пилла	тонна	2827	2624,2		203

**Изоҳ:** жадал муаллиф томонидан Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотларидан тайёрланди.

Шундай қилиб, агар барча фаолият кўрсатётган фермер хўжаликларида биогаз қурилмалари ўрнатилса, бир йилда 3420531,25 тонна органик чиқинди қайта ишланиб, натижада бир йилда 83165375 м<sup>3</sup> биогаз олиниши мумкин (2-жадвал).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 октябрдаги 421-сонли фармонида асосан бир киши бошига иситиш ва кундалик эҳтиёжлар учун 43 м<sup>3</sup> белгилан-

ҳамда 113925,17 Дж. Иссиқлик энергияси билан таъминлаш имконини беради (3-жадвал). Шунингдек, 93099650 сўм электр энергия ва 143927363,5 сўмлик иссиқлик энергиясини ишлаб чиқиш имконини беради.

Бижиш режими м л а р и га боғлиқ ра-

вишда биогаз потенциал ҳажмини ёқишда 185,95 дан 297.52 минг Гкалл, яъни иссиқлик энергияга мавжуд тарифларнинг нархига кўра 606,36 дан 970,18 млн. сўмни ташкил этади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини иқтисодий самарадорлигини оширишнинг муҳим йўлларида бири янги асосдаги ишлаб чиқариш интенсивлаштириш омилларини ҳар томонлама таҳлилисиз амалга ошириб бўлмайдиган ишлаб чиқариш ресурс сиғими-

**Наманган вилоятида биогаз ишлаб чиқиш орқали электр ва иссиқлик энергияси билан таъминланиш кўрсаткичлари**

3-жадвал.

баробар кўп энергия сарфини талаб этади.

	Ўлч. бирл.	жами	Эл. энергия чиқариш 1 м <sup>3</sup> =2 кВт	Эл. Энергия қиймати 1кВт=204,3 сўм	иссиқлик энергия учун 4 кВт	иссиқлик энергия қиймати 1263,35
Йирик шохли қорамолар	бош	680098	189747,34	38765382	47436,84	59929326,76
Қўй ва эчкилар	бош	702390	73750,95	15067319	18437,74	23293316,3
Отлар	бош	6655	2162,875	441875,4	540,7188	683117,0328
Паррандалар	минг. бош	3839,8	172791	35301201	43197,75	54573877,46
Жами		2073081	455700,69	93099650	113925,2	143927363,5

Изоҳ: жадвал муаллиф томонидан тайёрланди

ни камайтириш. Шундай асос сифатида ишлаб чиқариш пировард натижаларнинг энергетик таҳлили келиши мумкин. Ушбу таҳлил янги техникадан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқловчи мавжуд услубиётни ўзгартирмай янги таркиб билан бойитади. Шунингдек, янги техникадан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда қиймат кўрсаткичлари ҳақиқий самарадорликни тўлалигича тасвирлаб бера олмайди. Янги техникани яратиш ва жорий этиш мақбуллиги тўғрисидаги қарор юқоридаги услубиётга асосан комплекс баҳо – яъни энергетик ва қиймат баҳолар асосида қабул қилиниши зарур.

Ишлаб чиқаришни жадаллаштириш тўғрисида тўғри энергоистеъмол ва энергия ресурслардан фойдаланишга боғлиқлиги сабабли энергетик баҳосини ўрганиш зарур. Ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг мақсади фойдали натижани яратиш бўлиб, бунинг учун энергия харажати талаб этганлиги энергетик меъзонини моҳиятини белгилаб беради. Энергетик баҳо асосида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини унинг барча таркибий қисмларини бир бутун тизимга қамраб олади. Маҳсулот бирлигини ишлаб чиқиш энергия сизими янги техника жорий этишни белгиловчи муҳим кўрсаткичи бўлиб, унинг катталигини пасайиши эса техник ечимларни янгилик даражасини тавсифловчи муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Энергетик таҳлилни амалга оширишда энергия сизимини пасайиши маҳсулот сифатига таъсир кўрсатмай атроф-муҳитга зарар етказилмаслик шартлари бажарилиши зарур. Шунингдек, гўнгни қайта ишлашдан сўнг ҳосил бўлган органик ўғитлардан фойдаланиш минерал ўғитлар қўлланилишини камайтирганлиги сабабли маблағ ва энергияни тежалишига имкон беради. Минерал ўғитдаги бир хил ҳосилини олиш учун маҳаллий органик ўғитдан фойдаланганликка нисбатан уч

0,7–0,9 электр энергиясига айланттирилганда эса 0,25–0,3 ни ташкил этади. Биоқурилмаларнинг қуйидаги афзалликларини таъкидлаш зарур: улар хўжаликнинг энерготаяминотидаги эҳтиёжини қондиради, атроф-муҳитнинг муҳофазаланишига ёрдам беради. Чунки чиқиндиларни анаэроб қайта ишлаш жараёнида экологик тоза органик ўғит ҳосил бўлади, оқсил азотининг катта миқдори ўсимликларга зарур бўлган аммиакка айланади, ёввойи ўтлар гелминтлар, зараркунандалар нобуд бўлиб, ёқимсиз ҳидлар бартараф этилади. Бижилган массадан фойдаланиш орқали экинлар ҳосилдорлиги ошириш мумкин. Биогаздан фойдаланиш жараёнини энергетик ва экологик нуқтаи назаридан қаралганда, уларнинг нисбати 22/78 фоизга тенг.

Қурилманинг самарадорлигини аниқлаш учун энергетик усулда баҳолаш ўтказилди. Ҳосил бўлган натижа (биогазнинг чиқиши) қурилмани тайёрлашга қўшимча харажатлардан ошмаслиги керак, яъни қуйидаги шартлар бажарилиши керак:

$$B/\Delta < (B_1 + \Delta B) / (\Delta \mathcal{E} + \Delta \mathcal{E})$$

Бунда В-қурилмада чиқаётган биогаз ҳажми; В<sub>1</sub>- кўрилатган қурилмадаги биогаз ҳажми; ΔВ – ишлаб чиқилган қурилмада қўшимча биогаз ҳажми; Δ – мавжуд қурилмани энергетик харажатлари; Δ<sub>1</sub>-кўрилатган қурилманинг энергетик харажатлари; ΔΔ – ишлаб чиқилган қурилмага кетган қўшимча энергетик харажатлари.

Биогаз қурилмаларини ишлаб чиқишга кетган энергетик харажатлар металл сизимини энергетик эквивалентга ўтказиш коэффициентини аниқлаш мумкин.

$$\mathcal{E} = M_c * K$$

бу ерда Мс – биогаз қурилмаси конструкциясининг солиштирма металл сизими; К – биогаз қурилмасининг энергетик эквиваленти.

Агар энергетик ҳисоб усулидан фойдаланиладиган бўлса, унда биогаз қурилмасини ишлаб



чиқиш энергияни такрор ишлаб чиқариш коэффициенти  $K > 1$  бўлганда ўзини оқлайди, акс ҳолда унинг саноат ишланмасига маблағ қўйиш фойдасиздир. Интенсивлаштириш жараёнининг даражаси қуйидаги самарадорлик коэффициенти билан баҳоланади.

$$A = ((B_1 + \Delta B) / (\Delta_1 + \Delta \Delta)) / (B / \Delta) = \Delta / \Delta_1$$

Бу ерда  $A > 1$  бўлганда жараён самаралидир.

Биогаз ишлаб чиқишини таннархини ҳисоблашдаги энергетик усули маълум мураккабликни кўзлаб, хўжалик энергия таъминоти тизимининг самарадорлиги ҳақида тўла маълумот бера олмайди. Ҳосил бўлган маҳсулот ҳажми биогаз ишлаб чиқишдаги бижиш технологиясига боғлиқ бўлади. Қуйидаги бижиш режимларида ФИКни кўрайлик: Психрофил режимда 100дан 300гача – 50%. Мезофил режимда 320 дан 390 гача – 70%. Термофил режимда 500 дан 550 гача 55%.

Республикада аксарият ҳолатларда мавжуд биогаз қурилмалари мезофил режимда ишлаш учун мўлжалланган. Бижишнинг биринчи (гидролиз) фазасида углевод ёғ ва азот таркибли моддалардан ёғли кислоталар, водород ва органик кислоталар ҳосил бўлади. Иккинчи (кислота ҳосил қилувчи) фазасида органик кислоталар – сирка, пропион, ёғ, алдагид, водород, карбонад ангидрид, аммиак ва водород сульфит кислоталари ҳосил бўлади. Учинчи (ацетоген ёки метаногенез) фазасида сирка кислотаси метан, оқсил кислотаси ва сув ҳамда кейинчалик водород ва оқсил кислотаси метан ва сувни ҳосил қиладилар. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, бир тонна қуруқ гўнг моддасидан оптимал шароитдаги анаэроб би-

жиш натижасида 350 м<sup>3</sup> биогаз ёки бир бош қорамол бир суткада 2,5–5 м<sup>3</sup> биогазни ҳосил қилади. Ҳосил бўлаётган биогазни двигателлар учун эквивалент ҳисобланса, бир бош сигир йилда сут ва гўштдан ташқари 0,5 тонна бензин бериши мумкин. Бошқа анъанавий ёқилғи ресурсларига нисбатан биогаз ишлатиш эквивалентини кўриб чиқайлик. Наманган вилоятида биогаз чиқиши бўйича бошқа энергия ресурсларининг эквивалент кўрсаткичлари қуйидаги жадвалда келтириб ўтилган.

Тадқиқотлар натижасида шуниси аниқ бўл-

№	Эквивалент кўрсаткич		Эквивалент ёқилғи ҳажми		
	номи	Коэф	Ҳажми тонна (м <sup>3</sup> )	нархи	Қиймати сўмда
1	Дизел	0,59	49067,57125	7284	357 408 188,99
2	Газ	0,66	54889,1475	455,59	25 006 946,71
3	Ўтин	3,31	275277,3913	2000	550 554 782,50
4	Кўмир	1,10	91481,9125	380	34 763 126,75

Изоҳ: жадвалда ёқилғини транспорт ва сақлаш харажатлари қўшилмаган ўртача қиймати келтирилган.

дики, биогаз иссиқлик таъминот тизимлари учун ёқилғи сифатида ёки ундан ҳосил бўлган карбонад ангидрит ва бошқа аралашмалардан тозаланган биометандан мотор ёқилғиси сифатида фойдаланиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, бир йилда вилоятда ишлаб чиқилиши мумкин бўлган биогаз 50000 тоннага ёки 357500 минг сўмга яқин дизел, 55000 тонна ёки 25 млн.сўмга яқин табиий газ, 275300 тонна ёки 550,5 млн. сўмлик ўтин ва 91500 тонна ёки 34,7 млн. сўмлик кўмир каби энг кўп истеъмол қилинаётган муқобил энергия ресурслари ўрнини босади.

### ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947- сонли “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 7 февраль.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 ноябрдаги “Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори ПКҚ-3379-сон.

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ ПО ОПРЕДЕЛЕНИЮ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЦЕННОСТИ ПАСТБИЩ

**Тулкин ФАРМАНОВ,**

д.э.н. Проект ПРООН «Снижение нагрузки на использование природных ресурсов в результате конкурирующей эксплуатации неорошаемых засушливых земель в горных, полупустынных и пустынных ландшафтах Узбекистана»

**Рустам МУРАДОВ,**

д.т.н. Проект ПРООН «Снижение нагрузки на использование природных ресурсов в результате конкурирующей эксплуатации неорошаемых засушливых земель в горных, полупустынных и пустынных ландшафтах Узбекистана»

**Аннотация:** В статье представлены проблемы совершенствования методологии определения экономической ценности пастбищ, а также широко освещены данные анализа и выводы.

**Аннотация:** Мақолада яйловларнинг иқтисодий аҳамиятини аниқлаш методологиясини тақомиллаштириш муаммолари келтирилиб, маълумотлар таҳлили асосида кенг ёритилган ва хулосалар баён этилган.

**Abstract:** The article presents the problems of improving the methodology for determining the economic value of pastures, as well as the analysis data and conclusions.

Резолюцией Генеральной Ассамблеи ООН (2015 г.) в числе 17 целей устойчивого развития установлена цель восстановить к 2030 году деградированные земли и почвы, по реализации которой Республика Узбекистан приняла международные обязательства. С целью предотвращения деградации пастбищ, повышения эффективности их использования и обеспечения роста экономики пастбищного животноводства и, в целом сельского хозяйства, рекомендуется совершенствование организационных и экономических основ системы пастбищепользования страны в условиях рыночной экономики и новой экологической политики.

Важным качеством рыночной экономики является возможность обеспечения наилучшего использования различных ресурсов исходя из их дефицитности. Рыночная оценка природных ресурсов, как нефть, газ, леса и другие, и ее динамика позволяют регулировать эффективность их использования. Тем не менее деградация и истощение природных ресурсов, наряду с повсеместной деградацией пастбищ свидетельствуют о сбоях в данном механизме. То есть система экономика позволяет в некоторой степени удовлетворительно определить всего один показатель окружающей среды – обеспечение природными ресурсами, а

две другие главные экосистемные показатели жизнеобеспечения – утилизация и ассимиляция отходов антропогенной деятельности, как и обеспечение населения природными услугами (рекреация, эстетическое удовольствие и пр.) не находят своего разумного отражения в рыночной экономике.

Объективные цены природных ресурсов могут стать действенными рычагами при применении рыночного механизма в пастбищепользовании. Нерациональное пастбищепользование (неравномерное и усиленное стравливание, отсутствии пастбищеоборота, чрезмерная нагрузка на растительный покров и др.) приведет к нарушению производственных показателей, что скажется на финансовой деятельности [1].

Вместе с этим, учет цены/оценки ресурсов позволяет более точно установить экономическую эффективность альтернатив развития пастбищ. Применение оценок может существенно повлиять на выбор варианта использования, восстановления или передачи земель на другой тип землепользования.

Поэтому для эффективного и рационального использования территорий пастбищ и ее природных ресурсов на сегодняшний день возникает необходимость точного определения экономической ценности товаров и услуг

**Ключевые слова:** пастбища, экономическая оценка, пастбищного животноводства, ресурсы, землепользование, пастбищепользование, экономическая ценность,

представляемые пастбищными угодиями.

Существующие методы проведения оценки пастбища. Товары и услуги пастбищ включают в себя выпас скота, заготовку сена, сбор лекарственных растений, отдых и туризм, среду обитания диких животных, систему водоснабжения и водоотведения, инженерные сооружения, и так далее. Ввиду того, что эти товары и услуги не имеют свой рынок, весьма разительны отличия между пастбищами горной, степной и пустынной зоны по почвенным, кормовым, территориальным и пр. характеристикам, существуют разные историко-социальные и культурные подходы по их управлению на фоне широкого спектра форм собственности и др. факторов определения полного перечня товаров и услуг на пастбищных угодиях, а также установление их цен является весьма сложным процессом [1-4].

Подходы, позволяющие определить экономическую ценность товаров и услуг пастбищ, основываются на: рыночной оценке; ренте; затратном подходе; альтернативной стоимости; общей экономической ценности (стоимости) и др.

Экономическая ценность товаров и услуг, определяемые по рыночной оценке, позволяют обеспечить максимально эффективное использование ресурсов, благодаря ценовым показателям. Однако, как показывает практика, деградация природных ресурсов, увеличение чрезмерной нагрузки на окружающую среду, рост загрязнения свидетельствуют о сбоях в рыночном механизме [2, 5].

При исследовании экономической оценки природных ресурсов по ренте важно учитывать ее лимитированность и уникальность. Рентный подход является эффективным при определении стоимости земельных ресурсов. К примеру, если аренда пастбищного участка за год составляет 50 млн. сум, а средний ссудный процент банков равен 8%, тогда стоимость участка будет  $50 \text{ млн. сум} / 8\% = 625 \text{ млн. сум}$ . Т.е цена земельного участка, в данном подходе ассоциируется с банковским капиталом в размере 625 млн. сум с ежегодным доходом равным величине ренты [5, 10].

Затратный подход обычно применяется для определения расходов на восстановление участка земли при ее деградации. В данном подходе оцениваются расходы на возмещение деградированного объекта [5, 11].

Метод альтернативной стоимости учитывает максимальную потенциальную отдачу использования ресурса, которые были приемлемы, но не были использованы. Это позволяет определить стоимость объекта, в случае отсут-

ствия информации о ее рыночной цене, путем анализа упущенных доходов и выгод при эксплуатации ее ресурсов [5]. В отечественных условиях применение данного метода пока затруднено или невозможно для целого ряда категорий земель, в частности, пастбищных угодий, в силу недостатка необходимой информации о сделках и отсутствия открытого рынка земельных участков.

Необходимо подчеркнуть, что вышеперечисленные методы не являются «чистыми», а поэтому они во многом дополняют и пересекаются меж собой.

С точки зрения комплексной оценки пастбищных ресурсов с учетом ее прямых ресурсных и ассимиляционных функций перспективной является концепция общей экономической ценности (ОЭЦ). Согласно ей, ОЭЦ пастбищной территории состоит из цены ее использования и цены ее существования (рис. 1) [5]. В наших исследованиях мы будем использовать данный метод для оценки экономической ценности пастбищ Зааминского и Каракульского районов.

Прямая стоимость использования пастбищной территории являются значениями, полученными от непосредственного использования территории для устойчивого (неистощительного) выпаса скота, как продажа и потребление продуктов животноводства: мяса, молока, шкуры и шерсти животных.

Косвенная стоимость использования пастбищной территории в основном состоит из экологических функций пастбищ, таких как смягчение парникового эффекта, место обитания для мигрирующих видов животных, климатическая стабилизация и др. К ним можно отнести естественные услуги, такие как среда обитания для насекомых, которые опыляют местные культуры или для хищников, которые контролируют популяции грызунов.

Стоимость отложенной альтернативы (OV) существует в том случае, если кто-либо готов платить за ресурсы в будущем, законсервировав их сегодня, что включает в себя сбор лекарственных растений и трав, заготовку сена и др.

Стоимость существования (стоимость неиспользования) базируется на так называемой стоимости существования, которая является попыткой экономически оценить довольно тонкие этические и эстетические аспекты: ценность природы самой по себе, эстетическая ценность природы для человека, долг по сохранению природы перед будущими поколениями, ценность наследия и т.д. Это выгоды индивидуума или общества, получаемые только

от знания, что товары или услуги существуют. Стоимость существования может быть важной причиной для охраны пастбищ, ее определение достаточно сложно и основывается на концепции «готовности платить». Механизмами, через которые эти стоимости могут быть выражены, являются принцип «долги в обмен на природу», экономическая помощь, дотации для сохранения пастбищ, а также различные ценовые механизмы.

Стоимость существования без использования включает в себя ценность сохранения пастбищ как природный резервуар (питомники кормовых растений), или как территория для предоставления рекреационных услуг, развития туризма, а также для паломничества в историко-культурные места, расположенные на территории пастбищных угодий. Ценность наследования определяется через готовность платить за благоприятную окружающую среду для будущих поколений.

Согласно рис.1, величина ОЭЦ является суммой двух агрегированных показателей: стоимости использования (потребительской стоимости) и стоимости существования

$$TEV = UV + NV \quad (1)$$

где TEV – общая экономическая ценность (стоимость); UV – стоимость использования; NV – стоимость существования.

В свою очередь стоимость использования является суммой трех слагаемых:

$$UV = DV + IV + OV \quad (2)$$

где DV – прямая стоимость использования; IV – косвенная стоимость использования; OV – стоимость отложенной альтернативы (потенциальная ценность).

Стоимость существования определяется как сумма двух слагаемых:

$$TEV = EV + RV \quad (3)$$

где EV – стоимость существования без использования пастбищных угодий; RV – стоимость наследования.

Для поддержки всей пастбищной экосистемы существует общеизвестное правило экономики: экономическая стоимость сохранности пастбищ должна быть выше экономической выгоды от пастбищепользования. Следовательно, очень важно учесть все материальные и нематериальные выгоды, которые не связаны с выпасом скота, сбора лекарственных трав или с заготовкой сена.

Расчет прямой стоимости использования. При оценке прямой стоимости использования пастбищ валовый доход может определяться исходя из выхода основной животноводческой продукции на единицу площади. При таком

подходе учитывается средняя продуктивность скота, сложившаяся в животноводстве, нормы выпаса или сложившаяся средняя «землеемкость» животноводства (количество гектар в расчете на 1 голову скота) [8]. При этом, основное положение правильного выпаса животных на естественных пастбищах – обязательное соответствие нагрузки пастбища его нормальной емкости.

$$E = \frac{Y * P * Kd * Pl}{H * D} \quad (4)$$

где E – емкость пастбищного участка (количество животных на период выпаса) гол/га за сезон; Y – урожайность пастбища, ц/га (кормовая масса); P – питательность корма в период использования, корм.ед.; Kd – допустимый коэффициент использования поедаемой животными части урожая пастбища в период выпаса; Pl – площадь пастбищного участка, га; H – норма потребления корма одним животным в день, корм.ед.; D – продолжительность выпаса, дней.

Стравливание всей надземной кормовой массы отрицательно влияет на продуктивность травостоя. Поэтому на пустынных природных пастбищах Каракульского района допустимый коэффициент их использования (Kd) согласно нормативам не должен превышать 60-65%, а Зааминского района 65-70%. При этом: для холостых и в первые 12-13 недель суягности маток каракульских овец необходимо пастбищного корма в расчете на голову в сутки 1,0 -1,1 корм.ед.; для маток в последние 7-8 недель суягности и лактирующих – 1,25-1,3 корм.ед.; молодняку старше 1 года – 0,8-1,0 корм.ед.; молодняку до 1 года – 0,3-0,4 кормовых единиц в сутки; крупнорогатому скоту – 7,1-7,7 корм.ед.; лошадям – 11,5 – 12,3 корм.ед.; верблюдам – 11,4 – 12,4 корм.ед.

Средневзвешенная урожайность кормовых угодий в административном районе определяется с учетом урожайности и площади каждого типа пастбищ соответствующего высотного пояса на основе геоботанических исследований.

$$C = \frac{B * U * H * D}{L} = \frac{25 \text{ кг} \cdot 30000 \text{ сжл} \cdot 10 \text{ овец} \cdot 5 \text{ мес}}{18} = 2083400 \text{ сжл} \quad (5)$$

1. Оценка мясопроизводства на основе среднего веса скота. Пример, требуется оценить 1000 га пастбищ по продаже и потреблению мяса, основная специализация данной махалли – мясное животноводство [9]. Средний живой вес мелкорогатого скота – 25 кг при



возрасте -1,5 года или 18 месяцев. Средняя закупочная цена мяса в убойном весе - 30 тыс. сум/кг.

Продуктивность 1 га пастбищных угодий в период выпаса (5 месяцев) равна:

$$C = \Delta B \cdot D \cdot H \cdot \bar{C} = 0,0437 \text{ кг} \cdot 30 \text{ дней} \cdot 5 \text{ мес} \cdot 10 \text{ овец} \cdot 10 \text{ овец} / \text{га} \cdot 30000 \text{ сум} = 1966500 \text{ сум} / \text{га} \quad (6)$$

где С - стоимость 1 га пастбища, сум; В - средний живой вес мелкорогатого скота, кг; Ц - средняя закупочная цена мяса, сум/кг; Н - Допустимая нагрузка на пастбище, шт/га; Д - пастбищный период, мес; Л - средний возраст животных, мес.

Следовательно продуктивность 1000 га пастбища будет составлять

$$2,08 \text{ млн. сум} \cdot 1000 \text{ га} = 2,08 \text{ млрд сум}$$

Продуктивность пастбища можно также рассчитываться через величину среднесуточного привеса животных, если привес на скота составляет 43,7 г или 0,0437 кг.

$$C_x = \frac{Уд * Д * Н * Ц * Пл}{Л} \quad (7)$$

2. Оценка производства молока на основе среднегодового удоя коров [10]. Пример, требуется оценить 1000 га пастбищ, при периоде выпаса 3 месяца в году, средняя продуктивность коров - 1900 л/год. Цена приемки молока - 1400 сум/л, допустимая нагрузка на пастбища - 2 коровы/га. Объем молока коров в пастбищный период 1900 л : 12 × 3 мес. = 475 л.

Продуктивность пастбища

$$475 \text{ л} \times 2 \text{ коровы} \times 1400 \text{ сум/л} \times 1000 \text{ га} = 1330000000 \text{ сум}$$

3. Оценка пастбищного производства на основе средних показателей [10]. Оценка продажи и потребления шкуры и шерсти скота ведется аналогично оценке производства молока. Т.е. продуктивность пастбища оценивается по следующей формуле:

$$C = Пл * У * K_l * R * Ц \quad (8)$$

где Сх - стоимость 1 га пастбища, сум; Уд - средний показатель продуктивности скота (удой, размеры шкур, вес шерсти и др.); Ц - средняя закупочная цена рассматриваемых показателей, сум/кг; Н - Допустимая нагрузка на пастбище, шт/га; Д - пастбищный период, мес; Л - средний возраст животных, мес.

Расчет косвенной стоимости использования (оценка парниковых газов). Для расчета

поглощения CO<sub>2</sub>, оценивается ежегодный прирост биомассы на пастбищах и в любых других значительных резервуарах биомассы. Также оценивается трава, заготовленная в качестве сена и в других целях. Затем рассчитывается нетто поглощение углерода, обусловленное указанными выше факторами. Стоимость поглощения углекислого газа определяется по следующей формуле [7]:

Где Пл - общая площадь пастбищ, га; У - урожайность пастбищ, ц/га; K<sub>1</sub> - доля углерода в сухой биомассе (для живой биомассы в целом эта величина по умолчанию равна 0,5); R - отношение массы подземной части растения к массе надземной части (для разных пород от 0,2 до 0,3); Ц - средняя цена за тонну в эквиваленте, (согласно Европейской Углеродной бирже [12] в августе 2019 году составляет 25,78 EUR, 1 EUR = 10393,72 [13]).

Рассчитаем общее поглощение углерода на 1000 га пастбищах при урожайности пастбищ 1,2 ц/га.

$$C = 1000 \text{ га} \times 0,12 \text{ т/га} \times 0,5 \times 0,2 \times 25,78 \times 10393,72 = 3215401 \text{ сум}$$

Аккумуляция других видов парниковых газов рассчитывается аналогично.

При сборе лекарственных трав и растений необходимо учитывать, что фармакологически активные вещества накапливаются и образуются на разных стадиях развития растения, которые бывают однолетними или многолетними. Наиболее большую фармакологическую ценность составляют лекарственные растения, которые запасены тогда, когда в них сконцентрировано самое большое за период вегетации количество активных веществ.

Другим показателем в оценке пастбищ является запас сырья лекарственных растений. Ресурсоведы различают: биологический и эксплуатационный виды запасов [6]. За биологический запас (БЗ) принимается величина сырья фитомассы, образованной товарными и нетоварными экземплярами данных растений на всех как пригодных, так и непригодных для заготовки участках. А эксплуатационный (промысловый) запас (ЭЗ) включает величину сырья фитомассы, образованной только товарными экземплярами на пригодных для промысловых заготовки участках.

Величина биологического запаса сырья устанавливается по верхнему пределу урожайности (У):

$$БЗ = У \times Пл \quad (8)$$

А величина эксплуатационного запаса определяется по нижнему пределу урожайности:

$$ЭЗ = БЗ \times K_i \quad (9)$$

Где БЗ – биологический запас сырья, тонн; ЭЗ – эксплуатационный запас сырья, тонн; У – урожайность лекарственных растений, тонн/га; m Пл – общая площадь пастбища, га, Ки – коэффициент сбора (Ки = 0,78 – 0,88)

Оценка лекарственных растений и трав:

$$C = ЭЗ \times Ц \quad (10)$$

Пример, требуется оценить 100 га пастбищ по доходу от лекарственных трав (Гармала Обыкновенная), средняя урожайность – 2,9 ц/га. Цена приемки – 2850 сум/кг.

$$C = У \times Пл \times Ки \times Ц = 290 \text{ кг/га} \times 100 \text{ га} \times 0,80 \times 2850 \text{ сум/кг} = 66,12 \text{ млн. сум}$$

Важным видом услуг пастбищных экосистем в предгорных и горных территориях являются услуги по предотвращению эрозии почвы от селевых потоков [11], наводнений, оползней и др. В результате селевых потоков, оползней и наводнений/потоков, т.е. из-за эрозии почвы уменьшаются урожайности сельхоз культур, и фермеры и дехканские хозяйства терпят убытки. На практике накоплен определённый опыт и учеными предлагаются различные методы подсчета стоимости потерь урожая от селевых потоков, оползней и наводнений – эрозии почвы [14].

По некоторым оценкам 1 га природно-антропогенных ландшафтов, в частности пастбищных экосистем, обеспечивает с вероятностью 80% предотвращение эрозии на 0,5 га.

Итак, при урожайности зерновых 6 ц/га (в богарных землях) и средней реализационной цене 380,0 тыс. сум/ц (усредненные закупочные цены за 2018 год) потери урожая снижаются на 114,0 тыс. сум/га (0,5 х 6 ц/га х 38,0 тыс. сум) с каждого гектара в год.

Расчет стоимости отложенной альтернативы. При расчете отложенной альтернативы от сенокосов следует исходить из средней урожайности кормовых культур. Оценка пастбища (лугов) для заготовки сенажа [9]:

$$C_x = \frac{У \cdot (100 - Вт) \cdot Пл \cdot Ц}{100 - Вс} \quad (11)$$

где С – цена заготовки сена, сум; У – полученная зеленая масса с пастбища, т/га; Вт – влажность пастбищной травы, % (~80%); Вс – влажность сенажной массы, % (~55%); Пл – площадь пастбища, га.

Пример, требуется оценить 100 га пастбищ, средней зеленой массой – 1,1 ц/га, при цене за 1 центнер сена 85000 сум.

При оценке сенокосов необходимо учитывать доступность сенокосов и возможности получения реального дохода от них при су-

ществующем уровне инфраструктурного обустройства хозяйства (наличия дорог, техники и т.д.) и других особенностей.

Расчет стоимости существования. Экономическая оценка оздоровительного, рекреационного назначения может осуществляться на основе готовности населения платить за восстановление трудоспособности и здоровья путем отдыха на природе или во время туристической поездки [9]. При этом готовность населения платить за отдых может превзойти расходы по благоустройству территории, связанные с отдыхом и обеспечить соответствующую ренту. Тогда экономическая оценка пастбищ определяется из рентного дохода:

$$C_0 = R_1 \times Д \times Ч \quad (12)$$

где С<sub>0</sub> – рентный доход, получаемый от использования территории в морально-этических, курортных и лечебно-оздоровительных целях, сум/год; R<sub>1</sub> – среднегодовой рентный доход, от использования территорией от одного человеко-дня организованного отдыха (лечения), сум/чел.-день; Д – количество человеко-дней отдыха (лечения) на данной территории в году, Ч – среднее количество туристов, чел.

Пример, требуется оценить рекреационную стоимость 10 га пастбищ, состоящую из лечения закапывания горячим песком с июня по август, если среднегодовой рентный доход от одного человеко-дня оставляет 10 000 сум/чел.-день при ежедневной посещаемости 50 человек.

$$C_0 = R_1 \times Д \times Ч = 10\,000 \text{ сум/чел.-день} \times 60 \text{ дней} \times 50 \text{ чел} = 30\,000\,000 \text{ сум}$$

Оценка услуг по туризму и паломничеству в историко-культурные места проводится аналогичным образом.

**Расчет стоимости наследования.** Стоимость наследования представляет собой оценку готовности людей платить за сохранение пастбищных экосистемы (луга, гроты и т.д.) для следующих поколений [9, 10]. К ним относятся:

**Метод оценки готовности платить,** который заключается в определении гипотетических цен путем проведения социологического опроса у людей явной оценки ими некоего природного блага (заявленная оценка). На основании анализа этих данных делается вывод о стоимости данного пастбищного уголья.

**Метод оценки готовности принять компенсацию** определяется суммой компенсации, за которую человек готов отказаться от оцениваемого блага, то есть компенсации за потерю благ. Считается, что оценка объектов по раз-

меру компенсации более объективна по психологическим мотивам.

**Метод выявления неполученной прибыли потребителя** можно использовать при определении платы за посещение пастбищ, парков или других подобных объектов. Он определяется путем установления величины дополнительной платы за пастбищные услуги.

**Метод транспортно-путевых затрат** широко используется для определения рекреационной ценности территорий, национальных парков, пастбищ и участков дикой природы, туристической ценности водно-болотных угодий в тропических странах. Он заключается в оценке определенного объекта по величине затрат на дорогу, которые готовы понести люди для посещения оцениваемого пастбищного угодья.

**ВЫВОДЫ.** Для разработки политики управления пастбищными экосистемами, принятия оптимальных экологических подходов важно знать экономическую ценность пастбищных

ресурсов и услуг. Ныне большинство пастбищных ресурсов и услуг или вообще не имеют цены, или имеют заниженную цену/оценку, что часто приводит к принятию нерациональных природоразрушающих решений. Наряду с этим, искажение экологических параметров способствует неправильному измерению экономического развития через традиционные показатели ВВП, ВНД и др., за ростом которых может хорониться деградация окружающей среды. Необходимо «зеленое» измерение показателей экономического развития.

Среди имеющихся подходов к определению экономической ценности природных ресурсов и природных услуг наиболее комплексной является методика общей экономической ценности, которая наряду со стоимостью использования (прямая, косвенная стоимости и стоимость отложенной альтернативы) пытается учесть стоимость существования, базирующуюся на экономической оценке сложных этических и эстетических аспектов природы.

#### ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТУРАТУРА:

1. Ванданимаева О.М. Оценка стоимости земельных участков, Москва, Московская финансово-промышленная академия, 2005, 119 с.
2. Методические рекомендации по оценке эффективности инвестиционных проектов мелиорации сельскохозяйственных земель РД-АПК 300.01.003-03, Москва, 2003, 143 с.
3. Методические рекомендации по осуществлению оценки эколого-экономической эффективности проектов намечаемой хозяйственной деятельности, Москва, Торгово-промышленная палата Российской Федерации, 2004, 88 с.
4. Пастбищные угодья // Руководящие принципы национальных инвентаризаций парниковых газов, МГЭИК, 2006, глава 6, 58 с.
5. Руководство по экономической оценке экосистемных услуг, связанных с водными ресурсами // Региональный экологический центр Центральной Азии, Алматы, 2013, 40 с.
6. Негроров В.В. Ресурсоведение лекарственных растений, Учебно-методическое пособие для вузов, Воронеж, 2015, 57 с.
7. Филипчук А.Н., Мальшева Н.В. и др. Аналитический обзор методик учёта выбросов и поглощения лесами парниковых газов из атмосферы // Лесохоз. информ.: электрон. сетевой журн. – 2016. – № 3. – С. 36–85. URL: <http://lhi.vniilm.ru/>
8. Бобокулов Н.А., Мукимов Т.Х. и др. Пустынно-пастбищное животноводство Узбекистана и рациональное использование кормовых ресурсов, Ташкент, 2014, 18 с.
9. Исаков А., Йохан Т. Оценка состояния земель в Кыргызской Республике с точки зрения выпаса скота и возможное развитие системы квотирования на уровне местного самоуправления, Бишкек, GIZ, 2015, 49 с.
10. Красильников П.В., Конюшкова М.В., Варгас Р. Земельные ресурсы и продовольственная безопасность Центральной Азии и Закавказья, ФАО, Рим, 2016, 434 с.
11. Природа и экономика. Результаты экономической оценки экосистемных услуг в Туркменистане/ Технический отчет, ПРООН, Ашгабад, 2014, 51 с.
12. <http://markets.businessinsider.com/commodities/co2-emissionsrechte>
13. <https://bank.uz/currency/cb.html>
14. Недобор урожая составляет на слабосмытых почвах – 10 – 30%; на среднесмытых почвах – 30 – 50%; на сильносмытых почвах – 50 – 80%. Источник: Бабина Ю.В., Михайлова Н.Д. – Методические вопросы определения экономической оценки особо охраняемых природных территорий по эффективности выполнения основных природоохранных функций//Вестник МГУ. Сер. 6. Экономика. 1997. №3. С. 101.

## ЕРНИНГ МОЛИЯВИЙ ФУНКЦИЯСИНИ КУЧАЙТИРИШ – ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Абдирашид АЛТИЕВ,

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш  
муҳандислари институти, и.ф.д.

**Аннотация:** Мақолада ер ресурсларининг бозор ва молиявий тизимлардаги иштирокини кучайтиришга қаратилган ерларнинг гаров мулки, капитализация объекти каби функцияларини амалиётга жорий қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

**Аннотация:** В статье разработаны предложения по внедрению на практике функций земли, таких как предмет залога, объект капитализации, направленные на усиление участия земельных ресурсов в рыночной и финансовой системах.

**Abstract:** The article there have been developed proposals on implementation of the functions of land into the practice such as object of pledge and capitalization, aimed at improving the participation of land resources in market and financial systems.

Мамлакатимизда ер ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг ташкилий ва молиявий асосларини янада мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Айниқса, иқтисодийтни модернизация қилиш ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш шароитида ердан фойдаланиш тизимини тартибга солишнинг самарали молиявий механизмни яратишга, янги ижтимоий муносабатлар негизларини ишлаб чиқишга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Бу борада эса, асосий эътиборни ер ислохотининг самараси ва ривожига тўсиқ бўлаётган муаммолардан бири ер участкасига бўлган мулкчилик, эгалик қилиш, ижара ва фойдаланиш шакллари оид ташкилий-молиявий муносабатлар бўйича ёндашувларнинг номукамаллигига қаратиш муҳим ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан таъкидлаш лозимки, ер муносабатлари ўз характерига кўра иқтисодий муносабатлар бўлиб ҳисобланади. Бироқ ер туфайли вужудга келадиган ҳамма муносабатлар ҳам ер-иқтисодий муносабатлари бўлавермайди. Масалан, ердан фойдаланишнинг мақсадлилигини таъминлаш, ер экологик ҳолатининг ёмонлашиши, ер солиғи тўлаш муддатларига риоя қилмаслик муносабатлари ер-иқтисодий муносабатларига кирмайди.

Ерга нисбатан молиявий муносабатлар энг муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бошқа ҳамма ер-иқтисодий муносабатлари учун асос бўлади, уларнинг негизида бошқа иқтисодий муносабатлар вужудга келади ва уларга боғлиқ бўлади. Масалан, ерларни давлат бошқаруви соҳасида ер-иқтисодий муносабатлари ерга

нисбатан ташкилий-молиявий муносабатларнинг давоми деб қаралиши мумкин, чунки ер фондини молиявий жиҳатдан бошқариш мулкдор – давлатнинг ваколатларидан келиб чиқади. Давлат бошқаруви бўйича ер-иқтисодий муносабатларига ер ресурсларини ишлаб чиқариш воситаси, капитал, кўчмас мулк ва хўжалик юритиш объекти сифатида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, ер участкаларини хусусийлаштириш ва ер бозори шаклланишининг иқтисодий меъёр ва чекловларини белгилаш, ер учун тўловлар (ер солиғи, ер ижараси ҳақи)ни ундириш ва шаклланган маблағларни қайта тақсимлаш, эгри ва тўғри субсидиялар йўналишларини аниқлаш ва ажратиш, давлат ер кадастри маълумотларининг иқтисодий функциясини амалга ошириш, ер участкаларини фойдаланишга бериш ёхуд давлат ёки жамият эҳтиёжлари учун олиб қўйиш (сотиб олиш)да кўрилган зарарларнинг ўрнини қоплаш, ерларни муҳофаза қилишни ташкил қилиш ва молиялаштириш ва бошқалар кирди.

Шу нуқтаи назардан бозор муносабатлари амал қилаётган бугунги кунда мамлакатимизда ерни тасарруф қилиш, ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини мажбуриятларни таъминлаш мақсадида кредит маблағларини олиш учун гаров сифатида қўйиш муносабатлари ўз аҳамияти ва вазифаларига кўра энг муҳим масалалар сирасига кирди.

Маълумки, Фуқаролик кодексининг [8] 264-моддасига мувофиқ, бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни мажбуриятларни таъминлаш учун бериши гаров ҳисобланади дейилган. “Ипотека тўғрисида”ги Қонунга[8] мувофиқ, ипотека тўғриси-

**Калит сўзлар:** ер, ер ресурслари, молиявий функция, ислохот, иқтисодийтни модернизация қилиш, молиявий механизм, ташкилий-молиявий муносабат, иқтисодий меъёр, ер солиғи.



даги қоидлар якка тартибдаги уй-жой қуриш ёки деҳқон хўжалигини юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқлари гаровига нисбатан қўлланилади.

Шунингдек, Ер кодексининг [1] 39-моддасига мувофиқ, ер эгаси бўлган фуқаро ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини, шу жумладан ким ошди савдоси асосида олинган шундай ҳуқуқни деҳқон хўжалиги юритиш, якка тартибда уй-жой қуриш мақсадида кредитлар олиш учун гаровга қўйиши мумкин.

Ер кодексининг 53-моддасига кўра, кредитлар олиш учун фермер хўжалиги ўз мол-мулкни, шунингдек ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини гаровга қўйишга ҳақли. Шунингдек, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг [2] 13-моддасига биноан, фермер хўжалиги ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи кредитлар олишда фермер хўжалиги томонидан гаровга қўйиши мумкин.

Айни ушбу меъёрларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 8 апрелда 1336-сон билан давлат рўйхатига олинган “Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи қийматини баҳолаш тартиби тўғрисида”ги Низомга [8] мувофиқ ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқининг қиймати баҳоланади ҳамда гаров берувчи ва гаров олувчининг келишуви билан расмийлаштирилади. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 30 апрелда “Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларининг ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олган ҳолда кредитлаш тартиби тўғрисида”ги 1345-сон билан давлат рўйхатига олинган Низом[8] тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларининг ер участкасини ижара ҳуқуқини гаровга олган ҳолда кредитлаш тартибини белгилайди.

Бироқ бугунги кунга қадар ер участкасини ижарасига доир ҳуқуқларга ундирув қаратилган тақдирда танловни ўтказиш тартиби ва шартлари ишлаб чиқилмаганлиги ва ер участкасини ижарасига доир ҳуқуқларнинг жойларда бозор нархлари шакланмаганлиги, шунингдек, ер участкасини ижарасига доир ҳуқуқларни гаровга қўйиш механизмларининг ишлаб чиқилмаганлиги сабабли тижорат банклари томонидан ер участкасига доир ҳуқуқларни гаровга олган ҳолда фермерларни кредитлаш амалга оширилмаяпти. Шунингдек, бугунги кунга қадар аксарият ҳовли уйларнинг мулкдорлари ҳовли жойдаги яшаш ва ёрдамчи иморат биноларига (бинога) бўлган кадастр ҳужжатларини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказганлигига қарамасдан ерга бўлган ҳуқуқ тури давлат рўйхатидан ўтказилмай қолган ҳоллар мавжуд. Бу ҳолатлар эса нотариал тартибда ипотека шартномасини расмийлаштиришда


муаммоларга олиб келмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ерга бўлган ҳуқуқнинг бозор ва гаров қийматини баҳолаш, уни нотариал тасдиқлаш ва рўйхатга олиш механизмини қайта кўриб чиққан ҳолда ягона норматив ҳужжат ишлаб чиқиш, шунингдек, гаровга қўйилган ер участкасини ижарасига ва умрбод эгалигига доир ҳуқуқларнинг реализация бозорини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозим деб ҳисоблаймиз. Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлгуси ҳосилни гаровга олган ҳолда фақатгина пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларига бевосита ғалла ва пахта хом ашёси ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатлар учун кредитлар ажратилади.

Бугунги кунда фермер хўжаликларига пахта хом ашёси ва дон етиштириш мақсади учун имтиёзли кредитлар контрактация шартномаси асосида берилмоқда. Фоиз ставкаси имтиёзли ҳисобланади. Лимит суммалари пахта ва ғалла етиштириш харажатларини қоплаётганлиги сабабли, бу таъминот асосида пахта ва ғалла етиштириш харажатлари учун буюртмалар тушмаган. Ушбу таъминот асосида буюртмалар тушмаслигининг яна бир сабаби, бошқа турдаги маҳсулотлар етиштириш ёки бошқа мақсадларга кредитлар ажратилишининг назарда тутилмаганлигидир.

Айниқса, кўп тармоқли фермер хўжаликларининг ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олган ҳолда кредитлаш тартиби асосида қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган мақсад йўналишларига, шунингдек инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш мақсадларига кредитлар ажратилишини жорий қилиш ўта муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу ҳолатда кредит бошқа мақсадга берилади, лекин унинг ёпилиш таъминоти ер ижараси ҳуқуқи ҳисобланади, шу сабабли ўз ихтисослашуви бўйича қонунда белгиланган энг кам ер майдонига эга бўлган, ер участкасининг жойлашган ери унумдорлиги кредит буюртномаси кунги ҳолатига баҳоланган ва энг муҳими кредитни қайтара олиш имконияти, яъни кредит лаёқати мавжуд фермер хўжаликларига ушбу таъминот асосида кредит буюртмасига асосан узоқ муддатли (7-10 йил) фақат ерларнинг унумдорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни молиялаштириш мақсадида кредит бериш амалиётини жорий қилиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Мавжуд объектив сабаблар, жумладан, режа кўрсаткичининг бажарилмаслиги каби ҳолатларда ернинг олиб қўйилиши каби ҳолатлар кредитнинг таъминотсиз қолиб кетиш хавфини оширади. Кредитни расмийлаштириш анча мураккаб, фермер хўжаликлари 3 йиллик кўрсаткичлари талаб этилади. Янги ташкил этилган фермер хўжаликлари таъминотнинг



1-расм. Дехқон ва томорқа хўжалиги ерларига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини банк кредити учун гаровга қўйишнинг ижтимоий-иқтисодий натижалар

бу туридан фойдалана олишмайди. 3 йилдан ошиқ фаолияти мавжуд фермер хўжаликларида эса бошқа таъминот мулки мавжуд.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги фермер хўжаликлари раҳбарлари ўртасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра 2012 йилда сўралганларнинг 46 фоизи ер ижараси ҳуқуқини гаровга қўйиш борасида ижобий фикр берган бўлса, 2017 йилда бу рақам 77 фоизгача ошганини кўришимиз мумкин.

Шунга қарамасдан, фермер хўжалигининг ер ижараси ҳуқуқини банк кредити учун гаров сифатида қўйиши юзасидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётда ишламаётганлиги уларда ишлаб чиқилган механизмнинг иқтисодий мазмуни тушунарлилиги, иқтисодиётда вужудга келган реалликлардан узоқдалиги, энг муҳими жараёнда кечадиган муносабатларнинг барча манфаатларни холисона ҳисобга оладиган цикл сифатида яқун-

ланмаганлигидан дарак бермоқда. Бундай ҳолат ўз навбатида қишлоқда ерлардан фойдаланишнинг иқтисодий механизмининг мазмуни ва доирасини кенгайтиришнинг қўшимча имконият ва резервларини сафарбар қилишни тақозо қилади, албатта. Бизнингча, ана шундай резервлардан бири сифатида авлоддан авлодга ўтадиган томорқа ва дехқон хўжалиги ерларига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини, ушбу ерларни давлат ёки жамият эҳтиёжлари учун олиб қўйишни истисно қилган ҳолда, банк кредити учун гаровга қўйиш механизмини амалиётга жорий қилиш лозим. Масалан, Қашқадарё, Сурхондарё,

Самарқанд вилоятларидаги дехқон ва томорқа хўжаликларида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, сўралганларнинг 88 фоизи ерга эгалик ҳуқуқини банк кредити олиш учун гаровга қўйишга ижобий қараганлиги бундай заҳираларнинг мавжудлигидан дарак беради. Ушбу чоранинг қонунда мустақамланиши ва амалиётга жорий қилинишининг ижтимоий-иқтисодий натижалари 1-расмда келтирилган.

Умуман олганда, ердан фойдаланишнинг ташкилий ва иқтисодий асосларини эркинлаштириш, авваламбор, истиқболда ер муносабатларини зарур суръатларда тубдан ислоҳ қилиш, ердан фойдаланишни бошқаришнинг турли ташкилий-молиявий услубларини янада ривожлантириш пировард натижада ислохотларни амалга оширишнинг механизмларини янада такомиллаштириш учун шароитларни яратиши керак, деб ҳисоблаймиз.

### ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Ўзбекистон Республикаси кодекслари: Тўплам // Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Адолат, 2006. – 800 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалигига кооперативлари (ширкатлари) тўғрисида”ги Қонуни, 1998 йил 30 апрель, Қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари // Т.: Адолат, – 1999. – 448 б.
3. “Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори // № ПҚ-3318, 10.10.2017 й.
4. Саидова Г. Ерга рента тўловининг табиати ва роли ҳақида.// Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Т.: – 2003. – №10.
6. Черняев А., Зворотин Е. Организация аренды земель сельскохозяйственного назначения // М.: АПК: экономика, управление. – 2000. – №8.

## ИПАК ҚУРТИ УРУҒЧИЛИГИ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР

**Назимжон АСҚАРОВ,**

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти институти лойиҳа раҳбари, и.ф.н., кат.и.х.

**Муҳаммаджон ҚОСИМОВ,**

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти институти катта илмий ходими, и.ф.н.

**Навкар РАХМОНОВ,**

Тошкент давлат аграр университети, и.ф.н.

**Аннотация:** Мақолада ипак қурти уруғи ишлаб чиқариш бўйича хорижий давлатларнинг тажрибалари ўрганилган ва уларнинг ижобий жиҳатларини республикамиз шароитида кенг жорий этиш имкониятлари ёритилган.

**Аннотация:** В статье исследуется опыт зарубежных стран по производству семян шелкопряда и возможности их широкого внедрения в стране.

**Abstract:** The article explores the experience of foreign countries in the production of silkworm seeds and the possibility of their widespread adoption in the country.

**И**қтисодиётнинг барча тармоқлари, шу жумладан, қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири бўлган пиллачилик ҳамда унинг уруғчилигини замон талаблари асосида ривожлантиришда хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, чуқур таҳлил қилиш ва уларни амалиётга жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё бўйича 50 та мамлакатда тут ипак қурти етиштирилади. Хитой (80 %) ва Ҳиндистон (16 %) зиммасига дунё бўйича жами ишлаб чиқарилаётган пилланинг 96 фоизи тўғри келади. Қўл меҳнати юқори даражада талаб қилиниши туфайли Япония ва Жанубий Кореяда пилла хомашёси ишлаб чиқариш ҳажмлари кескин камайиб кетди. Соҳадаги асосий муаммолардан бири ишлаб чиқаришнинг мавсумийлигидир. Шу билан биргаликда, Ҳиндистон, Бразилия, Таиланд ва Индонезияда пилла етиштириш ҳажмлари ортиб бормоқда. Ушбу мамлакатларда ҳам Хитойдаги каби ипак қуртини боқиш билан аҳолини камбағал қатламлари шуғулланади.

Барча пилла етиштирувчи мамлакатларда ипак қурти уруғининг сифати, зотдорлик кўрсаткичлари, ҳосилдорлиги, касалликларга чидамлилиги, тола сифати, нарх жиҳатдан рақобатбардошлилиги энг муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Дунёда пилла етиштирувчи етакчи мамлакатлар ҳисобланган Хитой, Ҳиндистон каби

давлатларда тут ипак қурти уруғчилигини ташкил қилиш бўйича етарлича тажриба тўп-ланган.

Бугунги кунда Хитойда ипак қурти боқиш билан қарийб 30 миллион киши шуғулланади. Тутзорлар майдони 600 минг гектарни ташкил қилади. Соҳанинг йиллик даромади 200 млрд. юанни (доллар) ташкил қилади.

Ўтган асрнинг охириларидан бошлаб Хитойда юқори сифатли ипак берадиган пилла етиштириш, яъни сифатни яхшилаш ҳисобида ишлаб чиқариш ҳажмларини камайтиришга қаратилган тадбирлар амалга оширила бошланди. Бунинг учун ипак қурти етиштиришнинг тўлиқ кетма-кетлиги, яъни уруғ тайёрлашдан то пилла етиштиришгача бўлган жараён бутунлай янгиланган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Хитойда ипак қурти селекцияси ва уруғчилиги биотехнологияси, ген инженерияси каби йўналишлар замонавий юқори технологиялар асосида йўлга қўйилган. Мана шу омил бошқа омиллар қаторида тайёрланаётган ипак қурти уруғларини ҳосилдорлиги, тола сифати, касалликларга чидамлилиги бўйича рақобатбардош бўлишига сабаб бўлади. Бугунги кунда соҳада интенсив технологияларни янада кенгроқ қўллашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.


Хитойда ипак қурти селекцияси ва уруғчилигидаги яна бир асосий жиҳатлардан

**Калит сўзлар:** ипак қурти, тут ипак қурти уруғчилиги, пилла, рақобатбардош, тола сифати, селекция, рағбатлантириш, молиявий интизом, кооперация, кластер, мутахассис.

бири ушбу соҳада кўплав университетлар, илмий-тадқиқот муассасалари фаолият юритиши ва улар ўртасида рақобатнинг мавжудлигидир. Бу омил ҳам ипак қуртининг маҳсулдор, касалликларга чидамли зотларини яратиш ҳамда юқори сифатли уруғини тайёрлаш ва етказиб беришда муҳим ҳисобланади.

Ўрганишлар шуни кўрсатадики, Хитойда ипак қурти уруғини тайёрлаш билан махсус корхоналар шуғулланади. Ушбу корхоналарнинг барчаси хусусий ҳисобланади. Хусусий корхоналарда тайёрланган уруғлар сақлаш ва кейинчалик товар пилла ишлаб чиқарувчиларга сотиш учун совуткич, замонавий лаборатория ва бошқа зарурий шарт-шароитларга эга бўлган ҳудудий сақлаш корхоналарига топширилади.

Ҳудудий сақлаш корхоналарига қабул қилинган ипак қурти уруғлари тўлалигича лаборатория текиширувидан ўтказилади ва фақатгина касалликлар билан зарарланмаган, ҳар томонлама соғлом уруғлар сақлаш учун олиб қолинади. Корхоналар томонидан топширилган ипак қурти уруғининг лаборатория текширувидан муваффақиятли ўтган қисми сақлаш учун қабул қилинади ва мана шу қабул қилиб олинган уруғ учун етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоб қилинади (1-расм).



1-расм. Хитой Халқ Республикасида ипак қурти уруғи етказиб бериш тизими

Ипак қурти уруғини сақлаб, кейинчалик пилла етиштирувчиларга сотиш фаолияти билан шуғулланувчи ҳудудий корхоналар энг

замонавий совутиш воситалари, лаборатория ускуна ва жиҳозларига эга бўлиб, қабул қилиб олинган уруғлар сифатига (унувчанлиги, касалликлардан ҳоли эканлиги, тозаллиги) тўла жавоб беради.

Ипак қурти уруғларини етиштиришда фермер ёки оилавий хўжаликлар умуман иштирок этмайди. Яъни, уруғлар фақат махсус корхоналарда етиштирилади. Бу уруғ сифатини тўла қафолат билан таъминлаш имконини беради ва товар пилла етиштирувчиларга тоза уруғ етказиб бериш имконини беради.

Ипак қурти уруғини сақловчи ҳудудий корхоналарда уруғларни сотилмай қолишидан кўриладиган зарар давлат томонидан субсидиялар орқали қоплаб берилади. Бу омил ушбу корхоналарни барқарор фаолият юритишида муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридаги қайд этилган омиллар Хитойда ишлаб чиқарилган ипак қурти уруғларининг ҳар томонлама рақобатбардош бўлишини таъминлайди ва Ўзбекистон, Озарбайжон, Қирғизистон каби пилла етиштирувчи давлатларга катта ҳажмларда экспорт қилинишини таъминлайди. Агар 2019 йилда Озарбайжон Республикасига 20 минг қути ипак қурти уруғи экспорт қилинган бўлса, Ўзбекистон Хитойдан 340 минг қути уруғ сотиб олган.

Ҳиндистонда уруғлик пилланинг сифати тут ипак қурти уруғининг сифатига ҳамда ипак қуртининг етиштириш муваффақиятига боғлиқлигига алоҳида эътибор қаратилади. Шу сабабли олинган уруғлик пиллалар қатъий текширувдан ўтказилади. Белгиланган стандарт талабларига жавоб берадиган уруғлик пиллалар ипак қурти уруғи ишлаб чиқариш учун фойдаланилиши мумкин. Юқори ҳосил ва юқори сифатли уруғ олишни таъминлаш учун табиий морфологик ривожланишни таъминлаш мақсадида уруғлик пилланинг сифати барқарор сақлани-

ши керак.

Ҳиндистонда ипак қурти уруғчилиги билан Миллий ипак қурти уруғчилиги ташкилоти,



штатлардаги пиллачилик департаментлари ҳамда лицензияланган (хусусий) уруғ ишлаб чиқарувчилар шуғулланадилар.

Шунингдек, ушбу мамлакатда ипак қурти уруғи икки турга ажратилади:

– репродуктив уруғлар – давлат тасарруфидаги базавий (таянч) уруғчилик хўжаликларида тайёрланади;

– гибрид/тижорий/саноат уруғлари – ҳам давлат секторида, ҳам хусусий секторда тайёрланади. Бундай уруғлар тижорий кўпайтириш учун фойдаланилади, шунингдек, олинган пилла ҳосили ипак олиш учун ишлатилади.

Ҳиндистонда қуйидагиларга ипак қурти уруғи сифатига таъсир қилувчи асосий омиллар сифатида қаралади:

- қулай инфратузилма;
- зотлар хилма-хиллиги;
- малакали ишчи-ходим ҳамда мутахассислар;
- барча бўғинларнинг доимий ўзаро алоқадорлиги;
- оқилона бошқариш тизимининг мавжудлиги.

Ипак қурти боқиладиган хоналар ва уларда зарурий шароитларнинг белгиланган меъёрларда бўлиши, керакли жиҳозлар билан тўлиқ жиҳозланган лабораторияларнинг мавжудлиги, транспорт, электр, сув таъминоти каби масалаларга инфратузилманинг энг муҳим элементлари сифатида қаралади.

Соҳада наслчилик ва селекция ишларини тўғри йўлга қўйиш, тола сифати рақобатбардош, юқори маҳсулдор, касалликларга, турли ноқулай шароитларга чидамли зот ва дурагайлар яратиш ипак қурти уруғчилигидаги муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Барча бўғинлардаги ишчи-ходимлар ҳамда мутахассисларнинг билим ва кўникмалари, малакасини доимий равишда ошириб боришга алоҳида эътибор қаратилади. Янги зот ва дурагайларни парваришlash технологиялари, лаборатория жиҳозларидан фойдаланиш кўникмаларини ўрганиш ва доимий равишда такомиллаштириб боришга етарли шарт-шароит яратиш юқори малакали ходимларни тайёрлашнинг асосий йўналишларидан ҳисобланади.

Ипак қурти уруғи ишлаб чиқариш билан алоқадор барча бўғинлар – зот ва дурагайлар яратувчи муассасалар, уруғчилик билан шуғулланувчи ташкилотлар, ипак қурти боқувчилар, бирламчи қайта ишловчилар ўртасида узоқ муддатли, доимий муносабатларнинг йўлга қўйилганлиги уруғ сифатини таъминлашда муҳим омил бўлади. Ушбу ташкилотлар кўп

ҳолларда ўзаро кооперация ёки кластер тамойиллари асосида фаолият юритади.

Ипак қурти уруғи ишлаб чиқаришда оқилона бошқариш тизимининг йўлга қўйилганлиги муҳим аҳамият касб этади. Бошқариш ходимлари:

- барча жараёнлардаги техник амалиётларни назорат қилишда ёрдам беради;
- маҳсулот сифатига жавобгарликни ўз зиммасига олади;

– барча бўғиндаги ишчи-ходимларнинг лаёқатлилиги ва юқори малакасини таъминлайди;

- ишчиларни рағбатлантиради;
- молиявий интизомни таъминлайди;
- йўқотишларни камайтиради;
- мижозларнинг шикоятларини ҳисобга олади, умумлаштиради;
- пировард натижада ишлаб чиқариш ҳажми ва унумдорликни оширади.

Ипак қурти уруғи тайёрлаш ва етказиб беришни оқилона режалаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Ипак қурти парваришловчи фермерларнинг кутилаётган талабидан келиб чиққан ҳолда ипак қурти уруғи етказиб беришнинг йиллик ва ойлик режалари ишлаб чиқилади.

Ушбу режадан келиб чиққан ҳолда уруғлик пиллани ойлар бўйича кўпайтириш режаси ва иш жараёнига тегишли бўлган бошқа режалар тузиб олинади.

Ташкилий жиҳатдан Ҳиндистонда ипак қурти уруғини тайёрлаш ва етказиб бериш икки босқичли (даражали) тизимдан иборат. Яъни, юқори даражада уруғлик ядроси, ота-оналик уруғлар давлат тасарруфидаги уруғчилик ташкилотларида тайёрланади, кейинчалик ота-оналик уруғлар F1 авлоди уруғлар олиш учун ва фермер хўжаликларига етказиб бериш учун тижорат уруғчилик корхоналарига етказиб берилади. Тижорат уруғчилик корхоналари ўзлари тайёрлаган F1 авлодли уруғларни товар пилла етиштириш учун хўжаликларга етказиб беришади. Уруғлик сифатига фақат уруғчилик билан шуғулланувчи ташкилотлар тўлиқ жавобгар ҳисобланади.

Ўзбекистондан фарқли равишда Хитой, Ҳиндистон каби иссиқ иқлимли мамлакатларда ипак қурти бир йилда бир неча марта (ўртача 2 мартадан 8-9 мартагача) боқилади ва уруғчилик тизими ҳам шунга мос равишда йўлга қўйилган. Бу ипак қурти уруғчилиги бўйича тажрибаси ўрганилаётган мамлакатларнинг Ўзбекистондан фарқли хусусиятларидан биридир.

Тажрибаси ўрганилган мамлакатларнинг

яна бир Ўзбекистондан фарқли хусусиятларидан бири бу – ипак қурти уруғини етиштириш, тайёрлаш ва етказиб бериш жараёнига (фермер) хўжаликларнинг аралашмаслигидир. Янги зот яратишдан то товар пилла етиштирувчиларга уруғлик етказиб берилгунгача бўлган жараён фақат ихтисослашган қорхоналар томонидан амалга оширилади. Бу тайёрланадиган ва етказиб бериладиган уруғликнинг сифатининг тўла кафолатли бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Ипак қурти уруғчилиги тизимининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ушбу тизимнинг барқарор фаолият юритишида муҳим аҳамият касб этади. Ипак қурти уруғи етиштириш ва етказиб берилган уруғлардан товар пилла хом ашёси етиштириш кўп жиҳатдан об-ҳаво ва бошқа шарт-шароитлар билан боғлиқ. Турли ноқулай йилларда ипак қурти уруғчилиги тизимини субсидиялаш, уларни зарар кўриб ишлашини олдини-олиш, бундай қорхоналарни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланишига дотациялар бериш ипак қурти уруғчилиги тизимини тўлақонли ишлаши, уруғ бўйича бошқа мамлакатларга қарам бўлиб қолмаслик ва, энг асосийси, валюта маблағларини иқтисод қилиш, мамлакат ичида қўшимча иш ўринлари яратиш имконини беради.

Хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, мамлакатда ипак қурти уруғчилиги тизими барқарор ривожланишининг яна бир муҳим шартларидан бири юқори даражадиги илмий таъминотнинг мавжудлигидир. Ипак қуртининг янги зот ва дурагайларини яратиш, парваришланишнинг энг мақбул технологияларини ишлаб чиқиш билан бир нечта илмий муассасаларнинг шуғулланиши соҳада рақобат муҳити пайдо бўлиши, ҳосилдорлиги юқори, стресс ҳолатларга чидамли ипак қурти зот ва дурагайларини яратиш ва етказиб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Шу сабабли ипак қурти селекцияси ва уруғчилиги соҳасидаги илмий тадқиқотларни мақсадли равишда доимий молиялаштириш, бунда селекциянинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ипак қурти уруғчилиги тизимида ишловчи барча даражадаги мутахассис ҳамда ходимларни малакасини доимий равишда ошириб бориш, уларни хорижий давлатларда стажировка ўтишини ташкил қилиш, хорижлик юқори малакали мутахассисларни ушбу тадбирларга жалб қилиш ҳам соҳани жадал ривожлантиришда муҳим омил бўлади.

---

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://m.konspekts.ru/predprinimatelstvo/kratkaya-xarakteristika-uchenij-opredprinimatelstve-v-xviii-xix-vekov/>
2. <http://pravo.studio/ekonomicheskaya-teoriya/evolyutsiya-teorii-predprinimatelstva-52436.html>
3. [en.worldsilk.com](http://en.worldsilk.com) & [esilk.net](http://esilk.net)

## ЭКОТИЗИМ ХИЗМАТЛАРИ ВА УНИ БАҲОЛАШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Абдухолиқ МУХТОРОВ,

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти, и.ф.н., е.и.х.

**Аннотация:** Мақолада экотизим хизматлари ва уни иқтисодий баҳолаш борасидаги илмий-амалий масалалар таҳлил қилинган. Қўриқланадиган табиат боғлари экотизим хизматлари баён қилинган. Экотизим хизматларини баҳолашнинг услублари ва ўзига хос хусусиятлари асослаб берилган.

**Аннотация:** В статье исследованы научно-практические вопросы экосистемных услуг и их экономической оценки. Раскрыта суть экосистемных услуг охраняемых природных территорий. Обоснованы особенности и методы экономической оценки экосистемных услуг.

**Abstract:** The article explores the scientific and practical issues of ecosystem services and their economic assessment. The essence of ecosystem services of protected areas is revealed. Substantiated features and methods of economic valuation of ecosystem services.

Республикамиз аҳолисининг саломатлигини таъминлашда қўриқланадиган табиат боғлари ва давлат миллий табиат боғларининг ўрни беқиёс бўлиб, миллий иқтисодиётимиз ва аҳолининг бундай «худоудлар маҳсулотлари»дан олаётган ижтимоий-иқтисодий ва экологик манфаатларининг аҳамияти чексиз, қиммати бебаҳодир.

Бундай худоудлар тоғли ёки чўл худоудларида жойлашган бўладими, қатъий назар улар шундай «маҳсулотлар»ни тақдим этадики, бугунги кунда минглаб одамлар ўзларининг озик-овқат, энергия қуввати, уй-жой, хом ашё, сув, маданият, санъат, билим ва тадқиқот, спорт, саломатлик, яшаши ва фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган бошқа нарсаларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида ушбу «маҳсулотлардан фойдаланадилар. Бундай «ўзига хос маҳсулот»ни истеъмол қилиш ва ўзлаштиришда улар ушбу худоудлар таъминлаб берадиган экологик хизматлардан бевосита ва билвосита фойдаланадилар.

Юқорида айтилганларнинг барчаси «экотизим хизматлари ва биохилмахилик иқтисодиёти» билан боғлиқ масалалар доирасига тааллуқлидир.

Таъкидлаш жоизки, «экотизим хизматлари ва биохилмахилик» масалалари дунё миқёсида оммабоп ва махсус адабиётларда чорак аср олдин муҳокама қилина бошланган бўлса, «экотизим хизматлари ва биохилмахилик иқтисодиёти» масалалари эса бир-мунча кечроқ баҳс ва мунозаралар доирасига кириб келди.

Махсус ва оммабоп адабиётларда «экотизим хизматлари» сўз ибораси борасида турли фикр ва қарашлар мавжуд бўлиб, ушбу маса-

ла қайси мақсад ва вазифа нуқтаи назаридан қаралаётган бўлса, шу томонга устуворлик берилган ҳолда унга изоҳ берилмоқда ва тарифлар тақлиф қилинмоқда.

Биохилмахилик борасидаги Конвенцияда «экотизим хизматлари»га «инсон томонидан экотизимдан олинadиган манфаат» сифатида таъриф берилган. Бу борада билдириладиган турли фикр ва қарашлар шарҳига тўхталмасдан, шуни таъкидлаймизки, юқорида билдирилган таъриф оддий ва барча учун тушунарли тарзда баён қилинган.

Энг муҳими ушбу экотизим томонидан кўрсатиладиган хизматлар тизими ва улар ба-жарадиган функцияси/вазифаси ҳисобланади ва айнан ушбу функциялар қимматга эга бўлиб, улар иқтисодий жиҳатдан баҳолашниши, қиймати аниқланиши лозимдир.

Ҳар бир хизмат тури каби экотизим хизматлар қиймати аниқлангандан кейин унга нисбатан муносабат тубдан ўзгариши жаҳон амалиёти ва тажрибасида ўз тасдиғини топмоқда.

Табиат ва иқтисодиёт ўртасидаги боғлиқлик экотизим хизматлари ёки кишилиқ жамиятига кириб келаётган ҳамда табиий капитал ҳолати натижаси ва қиймати бўлган қимматликлар оқими ёрдамида тавсифланади [1]. Бугунги кунда инсон фаолияти ва ҳаёт фаровонлигига ҳисса қўшадиган экотизим хизматларини асосан тўрт тоифага бўлиб ўрганиш ва тадқиқ этиш кўпчилик томондан тан олинган бўлиб, улар ҳар бирининг асосини биохилмахилик ташкил этади [2]. Яъни қўлаб-қувватловчи, таъминловчи, тартибга солувчи/бошқарувчи ва маданий соҳадаги экотизим хизматлари.

**Калит сўзлар:** экотизим, экотизим хизматлари, экотизим хизматлари иқтисодий баҳоси, қўриқланадиган табиат боғи, экотизим хизматлари учун тўловлар, экотизим хизматларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш.

Умуман олганда, «экотизим хизматлари ва биохилмахиллик» масалаларини ва хусусан, «экотизим хизматлари ва биохилмахиллик иқтисодиёти» масалаларини муҳокама қилиш қизгин тус олганига қарамай, ушбу тушунчалар турлича талқин қилинади. Шу боис, экотизим хизматлари ёрдамида ўзлаштириладиган ва истеъмол қилинадиган табиий неъматларнинг қийматини баҳолаш ва аниқлашда турли усуллардан фойдаланилади. Бунга экотизим хизматларининг кўлами ва катталиги ҳам, экотизимларнинг одамлар турмуш фаровонлигига бевосита ва билвосита қўшган ҳиссаси ҳам турли мамлакатлар ва минтақаларда бир-биридан фақланиши билан изоҳлаш мумкин.

Бизнинг мамлакатимиз ҳамда Марказий Осиё давлатлари учун экотизим хизматларининг фундаментал, амалий ва инновацион масалалари ушбу давлатлар мустақилликка эришганидан кейин ва асосан турли халқаро дастурлар ва тадқиқотлар доирасида нисбатан кўпроқ ва тизимли равишда ўрганила бошланди.

Таъкидлаш жоизки, Республикамизда БМТ-ТД ва ГЭЖ томонидан амалга оширилаётган «Глобал аҳамиятга эга бўлган биохилмахиллик учун муҳим ҳисобланмиш асосий тоғли ҳудудларда табиат ресурсларидан барқарор равишда фойдаланиш ва ўрмон хўжалигини бошқариш» лойиҳа доирасида биринчилар қаторида концептуал ва кенг қамровли илмий-амалий тадбирлар ташкил этилган ва олиб борилмоқда.

Тадқиқот доирасида Угам Чотқол Давлат миллий табиат боғи ва ушбу боғ томонидан кўрсатилаётган экотизим хизматларини иқтисодий жиҳатдан баҳолашнинг услубий ва амалий жиҳатларини ўрганиш борасида тадбирлар ва изланишлар олиб борилмоқда.

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, қўриқланадиган табиий ҳудудлар кирадиган тоғ ва ўрмон ландшафтларида экотизим хизматларининг роли ва аҳамияти ҳақида мамлакатимизда эълон қилинган адабиётларда турфа фикрлар қизгин баён қилинмоқда. Аксарият мақолаларда асосан табиат бизга қанча маҳсулот бериши ёки биз табиатдан қанча маҳсулотни олаётганимиз, шунингдек ҳозирги кунда ҳамда келажакда кўриладиган экологик манфаатлар ва йўқотишлар ҳақида турли хил фикрлар билдирилмоқда.

Бироқ, табиатдан олаётган турли маҳсулотларни қиймат жиҳатдан баҳолаш масалалари ва айниқса, тоғ ва ўрмон ландшафтларида экотизим хизматларини иқтисодий жиҳатдан баҳолаш масалалари фундаментал асосда бирмунча кам ўрганилган.

Бу борадаги илк тажриба FLERMONICA [3] лойиҳаси доирасида Угам-Чотқол Давлат миллий табиат боғи ҳудудидаги Билдирсой мисолида туризм соҳасида экотизим хизматларини иқтисодий баҳолаш борасидаги тадқиқот ҳисобланиб, унда Билдирсой туризм соҳасидаги экотизим хизматларининг умумий иқтисодий

баҳоси 1,3 млн. АҚШ доллар. «Мазкур ҳудуднинг экотизим хизматлари умумий иқтисодий қиммати эса 6,3 млн. АҚШ доллар» миқдориди баҳоланган.

Бу йўналишдаги иккинчи бир тадқиқот «Иқтисодий хизматлар учун рағбатлантириш: Ўзбекистон экотизимларини сақлаш учун инновацион иқтисодий восита» лойиҳаси доирасида амалга оширилган бўлиб, лойиҳанинг асосий мақсади – атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва экотизим хизматлари учун рағбатлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат бўлган [4].

Шунингдек, Республикамизда экотизим хизматлари учун тўлов қийматини ҳисоблаш усуллари ва механизмларини белгилаш, хусусан чўл шароитларида яйловларни таназзулга учрашидан етказилган зарар қийматини ҳисоблаш бўйича ҳам ишлар олиб борилган [5] бўлиб, бу ишлар бир лойиҳа ва тадбир доирасида маълум бир чекланган ҳудудда амалга оширилганлиги боис, олинган натижалардан кенг кўлама фойдаланмаган.

Ўзбекистонда БМТ Ривожлантириш дастурининг «Глобал аҳамиятга эга биохилмахиллик учун аҳамиятли бўлган муҳим тоғли районларда табиий ресурслардан барқарор фойдаланиш ва ўрмонларни бошқариш (Snow Leopard)» лойиҳаси доирасида Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ИТТ томонидан «Яйловлардан фойдаланиш шартларининг иқтисодий-математик ҳисоб-китоб усулларини тайёрлаш ва уларни таҳлил ва мониторинг қилишга жорий этиш» мавзусида олиб борилган тадқиқот доирасида илмий-ижодий гуруҳ таркиби муаллиф томонидан Оҳангарон тумани мисолида яйловлардан фойдаланиш соҳасида экотизим хизматларини иқтисодий баҳолаш ҳисоб-китоблар асосида аниқланган ва бир гектар яйловнинг иқтисодий қиммати 1931,87 минг сўм ёки 236,14 АҚШ доллари миқдориди баҳоланган.

Экотизим хизматларини иқтисодий баҳолашдаги асосий услубий ёндашув – экотизим функцияси ёки унинг маҳсулоти қийматини баҳолашга асосланган бўлиши лозим.

Масалан, Оҳангарон тумани яйловлари яйлов ўсимликлари ёки яйлов озуқалари етиштириш, чорва молларини боқиш асосида маҳсулотлар етиштириш ва туризм (бевосита фойдаланиш), яйловдаги буталардан эса иситиш учун фойдаланиш (потенциал фойдаланиш), тошқинлардан, ер кўчишидан, сел оқимларидан ҳимоя қилиш (қўллаб-қувватловчи вазифаси), ҳавони тозалаш каби функцияларни бажариб турли экохизматларни кўрсатмоқдаки, улар ҳам минтақавий ва миллий бойлик каби аҳамиятга эгадир.

Албатта, услубий жиҳатдан мазкур ёндашув камчиликлардан холи эмас, деб ҳисоблаймиз ва ҳар бир тадқиқот мақсад ва вазифасидан келиб чиққан ҳолда экотизим хизматларини иқтисодий баҳолаш услуби такомиллаштириб борилиши, шунингдек, яйловлар кўрсатаётган хизматларни инобатга олган ҳолда тўлдириб



## ЭКОТИЗИМ ХИЗМАТЛАРИНИ ИҚТИСОДИЙ БАҲОЛАШ УСЛУБЛАРИ

Усул ва услубий ёндашувлар	Экотизим хизматлари тури			
	Таъминлаш хизматлари	Бошқариш/тарбибга солиш хизматлари	Маданий хизматлар	Қўллаб-қувватлаш хизматлари
1.Тўғридан-тўғри (бевосита) фойдаланиш	+	-	+	Қўллаб-қувватлаш хизматлари бошқа хизматлар таркибий қисми бўланлиги боис, баҳоланмайди
2.Билвосита фойдаланиш	-	+	-	
Альтернатив /муқобил фойдаланиш	+	+	+	
Фойдаланмаслик	-	-	+	

борилиши мумкин.

Бундай иқтисодий таҳлил қуйидагиларга имкон беради:

- иқтисодий қиммати нуқтаи назаридан энг муҳим хизматларни аниқлаш, бу ўз навбатида инвестициялар йўналишларини аниқлашга таъсир кўрсатиши мумкин;

- бозор қиймати мавжуд эмаслиги туфайли таққослаш мумкин бўлмаган хизматлар/ресурсларнинг пул қийматини тақдим этиш ва уларни таққослаш;

- экотизим хизматларининг уларни тақдим этиш ёки сақлаш билан боғлиқ бўлган асосий фойдаланувчиларини аниқлаш.

Фикримизча, экотизим хизматлари иқтисодий баҳосини аниқлашда «экотизим хизматларининг тўлиқ қиймати концепцияси»дан [6], яъни «бевосита фойдаланиш», «билвосита фойдаланиш», «потенциал фойдаланиш», «фойдаланилмаслик» каби қимматини иқтисодий баҳолаш услубларидан фойдаланиш, ҳар бир экотизим хизматлари иқтисодий баҳосини бирмунча тўлиқ баҳолашга имкон беради.

Хулоса қилган ҳолда шуни қайд этиш лозимки, экотизим хизматларининг иқтисодий қийматини турли ландшафт зоналари даражасида аниқлашга доир мустақил фундамен-тал тадқиқотни ташкил этиш ва ўтказиш зарурати мавжуд.

Тадқиқотлар кўрсатишича, нафақат қўриқланадиган табиат ҳудудлар, балки республикамиз табиий ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш даражасининг

талаб даражасида эмаслигининг асосий сабабларидан бири экотизим хизматлари қиммати-ни баҳолаш учун «ишончли» ахборот ва маълумотларнинг мавжуд эмаслиги ҳисобланади.

Экотизим хизматлари иқтисодий жиҳатдан баҳолаш борасида ўтказилган тадқиқотлар жуда кам ва мавжудларининг эса тадқиқот қўлами чегараланганлиги боис, кенг оммага етиб бормаяпти.

Масалан, айрим тадқиқотларда экотизим хизматларини баҳолашда харажатлар ва даромадлар усулидан фойдаланиш тавсия этилади. Жумладан, Тошкент вилояти Бўка туманида ўтказилган тадқиқотларда ушбу услубий ёндашувга асосланиб, суғориладиган ерлар иқтисодий баҳоси аниқланган [7]. Бунда ҳосил йиғиб-териб олинганидан кейин дала-ларни тозалаш эмас, балки пахта қолдиғини дала-ларда қолдирилиши учинчи йилда бир гектар майдондан 29 АҚШ доллари даромад олиши мумкинлиги, углерод захираларини тўлдириши ҳисобга оладиган бўлинса, оладиган соф даромад гектарига 30 АҚШ доллари миқдоридан бўлиши асосланган.

Экотизим хизматларини иқтисодий жиҳатдан баҳолаш борасидаги жаҳон, шунингдек республикамиз ва Марказий Осиё давлатларида тўпланган амалий тажрибаларга асосланиб [8,9], мамлакатимизда экотизим хизматларини иқтисодий баҳолашда қайд этилган услубий ёндашувдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. ТЕЕВ (2010) – The Economics of Ecosystems and Biodiversity: mainstreaming the Economics of Nature. A synthesis of the approach, conclusions and recommendations of ТЕЕВ. 11 p. (Признание экономики природы Синтез подхода, выводов и рекомендаций ТЕЕВ). L.Emerton, 2010, 2013
2. Оценка экосистем на пороге тысячелетия. МА. 2005.
3. Шестой Национальный Доклад Республики Узбекистан о сохранении биологического разнообразия/под общей редакцией Б.Т. Кучкарова/. – Ташкент, 2018. – 235 с. (16, 81. 82)
4. Отчёт РЭЦЦА, 2013
5. Норбеков Ш. – Ташкент, 2018
6. Проект ПРООН в Туркменистане и ГЭФ «Планирование национального биоразнообразия в поддержку выполнения Конвенции по Биоразнообразию. Стратегический план Туркменистана 2011–2020 гг.

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ЛОЙИХАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

**Ғанийбай ДУСМУРАТОВ,**

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш  
муҳандислари институти, и.ф.н., доцент

**Аннотация:** Мақолада қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга маблағ киритишнинг давлат шериги ва хусусий шерик учун афзалликлари кўрсатиб берилган. Давлат-хусусий шерикликнинг (ДХШ) ФАО томонидан ажратиб кўрсатилган турларидан келиб чиқиб, уларни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белигилаб берилган.

**Аннотация:** В статье показаны преимущества инвестирования в развитие сельского хозяйства для государственных и частных партнеров. Определены основные направления их развития на основе различных типов государственно-частного партнерства (ГЧП), определенных ФАО.

**Abstract:** Article shows the advantages of investing in agricultural development for public and private partners. The main directions of their development based on the types of public-private partnerships (PPPs) identified by the FAO.

Хозирги вақтда мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида давлат-хусусий шериклик (ДХШ) лойиҳаларини амалга оширишда аграр тармоғи илғор бўлган мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олиш зарур. Мазкур йўналишда муҳим долзарб жиҳат давлат-хусусий шериклик салоҳиятининг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга таъсири ҳисобланади. Шу муносабати билан қишлоқ хўжалигида ДХШ механизмини қўллаш учун услубий ва ташкилий ёндашувларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Бирлашган миллатлар ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) соҳани барқарор ривожлантириш учун давлат-хусусий шериклигидан (ДХШ) фойдаланиш муҳимлигини таъкидлайди, уни АСМда меҳнат унумдорлигини ошириш ва ўсишни рағбатлантириш, бутун дунёда озиқ-овқат ишлаб чиқаришни кўпайтириш механизми сифатида қарайди.

ДХШ инфраструктуравий лойиҳаларда, таълим ва тиббиётда кенг тарқалган ҳисобланиб, қишлоқ хўжалигини модернизациялашга ёрдам берадиган ва бунинг оқибатида нафақат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг ўзларига ва давлатга, балки бутун жамиятга наф келтира оладиган нисбатан янги амалиёт бўлиб қолмоқда. ФАО агробизнесни ривожлантириш соҳасида ДХШни “қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш вазифасини ҳал этиш учун яратилган давлат институтлари ва

хусусий шериклар ўртасидаги расман эълон қилинган, бу ерда шерикликдан кутилаётган ижтимоий наф аниқ аниқланган, инвестицион бадаллар ва рисклар тақсимланган ва барча шериклар ДХШ лойиҳаси ҳаёт цикли ҳар бир босқичида фаол ролга эга шериклик” сифатида қаралади.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга маблағларни қўйиш жозибдорлиги шериклик учун кўпчилик афзалликларга эга бўлиб, у қуйидагиларни акс этади:

- хусусий молиявий маблағлар ва бошқа ресурсларни жалб этиш ҳисобидан ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни жорий этиш ва амалга ошириш;

- қишлоқ хўжалигида комплекс дастурларни бошқаришнинг йўлга қўйилган механизмдан фойдаланиш;

- АСМнинг технологик ва молиявий салоҳиятини ошириш;

- ишлаб чиқарувчиларни глобал бозорларга киритиш;

- замонавий аграр технологияларга ва янги бозорларга кириш имкониятини кенгайтириш.

Хусусий бизнес ҳам қишлоқ хўжалигида ДХШда иштирок этиш учун маълум сабабларга эга:

- давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг салмоқли эканлиги;

- инвестицияларни узоқ муддатга давлат кафолати остида жойлаштириш имконияти;

**Калит сўзлар:** давлат-хусусий шериклик, лойиҳа, тизим, меҳнат унумдорлиги, озиқ-овқат ишлаб чиқариш, модернизация, агробизнес, ижтимоий наф.

- аграр лойиҳаларда солиқ имтиёзларининг мавжудлиги.

ФАО агробизнесни ривожлантириш соҳасида ДХШнинг тарқалган лойиҳаларининг 4 та турга ажратади:

- қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш-сотиш занжирини ривожлантириш учун шериклик. Бу ерда ички ва ташқи бозорларга кириш имкониятини таъминлаш учун, шу жумладан занжирнинг ўзида сертификациялаш ҳисобига қиймат яратишнинг аниқ занжирини ишлаб чиқиш назарда тутилади ва бошқалар;

- ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари, инновациялар ва технологияларни жорий этиш ва мутахассисларни ўқитиш ва бошқаларга мўлжалланган шериклик;

- савдо маркаларини, товарларни сақлаш учун омборхоналарни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун логистик тизимлар, агропаркларни ривожлантиришга қаратилган бозор инфраструктурасини қуриш ва модернизациялаш учун шерикчилик;

- фермерларга ва кичик қорхоналарга бизнесни ривожлантириш бўйича хизматлар узатиш учун шериклик, агродилерлар учун бошқаришни ўқитиш, фермер ва деҳқон хўжаликлари учун бизнесни ривожлантириш хизматларини субсидиялаш ва бошқалар;

Мамлакат агросаноат мажмуасида ДХШ ривожланишнинг бошланғич bosқичида турибди. Мазкур механизм сезиларли салоҳиятга эга бўлсада ҳозирги bosқичда бозор иштирокчилари орасида фаол қизиқишга сабаб бўлмапти. Аммо, бизнингча, қишлоқ хўжалигида ДХШни фаол шакллантиришга тўсқинлик қилаётган сабаблар ҳам борки, уларни қуйидагича акс эттириш мумкин:

- хусусий бизнеснинг узоқ муддатли лойиҳаларга қизиқиши мавжуд эмаслиги. Чунки кўпчилик мулкдорлар мазкур соҳада узоқ ишлаш ниятида эмас, уларнинг мақсади бу ерда максимал даромад олиш ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида меҳнат қилишни хоҳловчи тадбиркорлар, маҳсулот сотишдаги муаммо туфайли узоқ истиқболга режалаштириш имкониятига эга эмас;

- ДХШ лойиҳаларида иштирок этиш учун зарур эркин пул маблағларининг мавжуд эмаслиги, кўпинча банкдан кредит олиш имконининг чекланганлиги;

- мутахассислар малакасининг етарли эмаслиги. Бу АСМ ходимлари учун ҳам, давлат мансабдорлари учун ҳам характерлидир;

- қонунчиликни такомиллаштириш зарурияти, уни қўллашда кенг амалиётнинг мавжуд эмаслиги ва бошқалар.

Бизнинг фикримизча, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурида мувофиқлаштирувчи, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари иштирокчиларини методик таъминлайдиган ва ахборот қўллаб-қувватлайдиган (шу жумладан минтақавий даражада ҳам), ДХШ лойиҳаларида иштирок этишни рағбатлантирувчи орган ташкил этиш зарур. Мазкур орган кадрлар салоҳиятини ошириш, жамият томонидан лойиҳаларни бажаришни назорат қилиш, АСМда ДХШни ривожлантиришнинг мумкин бўлган йўналишларини мукамал ишлаб чиқиш масалалари билан шуғулланади.

Тармоқда ДХШ лойиҳаларини ривожлантириш учун етарли салоҳиятга эга асосий йўналишлар орасида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ўсимликчилик ҳамда чорвачиликда ҳам органик маҳсулот ишлаб чиқариш ва “Organic product. Made in Uzbekistan” бренди остида халқаро бозорга чиқиш;

- мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш соҳасида ихтисослашган иссиқхона хўжаликларини ривожлантириш;

- сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига ички талабни қондириш учун қорамол гўшти ва сут ишлаб чиқаришни кўпайтириш;

- ишлаб чиқарилган маҳсулотни сақлаш ва қайта ишлаш учун зарур инфраструктурани реконструкция қилиш ва қуриш;

- ички бозорда пировард истеъмолчига ишлаб чиқарилган маҳсулотни етказиш, ташқи бозорларга чиқишни енгиллаштириш учун тегишли логистик схемаларни ишлаб чиқиш;

- уруғчиликни ривожлантириш, комплекс ўғитларни, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқариш ва бошқа лойиҳалар;

- илмий натижаларни амалиётга жорий этиш, замонавий технологияларни жорий этиш ва ёшларни билим ва кўникмаларини оширишга йўналтирилган лойиҳалар ва бошқалар.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Delmon J. Private Sector Investment In Infrastructure: Project Finance, PPP Projects and Risk. Washington: World Bank Publications, 2009. 672 p.

2. Public-Private Partnerships for Sustainable Agricultural Development. Paris: OECD, 2014. URL: [https://www.oecd.org/site/agrfcn/Session%204\\_FA0%201TT%20PPP%20Presentatlon%20Fiml.pdf](https://www.oecd.org/site/agrfcn/Session%204_FA0%201TT%20PPP%20Presentatlon%20Fiml.pdf)

## БИОЛОГИК АКТИВЛАР АУДИТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Бахтиёр МЕНГЛИКУЛОВ,

Тошкент давлат аграр университети, и.ф.н., профессор

**Аннотация:** Мақолада биологик активлар аудитининг хусусиятлари ёритилган. Биологик активлар аудитини ташкил этиш бўйича фикр юритилган ва таклифлар берилган.

**Аннотация:** В статье освещены особенности аудита биологических активов. Обсуждены и даны рекомендации по организации аудита биологических активов.

**Abstract:** In the article highlighted the features of the audit of biological assets. Discussed and given recommendations on the organization of the audit of biological assets.

Бозор муносабатлари шароитида аграр соҳа корхоналарида аудитни тўғри ташкил этиш муҳим масалалардан ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида мол-мулклар тўлиқ ва тўғри сақланиши учун улар моддий жавобгар шахсларга бириктирилган. Назорат мақсадида мазкур мол-мулклар вақти-вақти билан инвентаризациядан ўтказилиши ва назорат қилиниши талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ПФ-4947-сон Фармонида бошқарув тизимида халқаро инструментлар ва стандартлардан кенг фойдаланишни кўзда тутувчи вазибалар белгиланган [1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги ПҚ-3946-сон қарорида ҳам халқаро аудит стандартлари фанини ўқитиш зарурлиги таъкидланган [2]. Бу ҳам аудитни ташкил этишнинг халқаро стандартларига интеграциялашиш кераклигидан далолат беради.

Бозор муносабатлари шароити аграр соҳада аудитни такомиллаштиришни, яъни уни Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС)даги умумқабул қилинган талаблар ва тамойилларга мослаштиришни тақозо этади. Аграр тармоқнинг ўзига хос, яъни такомиллаштирилиши талаб этиладиган ҳисоб объектларидан бири бу биологик активлардир.

41-сонли «Қишлоқ хўжалиги» номли МҲХСда: «Биологик актив - бу тирик ҳайвон ёки ўсимликдир». Шунингдек, «Биологик активлар гуруҳи - бу ўхшаш тирик ҳайвонлар ёки ўсимликлар умумлашмасидир» деб келтирилган [3]. 41-сонли МҲХСда биологик активлар таркибига қуйидагилар киритил-

ган: қўй, чорва моли, чўчқалар, ўсимликлар, дарахтзордаги дарахтлар, бута ўсимликлари, узум дарахтлари, мевали дарахтлар.

Биологик активлар деганда биологик ўзгариш жараёнида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини (тирик вазнининг ўсиши, сут, жун, гўнг, тухум, мева, резавор мева ва шу кабилар) ёки қўшимча биологик активлар (бузоқ, қўзи, кўчат, қаламча ва шу кабилар) бериши мумкин бўлган, шунингдек у ёки бу шаклда корхонага иқтисодий наф келтирувчи чорва моллари (катта ёшли маҳсулдор ва наслдор чорва моли, ўстирувдаги ва боқувдаги чорва моллари, парранда, балиқлар, асаларилар ва шу кабилар) ёки ўсимликлар (бир йиллик ва кўп йиллик ўсимликлар, кўп йиллик дарахтлар, ўрмон хўжалигидаги дарахтлар ва шу кабилар) тушунилади.

41-сон «Қишлоқ хўжалиги» номли молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) га мувофиқ корхонанинг асосий воситалари таркибида ҳисобга олинган: ишчи ҳайвонлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда сақлаб туриладиган ҳайвонлар (цирк, зоопарк, қўриқхона ҳайвонлари ва шу кабилар), қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиш режалаштирилмаган бир йиллик ва кўп йиллик ўсимликлар (манзарали гуллар, буталар, ихота дарахатзорлар ва бошқалар) биологик активлар сифатида тан олинмайди [4].

Биологик активларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни акс эттирувчи бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот маълумотларини аудиторлик текширувдан ўтказиш қишлоқ хўжалик корхоналари аудитининг муҳим бўлимларидан бири ҳисобланади.

Биологик активлар ҳисобини ташкил

**Калит сўзлар:** биологик активлар, аудит, аграр соҳа, интеграция, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, аналитик ва синтетик, аудиторлик текширув, моделлаштириш.



этишда ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олиш билан бир қаторда уларни аудиторлик текширувидан ўтказишда ҳам ўзига хос хусусиятлар мавжудлигига эътибор қаратиш лозим.

Биологик активлар аудитини текширишнинг бошланғич босқичида аудитор қуйидагилар бўйича далиллар олиши керак:

– биологик активларни ҳисобга олувчи счётлар бўйича бошланғич қолдиқлар хўжалик юритувчи субъектнинг аудиторлик текширувидан ўтказилаётган даври учун молиявий ҳисоботида жиддий таъсир қиладиган хатоликларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;

– биологик активлар ҳисоби бўйича счётларнинг жорий давр учун бошланғич қолдиқларнинг ўтган даврдан тўғри ўтказилганлиги;

– хўжалик юритувчи субъект ҳисоб сиёсатида биологик активларни баҳолашга нисбатан даврдан даврга изчилликнинг мавжудлиги.

Биологик активларни аудиторлик текширувидан ўтказишда «аудиторлик танлаш» ва «хўжатли текширувлар» усулларидадан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Биологик активларни аудити

жараёнида аудиторлик амалларидан бири, масалан чорвачилиқда чорва моллари ҳаракатининг ҳақиқийлигини, уларнинг ҳужжатлар билан тасдиқланганлиги, ҳисоб тизимида акс эттирилишининг тўлиқлиги ва ўз вақтидалигини текшириш ҳисобланади. Масалан, чорва молларининг кирим қилиниши бўйича муомалаларнинг (насл олиниши, қўшилган вазн, гуруҳдан-гуруҳга ўтказилиши, харид қилиш ва бошқалар) ҳақиқийлигини текшириш учун тасдиқловчи бошланғич ҳужжатларнинг («Олинган наслни кирим қилиш далолатномаси», «Чорва молларини гуруҳдан-гуруҳга ўтказиш далолатномаси», «Чорва молларини тортиш (ўлчаш) қайдномаси», «Чорва молларини асосий подадан брак қилиш қайдномаси», «Паррандаларни брак қилиш (сўйиш, ҳаром ўлиши) далолатномалари» ва ҳоказо) мав-

жудлиги, уларнинг расмийлаштирилиши тўғрилиги ҳамда уларнинг «Чорва моллари ва паррандалар ҳаракати ҳисоби дафтари» маълумотлари, «Фермада чорва моллари ва паррандалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот» маълумотлари билан мос келишини аниқлаш зарур.

Россиялик иқтисодчи олим В.Г.Широбоков аудит жараёнида ўртача вазндаги чорва моли ҳаром ўлган кунда озгин чорва молини сўйиш амалга оширилган ҳолатларини аниқланишини таъкидлайди [5]. Ушбу операциялар бўйича бошланғич ҳужжатларда («Чорва моллари ва паррандалар чиқими далолатномаси» (сўйиш, ҳаром ўлиши)), қасддан сохталаштириш амалга оширилиши мумкин. Ҳаром ўлиш далолатномасида нисбатан йирикроқ вазндаги чорва моли акс эттирилади (ҳақиқатда гўшт учун сўйилган), сўйиш далолатномасида эса аксинча, озгин чорва моли акс эттирилади. Бундай қоидага хилоф ҳатти ҳаракат ҳисобга олинмаган гўштни ўзлаштириш мақсадида амалга оширилади. Таъкидлаб ўтилган қоидабузарликни аниқлаш учун ўзаро боғлиқ бўлган

#### **1. Биологик активлар мавжудлигини таъминлашни текшириш:**

- 1.1. Биологик активларни сақлаш шароитларини, қоровуларнинг мавжудлигини текшириш
- 1.2. Биологик активларнинг мавжудлиги учун жавобгар бўлган моддий жавобгар шахсларнинг ва улар томонидан имзоланган моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартноманинг мавжудлигини текшириш

#### **2. Биологик активларни ҳисобга олишга доир бошланғич ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши тўғрилигини танлаб текшириш:**

- 2.1. «Чорва моллари наслини кирим қилиш далолатномалари»ни формал белгилари ва низомларда акс этган моҳияти бўйича текшириш
- 2.2. Чорва молларини тортиш операцияларининг акс эттирилиши тўлиқлигини текшириш
- 2.3. «Чорва молларини гуруҳдан-гуруҳга ўтказиш далолатномалари» ва «Чорва молларини ҳисобдан чиқариш далолатномалари»ни текшириш
- 2.4. Чорва молларини реализация қилиш билан боғлиқ операцияларни акс эттириш тўлиқлигини текшириш

#### **3. Биологик активлар инвентаризациясини ўтказиш тартиби ва даврийлиги ва унинг натижаларини ҳисобда акс эттирилишини текшириш:**

- 3.1. Биологик активлар инвентаризацияси ўтказилиши тўғрилигини текшириш
- 3.2. Корхона инвентаризация ўтказиш даврийлигини текшириш
- 3.3. Инвентаризация натижаларининг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши тўғрилигини текшириш, камомад ва ўзлаштиришлар аниқланган ҳолатларда талаб даражасидаги чоралар кўрилганлигини назорат қилиш
- 3.4. Биологик активлар ҳисоби бўйича ҳужжатлар айланиш графигининг мавжудлиги ва унга амал қилинишини текшириш
- 3.5. Биологик активлар сифатида ёш чорва моллари таннархи шаклланишининг тўғрилигини текшириш

#### **4. Биологик активларнинг аналитик ва синтетик ҳисоби ташкил этилишини текшириш:**

- 4.1. Аналитик ва синтетик ҳисоб регистрларининг шакллантирилиши тўғрилигини ўрганиш (қайта ҳисоблаш, ҳисоб ёзувларини, аналитик амалларни текшириш)
- 4.2. Синтетик ва аналитик ҳисоб қолдиқларининг мувофиқлиги аудити.
- 4.3. Биологик активлар ҳисоби бўйича якуний маълумотларнинг ҳисоботларда акс эттирилиши тўғрилигини текшириш

#### **Расм. Биологик активларни текшириш тартиби [6]**

хужжатларни мантикий таққослаш ва кўрсаткичларни параллел моделлаштириш усуллари қўллаш зарур.

Ўстирувдаги ва боқувдаги ҳайвонлар, хусусан, ёш чорва моллари уларни ўзлаштириш (ўғирлаш) имконияти билан боғлиқ бўлган юқори рискка мойил активлар гуруҳига тааллуқли эканлигини аудитор ҳисобга олиши шарт. 13-сонли «Хатолар ва аудит жараёнидаги қоидага хилоф ҳаракатларни кўриб чиқиш бўйича аудитор мажбуриятлари» номли стандартга мувофиқ активларни ўзлаштириш мулкдорнинг вакили, аудиторлик текширувидан ўтказилаётган корхонанинг раҳбарияти ёки ходимлари ёхуд учинчи шахслар бўлган бир ёки бир неча шахслар томонидан ноқонуний манфаат олиш мақсадида қоидага хилоф ҳатти ҳаракатлар ёрдамида амалга оширилган қасддан ҳаракатлар сифатида баҳоланади. Ушбу стандартда қоидага зид ҳаракатлар ёки хатолар натижасида молиявий ҳисоботда чалкашликлар мавжуд бўлишини кўрсатувчи белгилар аниқлангани ҳолатларда аудитор бажариши шарт бўлган аудиторлик амалларига доир тавсиялар келтирилган.

Алماшиш шартномалари бўйича операцияларни текширишда аудитор қўлланилган баҳо, ҳисобга қабул қилишда чорва молининг ҳақиқий қийматини аниқлаш, бюджетдан қоплашга тақдим этиладиган қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) суммалари ҳисоб-китобининг аниқлиги, ушбу муомалалар бўйича счётлар корреспонденцияси тўғрилигига алоҳида эътибор қаратиши зарур.

Бошланғич хужжатлар, аналитик ва синтетик ҳисоб регистрлари асосида аудитор биологик активлар ҳисоби бўйича счётлар корреспонденцияси тўғрилигини назорат қилади. Аудитор ҳисоб регистрларидаги маълумотларнинг бухгалтерия ҳисоботларига ўтказилиши аниқлигини текшириши шарт. Бунинг учун аналитик ҳисоб регистрлари маълумотлари Бухгалтерия балансининг «Ўстирувдаги ва боқувдаги ҳайвонлар», «Тугалланмаган ишлаб чиқариш», «Тайёр маҳсулот» моддалари ва ихтисослашган ҳисобот шакллари маълумотлари билан солиштириладиган «Бош дафтар»даги тегишли счётлар (1110 ва 1120, 2010, 2810) билан таққосланади.

Аудиторлик текширувлари жараёнида қишлоқ хўжалик корхонаси бухгалтерия ҳисобида йўл қўйилган бир қатор хато-камчиликлар аниқланади. Биологик активлар бухгалтерия ҳисобида одатда, қуйидаги ўзига хос камчиликларга йўл қўйилади.

Биологик активлар аудити натижасида аниқланган хатолар баланс моддаларини чалкаштиришга олиб келади, умум белгиланган солиқларни тўлашда ҚҚС, мулк солиғи ва фой-

да солиғини ёки соддалаштирилган тартибда солиқ тўланганида Ягона солиқ тўловини ҳисоблашга таъсир кўрсатади.

Биологик активларни батафсил текшириш ва уларни бухгалтерия ҳисоби, солиқ ҳисоби ҳамда ҳисоботда акс эттирилиши бўйича амалларни бажариш натижасида аудитор қишлоқ хўжалик корхонасида ҳисоб сиёсатининг қўлланилиши тўғрилигига баҳо бериши лозим.

Хатоларнинг ўзига хослиги ҳар бир қишлоқ хўжалик корхонаси учун алоҳида аниқланади. Биологик активлар ҳисобида мунтазам рўй берадиган хатоларнинг тахминий рўйхатини қуйидагича шакллантириш мумкин:

- моддий жавобгар шахслар билан моддий жавобгарлик тўғрисида шартноманинг имзоланмаганлиги;

- биологик активларнинг келиб тушиши ва чиқим қилиниши бўйича хужжатлар нотўғри расмийлаштирилиши;

- харид қилинган биологик активларнинг нотўғри баҳоланиши;

- бухгалтерияда биологик активлар ҳаракатининг аналитик ҳисоби юритилмаслиги;

- биологик активларнинг ҳақиқий таннархини нотўғри ҳисобланиши;

- алмашиш шартномалари бўйича олинган биологик активларнинг нотўғри баҳоланиши;

- биологик активлар баланс баҳосининг асосланмаган ҳолда ўзгартирилиши;

- бухгалтерия ҳисобига қабул қилинмаган (кирим хужжатлари билан расмийлаштирилмаган) биологик активларни ҳисобдан чиқарилиши;

- бухгалтерия ҳисоби ва фермадаги биологик активларнинг ҳаракати бўйича маълумотларнинг мунтазам равишда текширилмаслиги, биологик активларнинг ҳар йиллик инвентаризациясининг ўтказилмаслиги;

- биологик активлар ҳисоби бўйича ноодатий счётлар корреспонденцияси тузилиши ва ҳ.к.

Аудиторлик текширувлари бўйича амалиёт кўрсатишича, ходимлар, ферма мудирини ёки бошқа мансабдор шахсларнинг тил бириктириши йўли билан амалга ошириладиган бош сонини ҳисобга олишда қасддан қилинган хатоликларнинг энг кенг тарқалгани, уларни ўзлаштириш мақсадида ҳаром ўлган чорва моллари сонини ошириб кўрсатиш ёки олинган наслни яширишдир. Бунга тескари бўлган, яъни ҳаром ўлганлар сонини камайтириш ҳолатлари ҳам учрайди. Шу сабабли чорва молларининг қўшилган вазни ҳам оширилган ҳолда кўрсатилиши мумкин.

Ушбу хато-камчиликларни бошланғич хужжатлар маълумотларини, йиғма ва аналитик ҳисоб маълумотлари билан таққослаш орқали аниқлаш мумкин эмас. Бундай ҳолат-

ларда тўсатдан инвентаризация ўтказиш, ўз-ро боғлиқ ҳужжатларни мантиқий таққослаш каби усуллар самарали бўлиши мумкин. Масалан, бухгалтерия ҳисобида акс эттирилган маълумотларни зоотехник ва ветеринар ҳисоби (йирик шохли қорамолларни сунъий қочирилиши ва болалаш, чорва молларининг ҳаром ўлиши, эмланиши бўйича) маълумотлари, озуқалар сарфи ҳақида маълумотлар («Озуқа сарф ҳисоби қайдномалари») ва бошқалар билан таққослаш керак [6].

Тез-тез рўй берадиган одатдаги қоидабузарлик моддий жавобгар шахсларнинг айби билан содир бўлган чорва молларининг ҳаром ўлишидан зарарларни 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» счётининг чорвачилик аналитик счёти дебетида ишлаб чиқариш харажатларига ҳисобдан чиқарилишидир.

Шунингдек, ўстирувдаги ва боқувдаги чорва молларини баҳолашда тез-тез такрорланувчи хатоликлар бўлиши мумкин. Аудитор арифметик ҳисоб-китоб йўли билан олинган насл, 1 ц қўшилган вазн, 1 ц тирик вазннинг ҳақиқий таннархи ҳисоб-китобининг ишончилигини текшириши зарур. Бунда ҳисоб-китоб натижалари аудиторик текшируви ўтказилаётган корхона маълумотлари билан таққосланади. Шу билан бир вақтда, аниқланган калькуляция фарқларининг ҳисобдан чиқарилиши текшириб борилиши лозим.

Аудитор текширувни яқунлар экан, биологик активлар ҳақидаги барча муҳим маълумотлар, шунингдек амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ очиб берилиши талаб қилинадиган маълумотлар тўғри туркумланганлиги, мижоз-корхонанинг бухгалтерия ҳисоботи ва унга тушунтиришларида тўлиқ ва аниқ тақдим этилганига ишонч ҳосил қилиши керак.

Биологик активларнинг мавжудлиги ва ҳисобини текшириш натижалари таркиби ва мазмуни аудитор томонидан мустақил аниқланадиган аудиторнинг иш ҳужжатларида акс эттирилиши шарт. Текширув жараёнида аниқланган барча хато-камчиликлар аудитор томонидан умумлаштирилади, уларнинг муҳимлиги баҳоланади. 24-сонли «Молия ҳисоботда хатолар аниқланганда аудиторлик ташкилотининг ҳаракатлари» номли аудиторлик фаолияти миллий стандартига мувофиқ «Аудиторлик ташкилоти хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбариятини, молиявий ҳисоботда аниқланган бузилиш фактлари тўғрисида иложи борича тезроқ хабардор этиши керак, агарда: бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизими активларни сақлаб қолиш учун шарт-шароитлар яратишга ва молиявий ҳисоботларни бузиб кўрсатишга қаршилик қилишга қодир эмаслиги аниқланса; хўжалик юритувчи субъектга унинг ходимлари томонидан етказилган зарарлар тўғрисида аниқ гувоҳлик берадиган фактлар аниқланса» [7].

Хулоса қилиб айтганда, биологик активларнинг аудитида қишлоқ хўжалик корхоналарида содир бўладиган бизнес жараёнларнинг хусусиятлари ҳамда биологик активларнинг ўзларининг хусусиятлари билан боғлиқ ҳамда биологик активлар ҳисоби соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базадан, аудитнинг ўзига хос маълумот базасидан фойдаланишни, биологик активларни туркумлаш ва улар билан биологик операциялар асосида стратификацияни қўллаган ҳолда танловни шакллантиришни, ўзига хос аудиторлик амалларини қўллашни, шунингдек текширув жараёнида аниқланган одатий хато-камчиликларни эътиборга олиш заруратини талаб қилади.

#### ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ПФ-4947-сон Фармони. 7.02.2017.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3946-сон қарори. 19.09.2018.
3. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти. 41-сон «Қишлоқ хўжалиги», 2003. 2-б.
4. Широбоков В.Г. Практикум по аудиту в организациях АПК: Учебное пособие / Аудит животных на выращивании и откорме. В.Г.Широбоков, Т.И. Логвинова. — М: Финансы и статистика, 2006. — 384 с.
5. Зюзин. Ю.И. Особенности методики аудита биологических активов в сельскохозяйственных организациях. —Москва, 2007.
6. Костина Р.В. Типичные ошибки, обнаруженные при аудите сельхозорганизаций // «Главбух». Приложение «Учет в сельском хозяйстве», N 3, 2004
7. Молиявий ҳисоботда бузилишлар аниқланганда аудиторлик ташкилотининг ҳаракати. Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти 24-сонли АФМС. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2001 йил 31 майда 49-сон билан тасдиқланган.

## ИННОВАЦИОННЫЙ ПОДХОД В РАЗВИТИИ АКВАКУЛЬТУРЫ И РЫБОЛОВСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ

Умида САНГИРОВА,  
ТТИМСХ, доцент кафедры «Экономика»

**Аннотация:** Рыбоводство в республике является весьма прибыльным делом. Одно из главных преимуществ данной отрасли – это то, что она оказывает благоприятное воздействие на экологию. Обеспечивая круглый год непрерывное поступление высококачественной продукции на рынке по установленной цене, рыбоводство позволяет ослабить давление на рыбные ресурсы в пресноводных реках дикой природы.

**Аннотация:** Балиқчилик республикада жуда фойдали бизнесдир. Ушбу соҳанинг асосий афзалликларидан бири шундаки, у атроф-муҳитга фойдали таъсир кўрсатади. Бозорга белгиланган нархда йил бўйи юқори сифатли маҳсулотларни доимий равишда этказиб бериш орқали, балиқ этиштириш- чучук сув ва ёввойи табиатдаги балиқ ресурсларига бўлган босимни камай-тириши мумкин.

**Abstract:** Fish farming in the republic is a very profitable business. One of the main advantages of this industry is that it has a beneficial effect on the environment. By providing year-round continuous supply of high-quality products on the market at a set price, fish farming can ease the pressure on fish resources in freshwater wildlife.

В Республике Узбекистан проводятся широкомасштабные реформы, приняты и реализуются целевые программы, направленные на наращивание производства продовольственных продуктов. Можно выделить, последовательное развитие рыбоводства создающее широкие возможности для обеспечения населения качественной продукцией рыбного хозяйства, создания новых рабочих мест, совершенствования имущественных отношений в отрасли и рационального использования природных ресурсов.

В Узбекистане в 2017 году было выращено порядка 85 тысяч тонн рыбы. Всего в стране работают свыше 3600 рыбхозов, а общая площадь водоемов, занятых под выращивание рыбной продукции превышает 595 тысяч гектар.

При этом доля рыбы в общем потреблении узбекистанцев крайне мала. Так, например, если в странах Европы в среднем каждый человек съедает 35-40 кг рыбы в год, то в Узбекистане – не более 4 кг. Рыба и мясо могут быть частью здорового питания. Он является важным источником белка, кальция и жирных омега 3 кислот. Рыбные продукты служат нашему населению здоровой альтернативой, а также помогают добиться приличной прибыли, которая может быть использована для совершенствования методов производства.

Разведение рыб в садках – это сравнитель-

но недавняя биотехнология в мировой аквакультуре, развитая для комплексного использования воды и усилении позиций рыбоводов в конкуренции за воду с другими водопользователями. Садки позволили рыбоводам осваивать новые типы водоемов, проникать на новые территории. Другим важнейшим результатом развития садков стало существенное увеличение производства рыбы с единицы площади воды (т.е. повышение рыбопродуктивности). Так аквакультура стала выращивать рыбу не только в рыбоводных прудах, но и озерах, реках, водохранилищах, не говоря уже о прибрежных и открытых участках морей и океанов (выращивание рыбы в морской воде выделяют в марикультуру). В результате за последние десятилетия родилась новая огромная ветвь мировой экономики – садковая аквакультура, уловы которой исчисляются миллионами тонн в год.

В отличие от прудов, садки настоящий «конструктор», который можно и нужно «собирать» под конкретные задачи. Вариантов использования садков множество. От полносистемного садкового хозяйства, до узкого направления в рамках классического прудового хозяйства. Размеры садковых хозяйств варьируют от малого семейного хозяйства на маленьком водоеме до огромных коммерческих предприятий. В садках разводят ценных рыб – представителей 40 семейств рыб и око-

**Ключевые слово:** рыбоводства, водоемы, рыба, разведение рыбы, аквакультура, марикультура, садок, рыбопродуктивность, лосос, форель, сом, тилапий, осетра, садковые хозяйства.



ло 80 видов: лососей, форелей, сомов, тиляпий, осетров и других.

В мире есть многообразие подходов систем, рыб в садковой аквакультуре. Аквакультура являются важным и наиболее перспективным сектором рыбной отрасли. Аквакультура – культивирование водных организмов, включая рыбу, моллюсков, ракообразных и водных растений при помощи хорошо разработанных технологических методов процесса выращивания для расширения производства, таких как планируемое зарыбление, кормление, поддержание качества воды, защита от болезней и хищников и т.д. Занятие выращиванием также подразумевает индивидуальное или совместное владение выращиваемым стадом.

Несмотря на кажущуюся простоту, садковое разведение рыб – это высокотехнологичное производство с продуктивностью 40–200 кг./м<sup>3</sup> (для сравнения, в прудах Узбекистана сегодня выращивают 0,05 – 0,1 кг/м<sup>3</sup>, т. е. в 1000 раз меньше).

Садковое рыбоводство имеет ряд признанных преимуществ, определяющих их развитие:

- возможность разведения рыб в различных имеющихся водоемах (озерах, водохранилищах, прудах, карьерах, реках, каналах, главное, чтобы вода была пригодна для жизни рыб, и чтобы была возможность обслуживать садки, в том числе облавливать их с лодки или пирса). При этом используется только часть водоема. Это позволяет заниматься рыбоводством на водоемах, которые имеют комплексное назначение и не могут быть отданы в пользование исключительно в целях рыбоводства;

- легкое обслуживание, в том числе облов, наблюдение за рыбой, кормлением;

- возможность разведение разных видов рыб, в том числе установку в одном водоеме садков для разных видов рыб;

- возможность вести реализацию товарной рыбы в любое время года. Прудовые же хозяйства вынуждены большую часть продукции реализовывать осенью, в лучшем случае зимой;

- садковые хозяйства имеют мизерную площадь по сравнению с прудовыми хозяйствами. Их гораздо проще охранять, так как подходы только с воды и хорошо просматриваются. В наше время вопрос охраны стоит довольно остро. Особенно если речь заходит о ценных видах рыб (форель, сомы, осетр).

Но есть ряд требований и ограничений для развития садковой системы:

- необходимость использования высокопродуктивных, сбалансированных комбикормов;

- постоянный мониторинг за качеством воды (температура, количество растворенного кислорода, pH, другие) и ростом рыб;

- проведение мер профилактики болезней, контроль и способность быстрого применения

мер по лечению болезней рыб. Кроме этого, садки достаточно легко могут быть повреждены или обловлены браконьерами, так что их надо охранять.

Создание эффективных рыбоводческих хозяйств в условиях Узбекистана является относительно несложной задачей. Необходимые условия можно создать из легкодоступных материалов, то есть, используя местные ресурсы по экономически приемлемой цене. Качественный корм для выращиваемой рыбы можно импортировать у опытных международных производителей, хотя это может оказаться недешевой роскошью, а в качестве более экономичного варианта фермеры могут производить и использовать свои собственные корма.

Для разведения рыб нужен контроль качества воды. Следить необходимо за газовым режимом (а именно – количеством таких растворенных в воде газов как кислород, углекислый газ, аммиак/ион аммония, нитриты), а также за водородным потенциалом (pH), концентрацией взвесей (мутностью), минерализацией (соленостью) воды.

Наиболее слабым звеном в рыбной отрасли является производство рыбопосадочного материала и неэффективное использование естественных водоемов и искусственных прудов. В результате продуктивность искусственных прудов не превышает 20 центнеров с одного гектара, что ниже среднемировых показателей.

В настоящее время деятельность в рыбной отрасли может осуществляться предприятиями различных форм собственности. Естественные водоемы были переданы рыболовным предприятиям и частным фермерам на условиях аренды. Лов рыбы проводят предприятия которые заключили договоры аренды на период более 10 лет с местными хокимиятами. Фермы осуществляют лов на без квотной основе, исходя из доступных биологических ресурсов и спроса. Они должны принять меры по сохранению продуктивности водоемов и обеспечению воспроизводства рыбных ресурсов на должном уровне.

Две группы водоемов представляют особую важность с точки зрения рыболовства: а) около 20 озер с общей площадью 97 00 га в дельте Амударьи, которые обеспечивает около 1500 тонн рыбы ежегодно; б) Айдар-Арнасайская система озер, расположенная в среднем течении реки Сырдарьи обеспечивающая 1600–2300 тонн рыбы ежегодно.

Главная проблема рыболовства состоит в том, что уровень воды в водоемах крайне изменчив и находится в существенной зависимости от ежегодных естественных изменений в гидрологическом режиме, а также регулирования стока и объемов водозабора для целей ирригации.

Управление рыбным промыслом находится на низком уровне. Основные причины лежат в следующем: а) лов рыбы крайне невелик (несколько тысяч тонн) и пока более или менее важен только на местном уровне; б) состояние рыбных ресурсов полностью определяется управлением ирригационной сетью, а не деятельностью рыбных хозяйств.

В водоемах Узбекистана обитают 73 вида рыбы, из которых только 35 видов считаются промысловыми (48%) и остальные 35 видов (52%) считаются менее ценными или сорными. Из 35 видов промысловых рыб около 18–20 видов вылавливаются с коммерческими целями, другие имеют меньшие популяции, а некоторые внесены в Красную Книгу. Основные виды рыбы вылавливаются во внутренних водоемах. Рыбопродуктивность водоемов за последние 50 лет в разных водоемах колебалась в широких пределах – 1–69 кг/га (в среднем 21 кг/га).

Рыболовецкие предприятия используют только жаберные сети и не используют другие технологии и орудия лова, такие как неводы, тралы и т.п. Применяемая технология имеет очень низкую продуктивность. Предприятия до сих пор плохо оснащены лодками и моторами.

В настоящее время правительство уделяет большее внимание рыбному хозяйству как высоко rentable отрасли, способной увеличить объем производства рыбы, дать населению возможность дополнительного заработка.

В рыбной отрасли, как и в любом другом сельскохозяйственном производстве, необходимо соблюдать принципы ведения производственной деятельности. Главным таким принципом является организация мониторинга.

Мониторинг деятельности хозяйств рыбной отрасли проводится ежегодно, является систематической оценкой их деятельности с целью определения наиболее эффективных

направлений производства. Особенности производства товарной рыбы являются:

1. Сезонность производства (4–5 месяцев в году длится рабочий период), что обозначает определение себестоимости готовой продукции только в конце года.

2. Время производства не совпадает с рабочим периодом (затраты на содержание водного хозяйства идут целый год).

3. Необходимы емкости для хранения готовой продукции, потому что рыба является скоропортящимся продуктом и транспортабельна только в холодильных камерах, рефрижераторах.

4. Территориальная доступность водных хозяйств для населения вызывает необходимость их круглосуточной охраны в целях сохранения продуктивности.

5. Территориальная устойчивость производства – водоёмы невозможно переместить, что означает, средства производства должны быть мобильными.

6. Быстрая результативность производства, приравненная к мясному птицеводству и др.

Анализ показывает, что основные проблемы возникают из-за неэффективного использования водоемов, компании практически не внедряют ведущий международный опыт и новые технологии разведения рыбы.

Основные сдерживающие факторы: плохое оснащение рыболовства; уровень воды в равнинных водоемах определяется нуждами ирригации, что препятствует успешному разведению промысловых видов рыб; недостаточные условия для хранения и переработки рыбы; экономические препятствия, т.е. нехватка государственного финансирования и частных инвестиций в отрасль, специализированных кредитных линий; нехватка материальных и технических ресурсов для повышения рентабельности производства.

#### ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

1. Постановление Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по ускоренному развитию рыбной отрасли» г.Ташкент, 6 апреля 2018 г., ПП № 3657
2. «AQUACULTURE AND INLAND FISHERIES IN UZBEKISTAN: REVIEW OF THE CURRENT STATUS AND CONCEPTION OF DEVELOPMENT» Karimov B.K., Kamilov B.G., Maroti Upare, Raymon Van Anrooy, Pedro Bueno and D.R. Shohimardonov, Tashkent, 2008.
3. Левкина Е.В., Василенко М.Е. Эффективность рыбной отрасли: теория, методология и практика. Интернет-журнал «Науковедение» 6 (19) ноябрь–декабрь за 2013 г.
4. Каримов Б.К и др. Аквакультура и рыболовство в Узбекистане. Современное состояние и концепция развития. Ташкент. ФАО. 2008.
5. Сангирова У.Р. Эффективность развития рыбной отрасли в Узбекистане «Агроиктисодиёт» – Ж. –Тошкент, –№ 1. –2019. –Б. 51.
6. У.Садуллаев Чорвачилик тармоғи ривожланган давлатларда ғўшт ишлаб чиқариш динамикаси ва иштиқболлари. «Агроиктисодиёт»–Ж. –Тошкент, –№ 1. –2019. –Б. 51.
7. Askarov N., Sadullayev U. The scientific basis of the relationships between silk seed production companies in Uzbekistan Бюллетень науки и практики. Т. 5. №4. 2019 (DOI:10.33619/2414-2948/41) page 301–306.

## АГРОФИРМАЛАРДА ҲИСОБ СИЁСАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

**Баходир ДЖУРАЕВ,**

Тошкент давлат аграр университети, и.ф.н.

**Навкар РАХМОНОВ,**

Тошкент давлат аграр университети, и.ф.н.

**Аннотация:** Мақолада агрофирмаларда ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш ва бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этишнинг бир неча жиҳатлари ёритилган. Агрофирмада ҳисоб ишларини тизимлаштириш, маълум тартиб қоидалар ва ҳужжатлар айланиши графигини ишлаб чиқиш, ҳисобни ташкилий тузилмаси кабилар баён этилган.

**Аннотация:** В статье предусматривается ряд особых элементов правильной организации бухгалтерского учета в агрофирмах. Даны общие понятия о системе учетных работ, установлении конкретных правил, разработке графика документооборота, организационной структуре учетного процесса.

**Abstract:** The article provides a number of special elements of the correct organization of accounting in agricultural firms. The General concepts of the system of accounting works, the establishment of specific rules, the development of the schedule of document flow, the organizational structure of the accounting process are given.

Охирги йилларда хўжалик юрителиш шакллари такомиллаштириш билан бир қаторда қишлоқ хўжалик корхоналарида бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлар асосида такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Агрофирмалар нисбатан янги хўжалик юрителиш шакллари бўлганлиги учун уларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш бугунги кундаги долзарб масалалардан биридир. Агрофирмалар бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда ҳужжатлаштириш тизими, ҳужжатлар айланиши, ҳисоб ишлари бажарилиши графигини ўзаро мослиги хўжалик муомалаларини акс эттиришида қўлланиладиган бухгалтерия счетларидан ташкил топган ишчи счетлар режаси, фойдаланиладиган бухгалтерия ҳисоби шакли ҳисоб жараёнини ташкил этиш тизими (структураси), бухгалтерияда хизмат вазибаларини тақсимланиши, бухгалтерия ҳужжатлари ва регистрларини сақлашни ташкил этиш масалалари асосий ҳисобланади. Юқоридаги омилларнинг баъзилари ҳисобни ташкил этишнинг асосий қисмлари бўлиши билан бирга мустақил аҳамиятга ҳам эга. Бу кўпроқ счетлар режаси ва бухгалтерия ҳисоби шакллари тааллуқли бўлиб, уларни алоҳида объект сифатида ёритиш мақсадга мувофиқдир.

Бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда

счетлар режасининг алоҳида ўрни ва аҳамияти бор. Бунда агрофирмалар белгиланган счетлар режаси асосида ишчи счетларни яратиши ёки ишчи счетларни ажратмасдан счетлар режасидан тўлиғича фойдаланиш вариантларидан бирини танлаши мумкин.

Фикримизча, агрофирмалар молия-хўжалик фаолиятдан келиб чиқиб республикада қабул қилинган счетлар режаси асосида ишчи счетлар режасини ишлаб чиқиш ва уни амалда қўллаши лозим бўлади.

Ҳисобни ташкил этишнинг яна бир муҳим жиҳати бўлган бухгалтерия ҳисоби шаклини танлаш ҳам асосий масалалардан биридир. Бунда агрофирманинг танлаш ҳуқуқи кенгроқ бўлиб, улар олдида 4 та вариант қўйса бўлади. Улар: мемориал-ордер шакли, журнал-ордер шакли, автоматлаштирилган шакл ҳамда содалаштирилган бухгалтерия ҳисоби шаклларидир. Ушбу шакллардан қайси бирини танлаш корхона раҳбари ва бош бухгалтерига боғлиқ. Бунда бухгалтерия ходимларининг малакаси ва белгиланган ҳисоб шаклини юритишга тайёрлиги эътиборга олинishi зарур.

Ташкил этишнинг кейинги масаласи агрофирманинг ҳужжатлар айланиш графигидир. Ҳужжатлар айланиши бухгалтерия ҳисобида муҳим ташкилий аҳамиятга эга. Ҳужжатлар айланиши графиги умумий кўринишда, ҳуж-

**Калит сўзлар:** агрофирмалар, ҳужжатлар айланиш графиги, счётлар режаси, ҳисоб сиёсати, ҳисоб ишларининг бажарилиш графиги, бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш.

жатларнинг ҳисоб жараёнидаги уларни тузиш вақтидан бошлаб, фойдаланиш яқуни ва архивга топширилишигача бўлган муддатни номоён этади.

Ҳужжатлар ҳаракатини аниқ тартиблаштириш учун ҳужжатлар айланиши график кўринишда расмийлаштирилиши керак. Унда ҳар бир ҳужжат шаклининг номи ва рақами, мақсади, муддати, миқдори ва ким томонидан тузилиши, ҳужжатни ким тасдиқлаши, қачон ва қаерга тақдим этилиши, ким қабул қилиши, текшириши ва ишлов бериши, қаерга ва нима асосида ёзувлар амалга оширилиши акс этади. Ҳужжат айланиши графиги бош бухгалтер томонидан ишлаб чиқилиб, раҳбар томонидан тасдиқлангандан сўнг бажарилиши учун мажбурий тус олади.

Таъкидлаш лозимки, турли ҳужжатлар бўйича ҳужжатлар айланиши графигида уларнинг тақдим этилиши ва ишлов берилиши бўйича турли тартиб кўзда тутилади. Баъзи ҳужжатлар бухгалтерия ҳисоби регистрларида қайд этишнинг бевосита асоси бўлиб ҳисобланади. Уларни оралиқ гуруҳлашсиз, бевосита асос сифатида қабул қилинади. Улар: асосий воситаларни кирим қилиш ёки ҳисобдан чиқариш актлари, турли хил ҳисоб маълумотлари ва х.к. Бу ҳолда ҳужжат айланиши графигида ушбу ҳужжатни ҳисоб регистрларида унинг асосида маълумотларни қайд этиш учун бевосита марказий бухгалтерияга тақдим этиш кўзда тутилади.

Иккинчи хил ҳужжатлар эса оралиқ гуруҳланади ва маълум йиғма ҳужжатларда умулаштирилади. Масалан, меҳнат ва ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби бўйича ҳужжатлар маълумотлари мувофиқ равишда жамғарилиб борувчи қайдномалар ёки журналларда акс эттирилади, моддий бойликлар ҳаракати бўйича кўрсаткичлар – моддий бойликлар ҳаракати тўғрисида ҳисоботларда, касса ҳужжатлари маълумотлари – кассир ҳисоботлари –

да қайд этилади.

Барча кетма-кет ёзувлар ҳисоб регистрларида тузилган йиғма ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Табиийки, ҳужжат айланиши режасида бу гуруҳ ҳужжатлари дастлабки ҳужжатлар ҳаракати, яъни уларнинг тузилишидан бошлаб маълум йиғма ҳужжатда расмийлаштирилишигача қайд этилади. Кўп ҳолларда бу жараён марказий бухгалтерияда эмас унинг бўлимларида амалга оширилади.

Ҳисоб ишларини бажариш графиги ҳужжатлар айланиш графиги билан чамбарчас боғлиқ ва у ҳужжатлар айланиши графигининг давоми ҳамда мантиқий яқуни ҳисобланади.

Агрофирмаларда ҳужжатлар айланиш графигини унинг ташкилий структуравий тузилишидан келиб чиқиб тузиш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, «М.Фозилов-Нур» номли агрофирмада боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларидан қишлоқ хўжалик маҳсулоти сотиб олиниб қайта ишлаш корхоналарига сотилади, шу билан бирга чорвачилик билан шуғулланадиган чорва корхоналаридан сут олиниб қайта ишлаб бевосита бозорга ва атрофдаги истеъмолчи ташкилотларга сотилади. Ҳужжатлар айланиш графиги ҳамда ҳисоб ишларини бажарилиш графигини тузишда агрофирманинг воситачилик хусусиятларини эътиборга олиш зарур.

Агрофирмани тайёр маҳсулотларни сотиб олиш ва сотиш жараёнида қатнашадиган техника воситалари ва уларга сарфланадиган моддий харажатлар ҳисобини бажариш кетма-кетлигини ишлаб чиқиш, жавобгар шахсларнинг тегишли ҳужжатларини ва ҳисоботларини бухгалтерияга қайта ишлаш учун тақдим этиш муддатларини аниқ белгилаш агрофирманинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тўғри ташкил этиш ва шакллантиришда асосий омиллардан бири бўлади, деб ҳисоблаймиз.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни, «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2016 йил 18 апрель, 15-сон, 142-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 21-сон Миллий стандарти «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома», «Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси», 2002 йил 20-сон.
3. Джураев Б.М. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ҳисоб сиёсатини такомиллаштириш. Диссертация автореферати. Т.:2011 й. 20 б.
4. Жўраев Б. Ҳисоб сиёсатининг техник таъминоти ёки унинг аграр сектор корхоналарига хос хусусиятлари // Биржа-Эксперт. -Т.: 2010. -№8 – Б 19-21.



**ФОРМИРОВАНИИ КАДРОВОЙ ПОЛИТИКИ В АГРАРНОМ СЕКТОРЕ**

**Мадина САИДОВА,**  
к.э.н., доцент (ТИИИМСХ)

**Аннотация:** Статья посвящена проблеме формирования кадровой политики в агропромышленном комплексе. Рассмотрены цели, принципы и задачи агропродовольственной политики, отмечено необходимость постоянного совершенствования курса кадровой политики в рамках инновационного развития отрасли.

**Аннотация:** Мақола аграсаноат мажмуида кадрларни шакллантириш муаммосига бағишланган. Унда агрооziқовқат сиёсатининг мақсади, принциплари ва вазифалари кўриб чиқилган, соҳани инновацион ривожлантириш доирасида кадрлар сиёсатини мунтазам такомиллаштириб боришни зарурияти белгилаб берилган.

**Abstract:** The article is devoted to the problem of the formation of personnel policy in the agricultural sector. The goals, principles and objectives of the agri-food policy are considered, the need for continuous improvement of the personnel policy course in the framework of the industry's innovative development is noted.

Сельское хозяйство является одной из ключевых отраслей экономики нашей страны. Благоприятные природно-климатические условия, которыми обладает Узбекистан, самоотверженный и трудолюбивый народ, а также тщательно продуманная стратегия государства в этом направлении способствуют динамичному развитию аграрного сектора. Отрасль обеспечивает занятость 3,6 млн человек, что соответствует 27 процентам занятых по экономике в целом. Доля отрасли в валовом внутреннем продукте страны составляет 32 процента. [1]

Земли, используемые для сельскохозяйственного производства, занимают 45 процентов территории Республики, около 50 процентов населения проживает в сельской местности. [1]

Экспорт сельскохозяйственной продукции приносит Республике Узбекистан около 20 - 25 процентов совокупных экспортных доходов. В настоящее время более 180 видов агропродовольственной продукции экспортируются в 80 стран мира. В результате осуществленных реформ в сельском хозяйстве налажен кластерный метод производства, которым охвачено от всей площади сельскохозяйственных земель по видам культур: в хлопково-текстильном секторе - 62 процента, в животноводстве - 8 процентов, плодоовощеводстве - 7,5 процентов. [1]

Вместе с этим, имеется целый ряд неис-

пользованных возможностей для дальнейшего развития отрасли, которую нельзя осуществить без совершенной аграрной кадровой политики.

Аграрная кадровая политика включает в себя принципы и действия государства, которые являются элементом системы кадрового обеспечения АПК. К основным из них относятся: подготовка и повышение квалификации и профессионализма кадров, их расстановка и социальная защищенность, повышение эффективности использования кадров и др. Аграрная кадровая политика является составной частью общей кадровой политики государства и агропродовольственной политики. [2]

Формирование данной сферы происходит в тесной связи с другими составляющими аграрной политики, а именно: экономической, инвестиционной, инновационной, институциональной, социальной и др. В общегосударственной системе с кадровой политикой непосредственно взаимодействуют демографическая политика на селе, миграционная политика, политика занятости сельского населения и политика на рынке труда.

Рыночные условия хозяйствования изменили и усилили роль аграрной кадровой политики в системе агропродовольственной политики, особенно в вопросах ее взаимодействия с такими подсистемами как сельский рынок труда, мотивация труда в сельском хозяйстве,

**Ключевые слово:** кадровая политика, агропродовольственной политики, подсистема, мотивация труда, номенклатура, экспорт, конкурентоспособность, система, протекционизм.

социальная инфраструктура и демографические ресурсы села.

Построение структурной схемы аграрной кадровой политики во всей полноте отмеченных направлений и взаимосвязей является достаточно трудной задачей. Однако в упрощенном виде аграрную кадровую политику в системе общей аграрной политики можно представить, как ресурсную подсистему наряду с такими ресурсами, как земля, капитал и др.

В настоящее время состав функций и направлений аграрной кадровой политики непрерывно расширяется и усложняется, а ее роль объективно растет. В то же время наблюдается определенная расстыковка кадровой политики, проводимой непосредственно в сельскохозяйственных организациях и аграрной кадровой политики на региональном уровнях.

В этой связи назрела необходимость проведения полномасштабного научно обоснованного мониторинга аграрной кадровой политики и состояния кадрового потенциала и его осмысления.

При всем разнообразии подходов к формированию аграрной кадровой политики в развитых странах государство никогда не ослабляло рычагов воздействия на кадровую ситуацию в сельском хозяйстве. Без государственного протекционизма и рационального сочетания рыночных и индикативных методов регулирования кадрового потенциала вряд ли бы удалось создать мощный кадровый потенциал и систему его научного информационного обеспечения, которые характерны для сельского хозяйства США, Франции, Германии, Японии. [3]

На сегодняшнем этапе развития аграрной реформы стало очевидным, что государству недостаточно только отслеживать количественные и качественные характеристики кадрового потенциала посредством ведомственного статистического наблюдения. Целостная же система знаний, которая может составить

теоретико-методологическое основание для формирования теории аграрной кадровой политики на сегодняшний день, еще только складывается. Аграрная кадровая политика как стратегическая функция управленческой деятельности должна иметь конечную цель, задачи и принципы развития. Поскольку аграрная кадровая политика является подсистемой аграрной политики, ее главной целью должно стать обеспечение агропродовольственного комплекса высокопрофессиональными кадрами, способными к эффективной творческой инновационной деятельности.

При этом необходимо сформулировать стратегические и тактические цели. Целью стратегического характера аграрной кадровой политики является надежное кадровое обеспечение АПК, адекватное основным направлениям формирования эффективного и устойчивого его развития, обеспечивающего продовольственную безопасность страны.

В настоящее время ведется работа по вступлению Узбекистана во Всемирную торговую организацию. Узбекистан активно начинает торговать с зарубежными странами, увеличивая экспорт широкой номенклатуры отечественных товаров на внешние рынки. [1]

Такие перспективы потребуют от аграрной кадровой политики республиканского уровня кадровой политики каждой организации агропромышленного комплекса обеспечения конкурентоспособности отрасли с зарубежными сельхозтоваропроизводителями. Тактической целью на наш взгляд, должно стать восстановление кадрового потенциала АПК до уровня, обеспечивающего снижение продовольственной зависимости страны от импорта, эффективную работу его отраслей.

В рыночной экономике подход к кадрам как к экономическому ресурсу, функционирующему наряду с другими ресурсами, обеспечивающими конкурентоспособность организаций на рынке, обуславливает необходимость определенной корректировки цели аграрной кадровой политики.

#### ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

1. Указа Президента Республики Узбекистан ПФ-5614 от 08.01.2019г. «О дополнительных мерах по обеспечению дальнейшего развития экономики и повышению эффективности экономической политики»;
2. Указ президента Республики Узбекистан ПФ-5418 от 17.04. 2018г. «О мерах по коренному совершенствованию системы государственного управления сельским и водным хозяйством»;
3. Козлов А. Проблемы формирования кадровой политики в аграрном секторе экономики / А.Козлов // Высшее образование в России. 2019. № 1. — С. 5358.

## РОЛЬ ЖИВОТНОВОДЧЕСКОГО ПОДСЕКТОРА В ОБЕСПЕЧЕНИИ ПРОДОВОЛЬСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ

Марина ЛИ,

к. э. н., доцент кафедры «Менеджмент»,

**Аннотация:** В статье обосновывается важность животноводческого подсектора в решении задач продовольственной безопасности страны. Рассмотрено влияние животных на окружающую среду, определены факторы общей стратегии развития животноводства, оценён вклад продуктов животного происхождения в продовольственное обеспечение. Осуществлён анализ развития животноводческого подсектора Республики Узбекистана; разработаны предложения и сделаны выводы по дальнейшему развитию животноводческого подсектора.

**Аннотация:** Maqolada chorvachilik subyekti mamlakatning oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlash muammolarini hal qilishda muhim ahamiyatga ega. Hayvonlarning atrof muhitga ta'siri ko'rib chiqiladi, chorvachilikni rivojlantirishning umumiy strategiyasining omillari aniqlanadi, hayvonot mahsulotlarining oziq-ovqat bilan ta'minlanishiga qo'shgan hissasi baholanadi. O'zbekiston Respublikasining chorvachilik subyekti rivojlanishining tahlili; chorvachilikni rivojlantirish bo'yicha takliflar ishlab chiqildi va chorvachilikni yanada rivojlantirish bo'yicha xulosalar berildi.

**Abstract:** The article substantiates the importance of the livestock subsector in solving the problems of the country's food security. The influence of animals on the environment is considered, the factors of the general strategy for the development of animal husbandry are determined, the contribution of animal products to food supply is assessed. The analysis of the livestock subsector development of the Republic of Uzbekistan was carried out; proposals were developed and conclusions were drawn on the further development of the livestock subsector.

Несмотря на то, что за последние 30 лет доступность продовольствия увеличилась вместе с ростом населения, 800 миллионов человек в мире страдают от недоедания. Эта проблема является не только результатом недостаточного производства продуктов питания и неадекватного распределения, но также и финансовой неспособности малоимущих закупать продукты питания приемлемого качества в достаточных количествах для удовлетворения их потребностей (ФАО, 1993 г. а).

Животноводство представляет собой очень важный компонент сельскохозяйственной экономики развивающихся стран, его вклад выходит за рамки прямого производства продуктов питания и включает многоцелевое использование, такое как шкуры, волокно, удобрения и топливо, а также накопление капитала. Кроме того, домашний скот тесно связан с социальной и культурной жизнью нескольких миллионов неимущих фермеров, для которых владение животными обеспечивает различную степень устойчивого ведения сельского хозяйства и экономической стабильности.

Важность животноводства в сельскохозяй-

ственном секторе была подчеркнута в ряде публикаций ФАО, в частности, «Животноводство: мировая перспектива» (ФАО, 1982 г.), «Роль жвачных животных в обеспечении продовольственной безопасности в развивающихся странах» (ФАО, 1992 г.), «Животноводство» и улучшение пастбищ, кормов и фуража (ФАО, 1993 г. а) и Стратегии устойчивого животноводства в развивающихся странах (ФАО, 1993 г. б).

Эта статья не пытается быть всеобъемлющей, а скорее направлена на то, чтобы подчеркнуть важность как прямого, так и косвенного вклада животноводства в обеспечение продовольственной безопасности и устойчивого развития на глобальном уровне.

Популяции людей и скота значительно выросли за последние три десятилетия, хотя и разными темпами. Основные различия обнаруживаются между развитыми и развивающимися странами. С 1960 года общая численность населения увеличилась на 75 процентов, а население развивающихся стран выросло на 97 процентов по сравнению с 28 процентами в промышленно развитых странах. Все категории домашнего скота также увеличи-

**Ключевые слово:** животноводческий подсектор, продовольственная безопасность, устойчивость, экономической стабильность, показатели, стратегия, агропромышленный комплекс.

лись, причем для моногастричных животных (свиней и домашней птицы) этот показатель значительно больше, чем для жвачных. Популяции жвачных животных выросли примерно вдвое по сравнению с человеческой популяцией, в то время как популяции мелких жвачных животных (овец и коз) увеличились только в развивающихся странах. Популяции свиней и птицы, однако, выросли примерно в полтора-два раза по сравнению с человеческой популяцией и в три-четыре раза больше в развивающихся странах, чем в развитых странах.

Ожидается, что население мира увеличится с 5,4 млрд. до не менее 7,2 млрд. В течение следующих двух десятилетий, главным образом в развивающихся странах. Это увеличение численности населения с последующим увеличением нагрузки на землю и изменениями в составе поголовья скота окажет значительное влияние как на имеющиеся природные ресурсы, так и на будущий спрос на товары, и, следовательно, будет определять тип кормления скота и производственные системы должны быть приняты.

Официальная статистика, как правило, недооценивает общий вклад животных, поскольку, как правило, недооценивается или игнорируется многоцелевая роль домашнего скота в производстве продуктов питания и в сельском хозяйстве, а также в социальной жизни мелких фермеров в развивающихся странах.

Чтобы прокормить растущее человеческое население, потребуется больше земли для выращивания продовольствия и товарных культур, и, будучи ограниченным ресурсом, это уменьшит его доступность для пастбищ и фуража, как это уже произошло в Азии. С другой стороны, увеличение продовольственных и товарных культур даст больше растительных остатков и побочных продуктов агропромышленного комплекса, многие из которых представляют собой ценные кормовые ресурсы для животных, для которых существует известная технология, способствующая повышению уровня производства. Ясно, что для поддержания производства продовольствия необходимо повысить эффективность использования ресурсов и разработать альтернативы, такие как рыболовство.

Важность животных как эффективного и экономичного средства производства пищевых продуктов подвергается сомнению, из-за его влияния на окружающую среду. Такая озабоченность была выражена по ряду вопросов, в частности:

- Конкуренция с альтернативным землепользованием и использованием зерновых (и некоторых корнеплодов и клубней) в качестве корма для животных или для потребления человеком.
- Конкуренция на источники углеводов и

белков.

- Неспособность достичь национальных целей по животным белкам.
- Только несколько крупных инвестиций в проекты по развитию животноводства были незначительно успешными в повышении производительности, и они оказали ограниченное влияние на сельское хозяйство.
- Неадекватная демонстрация того, как домашний скот может играть ключевую роль в развитии устойчивого сельского хозяйства в различных агроэкосистемах, а также неспособность передавать соответствующие технологии. В частности, большая часть увеличения продуктов животного происхождения была вызвана увеличением численности животных, а не увеличением продуктивности отдельных животных.
- Деградация ресурсов и ущерб окружающей среде, вызванный обезлесением, чрезмерным выпасом скота и загрязнением.
- Вклад в глобальное потепление (метан от жвачных животных составляет 2,5 процента от общего количества парниковых газов).
- Загрязнение от концентрации предприятий интенсивного животноводства.

Многие из этих проблем являются результатом неспособности определить соответствующие технологии и определить стратегии развития животноводства, которые применимы к отдельным агроэкосистемам. Зачастую технологии передаются из развитых стран без изменений, вместо генерирования соответствующих технологий в самих развивающихся странах. Импортированные технологии почти всегда не в состоянии преодолеть ограничения, налагаемые на местные фермерские системы, или удовлетворить социально-экономические требования местных фермеров.

Требуется тщательный анализ и оценка, чтобы стратегии развития животноводства могли быть переориентированы на более эффективное использование местных ресурсов, более эффективно содействовать продовольственной безопасности, повышать уровень жизни бедных фермеров и обеспечивать устойчивое развитие животноводства. Определяющими факторами этой общей стратегии являются:

- Политическая поддержка справедливых цен на товары и предлагаемые стратегии;
- Лучшее определение потребностей целевых получателей;
- Повышение эффективности использования и управления природными ресурсами;
- Привязка компонентов производства и постпроизводства к эффективной инфраструктуре, услугам и схемам маркетинга;
- Более подходящая политика использования общих земель и пастбищ;
- Повышение потенциала и приверженно-



сти национальных и международных сельскохозяйственных центров и неправительственных организаций (НПО) для реализации стратегий, которые способствуют развитию животноводства в конкретных агроэкосистемах / экорегионах.

В животноводстве главными факторами являются доступность и эффективное использование местных природных ресурсов. Успешная стратегия развития животноводства требует разработки планов управления ресурсами, которые дополняют более широкие экономические, экологические и социологические цели. Особое внимание необходимо уделить системам землепользования и природным ресурсам, необходимым для улучшения животноводства. Стратегия также должна учитывать социальные, культурные, политические и институциональные элементы, которые влияют на управление природными ресурсами. Что касается политики, необходимо рассмотреть вопросы, касающиеся землепользования, общего имущества, законодательства, ценовой политики, субсидий, сборов, национальных приоритетов развития животноводства и исследовательского потенциала. Наконец, реализация программ действий требует как технической, так и институциональной поддержки и, что не менее важно, приверженности правительства.

Ожидается, что продукты животного происхождения будут вносить гораздо больший вклад в продовольственное обеспечение, чем в настоящее время, поскольку доход определяет потребление белка людьми, особенно в городских районах. Из разных видов животных производство мяса от животных с однокамерным желудком (домашняя птица и свиньи) увеличилось гораздо более быстрыми темпами, чем от мелких жвачных животных (овец и коз) или крупных жвачных животных (крупный рогатый скот и буйволы).

Учитывая низкое потребление продуктов животного происхождения на душу населения в развивающихся странах по сравнению с потреблением в развитых странах, существует значительный потенциал для увеличения потребления и, следовательно, производства продуктов животного происхождения (молока и мяса) в этих странах. Огромное количество бедных людей в развивающихся странах не могут позволить себе включать продукты животного происхождения в свой рацион – они вегетарианцы по необходимости, а не по выбору.

Продукты животного происхождения являются в первую очередь источником белков и незаменимых аминокислот, но, когда они являются основным компонентом рациона человека, они также вносят значительную долю в общее количество калорий. В развитых

странах они обеспечивают более 30 процентов калорий в рационе. Однако в развивающихся странах эта доля составляет менее 10 процентов, хотя они являются источником незаменимых аминокислот, которые уравновешивают белки растительного происхождения.

В развитых странах около 60 процентов пищевых белков поступает из продуктов животного происхождения, что выше, чем необходимо для незаменимых аминокислот. Эта цифра составляет всего 22 процента в развивающихся странах, что меньше, чем хотелось бы, и не учитывает перекося в распределении в пользу среднего класса – бедные на самом деле имеют гораздо меньшее потребление белка. В этих странах, где диеты состоят только из небольшого количества основных продуктов питания, продукты животного происхождения имеют большое значение для предотвращения недоедания, поскольку они являются концентрированными источниками ограниченных незаменимых аминокислот, имеющихся в растительных белках основных продуктов питания.

Чрезмерное потребление калорий, особенно жиров из продуктов животного происхождения, часто является причиной проблем со здоровьем человека, особенно в богатых обществах. Чрезмерное потребление животного жира не является проблемой для людей в развивающихся странах. На самом деле, животные жиры дополняют часто дефицитное потребление калорий.

Скот помогает уменьшить сезонную изменчивость пищи. Несмотря на то, что производство молока носит сезонный характер, и излишки не могут храниться так же легко, как зерновые, существуют простые технологии, которые позволяют скотоводам хранить молочные продукты в течение недель или месяцев в виде очищенного масла, творога или различных видов сыра. Животных, особенно мелкий домашний скот, убивают по мере необходимости. Мясо, консервированное сушкой, солением, маринованием и копчением, может использоваться, когда других источников пищи недостаточно.

Продукты животного происхождения представляют собой не только источник высококачественных продуктов питания, но, что не менее важно, они являются источником дохода для многих мелких фермеров в развивающихся странах для покупки продуктов питания, а также для сельскохозяйственных ресурсов, таких как семена, удобрения и пестициды.

На национальном уровне продукты животноводства составляют 40 процентов от общего объема сельскохозяйственной продукции. За последние пять лет поголовье скота увеличилось на 21%, в том числе крупный рогатый скот — на 7%, овцы и козы — на 20%, птица

— в 1,5 раза.

На уровне фермерских хозяйств можно регулярно получать денежные средства от прямых продаж продуктов животноводства, таких как молоко, яйца и навоз, иногда от продажи живых животных, шерсти, мяса и шкур и от платы за тяговое питание или транспортные услуги. Важной особенностью молочного дохода является его регулярность.

Анализируемые данные показали что, в период с 2000 по 2017 год основные части объемов производства основных видов продукции животноводства или 57,7–95,7 процента приходится на долю дехканских (личных подсобных) хозяйств.

В фермерских хозяйствах и в организациях осуществляющих сельскохозяйственную деятельность доля производство основных видов продукции животноводства в 2000–2017 годах была равна к 0,7–31,6 процентам

На 1 января 2001 года доля дехканских (личных подсобных) хозяйств во всех категориях хозяйств по крупному рогатому скоту составляла 86,2 процента, на 1 января 2017 года 94,1 процента. В анализируемом периоде также наблюдается увеличение вышеуказанной доли по следующим видам: коровы – с 89,9 до 94,5 процента, овцы и козы – с 67,4 до 83,8 процента, свиньи – с 44,3 процента до 78,7 процента, лошади – с 70,2 процента до 85,0 процента, верблюды – с 33,1 процента до 62,4 процента, пчелосемьи – с 50,0 процента до 74,1 процента (сморите Рисунок 2.4).

Доля дехканских (личных подсобных) хозяйств во всех категориях хозяйств в производстве мяса в 2000 и 2016 гг. составила 91,1 и 94,4 процента соответственно, молока – 93,7 и 95,6 процента, яиц – 59,9 и 57,3 процента, шерсти – 74,3 и 85,4 процента, каракульских шкур – 32,1 и 83,7 процента, мёда – 55,3 и 79,2 процента.

Следующие выводы сделаны из этого обзора роли животных в производстве продуктов питания и развитии сельского хозяйства:

Вклад животных как в сельское хозяйство, так и в общее экономическое развитие не был должным образом оценен. Официальная статистика существенно недооценивает вклад животноводства, поскольку многие важные

непродовольственные продукты, большинство из которых трудно определить количественно в денежном выражении, исключены.

Повышение эффективности животноводства, с его различными товарами и услугами, имеет решающее значение для достижения устойчивого развития сельского хозяйства и продовольственной безопасности, особенно в странах с низким уровнем дохода и дефицитом продовольствия.

Необходимым условием устойчивого развития животноводства является выявление, тестирование в местных условиях и продвижение соответствующих технологий, использующих местные и доступные ресурсы.

Должны быть созданы политика, инфраструктура и вспомогательные службы, позволяющие таким технологиям развиваться и достигать мелких фермеров.

Интеграция животноводства и сельского хозяйства увеличивает как краткосрочные выгоды, так и долгосрочную устойчивость.

Сектор животноводства является многогранным и достаточно гибким, чтобы иметь возможность реагировать на изменения в национальной экономике. Доступны виды моногастрических и жвачных, которые адаптированы к различным местным условиям и могут использовать местные ресурсы для производства ценных продуктов и услуг.

Больше внимания следует уделять животным с однокамерным желудком, поскольку они являются основными поставщиками мяса и в значительной степени игнорируются в программах развития. Необходимо соблюдать осторожность, чтобы использовать альтернативные корма, которые не конкурируют с пищей человека. Однако не следует забывать о важности жвачных, и особое внимание необходимо уделять развитию их роли в качестве источника тяговой силы. А также, предоставлению мощностей и кредитов, которые приносят пользу мелким производителям, а не крупным инвестициям в учреждения и сооружения, такие как крупные бойни, молочные заводы и комбикормовые заводы, которые обычно имеют слишком большие размеры, слишком много служащих и переоборудованы.

#### ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

1. Башкатова Е. Ю. Перспективы развития животноводства // Известия ОГАУ. 2006. №12-1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/perspektivy-razvitiya-zhivotnovodstva> (дата обращения: 09.07.2019).
2. Ижболдина С.Н. Управление животноводством на научной основе// Нива Татарстана 2009. № 5-6, с. 24-25 URL: <https://elibrary.ru/item.asp?id=21171903> (дата обращения: 09.07.2019).
3. Achterbosch, T.J., Dorp, M. van, Driel, W.F. van, Groot, J.J., Lee, J. van der, Verhagen, A. and Bezlepkina, I. (2014) The food puzzle: pathways to securing food for all. Wageningen: Wageningen UR, – pp. 72.
4. Ecker, O. and C. Breisinger (2012); The Food Security System; A New Conceptual Framework. IFPRI Discussion Paper 01166. International Food Policy Research Institute, CGIAR.

## ЧОРВАЧИЛИК ТАРМОҒИНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Улуғбек САДУЛЛАЕВ,

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти таянч докторанти

**Аннотация:** Мақолада мамлакатимизда чорвачилик тармоғининг ривожланиш босқичлари, ўзига ҳос жиҳатлари тадқиқ этилгани ҳолда иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларининг ҳозирги ҳолати таҳлил этилган ва истиқболда ривожлантириш бўйича таклифлар берилган

**Аннотация:** В статье анализируются этапы развития животноводческого сектора в стране, особенности и анализируется современное состояние показателей экономической эффективности, а также даются рекомендации по его дальнейшему развитию.

**Abstract:** The article analyzes the stages of development of livestock sector in the country, peculiarities and analyzes the current state of economic efficiency indicators and gives recommendations for its further development.

Маълумки, гўшт ва сут йўналишидаги хўжаликларда парвариш қилинаётган чорва моллари бош сони турли даврларда олиб борилган ислохотлар, хусусан мулк ислохотлари натижасида тебраниб турди. Хусусан ширкат хўжаликлари тасарруфида бўлган чорвачилик комплекслари хусусийлаштирилиб маъсулияти чекланган жамиятларга ва фермер хўжаликларига айлантирилди ва ривожлантириб борилмоқда.

1992–2018 йиллар оралиғида олиб борилган ислохотларга аҳамият қаратадиган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 15 мартдаги “Республика чорвачилигида иқтисодий ислохотни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 137-сонли қарори билан қорамолчилик фермалари мазкур фермаларнинг жамоаларига босқичма-босқич, асосан 1993–1994 йилларда шахсий мулк қилиб берилди ҳамда фермаларнинг жамоалари – мулк эгалари хўжаликлар билан тузилган шартномаларга мувофиқ топширилиши лозим бўлган маҳсулотлар – гўшт, сут ва тери хом ашёсининг камида 50 фоизини давлатга қатъий харид нархлари бўйича, қолган қисмини эса тайёрлов ташкилотларига эркин шартномавий нархлар бўйича сотиши белгилаб қўйилди [1].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 февралдаги 87-сонли қарори [2] билан эса Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларнинг табиий-иқтисодий зоналарни ва ҳар бир хўжаликнинг ер ресурсларини ҳисобга олган ҳолда шартли ҳар бош чорва моли ҳисобига ер ажратиш ҳамда хусусийлаштирилган фермалар ва деҳқон (фермер) хўжаликлари маҳсулотларни шартномавий (эркин) нархларда сотилиши жорий

этилди. Яъни гўшт ва сутга давлат буюртмаси ҳамда чегаравий харид нархларини ўрнатиш тизими бекор қилинди.

Хўжаликлар кесимида таҳлил қиладиган бўлса, қорамолларининг салмоқли қисми, яъни 92–94 фоизи бевосита деҳқон хўжаликлари ихтиёрида эканлигини кузатишимиз мумкин. Хусусан 2014 йилда республикада мавжуд жами 10995,2 минг бош қорамолнинг 10328,1 минг боши ёки 93,9 фоизи деҳқон хўжаликлари тасарруфида бўлса, 2015 йилда 10953,2 минг бош, 2016 йилда 11461,2 минг бош, 2017 йилда 11675,4 минг бош ҳамда 2018 йилда 11983,3 минг бош қорамол мазкур хўжаликлар томонидан парвариш қилинмоқда (1-жадвал).

Республикамизда ишлаб чиқарилган гўштининг асосий қисмини қорамол гўшти ташкил этиб, у жами ишлаб чиқарилаётган гўштининг ўртача 75 фоизини ташкил этади. Хусусан 2014 йилда Республикамизда жами 1906,3 минг тонна гўшт ишлаб чиқарилган бўлса, шундан 1422,1 минг тоннаси ёки 74,6 фоизи мол гўштини ташкил этган. Бу кўрсаткич 2016 йилда 1616,4 минг тонна ёки 74,4 фоизни ва 2018 йилга келиб 1829,5 минг тонна ёки 75,7 фоизни ташкил этмоқда (2-жадвал).

Қўй гўшти ҳам ишлаб чиқарилаётган гўшт таркибида салмоқли улушга эга бўлиб, у 2014 йилда 363,6 минг тонна ёки 19,1 фоиз, 2016 йилда 415,9 минг тонна ёки 19,1 фоиз ва 2018 йилда 409,4 минг тонна ёки 16,9 фоизни ташкил этган.

Паррандачиликда олиб борилаётган ислохотлар натижасида мазкур тармоқнинг ҳам гўшт ишлаб чиқаришдаги улушини ортиб бормоқда. Жумладан, 2014 йилда 85,3 минг тонна ёки жамига нисбатан 4,5 фоизни, 2016 йилда 99,7 минг тонна ёки жамига нисбатан 4,6

**Калит сўзлар:** чорвачилик, иқтисодий самарадорлик, аҳоли жон бошига истеъмол, талаб, таклиф, ялли маҳсулот, қорамолчилик, паррандачилик

**1-жадвал. Барча тоифадаги хўжаликларда қорамоллар бош сонининг ўзгариши [4] (минг бош)**

Кўрсаткичлар 2014–2015		Йиллар					
		2016	2017	2018	2019	2020	
Республика бўйича		10995,2	11641,3	12181,4	12471,0	12814,1	
Шундан	Ф/х	жами	545,2	557,3	575,8	615,9	662,2
		улуши, %да	4,96	4,79	4,73	4,94	5,16
	Д/х	жами	10328,1	10953,2	11461,2	11675,4	11983,3
		улуши, %да	93,93	94,09	94,09	93,62	93,51
	К/хк	жами	121,9	130,8	144,4	179,7	168,6
		улуши, %да	1,11	1,12	1,19	1,44	1,31

фоизни ва 2018 йилда 409,4 минг тонна ёки жамига нисбатан 7,2 фоизни ташкил этган.

**2-жадвал. Барча тоифадаги хўжаликларда ишлаб чиқарилган гўшт таркиби бўйича тақсимланиши, минг тонна [5]**

Кўрсаткичлар		Йиллар					2018 йилда 2014 йилга нисбатан, % да
		2014	2015	2016	2017	2018	
Жами ишлаб чиқарилган гўшт		1906,3	1933,4	2172,7	2286,8	2417,4	126,8
Шундан							
Мол гўшти	жами	1422,1	1517,1	1616,4	1682,5	1829,5	128,6
	улуши, %да	74,6	78,5	74,4	73,6	75,7	101,4
Қўй гўшти	жами	363,6	386,8	415,9	431,0	409,4	112,6
	улуши, %да	19,1	20,0	19,1	18,8	16,9	88,8
Паранда гўшти	жами	85,3	90,7	99,7	133,5	173,0	202,9
	улуши, %да	4,5	4,7	4,6	5,8	7,2	160,0
Чўчка гўшти	жами	20,5	22,5	23,8	23,9	3,6	17,6
	улуши, %да	1,1	1,2	1,1	1,0	0,1	13,9
Бошқа турдаги чорва гўшти	жами	15,5	16,3	16,7	15,9	15	96,9
	улуши, %да	0,8	0,8	0,8	0,7	0,6	76,4

Гўшт ишлаб чиқариш хажмининг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини таҳлил этишда аҳоли жон бошига нисбатан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми билан таққослаш орқали баҳо бериш жаҳон амалиётида ва иқтисодий адабиётларда кенг қўлланилади. Тиббий меъёр бўйича аҳоли бир йилда 21,51 кг мол гўшти, 8,34 кг қўй гўшти ва 9,79 кг парранда гўштини истеъмол қилиши лозим [6].

Мамлакатимиз шароитида ишлаб чиқарилган мол гўштининг аҳоли жон бошига нисбатан таҳлил этганда бу 2014 йилда 27,5 кг.ни ёки тиббий меъёрга нисбатан 6 кг кўп, 2015 йилда 28,8 кг.ни ёки тиббий меъёрга нисбатан 7,3 кг кўп, 2016 йилда 30,2 кг.ни ёки тиббий меъёрга нисбатан 8,7 кг кўп, 2017 йилда 30,9 кг.ни ёки тиббий меъёрга нисбатан 9,4 кг кўп ва 2018 йилга келиб 2018 йилда 33,0 кг.ни ёки тиббий меъёрга нисбатан 11,5 кг кўплигини кузати-

шимиз мумкин (3-жадвал).

Қўй гўшт эса аҳоли жон бошига нисбатан таҳлил этганда бу 2014 йилда 7,03 кг.ни ёки тиббий меъёрга нисбатан 1,3 кг кам, 2015 йилда 7,35 кг.ни ёки тиббий меъёрга нисбатан 1 кг кам, 2016 йилда 7,7 кг.ни ёки тиббий меъёрга нисбатан 0,6 кг кам, 2017 йилда 7,92 кг.ни ёки тиббий меъёрга нисбатан 0,4 кг кам ҳамда 2018 йилга келиб 2018 йилда 7,39 кг.ни ёки тиббий меъёрга нисбатан қарийб 1 кг камлигини кузатишимиз мумкин.

Аммо бу рақамлар ишлаб чиқарилган гўштни ифода этиб, ўртача кўрсаткичлар асосида сўйилган вазнга айланттирилган. Яъни бу қорамолчилик ва қўйчилик йўналишларида истеъмол қилинган гўштни англамайди. Ишлаб чиқарилган гўшт ва унинг сўйилган ҳолатда бозорларга таклиф этилиши табиий омилларга чамбарчас боғлиқ. Бошқача қилиб айтганда, йилнинг қулай келиши (ёғингарчиликнинг кўп бўлиши) чорва молларининг таклифини камайтирса ва ноқулай табиий шароит аксинча, чорва молларини ушлаб туришни рағбатлантирмайди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда гўшт ишлаб чиқариш ва унинг бозор баҳосидаги тебранишлар натижасида турли манбаларда турлича қарашлар ва турлича ёндашувлар шаклланмоқда. Мисол тариқасида 2016–2017 йилларда гўшт баҳосининг ортиб боришига асосан воситачи тадбиркорлар ва қассобларнинг сунъий равишда баҳони ошириш борасидаги қарашлар шаклланган бўлса, унда маъмурий йўл билан гўштининг бозор баҳосини пасайтириш чораларини кўрилиши билан якунланди. 2017–2018 йилларда эса гўшт баҳосининг ошишига озуқа баҳоларининг кескин кўтарилиши сабаб сифатида баҳоланда, 2018 йилнинг қурғоқчил келиши эса

бу омилларнинг тасдиқланишига туртки берди. Натижада 2018–2019 йилларда барча турдаги ресурслар баҳоси ортиши аграр тармоққа ҳам бирдек таъсир ўтказди.

Буни гўшт маҳсулотларининг истеъмол нархлари индекси динамикасида ҳам кузатишимиз мумкин. Жумладан, мол гўшти ойлар оралигида олдинги ойга нисбатан ўртача 103,2 дан 101,1 гача тебраниб турган бўлса, май, июнь ва июль ойларида олдинги ойга нисбатан ўртача 106,4 гача кўтарилиб кетган (2-расм).


Қорамол ҳамда қўй гўштининг ўртача бозор баҳоси ёз мавсумида хусусан июн ойида энг юқори даражада қимматлашган бўлса, парранда гўшти эса январь ва июль ойлари оралигида камайиш тенденциясига эга бўлганлиги ҳамда август ойидан бошлаб кескин кўратилганлигини кузатиш мумкин. Яъни август ойида олдинги ойга нисбатан ўртача баҳо индекси



**3-жадвал. Аҳоли жон бошига нисбатан гўшт ишлаб чиқариш ҳажми ва унинг тиббий меъёрга нисбатан ўрганиш динамикаси**

Кўрсаткичлар		Ўлчов бирлиги	Йиллар				
			2014	2015	2016	2017	2018
Аҳоли сон		млн. киши	31022,5	31575,3	32120,5	32656,7	33255,5
Мол гўшти бўйича	Мол гўшти истеъмоли бўйича тиббий меъёр	кг/йил	21,51	21,51	21,51	21,51	21,51
	Ишлаб чиқарилган мол гўшти (сўйилган вазнда)	минг тонна	853,26	910,26	969,84	1009,5	1097,7
	Аҳоли жон бошига нисбатан ишлаб чиқариш	кг	27,5	28,8	30,2	30,9	33,0
	Фарқ (+,-)	кг	6,0	7,3	8,7	9,4	11,5
Қўй гўшти бўйича	Қўй гўшти истеъмоли бўйича тиббий меъёр	кг/йил	8,34	8,34	8,34	8,34	8,34
	Ишлаб чиқарилган қўй гўшти (сўйилган вазнда)	минг тонна	218,2	232,1	249,5	258,6	245,6
	Аҳоли жон бошига нисбатан ишлаб чиқариш	кг	7,03	7,35	7,77	7,92	7,39
	Фарқ (+,-)	кг	-1,31	-0,99	-0,57	-0,42	-0,95
Парранда гўшти бўйича	Қўй гўшти истеъмоли бўйича тиббий меъёр	кг/йил	9,79	9,79	9,79	9,79	9,79
	Ишлаб чиқарилган қўй гўшти	минг тонна	85,3	90,7	99,7	133,5	173
	Аҳоли жон бошига нисбатан ишлаб чиқариш	кг	2,7	2,9	3,1	4,1	5,2
	Фарқ (+,-)	кг	-7,0	-6,9	-6,7	-5,7	-4,6

103,4 га тенг бўлган. Буларнинг барчаси ресурслар сарфининг ортиб бориши, озуқа баҳосининг импортга боғланганлиги боис валюта курси ўзгариши натижасида тебраниб тури-



**1-расм. 2018 йил январь-декабрь ойларида Республика бўйича асосий турдаги гўшт маҳсулотларининг истеъмол нархлари динамикаси (ўтган ойга нисбатан, % да) [7]**

ши, иқтисодий ислохотлар натижасида йиллик инфляция 15-18 фоиз атрофида сақланиб қолаётганлиги каби омиллар сабаб бўлмоқда.

Юқоридаги таҳлиллар натижасида чорвачилик тармоғида барқарор иқтисодий фаолиятни таъминлаш ва маҳсулот етиштирувчиларга шароитлар яратиш мақсадида бизнингча қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Жумладан:

- чорвачилик хўжаликлари фаолиятида асосий харажат бу озуқа билан боғлиқ бўлиб, у 65-70 фоиз атрофида сақланиб қолмоқда. Шу боис чорвачилик хўжаликларига ер ажратиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятнинг ҳуқуқий асосини қатъийлаштириш;

- деҳқон хўжаликларида парвариш қилинаётган қорамолларнинг сони ва ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини ҳисоб-китоб қилишда янгича механизмларни яратиш лозим. Бу талаб ва таклиф ҳажми тебранишини олдиндан прогнозлаш имкониятини беради.

- мамлакатимизда чорва молларининг гўшт ва сут маҳсулдорлиги дунё бўйича ўртача кўрсаткичлар даражасида сақланиб қолиши натижасида маҳсулот етиштиришда ресурс сарфининг ортишига сабаб бўлмоқда. Шу боис чорва молларининг

наслини яхшилаш ва наслдор қорамолларни парваришlash учун зарур шароит ва инфратузилмани шакллантириш мақсадга мувофиқ.

- саноат усулида чорва молларини парваришlash ва маҳсулот етиштиришни ташкилий – иқтисодий рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бу юқори маҳсулдорлик, моддий ва меҳнат ресурслари сарфи, бозорларга тизимли ва барқарор таклиф ҳамда провардида

гўшт ва гўшт маҳсулотлари импортининг ўрнини босиши каби имкониятларни яратиш беради.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 15 мартдаги “Республика чорвачилигида иқтисодий ислохотни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 137-сонли қарори. Манба: <http://lex.uz/docs/619817>
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 февралдаги “Чорвачиликда ислохотларни такомиллаштириш ҳамда деҳқон (фермер) хўжаликлари ва хусусийлаштирилган фермалар манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида” 87-сонли қарори. Манба: <http://lex.uz/docs/640623>
3. <http://lex.uz/docs/1004444>
4. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» статистик тўплами, Тошкент-2019 йил. 181 бет
5. “Ўзбекистон рақамларда» статистик тўплами, Тошкент-2019 йил. 163 бет
6. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда талаб этиладиган меҳнат ва моддий ресурслар сарфи меъёрлари. ҚХИЙТИ., Тошкент-2016, 81-бет
7. <http://stat.uz/uz>

## ПИЛЛАЧИЛИК ТАРМОҒИДА МАҲСУЛОТ СИФАТИ ВА СИФАТНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Асрор БАХРИДДИНОВ,

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий тадқиқот институти, катта илмий ходим

**Аннотация:** Мақолада пиллачилик тармоғида маҳсулот сифати ва сифатни бошқариш тизимини ривожлантириш зарурати пилла хом ашёси сифат кўрсаткичлари асосида асосланиб тармоқда сифатни бошқариш тизимини ривожлантириш, бунда ИСО 9001 халқаро стандартларни қўллаш, унинг авзаллик жиҳатлари ва амал қилиш тамойиллари баён қилинган.

**Аннотация:** В статье обосновано необходимость внедрения международных стандартов ИСО 9001 на основе анализа качественных показателей живых коконов тутового шелкопряда, изложены преимущественные свойства и принципы системы управления качеством в отрасли.

**Abstract:** The article substantiates the need to implement international standards ISO 9001 based on the analysis of the quality indicators of live silkworm cocoons, outlines the superior properties and principles of the quality management system in the industry.

Маълумки мустақиллик йилларида агросаноат мажмуаси соҳаларининг ташкилий ва бошқарув тузилмалари босқич-ма-босқич такомиллаштириб борилишига ҳукумат даражасида катта эътибор қаратилиб, мазмуни ва моҳияти жиҳатидан кенг қўлланли ишлар амалга оширилди. Хусусан, пиллачилик мажмуида хусусийлаштириш, чуқур таркибий ўзгаришлар олиб борилиб, уларнинг ташкилий-иқтисодий ва қонуний асослари яратилиб, бугунги кун амалиётида кенг фойдаланилмоқда.

Ҳозирги вақтда дунёнинг ипакчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи давлатларда пилла ва ипак маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш билан бир қаторда уларнинг сифат кўрсаткичлари асосий мезон сифатида қаралмоқда. Шу жиҳатдан мамлакат аҳолисининг ипак маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини ва ипакчилик саноати корхоналарини сифатли хом ашё билан таъминлаш мақсадларида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар мунтазам равишда олиб борилмоқда.

Лекин бундай тадбирлар ўтган йиллар давомида тармоқни ривожлантириш, иқтисодий ва таркибий ислохотларни амалга ошириш жараёнида йўл қўйилган айрим камчиликлар сабабли фермер ва деҳқон хўжаликларида етиштирилаётган пилла хом ашёси ҳажми ва сифатига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Хусусан кейинги ўн йилликда пилла хом-

ашёси етиштириш ҳажмларида ҳам нобарқарорлик ҳолатлари кузатилади. Яъни, йиллар кесимида ишлаб чиқариш кўрсаткичларида кескин камайиш ёки кескин ортиш тенденциялари кузатилади.

Мисол учун, республикада 2010 йилда 25159,5 минг тонна, 2015 йилда 26291,3 минг тонна пилла хомашёси етиштирилган бўлса, 2017 йилга келиб бу кўрсаткич 12480,3 минг тоннага ёки 52,5 фоизга камайиб кетган, 2018 йилда етиштириш 17912,3 ёки 31,9 фоизга ва 2019 йилдаги пилла етиштириш ҳажми 19142,04 тоннани ташкил этиб 2015 йилга нисбатан камайиш 27,2 фоизни ташкил этгани ҳолда 2017 йилга нисбатан ўсиш 34,9 фоизни ташкил этмоқда. Пилла хомашёси етиштиришдан эришилган ўртача ҳосилдорлик даражаси 2010 йилда 55,3 кг, ни ташкил этган бўлса 2017 йилда бу кўрсаткич 48,0 кг, 2018 йилда 46,0 кг, ва 2019 йилда 55,3 кг ни ташкил этган (1).

Пилла хом ашёси етиштириш тармоғида юз бераётган бундай ҳолатнинг юзага келишига асосий сабаб сифатида республикада пилла етиштирувчи фермер ва деҳқон хўжаликларида моддий манфаатдорлик даражасининг пастлиги, пиллачилик хом ашё базаси ва унинг сифати талаб даражасида эмаслиги, пилла етиштирувчиларнинг моддий-техник ресурслар билан таъминлаш жараёнидаги айрим камчиликлар, ипакчилик мажмуида кооперация ва интеграцион алоқаларнинг зарурий даражада ривожланмаганлиги, пиллани дастлабки ва чуқур қайта ишлаш корхоналари

**Калит сўзлар:** глобаллашув, таркибий ўзгаришлар, ипакчилик мажмуи, пилла сифати, супер элита, элита, навлар аралашмаси, сифат менежменти, сифатни бошқариш тизими.

томонидан тайёрланаётган ипак ва ипак маҳсулотлари сифатининг ички ва халқаро стандартлар талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги, уларнинг рақобатбардошлик даражасининг пасайиши ва ўз навбатида ипакчилик маҳсулотларининг нисбатан паст нархларда сотилиши кабиларни келтириш мумкин.

Шу жиҳатдан ҳозирги кунда тармоқда амалга оширилаётган интеграцион жараёнларни янада такомиллаштириш, ташкил этилаётган янги интеграцион тузилмалар, хусусан, ипакчилик кластерлари таркибидаги уруғчилик корхоналари, пилла хом ашёси етиштирувчи, қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш ва таъминот тизими корхоналари ўртасидаги иқтисодий ва шартнома муносабатларни такомиллаштириш, пилла хом ашёси ва қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифат кўрсаткичларининг интеграцион тузилмалар фаолияти самарадорлигини оширишдаги тутган ўрнига баҳо бериш, бу борадаги муаммо ва камчиликларни аниқлаш ҳамда уларнинг ечими бўйича илмий ва амалий асосланган таклиф, тавсиялар ишлаб чиқиш тармоқ ривожига муҳим аҳамиятга эгадир.

Жаҳон ипак маҳсулотлари бозоридаги бугунги кундаги ҳолат, пиллачилик маҳсулотлари сифатига қўйиладиган талабларнинг ўзгаришини, пиллачилик озуқа базасини миқдор ва сифат жиҳатидан яхшилаш, пиллани етиштириш ва қайта ишлаш технологиялари тобора такомиллашиб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда ички ва халқаро сатандартлар талабларини ўзгариб боришини назарда тутиш лозим. Шунингдек, мамлакатимиз иқтисодининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви жараёнларининг тезкор рўй бераётганлиги муносабати билан пиллачилик тармоғида ҳам тўлиқ халқаро стандартларга ўтиш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратиш зарур.

Пиллаларга бирламчи ишлов беришда тирик пиллаларни сақлаш даври технологик жараёнларнинг бир қисмини ташкил қилади. Тирик пиллани қабул пунктида ва пиллаҳоналарда қабул қилингандан сўнг белгиланган муддатларда уларнинг ғумбагини ўлдириб, қуритишнинг имконияти бўлмаганлиги учун пиллаларни сақлаш ва уларнинг сифатининг бузилишига йўл қўймаслик, бошланғич терилгандаги сифатини сақлаб қолиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Умуман ипакчилик мажмуи корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар сифати-

нинг замонавий бозор талаблари доирасида бўлишига пилла хом ашёси сифати бевосита таъсир кўрсатувчи асосий омил ҳисобланади. Шу жиҳатдан кейинги йилларда республикада етиштирилаётган пилла хомашёси сифат кўрсаткичларидаги ўзгаришларни ҳам ижобий баҳолаш нотўғри бўлади, деб ҳисоблаймиз. Буни биз қуйида келтирилган маълумотлардан ҳам кўришимиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал.

**Республикада етиштирилаётган пилла хом ашёсининг навлар бўйича сифат кўрсаткичлари таҳлили (1).**

Пилла навлари	Навлар улуши (%)			2019 йил 2017 йилга нисбатан, +,-
	2017 йил	2018 йил	2019 йил	
Супер элита	-	-	-	-
Элита	0,4	0,3	0,1	-0,3
Уруғлик	0,9	0,5	0,2	-0,7
I нав	39,8	44,4	40,5	-0,07
II нав	33,6	35,4	32,6	-1,0
Ностандарт	3,9	2,9	3,1	-0,08
Жами навли	78,3	83,1	76,5	-1,8
Тайёрланган навсиз	18,03,7	14,2	15,1	-2,9

Келтирилган жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, 2017-2019 йиллар мобайнида республикада супер элита навлари (уруғлиги) умаман етиштирилмаган, элита навли уруғлар етиштириш кўрсаткичларида ҳам муайян камайиш тенденциялари кўзатилади, худди шундай уруғлик пилла етиштириш ҳам 2017 йилдаги 0,9 фоиздан 0,7 фоизга, биринчи навли пилла етиштириш 2017 йилга нисбатан бирмунча ошган бўлсада 2018 йилга нисбатан 3,9 фоизга, иккинчи навли пилла етиштириш 1,0 фоизга камайган. Ностандарт ва навсиз пиллалар улуши бирмунча камайганлигини ижобий баҳолаш мумкин бўлсада, жами навли пиллалар миқдорининг камайганлиги ва Республикада етиштирилаётган пилла хомашёси таркибида қорачоқ пиллалар салмоғининг 3,7 фоиздан 8,4 фоизга ортиб кетганлиги пилла етиштиришда сифат кўрсаткичларининг қониқарсиз ҳолатдалигидан дарак беради.

Юқорида таъкидланганидек, пилла хом ашёси сифати ипак маҳсулотлари сифатининг шаклланиши ва уларнинг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини таъминлашда бирламчи аҳамиятга эга эканлигинидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиз Президенти ва Ҳукумати томонидан ипакчиликни ривож-

лантириш бўйича эълон қилинган Фармон ва қарорларда тармоқда маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган аниқ вазифалар белгилаб берилган. Жумладан, мамлакатимиз Президентини томонидан 2017 йил 29 мартда “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2856-сонли қарорида “... ипақдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва унинг сифатини янада яхшилаш, унинг харидоригир турлари ва дизайнини ўзлаштириш, маҳсулотларни халқаро талабларга мувофиқ сертифицикатлаштириш ва стандартлаштиришни таъминлаш, сифат менежментининг замонавий усулларини кенг жорий этишга доир ишларни самарали ташкил этиш” масаласи алоҳида вазифа сифатида белгилаб қўйилган [2]. Шунингдек, Президент қарори ижросини таъминлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 616-сонли қарорида ҳам “... “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таркибидаги ташкилотларда халқаро талабларга мувофиқ сифат менежменти тизимларини жорий этиш” (3) кўзда тутилган

Қўйилган масаланинг назарий жиҳатларига тўхталиб айтиш лозимки, сифатни бошқариш тизими биринчидан, норматив ҳужжатларда белгилаб қўйилган талабларнинг табиий хусусиятларга мувофиқлиги, иккинчидан, тасдиқланган низом ва бошқа меъерий ҳужжатлар асосида бошқарув фаолиятини йўлга қўйиш ва учинчидан, ўзаро боғлиқ ва биргаликда ҳаракат қилувчи элементлар мажмуидан иборат бўлиб, ташкилотнинг бошқарув ва назорат қилиш тизимини ташкил этиш ва сифат муаммоларини ҳал этишга қаратилган тадбирлар мажмуини ўз ичига олади. Яъни, унинг асосий мақсади бозор субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар сифатини таъминлаш ҳамда истеъмолчилар томонидан кутилаётган сифат кўрсаткичларига мослаштиришдир. Бо-

зор иқтисодиёти шароитида иқтисодиёт тармоқлари шу жумладан ипақчилик мажмуида сифатни бошқариш тизимини жорий этиш қуйидаги афзаллик ва устунлик жиҳатларини таъминлайди (1-расм).

Таҳлил натижаларига кўра, бугунги кун-



1- расм. Сифатни бошқариш тизими афзалликлари

да “Ўзбекипаксаноат” уюшмасининг марказий ижро аппарати ва унинг вилоят ва туман бўлимларида маҳсулот сифатини бошқаруви бўйича алоҳида бўлим шакллантирилмаган. Шу жиҳатдан бизнинг фикримизча, бундай бўлимни ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундан ташқари ҳозирги вақтда жаҳон иқтисодиёти амалиётида ишлаб чиқарилаётган деярли барча турдаги маҳсулотлар ва товарларнинг сифатини ва рақобатбардошлиги ИСО 9001 талабларидан келиб чиққан ҳолда баҳоланади. Шу жиҳатдан мамлакатимизда етиштирилган пилла хом ашёси ва ипақ маҳсулотлари ҳам айнан шу халқаро стандартлар талабларига жавоб бериши зарур. Демак ипақчилик мажмуи тармоқларида сифатни бошқариш тизими фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришда мазкур халқаро стандартлар тамойилларига қатъий амал қилиниши асосий шартлардан ҳисобланади.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.03.2017 йилдаги «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги ПҚ-2856-сонли қарори 2-бўлим “в” пункти.
3. Вазирлар Маҳкамасининг 201- йил 11 августдаги “2017-2021 йилларда пиллачилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида” ги 616-сонли қарори 3-илоvasи III-бўлим 3- хат боши.
4. Ахмедов Н, Муродов С. Ипақчилик асослари Тошкент.: “Ўқитувчи” 1998 й.



## ҚОРАМОЛЛАРНИ ОЗИҚЛАНТИРИШДА КОРЕЯНИНГ TMR ТЕХНОЛОГИЯСИНИ БАҲОЛАШ

**Шавкат ТУРСУНОВ,**

Тошкент давлат аграр университети катта ўқитувчиси

**Агзамжон НУРМАТОВ,**

Чорвачилик ва паррандачилик ИТИ директори, қ.х.ф.н.

**Ирода РУСТАМОВА,**

Тошкент давлат аграр университети доценти, и.ф.н

**Annotatsiya:** Мақолада қорамолларни Корейнинг TMR технологияси бўйича озиқлантиришнинг иқтисодий самарадорлиги тегишли маълумотлар асосида аниқланган. Қорамолларни озуқаларни майдалаб аралаштирилган ҳолда озиқлантириш технологияси (TMR) мақсадга мувофиқлиги иқтисодий баҳолаш орқали асослаб берилган.

**Аннотация:** В статье определена экономическая эффективность корейской технологии кормления скота TMR на основе соответствующих показателей. Посредством экономической оценки обоснована целесообразность применения технологии смешивания измельченного корма для крупного рогатого скота (TMR).

**Abstract:** The article the economic efficiency of the Korean TMR cattle feeding technology is determined on the basis of the corresponding indicators. By means of economic assessment the expediency to application of technology of mixing to the crushed forage for cattle (TMR) is proved.

**Ч**орвачилик – аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини таъминловчи асосий тармоқ бўлиб, 2018 йилда республикада ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг умумий ҳажмида 46,8 фоизи чорвачилик маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келди. Бу тармоқ аҳолини юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан ва саноатнинг кўп тармоқларини хом ашё билан таъминлайди. Шунинг учун ҳам бу соҳанинг аҳолини ўрганиш ва янада ривожлантириш имкониятларини кўрсатиш катта аҳамиятга эгадир.

Маълумки, чорвачиликнинг ривожини ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни жадаллаштиришдаги муаммолар озуқа базасини мустаҳкамлаш ва чорва молларини талаб даражасидаги тўйимли озуқалар билан таъминлашга боғлиқдир. Озуқа билан етарлича таъминланмаганлик – Ўзбекистонда чорвачиликни ривожлантиришнинг асосий муаммоларидан биридир. Хўжаликларда ер майдонларининг кичкиналиги ўзларига тегишли чорва молларини озуқа билан тўла таъминлаш имконини бермайди.

Озиқлантириш чорвачиликни ривожлантиришдаги барча омиллар ичида энг муҳими ҳисобланади. Озиқлантириш чорва ҳайвонларининг маҳсулдорлигига кучли таъсир кўрсатади. Чорва ҳайвонларининг организми туқималарининг тузилиши учун зарур бўлган

материални, модда алмашинувини тартибга солиб турадиган моддаларни ва энергияни ҳайвон озуқадан олади.

Ўзбекистон шароитида Корея давлатининг букачаларни озиқлантириш ва бўрдоқлаш технологиясини қўллаб букачаларнинг гўшт маҳсулдорлигини ошириш ва сифатли гўшт етиштириш мақсадида Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти ва Корея давлатининг КОРІА маркази ҳамкорлигида 2016–2017 йилларда тадқиқотлар ўтказилган.

Тадқиқот натижаларига кўра озуқаларни майдалаб аралаштирилган ҳолда озиқлантириш (TMR) технологиясини мақсадга мувофиқлиги иқтисодий баҳолаш орқали амалга оширилган.

Ҳайвонларни тўла қийматли озуқалар билан аралашма ҳолида TMR усулида озиқлантириш организмни тез ўсиб ривожланишига, тирик вазнини ошишига, маҳсулдорлигига ҳамда маҳсулот сифатига ижобий таъсир кўрсатиши билан бирга ишчи кучи, озуқа ва бошқа харажатлар сарфини тежалишига ҳам олиб келади.

Технологиянинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичи бўлиб озуқа харажатларининг пасайиши ҳисобланади. Бунда иқтисодий баҳолашнинг асосий босқичлари қуйидагилар бўлиши мумкин:

- технологияни тавсифлаш;
- таққослаш базаси;
- озуқа харажатларини ҳисоблаш;

**Калит сўзлар:** инновация, инновацион технология, чорвачилик, қорамолчилик, маҳсулдорлик, ресурстежамкорлик, таннарх, даромад, фойда, рентабеллик, иқтисодий самарадорлик

- мазкур технологияни қўллашнинг иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш.

Ушбу технологияда сутдан чиққан 4-6 ойлик эркак бузоқлар 24-26 ойлик ёшига қадар ўстиришга қўйилиб бўрдоқиланади.

Буқачаларни бўрдоқилашда ҳар иккала технологиясида озуқа турлари бир хил бўлиб, фақат Корея технологиясида ширали ва дағал озуқалар махсус миксерда 2-3 см қилиб майдаланиб, омукта озуқалар, озиқ-овқат саноати чиқиндилари билан аралаштирилиб маҳаллий бентонитли гилмоя, озуқавий оҳак ва премикслар билан бойитилиб озиқлантирилади.

Буқачаларни гўшт учун ўстиришда уларнинг тирик вазни асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Уларни гўшт маҳсулдорлигини маҳсулот учун сарфланган харажатларни ва шунингдек ўстириш самарадорлигини аниқлашда тирик вазнини таҳлили катта аҳамият касб этади.

Таҳлил натижаларига кўра, Корея ҳамда маҳаллий технология бўйича боқилган буқачаларнинг мутлақ ўсиши даврлар бўйича турлича кечган. Буқачаларни 200 кун ўстириш даврида ҳар иккала гуруҳда бир меъёрда жадал ўсиши кузатилган.

Тажрибанинг парваришlash даврида, яъни 220 кун давомида кунлик ўсиш Корея технологиясида 857,0 г.ни ташкил этиб, маҳаллий технология бўйича боқилган буқачаларга нисбатан 6,58 % га юқори бўлган.

Шундай қилиб, тажрибадаги буқачаларнинг тирик вазни кунлик ўсишини ўрганиш шуни кўрсатдики, буқачаларни ўсиш, парваришlash ва бўрдоқилаш даврида Корея технологиясида фойдаланиш буқачаларнинг ўсишига ижобий таъсирини кўрсатган.

Буқачаларни гўшт маҳсулдорлиги уларни ўстириш ва бўрдоқилаш даврдан сўнг, сўйим олди тирик вазни, гўшт ва ёғ чиқими, субмаҳсулотлар ва ички органлар чиқими, алоҳида табиий анатомик қисмлар бўйича нимтанинг морфологик таркиби каби кўрсаткичлар асосида ўрганилиш натижаларига кўра, барча гуруҳларда сўйим олди тирик вазни юқори

бўлган. Бу кўрсаткич, яъни сўйим олди тирик вазни Корея технологияси гуруҳида ўртача 614 кг.ни ташкил этган бўлса, маҳаллий гуруҳда эса 557 кг.ни ташкил этган. Яъни шунга мос равишда Корея технологияси гуруҳида маҳаллий гуруҳга нисбатан 9,28 % га юқори бўлган. Шунга мос равишда барча гуруҳларда етарли даражада нимта олинган, яъни нимта вазни Корея технологияси гуруҳида 335,9 кг.ни ташкил этган бўлса, маҳаллий технологияда боқилган гуруҳида 295,18 кг.ни ташкил этган, ёки нимта вазни маҳаллий технология билан боқилган гуруҳига нисбатан 12,15 % га юқори кўрсаткичга эга бўлган бўлса, ички ёғ чиқими Корея технологияси гуруҳида боқилган гуруҳида 20,3 кг.ни ташкил этган бўлса, маҳаллий технологияда боқилган гуруҳда 17,9 кг. ёки мос равишда 11,82 % ёғ чиқимини ташкил этган.

Маълумки ҳайвонларни гўшт маҳсулдорлигини аниқлашда, сўйим чиқими асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Сўйим чиқими эса ҳайвонларни семизлик даражаларига боғлиқ бўлади. Ҳайвонларни юқори семизлик даражасига етказиш ва сўйим чиқимини ошишида озиқлантириш меъёрлари муҳим аҳамиятга эга. Чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг тадқиқотларида юқори сўйим чиқими ҳар иккала гуруҳларда кузатилган. Яъни Корея технологиясида боқилган гуруҳда сўйим чиқими 58,0 %ни ташкил этган бўлса, маҳаллий технология билан боқилган гуруҳда 56,19 % ни, ташкил этган. Корея технологиясида боқилган гуруҳда маҳаллий технологияда боқилган гуруҳга нисбатан 1,81 % юқори кўрсаткичга эга бўлган.

Иш ҳақи харажатлари 15 бош қорамолни боқиш учун ойига 1500 минг сўм, 19 ой учун 28500 минг сўмни ташкил этади.

Бир бош қорамол 1 йилда 2 марта вакцинация қилинади, 1 та препарат 8 минг сўм бўлиб, икки йилда 32 минг сўм харажат қилинади.

1 кВт электр энергия қиймати 210 сўмни ташкил этади. 1 ойда 100 кВт, 19 ойда 1900 кВт электр энергияси сарфланиб, 252 минг сўм харажат қилинади.

**Жадвал** Озуқа маҳсулотларини ташиш, сотиш билан боғлиқ транспорт харажатлари 1 йилда 500 минг сўмни ташкил этади.

Хулоса қилиб айтганда, арзон озуқалардан фойдаланиб, уларни оқсил, витамин ва минераллар билан бойитиш, ширали ва дағал озуқаларни майдалаб омукта озуқалар билан аралаштириб бериш орқали жадал боқиш технологияси самарали бўлиб, ТМР технологиясини қўллаш ҳисоби-га иқтисодий самара ёки фойда ўси-ми 28452 минг.сўмни, ресурстежамкорлик коэффициенти эса 1,05 ни ташкил этган (жадвал).

**(ТМР) технологиясини иқтисодий баҳолаш кўрсаткичлари**

№	Кўрсаткичлар	Улчов бирлиги	Технологиялар	
			Маҳаллий	Корея
	Даромад	м.сўм	204300	240906
2	Умумий харажатлар	м.сўм	156874	165028
3	Фойда	м.сўм	47426	75878
4	Иқтисодий самара	м.сўм		28452
5	Рентабеллик даражаси	%	30,2	45,9
6	Ресурстежамкорлик коэффициенти			1,05

## СУВ ТАНҚИСЛИГИ ШАРОИТИДА УЗУМЗОРЛАРНИ СУҒОРИШДА ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚўЛЛАШ

Азамат ЖУМАНОВ,  
илмий ходим ТИҚХММИ

**Аннотация:** Мақолада ҳозирги кунда тоғолди минтақалардаги фермер хўжаликларидаги узумзорларни сув билан таъминлаш, сув тежаш усуллари, жумладан, узумзорларда сув танқис бўлган даврда маҳаллий оқимдан фойдаланиб суғориш (ёғингарчилик сувлари), тупроқ унумдорлигини ошириш, плёнка тушаб суғориш, маҳаллий оқим сувларини йиғиш ҳақида маълумотлар келтирилган.

**Аннотация:** В статье представлена информация о водоснабжении виноградников в горных районах, методах водосбережения, в том числе орошения (дождевой воды), плодородия почв, съёмки и сбора местных сточных вод при критической нехватке воды в виноградниках.

**Abstract:** The article presents information on water supply of vineyards in mountain regions, methods of water conservation, including irrigation (rain water), soil fertility, surveys and collection of local wastewater in critical water shortages in vineyards.

Республикамызда боғдорчилик ва узумчиликка бўлган эътибор ва талаб йилдан йилга ошиб бормоқда. К.В.Смирнов, Л.М.Малтабар ва бошқа олимларнинг маълумотларига қараганда узум новдалари ва баргларида 71–73%, ғужумларида 80–85%, танасида 30%, зангида 40% ча, илдизларида эса 50–55% сув бўлиши, сувнинг асосий қисми транспирация ва нафас олиш учун сарфланиши, сувнинг маълум қисмигина бевосита органик моддаларни ҳосил қилиш учун сарф бўлиши аниқланган. Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон шароитида узум 1 ц, ҳосил тўплаш учун 44–50 м<sup>3</sup> сув талаб қилиниши аниқланган [3].

Мамлакатимиз иқтисодиётини янада мустақкамлашда бошқа соҳалар қатори қишлоқ хўжалигининг ўрни беқиёсдир. Республикадамызда суғориш сувлари тақчиллиги шароитида боғдорчиликда юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда сув ресурсларини тежовчи технологиялар қўллаш энг муҳим ва долзарб вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг тоғли ва тоғ олди минтақаларида узумзор барпо қилиш учун энг самарали бўлиб, Қашқадарё вилоятининг Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Самарқанд вилоятининг Ургут, Самарқанд, Сурхондарё вилоятининг Бойсун, Денов, Тошкент вилоятининг Оҳангарон Паркент ва Чирчиқ туманлари ҳисобланади.

Тоғли ва тоғолди ҳудудларида узумзор учун жой танлашда қуйидагиларга эътибор қаратиш зарур. Узумзор барпо қилинадиган май-

дон 10–15 гектардан кичик бўлмаслиги лозим ҳамда келгусида янада кенгайтириш имкониёти бўлиши керак. Узум экиш ва уни парваришлаш ишларини механизациялаштириш мумкин бўлиши учун майдон 10 градусдан ортиқ даражада қия бўлмаслиги, агар қия бўлса, зина-зина шаклида текисланган бўлиши керак. Тоғ олди ҳудудларининг унчалик қия бўлмаган ва ёзда ҳам ери нисбатан нам бўлиб турадиган жойлар узумзор қилиш учун яроқлидир. Узум барвақтроқ пишиб, ғужумида қанд моддаси кўп бўлиши учун узум баландроқ зонанинг жанубий қияликларига экилиши керак. Ёғин сувларидан (селлардан) яхшироқ фойдаланиш учун, узум қаторлари қияликка кўндаланг жойлашиши лозим. Узум экиладиган жойнинг қиялиги 5–10 градус бўлса, узум қаторлари қияликка кўндаланг қилиб экилади, агар қиялик 10 градусдан ортиқ бўлса, бу жой аввал зина шаклида текисланади. Узумзор барпо қилинадиган майдон аввал яхшилаб ишланган бўлиши зарур. Ер қанчалик чуқур ҳайдалса сернамроқ бўлиб, узум кўчатларининг яхшироқ тутиб, кучли ўсишини таъминлайди. Тоғ олди ҳудудларида ҳар гектарга қанча тупдан узум кўчати ўтказиш узумнинг навига, тупроқ ва иқлим шароитига қараб ҳал этилади. Бунда узум қатор орасини 2,5–3 м, қатордаги туп орасини 1,5–3 м қилиш мақсадга мувофиқ бўлади [4].

Илмий изланишлар асосида мевали боғ ва узумзорларни суғоришда ресурстежамкор суғориш технологияларини такомиллашти-

**Калит сўзлар:** суғориш режими, сизот сувлари суғориш техникаси ва технологияси, маҳаллий оқим сувларни йиғиш, ўғитлар, вегетация даври.

риш мақсадида Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани “Нормўмин ота” фермер хўжалиги даласида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди.

Тажриба даласи Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани, Б.Худоёров хўжалиги ҳудудида тоғ олди бевосита тик тоғ ёнбағирларига тутшиб кетади. Тавсифланаётган хўжалик ҳудуди Ҳисор тизмасининг ғарбий тармоғи Хонтоғ (Хонтахта) тизмаси тоғ олди қисмида жойланган. Нормўмин ота фермер хўжалигидаги узумзор ер майдонлари 3X2,5., 3X2 схема бўйича экилади. Шу сабабли 1 га. майдон (10000 м2) га экиладиган Узум тупларининг сони қуйидаги формула билан аниқланади:

$$X=10000/(a \cdot b);$$


бу ерда: X - 1 гектар ер майдонидаги туплар сони,

a - қаторлар оралиғи,

b - қатордаги туплар оралиғи.

Ўзбекистоннинг текислик районларида ёғингарчилик ҳисобига тўпланган тупроқ намлиги узумнинг яхши ўсиб ҳосил бериши учун етарли ҳисобланмайди. Тупроқ намлиги ўсув даврининг маълум давраларида суғориш орқали тартибга солинади. Йиллик ёғин миқдори 450-500 мм. дан кам бўлмаган тоғли ва тоғ олди районларида узумларни суғормасдан ёки 1-2 марта суғориб ўстириш мумкин. Тупроқнинг сув режимини тартибга солишда фақат суғоришгина эмас, шунингдек, узумзор тупроғига вақтида ва сифатли ишлов бериш, бегона ўтларни йўқотиш, мульчалаш, маҳаллий оқим сувларини тўплаш, ҳимоя дарахтларини экиш ва бошқа агротехника тадбирлари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Қашқадарё вилоятининг иқлими кескин ўзгарувчан континентал ва шу билан бирга ёзи иссиқ, қиши анча совуқ бўлганлиги туфайли қишда шимолий арктика совуқ ҳаво оқимлари келиб, ҳароратни анча пасайтириб юборади. Январь ойида ўртача ҳаво ҳарорати 0°C дан +2°C га, қишда баъзан -15°C дан -25°C гача пасайиши мумкин. Ёзи иссиқ ва қуруқ бўлиб, узоқ давом этади. Июль ойида ҳарорат кундуз кунлари баъзан +44°C дан +47°C гача кўтарилади. Ёзнинг иккинчи ярмига келиб, 7-15 кун давомида гармсел шамоллар эсиб, у қишлоқ экинларига сезиларли даражада зарар етказиши. Шимоли-шарққа томон ёғин миқдори ортиб боради. Йилига текисликларда 290-300 мм, адирларда 320-550 мм, тоғларда эса 550-650 мм ёғин тушади. Ёғин асосан баҳор ва қишда ёғади. Қашқадарё вилояти станциясининг иқлим кўрсаткичлари маълумоти 1-расмда келтирилган.



1-расм Иқлим кўрсаткичлари графиги

Расмда кўриниб турибдики ёғингарчиликнинг ойлар бўйича энг максимал қиймати асосан 3 ойга тўғри келади, яъни март 50 мм, декабр 45 мм ва апрел 39 мм.

Ёғингарчилик январь, февраль, март, апрель, сентябрь, октябрь, ноябрь ва декабрь ойларида бўлади. Қолган ойларда ёғингарчилик кам бўлиши ва бўлмаслигини кузатишимиз мумкин. Тоғли ва тоғ олди зоналар ўзининг тупроқ-иқлим ва иқтисодий шароитларига кўра, текислик зоналаридан тубдан фарқ қилади. Шунинг учун бундай ерларда Узумзор барпо қилиш, нав танлаш, уларни жойлаштириш ва парвариш ишлари алоҳида эътиборни талаб этади.

Табийий маҳаллий оқим сувлари таъсирида йиғилган сув ювилишни келтириб чиқарувчи энг муҳим омил бунга асосан қияликнинг шакли, узунлиги ҳамда нишаблигидир. Текисликдаги қияликларга нисбатан тоғ олди минтақаларидаги қияликларда тупроқни емирилиш жараёнлари фаолроқ кечади. Қиялик нишаблиги оқим тезлигини кўчайтиради, узунлиги эса миқдорини кўпайтиради. Яна шуни айтиш керакки, тупроқнинг йирик, оғир заррачалари ва микроагрегатлари сув оқимининг тубида енгил ва майда заррачалар эса сув оқимининг юза қисмида ҳаракатланади. Марказий Осиё ҳудуди дарёлари учун эриган қор ва музликлар сувлари ҳисобига шакланган Qтах ни ҳисоблаш учун Ю.М.Денисов қуйидаги ифодани тавсия қилади [6].

$$\bar{M} = \frac{0.325 \cdot h}{2,64 \cdot \delta_h + 0.020\sqrt{h}} : \text{л/сек, км}^2$$

Бу ифодада:

h-тўлин сув даври оқимининг қалинлиги, мм;

S<sub>h</sub>-ҳавза баландлигининг ўртача квадратик четланиши.

Тоғ олди минтақаларидан узумзорларни етиштиришда биринчи ҳолатда йиғилган сувдан самарали фойдаланишда кейинги эгатларга тушиши учун жумраклари очилиб, кейинги эгатларга ўтказиш ҳолатлари келтирилган. Ёғингарчилик туфайли тушаётган ёмғир том-



чилари тушиши натижасида тупроқнинг юза ювилиш жараёнлари, жала-ёмғирларнинг томчиси ер бетига куч билан томчиланиб, ёнбағирдаги тупроқ бўлакчаларини (агрегатларини) майда заррачаларга парчалаб атрофга сачратади ва шу пайтда қияликда пайдо бўлган кучли сув оқими, тупроқ заррачаларини эритиб, оқим лойқаланиб тупроқни сув ўтказувчанлик ҳолатини сусайтиради. Қашқадарё вилояти Якқобоғ тумани Б.Худоёров сув истеъмолчилари уюшмасига қарашли “Нормўмин ота” фермер хўжалигини 3 сотих ер участкасини 3 қатор бўйича табиий маҳаллий оқим сувлари билан суғориш ишлари олиб борилган ишларни кузатиш мумкин. Маҳаллий оқим сувларини йиғадиган ҳовузни ички ва ташқи қисмларини плёнка билан сувни шимилиши ва буғланишини олдини олинади.

Хулоса қилиб айтганда сувга бўлган талабни юмшатиш мақсадида суғоришни янги технологиясини тоғ ва тоғ олди минтақаларидаги суғориладиган майдонлар нисбатан кичик контурли, мураккаб рельеф, юқори нишаблилик билан тавсифланади. Биз тавсия этаётган суғориш техникаси ва технологияси қувурли тармоқлардан иборат бўлганлиги сабабли ишлаб чиқариш жараёнини ва ҳозирги куннинг долзарб заруриятларидан бўлган сув

бўлган талаби аниқлиги ва мунтазамлигини ҳам таъминлаш имконини беради. Боғ ва узумзорларда қўллаш учун биз тавсия этаётган ноанъанавий суғориш техникаси “Маҳаллий оқим сувларини йиғиш ва тақсимлаб бериш” тамойилига асосланган. Суғориш қўчат қаторлари бўйлаб очилган эгатларнинг бошидан охиригача жуда қисқа масофаларда (1,5–4,0 м.), аниқланган бир хил миқдордаги сув сарфларини тақсимлаб бериш натижасида амалга оширилади. “Маҳаллий оқим сувларини йиғиш ва тақсимлаб бериш” Қашқадарё вилояти Якқобоғ тумани жойлашган «Нормўмин ота» фермер хўжалиги 1 гектар узумзор даласида тажриба участкада олиб борилди. Сув йиғадиган ҳовузни умумий майдони яъни эни 2,2 м, чуқурлиги 2 м, узунлиги 3,8 метрларни яъни йиғиладиган сув 17 м<sup>3</sup> ташкил этади. Суғоришни янги технология бу маҳаллий оқим сувларини йиғиб сув танқис бўлган бир пайтда узумни суғоришда қўлланилди. Йиғилган сув орқали узумзорларни суғоришда июнь ва июль ойларида иссиқ бўлиши ва намлик етишмаслигидан ҳосилдорлик камайиб кетади, шу ҳолатда йиғилган сувдан суғоришда фойдаланиш натижада узум ҳосилдорлиги нисбатан ўзгаради.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлиги ҳайъатининг “Сабзавот, полиз, картошка, мева ва узум маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ҳамда уларни комплекс қайта ишлаш жараёнининг 2004–2010 йилларда такомиллаштириш” дастури. Т., 2003., 14 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги “2013 – 2017 йилларда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни ташкиллаштириш чора тadbирлари тўғрисида”ги қарори.
3. М.М.Мирзаев., М.Қ.Собиров. Боғдорчилик. Т., 1987 й., 126 б.
4. М.М.Мирзаев. Виноградарство предгорно-горной зоны Узбекистана-//Т.,1980 г., 236 с

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА САРИМСОҚПИЁЗ ЕТИШТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

**Шукрулло МУРАТОВ,**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали

**Фотима САДУЛЛАЕВА,**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали

**Шавкат ҲАСАНОВ,**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали, и.ф.д.

**Аннотация:** Мақолада қишлоқ хўжаликларида саримсоқпиёз етиштиришда ресурсларидан фойдаланиш ҳолати, уларнинг ҳиссаси ва муҳимлик даражаси баҳоланган. Таҳлилда параметрик (Cobb–Douglas ишлаб чиқариш функцияси) ва непараметрик (Маълумотлар муҳити таҳлили (ДЕА)) усуллардан фойдаланилган. Шунингдек, таҳлилда фермер ва томорқа хўжаликларида саримсоқпиёз етиштириш жараёнида қатнашган ресурслар (ер, сув, минерал ва органик ўғитлар, меҳнат сарфи ва уруғлик)нинг миқдор кўрсаткичлари сўровнома усулида олинган. Таҳлил натижасида саримсоқпиёз етиштиришда маржинал ҳосилдорликка эга бўлишда ресурслардан фойдаланиш ҳолати, уларнинг ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси ва муҳимлиги кўрсатиб ўтилган.

**Аннотация:** В статье дается оценка состояния, вклада и значимости ресурсов, используемых при выращивании чеснока в сельскохозяйственном секторе. В анализе используются параметрический (производственная функция Кобба–Дугласа) и непараметрический (DEA) методы. Также в анализе были получены количественные показатели ресурсов (земля, вода, минеральные и органические удобрения, трудозатраты и семена), участвовавших в процессе выращивания чеснока в фермерских и приусадебных хозяйствах методом анкетирования. Анализ показывает состояние использования ресурсов, их вклад и значение для обеспечения предельной урожайности при выращивании чеснока.

**Abstract:** The article assesses the condition, contribution and significance of the resources used in the cultivation of garlic in the agricultural sector. The analysis uses the parametric (Cobb–Douglas production function) and nonparametric (DEA) methods. Also in the analysis, quantitative indicators of resources (land, water, mineral and organic fertilizers, labor costs and seeds) that participated in the process of growing garlic in farmers and homesteads by the questionnaire method were obtained. The analysis shows the state of the use of resources, their contribution and importance to ensure maximum yield when growing garlic.

Қишлоқ хўжалигида мулк шаклини ўзгартириш асосан ресурслардан самарали фойдаланишга, қишлоқ хўжалигида умумий экин майдонлари таркибида экинларнинг улуши ўзгаришига, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажмини ошириш орқали мамлакат аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни қондиришга эътибор қаратилиб келинмоқда.

Президентнинг 21-августдаги ПҚ-3230-сон “2018-йил ҳосили учун август пиёзи ва саримсоқпиёз ҳамда тўқсонбости усулида сабзавот экинларини жойлаштириш, экиш учун талаб этиладиган моддий-техника ресурсларини ўз муддатида етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори имзоланди.

Фермер, деҳқон ва томорқа ер эгалари даромадларини ошириш ва аҳолини эрта баҳор саримсоқпиёз билан таъминлаш билан бир қаторда қишлоқ хўжалик экин майдонларидан самарали фойдаланиш қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорида талаб ва таклифнинг муозанати таъминлашга ёрдам беради. Саримсоқпиёз етиштиришда ресурслар сарфидан самарали фойдаланиш ҳосилдорликнинг ошишига ижобий таъсир кўрсатади ва аксинча.

Мазкур илмий ишни ўрганиш объекти Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани фермер ва томорқа хўжаликлари ҳисобланади. Туманининг умумий майдони 0,87 минг км<sup>2</sup> ташкил этиб, қишлоқ аҳоли пунктлари 151 тани ташкил этган. Тадқиқотлар жараёнида сарим-

**Калит сўзлар:** самарадорлик, техник самарадорлик, ресурсларни тақсимлаш самарадорлиги, маълумотлар муҳити таҳлили (ДЕА); худуддан олинадиган ўзгармас қайтим (CRS), Cobb–Douglas ишлаб чиқариш функцияси, ресурслар ҳиссаси.

соқпиёз етиштирувчи фермер хўжаликлари ўртасида сўровнома ўтказилди.

Сўровнома маълумотлари асосида туманда саримсоқпиёз етиштирган 7 тадан фермер ва томорқа хўжалик маълумотлари олинди (1-жадвал). Ушбу сўровномада саримсоқпиёз етиштиришдан олинган ялпи ҳосил (кг) ва ишлаб чиқаришга сарфланган ресурслар: сув сарфи, органик ва минерал ўғит сарфи, меҳнат ва уруғлик сарфи миқдор кўрсаткичда олинди.

Ушбу олинган материаллар орқали туман-

#### 1-жадвал.

#### Пастдарғом тумани фермер хўжаликлари ва шахсий томорқа ер эгаларида саримсоқпиёз етиштиришда олинган сўровнома маълумотлари\*

Ф/Х ва Т/Х	ЯХ, кг	ЭМ, га	СС, м <sup>3</sup>	ОЎ, кг	МЎ, кг	МС, к/с	У, кг
1 ф/х	11500	2	3000	1000	1000	950	1800
2 ф/х	12500	2,5	4500	1500	600	1000	1800
3 ф/х	7500	1	1800	1000	500	350	1200
4 ф/х	9000	1,2	2000	1500	700	500	1200
5 ф/х	4000	0,7	1200	1000	400	300	600
6 ф/х	4500	0,5	800	500	350	250	300
7 ф/х	15000	3	5600	1000	500	1200	2500
<b>Ўртача</b>	<b>9143</b>	<b>2</b>	<b>2700</b>	<b>1071</b>	<b>579</b>	<b>650</b>	<b>1343</b>
8 т/х	400	0,05	800	1000	5	45	55
9 т/х	350	0,03	50	300	5	35	30
10 т/х	800	0,1	150	1000	15	100	90
11 т/х	600	0,07	120	800	15	90	75
12 т/х	350	0,04	60	500	5	40	40
13 т/х	900	0,1	120	1000	20	90	100
14 т/х	800	0,06	100	1200	15	50	50

\*Манба: Муаллифларнинг сўровнома усулидан фойдаланилган ҳолда олинган маълумотлар

да фермер ва томорқа хўжаликларида саримсоқпиёз етиштиришда ресурслардан самарали фойдаланиш имкониятлари, саримсоқпиёз ҳосилдорлигини оширишда қайси ресурснинг муҳимлик даражаси аниқланади.

Фермер хўжаликларида нисбатан томорқа хўжаликларида саримсоқпиёз етиштиришда ресурслар сарфи кўпроқ эканлигини кўришимиз мумкин. Бу томорқа хўжаликларида мавжуд меҳнат сарфи ва органик ўғитлардан фойдаланиш имконияти юқорилигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, фермер хўжаликларида ҳам айрим ресурслардан фойдаланиш ҳолати

юқори. Бунда ушбу ресурслардан фойдаланиш фермер хўжаликларида имкони борлигини кўришимиз мумкин.

Фермер ва томорқа хўжаликларида саримсоқпиёз етиштиришда сарфланган ресурс (ер, сув, органик ва минерал ўғитлар, меҳнат сарфи, уруғлик)лар ва улардан олинадиган саримсоқпиёз маҳсулотининг техник самарадорлигини таҳлил этишда “Маълумотлар муҳити таҳлили” (Data Envelopment Analysis, DEA) моделидан фойдаландик. ДЕА моделининг афзаллиги қарор қабул қилувчи субъектлар учун ишлаб чиқаришга киритиладиган ресурслар ва ишлаб чиқарилган маҳсулот ўртасидаги муносабатларни, самарадорлигини ва ресурслардан оптимал фойдаланишни аниқлашда қўлланилади.

Маълумотлар муҳити таҳлили (ДЕА) [4] моделида “Худуддан олинадиган ўзгармас қайтим” (CRS-Constant returns to scale) ишлаб чиқариш ҳолатида сўровнома маълумотлари асосида фермер ва томорқа хўжаликларида саримсоқпиёз етиштиришининг техникавий самарадорлиги ва ишлаб чиқариш омилларини ўзгариши таҳлил этилди. Бунда 7 та фермер ва 7 та томорқа хўжаликлари ер, сув, минерал ва органик ўғитлар, меҳнат ресурслари ҳамда уруғликдан фойдаланиб саримсоқпиёз ишлаб чиқарсин. Барча N сондаги фермер ва томорқа хўжаликларнинг K\*N ишлаб чиқариш ресурслари матрициясини Y билан белгилаймиз. Маълумотлар муҳити моделининг мақсади ишлаб чиқариш имкониятлари чизигида ва унинг атрофида ётган нуқталардан иборат нопараметрик нуқталар муҳити чизиги (изокванта)ни яратишдир.

Сўровнома усулидан фойдаланилган ҳолда олинган маълумотларни фермер ва томорқа ер эгаларида ўртача 1 гектар ҳисобига олинган натижалар ва ресурслар сарфини аниқлаймиз (2-жадвал). Бунда томорқа хўжаликларида етиштирилган саримсоқпиёз ва унга сарфланган ресурслар сарфини шартли 1 гектар ҳисобига ҳисоблаймиз.

Фермер ва томорқа хўжаликларида ресур-

#### 2-жадвал

#### Саримсоқпиёз етиштиришда ресурслардан самарали фойдаланиш ҳисобига эришилган натижалар таҳлили\* (1 гектар ҳисобига, башорат)

Кўрсаткичлар	ЯХ, кг	СС, м <sup>3</sup>	ОЎ, кг	МЎ, кг	МС, к/ц	ЦУ, кг
Ўртача	8056	2530	6666	294	657	857
Максимал	13333	16000	20000	700	1167	1200
Минимал	5000	1164	333	100	301	600
Медиани	8000	1543,5	4202	212,5	639,5	833

\*Манба: Муаллифларнинг сўровнома усулидан фойдаланилган ҳолда олинган маълумотлар.

слар сарфини тўғри тақсимлаш ҳисобига ту-

манда саримсоқпиез ҳосилдорлигини ошириш мумкин ёки экин майдонинг камайтириш ҳисобига бошқа турдаги қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш мумкин. Ушбу бошқа турдаги қишлоқ хўжалик экинларни экиши саримсоқпиезда ялпи ҳосилнинг камайишига салбий таъсир кўрсатмайди.

Умумий олганда, саримсоқпиезда ҳосилдорликнинг ошишига органик ва минерал ўғитлардан фойдаланиш муҳим омил деб баҳоланди. Унда келгусида фермер ва томорқа хўжаликларида ушбу ресурсларнинг тўғри тақсимланишига аҳолида эътибор бериш талаб этилади. Фермер ва томорқа хўжаликлари томонидан етиштириладиган саримсоқпиез тўқсонбости экин бўлганлиги учун табиий иқлим шароитига айниқса баҳор фаслидаги ёгингачиликка боғлиқдир. Бунда ҳар иккала хўжалида сув ресурсларидан фойдаланишда тақчиллик йўқ деб айта оламиз.

Хулоса ва таклифлар. Саримсоқпиез тўқсонбости экин турларидан бири бўлганлиги учун фермер ва томорқа ер эгалари томонидан кўпроқ экилиши қишлоқ аҳолиси даромадининг ошиши билан бир қаторда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиради.

Саримсоқпиез етиштиришда ресурслардан фойдаланиш ҳолати ва уни муҳимлигини баҳолашда қуйидаги хулосаларга келдик:

Самарқанд вилоятига нисбатан Пастдарғом

туманида саримсоқпиез етиштиришда фойдаланиладиган экин майдон 6,4 %ни ташкил этади;

Ўрганилган фермер ва томорқа хўжаликларида саримсоқпиез етиштиришда ўртача ресурслар сарфини 7% га камайтирса ҳам жорий йилдаги натижага эришиши мумкин;

Ўрганилган объектларда саримсоқпиез етиштиришда ўртача экин майдоларини 24%га камайтирса ҳам жорий йил натижасига эришиши мумкин;

Ўрганилган объектларда фойдаланилган саримсоқпиез экин майдонларини ўзгартирмаган ҳолда саримсоқпиез ҳосилдорлигини 10%га ошириш имконияти мавжуд;

Саримсоқпиез етиштиришда ресурслардан самарали фойдаланилган деб айта олмаймиз. Фақат саримсоқпиез ҳосилдорлигининг ошишида органик ва минерал ўғитлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга деб баҳо бера оламиз.

Саримсоқпиез ҳосилдорлигини оширишда сув ва уруғлик сарфидан фойдаланишда муҳимлилик ёки ресурсларга боғлиқлик даражаси паст.

Келгусида фермер ва томорқа ер эгалари томонидан саримсоқпиез етиштиришда органик ва минерал ўғитлардан кўпроқ фойдаланиши ҳосилдорликнинг ошишига ижобий таъсир кўрсатса ва аксинча сув ва уруғлик сарфи ҳосилдорликнинг ошишига таъсири йўқ.

#### ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР :

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. “2018 йил ҳосили учун август пиези ва саримсоқпиез ҳамда тўқсонбости усулида сабзавот экинларини жойлаштириш, экиш учун талаб этиладиган моддий-техника ресурсларини ўз муддатида этказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида” 21.08.2017.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. ПҚ – 3680 сон. 27.04.2018.
3. Coelli, T.J. Centre for Efficiency and Productivity Analysis (CEPA) Working Papers. №. 8/96, CEPA Working Papers Department of Econometrics University of New England Armidale, NSW 2351, Australia.
4. William W. Cooper, Lawrence M.Seiford, Joe Zhu. 2011, Data Envelopment Analysis: History, Models, and Interpretations. Handbook on Data Envelopment Analysis, 2nd ed. USA: Springer; 1–39, 497(2).
5. Ҳасанов Ш. Чекланган ресурслардан фойдаланиш самарадорлигининг методологик масалалари. Монография, –Т.: Фан, 2013. –166-б.
6. Muratov Sh. Technical Efficiency of using water and soil resources in Samarkand. A Case Study of Samarkand region, in Uzbekistan. A thesis presented to graduate school of the Tokyo University of Agriculture and Technology of the requirements for the degree of master of Agriculture. Japan, 2016.
7. Нурматов Ш., Камилов Б. Ўзбекистон тупроқларининг унумдорлик ҳолати, муҳофазаси ва улардан самарали фойдаланиш масалалари. Республика илмий-амалий конференцияси. –Тошкент, 2013.
8. Самарқанд вилояти ва Пастдарғом тумани Фермер, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари Кенгаши маълумотлари
9. Пастдарғом тумани фермер ва шахсий томорқа хўжаликларидан олинган сўровнома маълумотлари. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси сайти. [www.ftk.cc.uz](http://www.ftk.cc.uz) – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги фан ва технологиялари ривожлантиришини мувофиқлантириш кўмитаси сайти. <http://samarqandqhxk.uz> – Самарқанд вилояти “Қишлоқхўжаликкимё” ҳудудий аксиядорлик жамиятининг расмий веб-сайтдан олинди. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) – онлайн Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан фойдаланилди. Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисида Низом. [http://news.uzreport.uz/news\\_3\\_u\\_125029.html](http://news.uzreport.uz/news_3_u_125029.html) – Uzreport axborot agentligi [https://samarkand.uz/about\\_region/general\\_information](https://samarkand.uz/about_region/general_information) – Самарқанд вилоят ҳокимининг расмий веб сайти.



## ЕР ВА СУВ ИСЛОҲОТЛАРИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Абдусаме ТАДЖИЕВ,

Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
Самарқанд филиали мустақил тадқиқотчиси

**Аннотация:** Мақолада қишлоқ хўжалигида олиб борилган ер ва сув ислоҳотларининг ўсимликчиликда ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот қийматига таъсири Самарқанд вилояти мисолида таҳлил қилинган.

**Аннотация:** В статье мы анализируем влияние земельных и водных реформ на производство денежной сельскохозяйственной культуры в случае Самаркандской области.

**Abstract:** The article we analyse the impact of land and water reforms on monetary agricultural crop output in the case of Samarkand province.

Мустақилликдан кейин мамлакатимизда олиб борилган аграр ислоҳотлар натижасида жамоа ва давлат хўжаликлари босқичма-босқич ширкат хўжаликлари ҳамда фермер хўжаликларига айлантирилди. Фермер хўжаликларини мақбуллаштириш ислоҳоти ўлароқ 2009 йилда фермер хўжаликларининг ўртача ер майдони 40-100 гектар бўлган бўлса, 2013 йилдан кейин фермер хўжаликларини мақбуллаштириш ислоҳоти давом этди ва ҳозирда уларнинг ўртача ер майдони 30 гектарга етди.


Демак, мустақилликдан олдин ва кейин олиб борилган ислоҳотларда қишлоқ хўжалигида мулк шакли, ер тақсимоли, унинг ўлчами турлича бўлган. Ушбу ислоҳотларнинг асосий мақсади қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан мустақилликдан кейинги олиб борилган ер ва сув ислоҳотларининг маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсирини таҳлил қилиш хулосалар чиқариш лозим.

Тадқиқотни ёритиш учун Самарқанд вилояти бўйича тиманлар кесимида (14 та туман) маълумотлар базаси тузиб чиқилди. Уни тузишда бевосита Самарқанд вилоят статистика бошқармаси, Зарафшон ирригация тизими ҳавза бошқармаси ҳамда Самарқанд вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси йиллик тўплам маълумотларидан кенг фойдаланилди. Маълумотлар узоқ муддатни яъни мустақилликдан кейин 1991 йилдан то 2017 йилгача бўлган муддатни қамраб олади. Айрим маълумотлар хўжалик юритишнинг 3 хил шакли (деҳқон хўжаликлари, фермер хўжа-


ликлари ҳамда қишлоқ хўжалик корхоналари)нинг ҳар бири бўйича алоҳида тўпланди.

Тадқиқот давомида биз ер ислоҳотлари сифатида жамоа ва давлат хўжаликлари ўрнига фермер хўжаликларининг ташкил топиши, яъни фермер хўжаликларнинг йиллар бўйича сони, пахта майдонларининг қисқариб бошқа турдаги экин (сабзавот, картошка, полиз каби) майдонларининг кенгайиши, яъни ҳар бир экин турининг майдони, шунингдек, сув ислоҳоти сифатида СИУларнинг ташкил топиши яъни СИУлар сони асосий омил сифатида олинди. Мавжуд маълумотлардан келиб чиқиб, олиб борилган ер ва сув ислоҳотларининг Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулот қийматига таъсирини таҳлил қилиб чиқамиз.

Самарқанд вилоятида олиб борилган ислоҳотлар натижасида қишлоқ хўжалигида пахта майдонлари қисқариб, ғалла майдонларининг, кейинчалик эса бошқа турдаги масалан сабзавот экин майдонининг кенгайишини кўришимиз мумкин (1-расм).



1-а чизма. Экин майдони




1-б чизма. СИУлар сони

**1 - чизма. Самарқанд вилоятида айрим экин турларининг экин майдони (минг гектар ҳисобида) ҳамда мавжуд СИУлар сони динамикаси.**

Шунингдек, вилоятда 2002 йилдан бошлаб,

**Калит сўзлар:** ер ва сув ислоҳотлари, фермер хўжаликлари, ширкат хўжаликлари, сув истеъмолчилари уюшмаси, ялпи маҳсулот, ирригация тизими, молиявий таъминот.



2-чизма. Сабзавот майдонининг ялпи маҳсулот қийматига таъсири

сувни самарали тақсимлаш мақсадида СИУлар ташкил қилина бошланди. Йиллар давомида СИУлар сони ошиб, ҳозирги кунда 40 та СИУлар мавжуд. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, бошқа вилоятлардан фарқли равишда Самарқандда асосан бир туманга битта СИУ фақатгина Пастдарғом (7 та СИУ) ва Паяриқ туманларида (10 та СИУ) кўпроқ СИУлар ташкил қилинди.

Пахта майдонларини қисқартириб, сабзавот, полиз каби экин майдонларини кенгайтиришнинг ялпи маҳсулот қийматининг ошиб боришига сезиларли таъсир қилганлигини кўришимиз мумкин (2-расм).

Сув ислоҳотларини ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларига таъсирини баҳолаш мақсадида Самарқанд вилоятида СИУларнинг ташкил топиши таъсири таҳлил қилинди. Олиб борилган изланишлар натижаси шунини кўрсатадики, СИУларнинг ташкил топиши қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулот қийматига сезиларли таъсир қилмаган. Бу бевосита СИУлар фаолиятининг яхши йўлга қўйилмаганлиги, уларда молиявий муаммолар мавжудлиги билан боғлиқ. Шу жиҳатдан, СИУ томонидан сув истеъмолчилар ўртасида сув учун тўловни сувни етказиб бериш харажатидан келиб чиққан ҳолда тақсимлаш, истеъмолчиларга сувни миқдори ҳақида олдиндан аниқ маълумот бе-

риш, истеъмолчиларни (фермер ва деҳқон хўжаликлари) сув билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда иштирокини фаоллаштириш мақсадга мувофиқ.

Умумий ҳолда йиллар бўйича Самарқанд вилоятида ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ўзгариши таҳлили шунини кўрсатадики, мустақилликнинг дастлабки йилларида ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари пасайиб борган бўлса, кейинчалик йиллик ўсиш ошиб борган. Бу бевосита қишлоқ хўжалигида органик ва минерал ўғитларнинг қўлланилиши натижасида ҳосилдорликнинг ошиши билан боғлиқ.

Мамлакатимизда олиб борилаётган аграр ислоҳотлар бевосита қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришга қаратилган. Бу бевосита қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳолати билан характерланади. Олиб борилган таҳлиллар, тадқиқотлардан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантириш борасида қуйидаги илмий хулосалар қилинди:

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантириш бевосита фермер хўжаликларида пахта ва ғалла экин майдонлари улуши билан боғлиқ бўлиб, ушбу экин майдонларини қисқартириб сабзавот, картошка, полиз каби турли хилдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш иқтисодий ўсишга олиб келиши аниқланди.

Сув истеъмолчилари уюшмасининг ташкил этилиши яъни сув ислоҳотлари вилоятда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсири йўқ эканлиги аниқланди. Шу жиҳатдан, СИУларнинг молиявий таъминотини ошириш, сув истеъмолчилари сувни бошқаришда фаол бўлиши, сув учун тўловлар СИУ хизматининг сифатидан келиб чиқиб амалга оширилиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Karimov I.A. O'zbekiston iqtisodiy islohotlarni chuqurlashtirish yo'lida. -T., O'zbekiston, 1995 yil.
2. Deniz Kandiyoti. Agrarian Reform, Gender and Land Rights in Uzbekistan. United Nations Research Institute for Social Development, 2002.
3. Murtazaev O., Ahrorov F.B. Qishloq xo'jalik iqtisodiyoti. -T., Ilm-ziyo, 2017.
4. Saatova X.YA., Kurbanova D.M. Chorak asr davomida O'zbekiston qishloq xo'jaligida erishilgan yutuqlar. Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar ilmiy elektron jurnali. 6-son, 2016 yil.
5. Sangirova U.R. Suv iste'molchilari uyushmalari va fermer xo'jaliklari o'rtasidagi iqtisodiy munosabatlarni takomillashtirish. Dissertatsiya. Iqtisod fanlari nomzodi. -T., 2012.
6. Zinzani, Andrea. Hydraulic bureaucracies and Irrigation Management Transfer in Uzbekistan: the case of Samarkand Province, In Journal of Water Resources Development, 2015.

## ТОҒ ВА ТОҒОЛДИ ҲУДУДЛАРИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МАҚСАДЛИ ДАСТУРЛАР АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

Гулшан АБДУЛҲАЕВА,

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти илмий ходими,  
ТИҚХММИ катта ўқитувчиси

**Annotatsiya:** Мақолада тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган муаммолар ёритилиб уларни ҳал этиш йўллари асосланган. Тоғ ва тоғолди ҳудудларини мақсадли дастурлар асосида ривожлантириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар шакллантирилган.

**Аннотация:** В статье описаны проблемы, препятствующие развитию горных и предгорных районов, и намечены пути их решения. Сформированно научные предложения и практические рекомендации по освоению горных и предгорных районов на основе целевых программ.

**Abstract:** The article describes the problems that impede the development of mountain and foothill areas, and outlines ways to solve them. Formed scientific proposals and practical recommendations for the development of mountain and foothill areas based on targeted programs.

Республикаимиз аҳолисини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш ва мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлашнинг асосий йўлларида бири аграр соҳанинг ҳудудий ва минтақавий салоҳияти ҳамда имкониятларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳисобланади.

Тоғ ва тоғолди қишлоқ хўжалиги салоҳиятидан оқилона, фойдаланишда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, таъминот ва моддий рағбатлантиришни мажмуали ташкил этиш, ҳудуд экологик ҳолати ва биохилмахиллигини сақлаган ҳолда, ҳудуд ва минтақалар шароитига мос қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш ва экин майдонларининг оптимал таркибини шакллантиришга эришиш муҳим омиллардан ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, республика тоғ ва тоғолди ҳудудлари 9 та вилоятнинг географик чегарасида жойлашган бўлиб, умумий майдони республика жами ер майдонларининг 43,6 фоизини (2018 й.) ҳамда қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг 55,3 фоизини ўзида мужасам этади [6].

Агарда ушбу ҳудудларда аҳоли истеъмоли учун етиштирилаётган мева-сабзавот, сут ва гўшт маҳсулотлари, шунингдек, саноат ва қайта ишлаш саноати учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва хом ашёнинг 3/2 қисми яратилаётганлигини инобатга олсак, соҳанинг мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиши-

ни таъминлашдаги аҳамияти нақадар юқори эканлигини кўришимиз мумкин.

Бугунги кунда тоғ ва тоғолди ҳудудларида қишлоқ хўжалигини юритиш тизимини шакллантириш ва тоғ ва тоғолди қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини ривожлантириш долзарб вазифа ва заруриятга айланиб бормоқда. Бу вазифани ҳал этиш учун тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси, концепцияси ва узоқ муддатга мўлжалланган ривожланиш чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб, амалга ошириш лозим.

Сўнгги йилларда республикаимизда амалга оширилаётган аграр иқтисодий сиёсатнинг янги ўзига хос хусусияти шундаки, унда нафақат ҳудуд ва минтақалар, балки қишлоқ хўжалиги соҳаси ва тармоқларини давлатнинг мақсадли мажмуали дастурлари асосида ривожлантириш, устувор вазифа сифатида белгилаб қўйилган [3].

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» [1] ҳамда ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга йўналтирилган давлат дастурлари [3] шундай аграр сиёсатни юритишни таъминлашга қаратилган.

Демак, тоғ ва тоғолди қишлоқ хўжалигини давлатнинг мақсадли ва мажмуали дастурлари асосида ривожлантириш, юқорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаши билан бир қаторда, ҳудудлар салоҳиятидан

**Калит сўзлар:** тоғ ва тоғолди ҳудудлари, инновация, озиқ-овқат хавфсизлиги, экспорт, биохилмахиллик, интеллектуал мулк, рекреацион ресурслар.

оқилона ва самарали фойдаланишни ҳамда тоғ ва тоғолди ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланишини таъминлайди. Бундай мақсадли ва мажмуали дастурни ишлаб чиқишдаги дастлабки қадам соҳа ривожланишини ретроспектив таҳлил қилиш, ҳолатини баҳолаш, хулоса ва таклиф-тавсиялар тайёрлаш ҳисобланади.

Таҳлилларимиз кўрсатишича, бугунги кунда тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга монелик қилаётган асосий муаммолар қуйидагилардан иборат:

- қишлоқ хўжалиги товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқаришни кенгайтириш, моддий техника базасини янгилаш учун иқтисодий-молиявий имкониятларининг чекланганлиги, етарли даромадга эга эмаслиги;

- етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш технологиялари ва корхоналарининг етишмаслиги;

- тоғ ва тоғолди ҳудудларида ҳудуд ишлаб чиқариш хусусиятларини инобатга олувчи тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши инфратузилмасининг етарли даражада шакланмаганлиги, айрим ҳудудларда эса мавжуд эмаслиги;

- тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалиги экспорт салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги;

- тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалиги соҳасида экологик тоза маҳсулот етиштиришни таъминловчи меъёрий-ҳуқуқий базанинг тўлиқ яратилмаганлиги боис, бундай маҳсулот етиштиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларининг ҳудуд ва минтақалар кесимида депсиниб шаклланаётганлиги;

- ушбу ҳудудлардаги қишлоқ хўжалиги тармоқларига инвестицияларни, айниқса, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш даражасининг пастлиги ва кўламининг торлиги;

- асосий муаммо мамлакат тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини инобатга олувчи МТР, ЁММ, меҳнат ва интеллектуал мулкдан фойдаланишни рағбатлантирувчи дастак ва механизмларнинг тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги, мавжуд ва амалиётда фойдаланилаётганларининг эса 30-40 йил олдин ишлаб чиқилганлиги, шу боис уларни шаклантириш заруриятга айланаётганлиги;

- тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш таркибий тузилмасини шаклантиришда ҳудуддаги мавжуд ва ис-

тиқболда кутилаётган демографик жараёнлар ўзгариши ва хусусиятлари сушт инобатга олинаётганлиги;

- тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши текислик ва чўл ҳудудлари қишлоқ хўжалигига нисбатан иқлим ўзгариши ва унинг оқибатида вужудга келиши мумкин бўлган оқибатларга таъсирчанлиги ва бу хусусият ишлаб чиқариш ва МТТ тизимини шаклантиришда чекланишларга йўл қўйилаётганлиги ва бошқалар.

Юқоридагиларга асосланиб, қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблаймиз:

- биринчидан, республика тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигини 2020-2030 йиллар ва 2040 йилларга мўлжалланган ривожлантириш Концепцияси, мақсадли дастури ва чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш;

- иккинчидан, тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган илмий тадқиқотлар кўлами ва миқёсини кенгайтириш.

Бундай Концепция ва дастурни ишлаб чиқишда қуйидагиларни инобатга олиш тавсия этилади:

- “тоғ ва тоғолди ҳудудлари” махсус мақоми белгиловчи ва унинг қишлоқ хўжалиги ривожланишини тартибга солидиган қонун ҳужжатлари ёки бошқа норматив ҳужжатлар мавжуд эмаслиги;

- тоғолди айниқса тоғли ҳудудларнинг антропоген таъсирга бўлган заифлигини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг биологик хилма-хиллиги, сув, минерал ва рекреацион ресурслар омбори сифатида қадрланиши, ушбу ҳудудларда органик қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланишини қўллаб-қувватлаш учун ҳуқуқий базани ривожлантириш ва такомиллаштиришга устувор вазифа сифатида қаралмаётганлиги;

- Давлат мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш, мақсад ва йўналишларини белгилаш, молиявий кўмак ва кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқишда тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалиги хусусиятларидан келиб чиқиш ва бошқалар.

Дастурда тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда қуйидагиларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ:

- қишлоқ хўжалиги шу жумладан экологик тоза ҳамда ноанъанавий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш;

- ҳудудларни ихтисослашган тармоқларга - маҳсулот турларига ихтисослаштирилган ҳолда



ривожланишини таъминлаш (сабзавот, олма, ўриқ, картошка, эчкичилик, кўйчилик, доривор ўсимликлар етиштириш бошқалар);

- сайёҳлар учун дам олиш масканлари, тоғ спорти, дам олишнинг турли шакллари ташкил этиш, экотуризмни, тоғларда овчиликни, тоғ альпинизмини ривожлантириш ва рағбатлантириш;

- тоғ ва тоғолди ҳудудлари ишлаб чиқариш инфратузилмасини экологик мувозанатни таъминлаган ҳолда ривожлантириш ва бошқалар.


Дастурни ишлаб чиқишда тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалиги ҳолатини махсус индикаторлар тизими асосида ретросепктив таҳлил қилиш ва баҳолаш (худудий хусуси-

сурс салоҳияти ва ундан фйдаланиш даражаси ҳамда ҳудуд ва тармоқни инновацион ривожлантириш имкониятлари ва бошқалар)га ҳам эътибор қаратилиши зарур (1-расм).

Дастурда кўзда тутиладиган экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш мезонларини танлашнинг методик таъминоти қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалиги йўналишларини ривожлантириш таклифларини ҳисобга олиш;

- тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши йўналишларини ривожлантиришда мамлакат ҳамда хорижий та-



ятлар, ишлаб чиқариш ва хўжалик юритиш хусусиятлари, ижтимоий-иқтисодий аҳвол, меъёрий-ҳуқуқий база, экологик ҳолат, ре-

жрибаларини қўллаш;  
- тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан оқилона фойда-

ланиш, экологик хавфсизлик, табиий-иқлим ва агроиқтисодий шароитларини инобатга олувчи ихтисослашган ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

Тоғ ва тоғолди ҳудудларида экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган аграр сиёсатни амалга оширишда кластерли, лойиҳавий, дастурий-мақсадли ёндашувлар муайян ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган ҳудудий ривожланишни режалаштириш ва прогнозлашда муҳим аҳамият касб этади.

Дастурга йўналтирилган ёндашувларнинг мақсади тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигига салмоқли ҳиссасини таъминлаш ва сақлаб қолиш, қишлоқларни барқарор ривожлантириш орқали аҳоли турмуш даражасини ошириш, молиявий барқарорлик ва қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш асосида маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишдир.

Тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигини мақсадли дастурлар асосида ривож-

лантириш соҳадаги бир қатор муаммоларни ҳал қилиш учун биринчи ўринда, интенсив деҳқончилик ва чорвачилик учун илмий, техник ва ишлаб чиқариш имкониятларни мустақамлаш билан боғлиқ.

Тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигини мувозанатли ривожланишини таъминлашни ҳисобга олувчи, ушбу ҳудудлардаги аҳоли бандлиги муаммолари учун ечим бўладиган, мамлакат ва унинг ҳудудларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминловчи инфратузилмаларни ривожлантиришни назарда тутувчи “Тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалиги тўғрисида”, “Тоғ чорвачилиги тўғрисида”ги қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жуда муҳимдир.

Қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш асосида ички бозорни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўйинтиришни ҳамда қайта ишлаш саноатини хом ашё билан таъминлашни, шунингдек, ҳудудлар экспорт салоҳиятини оширишни таъминлайди.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947сонли Фармони. <http://strategy.regulation.gov.uz/ru/document>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ҷаёл инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури. ПФ-5635 сонли Фармони. <http://strategy.regulation.gov.uz/ru/document>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги “Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”-ги ПҚ-3182 сонли Қарори. <http://strategy.regulation.gov.uz/ru/document>
4. Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси “Ўзбекистон Республикаси ер фонди”. Тошкент – 2018.
5. Абдулманапов П.Г., Галбацдибирова М.А. КОМПЛЕКСНОЕ РАЗВИТИЕ ГОРНЫХ ТЕРРИТОРИЙ. Современные исследования социальных проблем (электронный научный журнал), Modern Research of Social Problems, №5(49), 2015 – [www.sisp.nkras.ru](http://www.sisp.nkras.ru)
6. Ф.К.Кочерга., и.ф.н.Б.А.Пальмин., қ.х.н. М.М.Мирзаев., и.ф.н. Х.М.Джалилов. “Проблемы сельскохозяйственного освоения гор и предгорий Узбекистана”. Изд. – “Фан” Узбекской ССР. Ташкент-1959. с.449.

## БАЛИҚЧИЛИКДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

Азизбек ВАФОЕВ,

Тошкент давлат аграр университети таянч докторанти

**Аннотация:** Мақола балиқчиликда ишлаб чиқариш харажатларини назорат қилишнинг муҳим воситаси – бошланғич ҳисобни ташкил этиш масалаларига бағишланган. Жумладан, айрим харажат турларини ҳисобга олиш бўйича бошланғич ҳужжатларнинг намунавий шакллари тавсия этилган. Ушбу тавсиялар ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланиш, тизимли назорат ва таҳлил қилишга ёрдам беради.

**Аннотация:** Статья посвящена созданию первичного инструмента учета – важного инструмента контроля производственных затрат в рыбном хозяйстве. В частности, рекомендуются стандартные формы первичных документов для учета определенных видов расходов. Эти рекомендации способствуют рациональному использованию, систематическому мониторингу и анализу производственных ресурсов.

**Abstract:** The article is devoted to the creation of a primary accounting tool – an important tool for controlling production costs in fisheries. In particular, standard forms of primary documents are recommended for accounting for certain types of expenses. These recommendations contribute to the rational use, systematic monitoring and analysis of production resources.

**М**аълумки, мамлакатимизда балиқчилик тармоғини ривожлантириш мақсадида республика Президенти ва Ҳукуматининг қатор Қарорлари қабул қилинди. Статистик маълумотларга кўра 2018 йилда балиқчилик корхоналари жами 5 376 тага етиб, шундан 5279 таси балиқ етиштириш ва 97 таси қайта ишлашга ихтисослашган. Шунингдек, жами 90 984,3 тонна балиқ овланиб, шундан шундан 35 665,8 тоннаси фермер хўжаликлари, 9 578,7 тоннаси деҳқон(шахсий ёрдамчи) хўжаликлар ва 45 739,8 тоннаси қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади. Тармоқ корхоналарини барқарор ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири ишлаб чиқариш харажатлари устидан таъсирчан назорат ўрнатиш ҳисобланади. Бу эса, устун даражада, уларнинг бошланғич ҳисобини тўғри йўлга қўйишга боғлиқ.

Балиқчилик хўжаликларида ҳам харажатлар бошланғич ҳисобининг олдида қўйиладиган муҳим талаб – содир бўлган хўжалик операцияларини бошланғич ҳисоб тизимида тўлиқ акс эттиришдан иборат. Балиқчилик хўжаликларида харажатларнинг бошланғич ҳисобини тўғри ва аниқ йўлга қўйиш – тармоқда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Бундай ҳисоб ишлаб чиқариш натижалари ва

харажатларни таҳлил қилиш учун ишончли ахборот базасини яратиб, ишлаб чиқариш дастурлари бажарилиши устидан назорат ўрнатиш ҳамда самарали бошқарув қарорларини тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга. Қуйида балиқчилик хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатларининг айрим турларини ҳужжатлаштириш тартибини келтирамиз. Озуқаларнинг хўжалик ичидаги ҳаракати махсус «Ички хўжалик накладной» (агар намунавий шакли бўлмаса, хўжаликнинг ўзида ишлаб чиқилади ва ҳисоб сиёсатида акс эттирилади) ва намунавий шаклдаги «Балиқларга озуқа бериш учун лимит-забор карта» билан рамиёлаштирилади. Ушбу ҳужжатлар озуқалар ва тайёр маҳсулотлар киримини ҳисобга олишда ҳам, уларнинг барча ишлаб чиқариш босқичларидаги ички хўжалик ҳаракатини назорат қилишда ҳам катта аҳамиятга эга. «Ички хўжалик накладной» ёки ушбу мақсадда фойдаланиладиган «Материалларни бериш (хўжалик ичида ўтказиш) учун талабнома-накладной» асосан товар-моддий захираларни бериш (хўжалик ичида ўтказиш) бўйича бир марталик операцияларни расмийлаштириш учун мўлжалланган. Улар бир вақтнинг ўзида товар-моддий захираларни бериш (хўжалик ичида ўтказиш)га рухсат берувчи ва операцияларнинг ҳақиқатда амалга оширилганлигини

**Калит сўзлар:** балиқчилик тармоғи, балиқчилик хўжаликлари, ишлаб чиқариш технологияси, бухгалтерия ҳисоби, аналитик ҳисоб, таннарх, калькуляция, калькуляция бирлиги.

тасдиқловчи ҳужжат ҳам ҳисобланади.

Балиқларга озуқа бериш Лимит-забор картасининг Накладнойдан фарқи унинг озуқаларни тарқатиш кўп марта (мунтазам, одатда бир ой давомида) моддий-жавобгар шахслар ҳисобидан чиқарилиши ва балиқларни парваришlash харажатларига олиб бориш учун қўлланилишидан иборат.

Балиқларга озуқа бериш учун Лимит-забор карта балиқчилик хўжалигининг раҳбари (ёки менежери) томонидан ҳар бир ҳовуз учун алоҳида, бир нусхада тузилади. Лимит-забор картанинг бошқа дастлабки ҳужжатлардан афзаллиги, унга асосан озуқаларни тарқатиш устидан тезкор назорат ўрнатиш имкониятидан иборат.

Ой охирида моддий-жавобгар шахс талабларга мувофиқ расмийлаштирилган лимит-забор картасини хўжалик бухгалтериясига топширади.

Ҳовузларга солинган озуқалар «Озуқа сарфи Қайдномаси» га мувофиқ ишлаб чиқариш харажатларига олиб борилади. Ушбу қайднома ҳовуздаги балиқлар сони ва озуқа рационига мувофиқ тузилади. Ой охирида унга мувофиқ ҳақиқатда сарфланган озуқалар миқдори ҳовузлардаги озуқаларнинг ой бошига қолдиғи тўғрисидаги маълумотлар ва ой охирида оғбордаги қолдиғи тўғрисидаги маълумотлар билан таққосланади.

Бошланғич ҳужжатларга асосан бухгалтер озуқаларнинг сарфланиши тўғрисидаги маълумотларни белгиланган тартибда «Озуқаларни ҳисобга олиш Журнали» га ёзиб боради.

Балиқларни муҳофаза қилиш воситалари (биопрепаратлар, дори-дармонлар, дезинфекцияловчи воситалар ва б.)ни ҳисобга олиш учун бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган шаклида назоратни кучайтириш мақсадида миқдор-қиймати бўйича ҳисоб юритиш тавсия этилади.

Балиқларга профилактик ишлов бериш ва уларни даволаш амалдаги ветеринария йўриқномалари ва кўрсатмаларига мувофиқ ўтказилади.

Биопрепарат ва дори-дармонларни ҳисобдан чиқариш бошланғич ҳужжатлар асосида тузилган Далолатнома ва «Амбулатория журнали»да қайд этилган ёзувлар асосида амалга оширилиши лозим. Далолатнома ветврач томонидан имзоланади ва хўжалик раҳбари томонидан тасдиқланади.

Бош ветврач ёки ветврач ҳар ойда бошланғич ҳужжатлар (Далолатнома, Талабнома, Рецепт ва б.) га асосан «Биопрепарат ва дори-дармонлар ҳаракати тўғрисида Ҳисобот»

тузади ва бошланғич ҳужжатларни илова қилган ҳолда бухгалтерияга топширади. Дезинфекциялаш воситаларини бериш ва ҳисобдан чиқариш «Ички хўжалик накладной» ва «Биопрепарат ва дори-дармонлар бўйича Лимит-забор карталари»га асосан амалга оширилади.

Ёқилғилар балиқчилик харажатларига, қоидага кўра, «Ички хўжалик накладной» ва «Ёқилғиларни ҳисобдан чиқариш Ҳисоботи» асосида амалга оширилади.

«Минерал ўғитлар ва оҳак олиш учун Лимит-забор карта» балиқчилик хўжалигининг менежери (бош балиқчи) томонидан бир нусхада ҳар бир ҳовуз учун алоҳида тузилади. Унинг алоҳида графаларида қуйидагилар кўрсатилган ҳолда расмийлаштирилади: ўғит солингунга қадар ҳовуз сувининг гидрохимёвий кўрсаткичи, солинган ўғитлар миқдори, ўғитларга бўлган эҳтиёж (тонна), ишлатилган ўғитлар миқдори, ошиқча сарфлаш ёки тежалган ўғит миқдори.

Ой охирида моддий-жавобгар шахс «Минерал ўғитлар ва оҳак олиш учун Лимит-забор карта»ни бухгалтерияга тақдим этади.

Ишлаб чиқариш инвентарлари, махсус кийим ва пойафзалларни ҳисобдан чиқариш «Инвентарлар ва хўжалик анжомларини ҳисобга олиш Қайдномаси» билан расмийлаштирилади. Ушбу ҳужжат фойдаланиш муддати 12 ойгача бўлган инвентарлар, дастгоҳлар, махсус кийим ва пойафзалларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган бўлиб, уларни ишлаб чиқаришга бериш белгиланган меъёрларга мувофиқ амалга оширилади.

Чет ташкилотлар (Сувтаъминот, Электртаъминот ва б.)нинг балиқчилик хўжалигига кўрсатган хизматлари ва бажарган ишлари, уларни ишлаб чиқариш харажатларига киритиш «Кўрсатилган хизматлар ва бажарган ишларни қабул қилиш-топшириш Далолатномаси» (№ 14-ҚХ шакл)га мувофиқ амалга оширилади.

Ушбу ҳужжат чет ташкилотлар томонидан бажарган иш ва кўрсатилган хизматлар учун тузилган шартномага мувофиқ, комиссия томонидан расмийлаштирилади. Комиссия таркибига хўжаликнинг масъул ходими, чет ташкилот вакили ва иш ҳамда хизматларни қабул қилиш билан алоқадор бошқа ходимлар киритилади. Далолатнома бухгалтер томонидан текширилиб, иш ва хизматлар ҳақиқатда бажарилганлиги исботланганидан сўнг раҳбар томонидан тасдиқланади. Сўнгра харажатларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун асос бўлади.



Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш балиқчиликда ишлаб чиқариш жараёнларининг натижадорлигини белгилайди. Уларнинг қиймати ходимлар меҳнатига тўланадиган ҳақ (иш ҳақи) билан ифодаланади.

«Иш вақтини ҳисобга олиш табели» (№ Т-13 шакл) балиқчилик хўжалигининг ҳар бир ходими томонидан ҳақиқатда ишланган ва (ёки) ишланмаган иш вақтини ҳисобга олиш, белгиланган иш вақти режимига ходимлар томонидан риоя қилинишини назорат қилиш, ишланган вақт тўғрисида маълумотлар олиш, иш ҳақи ҳисоблаш ҳамда меҳнат сарфи ҳақидаги статистик ҳисоботни тузиш учун қўлланади. Ушбу ҳужжат ваколатли шахс томонидан бир нусхада тузилиб, таркибий бўлинма раҳбари ва кадрлар бўлими ходими томонидан имзоланади ҳамда бухгалтерияга топширилади.

Ишланган вақт миқдори, бажарилган иш (ишлаб чиқарилган маҳсулот) ҳажми ва ҳисобланган иш ҳақи (меҳнат ҳақи) суммаси «Чорвачилик ходимларига меҳнат ҳақи ҳисоблаш Китоби»да акс эттирилади.

Ой охирида ҳар бир ходим томонидан олинган маҳсулотлар (увилдириқ(икра), личинкалар, қўшимча вазн) миқдори ва сифатига қараб, ўрнатилган расценкалар асосида бутун бўлинма бўйича жами ишланган вақт ва ҳисобланган иш ҳақи аниқланади. Ушбу ҳужжат бухгалтер томонидан текширилиб, ишлов берилганидан сўнг маълумотлари «Ҳисоблашув-тўлов ведомости» (№ Т-49 шакл) ва «Харажатларни ҳисобга олиш йиғма Қайдномаси» (№ 301-шакл)га ўтказилади.

Асосий воситалар ва номоддий активларга ҳисобланган амортизация ажратмалари «Амортизация ажратмалари ва бошқа тақсимланадиган харажатларни тақсимлаш Қайдномаси»га асосан балиқчилик харажатларига олиб борилади.

Балиқчилик хўжалигидаги ёрдамчи ишлаб чиқаришлар (автогараж, таъмирлаш устахонаси ва ҳ.) томонидан бажарилган иш ва хизматлар қиймати ишлаб чиқариш харажатларига: «Таъмирлаш устахонаси харажатларини ҳисобга олиш Журнали» (№ 302-АСК шакл), «Харажатларни ҳисобга олиш йиғма Қайдномаси» (№ 301-АСК шакл) ва «Электр энергиясидан фойдаланиш тўғрисида Ҳисобот» (№ 305-АСК шакл) ва бошқа тегишли бошланғич ҳужжатлар асосида олиб борилади.

Шундай қилиб, балиқчилик харажатларига доир кўпчилик бошланғич ҳисоб ҳужжатлари бухгалтерияга ишлаб чиқариш бўлинмаларинг раҳбарлари ва моддий жавобгар шахслар томонидан тузилган ҳисоботлар билан бирга келиб тушади. Шунинг учун бухгалтерияда бошланғич ҳисоб ҳужжатларини тўлдиришнинг тўғрилигини текшириш вақтида ушбу ҳисоботларни тузишнинг тўғрилиги ҳам текширилади. Сўнгра ҳисоботлар ва уларга илова қилинган бошланғич ҳужжатлар асосида балиқчилик харажатларининг аналитик ва синтетик ҳисоби юритилади. Натижада, харажатларни тизимли назорат ва таҳлил қилиш асосида самарадорликни оширишг замин яратилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси қонуни «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» (янги таҳрири), Халқ сўзи, 2016 йил 14 апрель, № 73 (6508).
2. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 6 апрелдаги «Балиқчилик тармоғини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ 3657-сонли Қарори, «Qishloq hayoti», 10.04.2018 й., 37 (8900).
3. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари 21-сон БҲМС. – Тошкент: «NORMA», 2012. – 256-бет.
4. R.D.Dusmurov. Buxgalteriya hisobi nazariyasi. –Т.: «Fan va texnologiya», 2013, – 476 bet.

## ЛАЛМИКОР ДЕҲҚОНЧИЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Дилшод ЯНГИБОЕВ,

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти таянч докторанти

**Аннотация:** Мақолада дунёда лалмикор ерлардан фойдаланишда эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатлар ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр-мулоҳазалар келтирилган. Улардан республикамиз шароитида фойдаланиш бўйича хулосалар қилинган.

**Аннотация:** В статье дается обзор аспектов и особенностей, которые следует учитывать при использовании богарных земель в мире. Есть выводы об их использовании в условиях Республики.

**Abstract:** The article provides an overview of aspects and features that should be considered when using rainfed lands in the world. There are conclusions about their use in the Republic.

Бугунги кунда дунё буйича «деҳқончиликда фойдаланиладиган ерлар 1,6 млрд. гектар майдонни ташкил этиб, шундан лалмикор ерлар 1,3 млрд. гектар (81 фоиз) майдонни эгаллайди. Жаҳонда турли-туман шароитда етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 60 фоизи лалмикор деҳқончилик ҳиссасига тўғри келади [1]. Бундан кўришиб турибдики, лалмикор ерларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш самарадорлиги пастлигидан далолат бермоқда.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, ҳозирги вақтда дунёда 840 миллиондан ортиқ киши тўғри овқатланиш имкониятига эга эмас. Бу жаҳон аҳолисининг деярли ҳар саккиз нафаридан бири, деганидир. Бундан ташқари, сайёрамиз нуфусининг 30 фоизидан зиёди тўлақонли равишда овқатланмаслик, энг асосий микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги муаммосини бошидан кечирмоқда [2]. Шу билан биргаликда дунёда яшовчи қашшоқ аҳолининг 70 фоизи лалмикор ҳудудларда яшайди [3]. Бугунги кунда рўй бераётган иқлим ўзгариши уларнинг даромад манбаларига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши оқибатида кескинликни кўчайтирмоқда. Шу боисдан, лалмикор ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бугунги куннинг долзарб масалалардан ҳисобланади.

Лалмикор деҳқончиликнинг хусусиятлари суғориладиган деҳқончиликка нисбатан фарқ қилади. Лалмикор ерларда қишлоқ хўжалик экинлари сув танқислиги муаммосига кўпроқ дуч келади. Ёмғир суви экинларни сувга бўлган талабини қондиришнинг ягона имкониятидир. Барча экинларда бўлгани каби лалми-

кор деҳқончиликда ҳам асосий сувга бўлган талаби ўсимликнинг гуллаш-мевалаш фазаси жуда юқори бўлади. Аммо лалмикор деҳқончиликда етиштириладиган ўсимликнинг гуллаш мевалаш фазаси ғаллада апрель, май ойларига, мойли экинларда май ойларига тўғри келади. Шу сабабли лалмикор деҳқончиликда ҳосилнинг сифатига ҳамда салмоғига салбий таъсир кўрсатади.

Лалмикор деҳқончиликнинг сув танқислиги муаммоси билан биргаликда яна бир қатор эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатлар мавжуд:

1. *Намликнинг ноодатийлиги ва ноаниқлиги.* Лалмикор ерларда ёғингарчилик нотекис бўлиб, йилнинг серёғин ёки қурғоқчил келиши ҳақида ҳеч қандай башорат қилинмайди. Баъзи йилларда ёғингарчилик кўп бўлсада, ўсимликнинг вегетация даври мобайнида сувга бўлган талаби бир меъёردа қондирилмайди. Деҳқонлар тупроқдаги намликни сақлаб қолиш чораларини кўриш имкониятига эга эмаслар. Натижада тупроқдаги намлик атмосферага буғланиши оқибатида, ҳосил етилмайди. Натижада фермер хўжаликларининг даромадига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади.

2. *Сувни сақлаш ва ундан фойдаланиш.* Сув бир неча усуллар орқали йўқотилиши мумкин: Жумладан, буғланиш, оқиш, ариқ ва зовурлардан ерга сизилиши, бегона ўтларнинг ўзлаштириши орқали ва бошқа сабабларга кўра. Лалмикор деҳқончиликда камдан-кам ҳолларда сув омборларидан фойдаланилади. Асосан сувнинг босими мавжуд бўлган ҳоллардагина фойдаланмоқда. Сув омборларидан фойдаланиш орқали лалмикор деҳқончиликнинг самарадорлигини ошириш имконияти яратилади. Ҳозирги пайтда асосан, ривожланаётган Осиё,

**Калит сўзлар:** лалмикор деҳқончилик, озиқ-овқат хавфсизлиги, фермер хўжалиги, ҳосил сифати, вегетация даври, ўғит, иқлим ўзгариши, мавсумий характер, маркетинг, ўғит.

Африка ва Жанубий Америка қитъасининг баъзи мамлакатларида бу усулдан кенг фойдаланилмоқда. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, лалмикор ерларнинг муаммоси шундаки, ёмғир кам ёғиши ёки кучли ёмғир ёғиши натижасида тупроқда тўпланган намни сақлаб қолиш имконияти мавжуд. Аммо бугунги кунда фермер хўжалиklarининг кам даромад кўриши ҳамда молиявий ресурсларнинг камлиги оқибатида сув исроф бўлмоқда.

3. *Лалмикор деҳқончиликнинг мавсумий характерга эга эканлиги.* Маълумки, лалмикор деҳқончиликнинг ҳозирги кундаги асосий экинлари ғалла ва мойли экинлардир. Бу экинлар бир пайтда пишиб етилиши оқибатида комбайнлар ва ташиш транспортларининг тақчиллиги вужудга келиши натижасида ҳосилнинг маълум бир қисми тўкилади. Шу билан биргаликда, ўриш ва ташиш харажатлари ошиб кетишига сабаб бўлади. Оқибатда маҳсулот етиштириш таннархи ошишига олиб келади.

4. *Лалмикор деҳқончиликда маркетинг хизматининг йўлга қўйилмаганлиги.* Одатда фермер хўжалиklари бир хил турдаги экинларни етиштиради. Ўрим-йиғим пайтида фермерлар ўз маҳсулотини сотишни хоҳлашади, чунки лалми ерларда фаолият юритувчи фермер хўжалиklarининг сақлаш имконияти мавжуд эмас. Бу эса, савдогар ва воситачиларга қўл келади. Оқибатда, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти арзон нархда ва қийин сотилади.

5. *Лалмикор ерларда экиладиган экинлар селекциясининг ривожланмаганлиги.* Селекциянинг ривожланмаганлиги лалмикор деҳқончилик учун жиддий муаммодир. Қурғоқчиликка чидамли жуда камдан-кам экин турлари мавжуд. Бироқ, бу ҳам ушбу ҳудудда фаолият олиб борувчи фермер хўжалиklари учун ҳам имкониятдир. Мойли экинлар кўпроқ қурғоқчиликка чидамли ўсимлик ҳисобланиб, яхшигина даромад манбаи ҳамдир. Селекцияни ривожлантириш орқали экин турини кўпайтириб, алмашлаб экиш тизимини жорий қилиш натижасида ерларнинг миллиоратив ҳолатини яхшилаш имконияти ярати-

лади.

5. *Лалмикор деҳқончиликда ўғитлардан самарали фойдаланиш.* Ўғит нафақат суғориладиган деҳқончиликда, балки лалмикор деҳқончиликда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Шу боисдан, ундан ўз вақтида оқилона фойдаланиш лозим. Тупроқдаги органик моддаларнинг унумдорлиги сўнгги бир неча ўн йилликда таназзулга юз тутган. Бу эса лалми ерларда жуда ҳам ачинарлидир. Шундай қилиб, бу лалмикор деҳқончиликнинг яна бир муаммосидир. Суғориладиган деҳқончиликда деҳқончилик фаолиятида агротехник тадбирларни амалга оширишнинг аниқ жадвали мавжуд. Хусусан, суғориш муддатлари ҳам. Шунга асосан, ўғит қўллаш ва уни режалаштириш мумкин. Лалмикор деҳқончиликда фермерлар учун ўғит қўллаш қийин кечади.

6. *Лалмикор деҳқончиликда маҳсулот сифати.* Лалмикор деҳқончиликнинг юқорида қайдэтилган хусусиятлари асосида маҳсулотларнинг сифатига катта таъсир кўрсатади. Экинларнинг кам ривожланиши натижасида уларнинг ҳосил сифати паст бўлишига олиб келади. Бундан ташқари ўсимлик бўйининг паст ўсиши натижасида ем-хашак етиштириш миқдорига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Лалмикор деҳқончиликнинг самарадорлигини ошириш учун қуйидаги таклиф ва тавсиялар мавжуд:

- Фермер хўжалиklarига об-ҳавони башорат қилиш бўйича керакли маслаҳатлар бериш;
- лалмикор ерларда фаолият юритувчи фермер хўжалиklари экинларида экинлар турини оптималлаштириш лозим;
- лалмикор ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларга турли экинларни етиштириш ва сақлаш учун омборхона кўришга кўмаклашиш;
- селекцияни ривожлантириш орқали қурғоқчиликка ва касалликка чидамли экин турлари ҳамда навларини яратиш орқали, алмашлаб экиш имкониятини яратиш;
- суспензия (баргдан озиқлантириш) усулида ўғитлаш тизимини жорий этиш.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. <http://www.fao.org>
2. Халқ сўзи// 2016 июнь.
3. Prioritization of Rainfed Areas in India. 2017 year.

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИШНИ ХАТАРЛАРДАН ҲИМОЯЛАШ ТИЗИМИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

Учқун АЛИМОВ,

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ассистенти

**Аннотация:** Мақолада қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштиришни хатарлардан ҳимоялаш тизими ва унинг аҳамияти, агросуғурта динамикаси атрофлича тадқиқ этилгани ҳолда истиқболда ривожлантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

**Аннотация:** В статье подробно рассматривается система защиты сельскохозяйственной продукции от рисков и ее значимость, а также дается дальнейшее развитие с подробным изучением динамики сельскохозяйственного страхования.

**Abstract:** The article discusses in detail the system of protecting agricultural products from risks and its significance, as well as further development with a detailed study of the dynamics of agricultural insurance.

Қишлоқ хўжалиги ва унга хизмат қилувчи фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини суғурталаш тизимини тубдан такомиллаштириш бугунги кунда ўз ечимини кутаётган долзарб масалалардан саналади.

Иқтисодиётнинг реал секторини, шунингдек, аграр секторини янада барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни изчиллик билан чуқурлаштириб бориш, ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар ва ускуналарни тадбиқ қилиш мақсадида банклар томонидан катта миқдордаги кредитлар ажратилмоқда. Кузатишлар шуни кўрсатадики, мажбурий суғурта шартномалари ҳажми ҳисобидан суғурта мукофотлар салмоғи ортиб борган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи аграр соҳа вакиллари ҳисобланган фермер хўжаликлари фаолиятини суғурталаш ҳукуматнинг доимий диққат марказида бўлиб келаётгани ва бу соҳада қулай имкониятлар яратилганига қарамай қуйидаги муаммолар қишлоқ хўжалигини суғурталашнинг кенгайтишини чегаралаб келмоқда:

- қишлоқ хўжалигида юз бераётган турли табиий ҳодиса ва жараёнлар хусусиятларини ўрганиш, қишлоқ хўжалигини суғурталаш тамойиллари ва қоидалари етарли даражада ривожланмаган;

- қишлоқ хўжалигини суғурталаш бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаш тизими шаклланимаганлиги ва кадрлар етишмаслик масаласи;

- фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини суғурталашнинг мақсади ва ривожланиши ҳудудларнинг табиий шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда яхши йўлга қўйилмаган;

- кўпчилик фермер ва деҳқонлар суғурталаш тўғрисида ва мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида керакли ҳуқуқий билим ва кўникмаларга ҳамда ишончли ахборотлар манбаларига эга эмас;

- қишлоқ хўжалигини суғуртловчи корхоналар ўртасида кучли рақобат муҳити шаклланимаганлиги ҳамда ҳукуматнинг қўллаб-қувватлаш тадбирларисиз, қишлоқ хўжалигини суғурталашда бошқа суғурта компаниялари рақобатга бардош беролмаслиги ва бошқалар.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигини суғурталашда асосий ташкилотлардан бири бу “Ўзагросуғурта” АЖ ҳисобланиб, унинг 14 та филиал, 202 та бўлинмалар ва аҳоли гавжум бўлган жойлардаги 521 та суғурта шахобчалари мавжуд.

Таҳлиллар кўрсатишича “Ўзагросуғурта” АЖ томонидан қишлоқ хўжалиги суғуртаси билан боғлиқ шартномалар сони 2015 йилда 33,96 минг донани ташкил этган бўлса, 2018 йилда эса 56,3 минг донани ташкил этган. (1-жадвал).

Суғурта мукофотлари эса 2015 йилда 18862,7 млн.сўмни ташкил этган бўлса, 2018 йилда 68745,6 млн. сўмни ташкил этган (1-расм).


Хатарлардан ҳимоялашнинг асосий кўрсаткичларидан бири бу суғурта жавобгарлиги саналади. Суғурта жавобгарлиги миқдори ўза-

**Калит сўзлар:** хатар, ҳимоя, агросуғурта, динамика, истиқбол, суғурта шартномаси, суғурта тўлови, суғурта мукофотлари, суғурта товони.




**1-жадвал. “Ўзагросуғурта” АЖ нинг 2015–2018 йиллар давомида қишлоқ хўжалиги суғуртаси бўйича фаолияти [2]**

Йиллар	Шартномалар сони, минг дона	Суғурта мукофотлари, млн.сўм	Суғурта товонлари, млн.сўм	Суғурта жавобгарлиги, млрд.сўм
2015	33,96	18862,7	7777,0	1350,4
2016	58	45609,0	15441,0	1917,4
2017	53,7	37314,0	73864,4	1932,3
2018	56,3	42687,9	68745,6	2154,7
2018 й. 2015 й. га нисб, %да	165,8	226,3	884,0	159,6



**1-расм. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни хатарлардан химоя қилиш юзасидан тузилган шартномалар сони ва суғурта мукофотлари миқдори**

ро муносабатларнинг асосини ташкил этади ва ўзаро ишончли ҳамкорликни таъминлашга хизмат қилади. Суғурта жавобгарлиги миқдори 2015 йилда 1350,4 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2016 йилда 1917,4 млрд.сўм, 2017 йилда 1932,3 млрд.сўм ва 2018 йилга келиб 2154,7 млрд.сўмни ташкил этган (2-расм).



**2-расм. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни хатарлардан химоя қилиш юзасидан суғурта товонлари ва суғурта жавобгарлиги миқдори**

Агросуғурта табиий хавф-хатарларни бошқаришнинг энг самарали воситаларидан бири ҳисобланиб, халқаро тажрибасига таянадиган бўлсак, қишлоқ хўжалиги сектори фаолиятининг самарадорлиги ва барқарорлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Шу боисдан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилардан ўз фаолиятини суғуртавий ҳимоя қилиш механизмини ривожлантириш, уларнинг суғуртага оид маълум бир билим ва кўникмалар ҳамда ишончли ахборотлар манбааларига эга бўлишни талаб этади.

Шундан келиб чиққан ҳолда бизнингча истиқболда куйидаги вазифаларни хал этиш мақсадга мувофиқ:

- қишлоқ хўжалигида юз бераётган турли табиий ҳодиса ва жараёнлар хусусиятларини ўрганиш, қишлоқ хўжалигини суғурталаш тамойиллари ва қоидаларини тадқиқ қилиш;
- фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини суғурталаш омиллари ва шарт-шароитларини, жумладан, экспорт учун маҳсулот етиштираётган фермер хўжаликлари тез бузиладиган маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнидаги турли рисклардан суғурталаш кўрсаткичлари тизимли таҳлил этиш;
- фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини суғурталашни қўллаб-қувватлаш, улар учун иқтисодий имтиёзлар тизимини яратиш соҳасидаги илғор хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш;
- фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини суғурталашда маҳсулот етиштирувчилар ҳамда суғурта компаниялари ўртасидаги рақобат муҳитини ривожлантириш тизимини такомиллаштириш;
- мамлакатимизда суғурта бозорини ўрта ва узоқ муддатларга мўнжалланган ривожлантиришнинг йўналишларини ишлаш чиқиш ва бошқалар

### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Д.БАБЕКОВА. Агросуғурталаш: муҳим муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўналишлари. «BIZNES – ЭКСПЕРТ» журнали. №9(93) 2015 йил.
2. [http://agros.uz/paparazzi/speeches/speeches\\_specific1](http://agros.uz/paparazzi/speeches/speeches_specific1)
3. Д.Баймирзаев. Қишлоқ хўжалигида хатарларни суғурталашнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2019 йил.

## ДЕҲҚОН ВА ТОМОРҚА ХЎЖАЛИКЛАРИ ЕРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТИЗИМИНИНГ ЕР ИСЛОҲОТИДАГИ ЎРНИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Юсуф УСМАНОВ,

Тошкент иригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти мустақил изланувчиси

**Аннотация:** Мақолада деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланиш таҳлили асосида мазкур ерлардан фойдаланиш тизимининг ер ислоҳотидаги ўрни ва вазифаларини амалга ошириш механизми тадқиқ қилинган.

**Аннотация:** В статье исследуется роль и механизм внедрения систем землепользования в земельную реформу на основе анализа использования дехканских и приусадебных хозяйств.

**Abstract:** The article examines the role and mechanism of the introduction of land use systems in land reform based on the analysis of the use of dekhkan and household plots.

Деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланиш тизимининг ер ислоҳотидаги ўрни истиқбол учун муҳим стратегик вазифа ҳисобланади. Бугунги кунда деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг натурал ишлаб чиқариш воситаси хусусиятидан товар ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги роли ва вазифаларини кенгайтириш ва кучайтириш ишларини изчиллик билан олиб борилиши натижасида мамлакатимиз озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, истеъмол бозори учун экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қишлоқ жойларида кўплаб ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш мақсадида ушбу ерлардан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш вазифаларини амалга ошириш имкониятлари пайдо бўлади. Шу нуқтаи назардан, бизнинг фикримизча, деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг ташкилий-ҳуқуқий механизми ва ушбу хўжаликларнинг ердан фойдаланиш фаолиятини такомиллаштириш зарур. Унинг йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- деҳқон ва томорқа хўжалиги ерларида фаолият қилаётган жисмоний ва юридик шахслар фаолиятини рағбатлантирувчи механизмни такомиллаштириш;

- деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларида маҳсулот етиштириш сифати ва миқдорини кўпайтириш, етиштирилган маҳсулотни сотиш ҳамда уларга турли хизмат кўрсатишда фермер хўжаликлари ерлари билан тенг ҳуқуқий шароит яратиш;

- деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларида ҳам ёлланма ишчилардан фойдаланиш имкониятини яратиш.

Шунингдек, тизимга вилоят бўйича деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларини зарурий

ресурслар билан таъминлаш ишлари билан шуғулланувчи алоҳида таъминот-сервис хизмати тизимини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Жойларда бундай хизматларни ташкил қилиш орқали деҳқон ва томорқа хўжаликларига:

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун амалий ёрдам сифатида ерларга ишлов бериш, экинларни турларига қараб экиш, чорва моллари, паррандалар парвариши ва бошқа фаолият тури учун зарур воситалар ҳақида маълумот бериш, экиш ва суғориш, ем-хашак, озуқа базасини ташкил этишни таъминлаш;

- деҳқон ва томорқа хўжаликларини зарурий ресурслар ва воситалар билан таъминлаш, масалан, уруғлик, ер ажратиш, зотдор моллар, минерал ўғитлар, пестицидлар, ем-хашак ва қурилиш материаллари, ветеринария хизматини ташкил этиш, янги ерларни ўзлаштириш юзасидан амалий ёрдам кўрсатади.

Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш ҳисобларини тадқиқ этиш мақсадида Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида мавжуд бўлган деҳқон ва томорқа хўжаликлари фаолияти билан боғлиқ ижтимоий сўровлар ўтказилди. Ижтимоий сўровда 146 нафар респондентлар иштирок этган бўлиб, сўров натижаларига кўра, респондентларнинг 89% деҳқон ёки томорқа хўжаликлари ерларини хусусийлаштириш керак деган хулосага келган бўлса, 74 % деҳқон ва томорқа хўжаликлари туман агрофирмалар билан алоқаси йўқлигини таъкидлаган, 86 % респондентлар эса, деҳқон ва томорқа хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш учун янги қонунлар, қарорлар, норматив ҳужжатлар бўлишини таъкидлаб ўтишган. Ижтимоий сўровлар натижалари билан боғлиқ таҳлиллар қуйидаги

**Калит сўзлар:** экспорт, институционал ислоҳотлар, механизмлар, инвестиция, ижара, банк кредити, ер ислоҳоти, деҳқон ва томорқа хўжалиги, ем-хашак, таъминот-сервис хизмати.

**1-жадвал. Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларидаги деҳқон ва томорқа хўжаликларида ўтказилган сўровнома натижалари (2018 йил июль-август ойлари ҳолатига)**

Тадқиқот ўтказилган деҳқон ва томорқа хўжаликлар сони-146 та			
Савол	Респондентларнинг жавоблари		
	Жавоб вариантлари	Сони	%
Деҳқон ёки томорқа хўжалигининг ерларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш учун қанақа тадбирлар амалга ошириш керак деб ўйлайсиз?	Деҳқон ёки томорқа хўжаликлари ерларини хусусийлаштириш	130	89%
	Деҳқон ёки томорқа хўжаликларининг фойдаланилмаётган ерларини вақтинча фойдаланишга бериш	16	11%
Деҳқон ёки томорқа хўжалигининг туман агрофирмалар билан алоқаси борми?	ха	38	26%
	йўқ	108	74%
Деҳқон ёки томорқа хўжалиги фаолиятини ривожлантириш учун янги қонунлар, қарорлар, норматив ҳужжатлар бўлишини хоҳлайсизми?	ха, албатта	126	86%
	йўқ	20	14%

1-жадвалда келтирилган.

Респондентларнинг аксарият қисми деҳқон ва томорқа хўжаликлари ташкилий фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ кўплаб муаммолар борлигини кўрсатди, айниқса ер

**2-жадвал. Самарқанд вилояти туманларида фаолият кўрсатаётган деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг тақсимланиши ҳолати (1 январь 2018 йил)\***

№	Туманлар номи	Умумий ер майдони		Деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерлари	
		жами	шу жумладан: суғориладиган	жами	шу жумладан: суғориладиган
1.	Оқдарё	34732	27656	4394	3693
2.	Булунғур	71253	29320	5133	4331
3.	Жомбой	45539	29634	5864	5311
4.	Иштихон	66295	31150	7598	6024
5.	Каттақўрғон	121377	33769	7821	5286
6.	Қўшрабат	190056	5678	4629	2638
7.	Нарпай	39884	26985	5033	4129
8.	Нуробод	413377	7295	6358	510
9.	Пойариқ	125410	40624	6286	5185
10.	Пастаргом	81804	53594	8097	6666
11.	Пахтачи	128497	23123	5095	3829
12.	Самарқанд	38270	15120	2384	1658
13.	Тойлоқ	22180	15859	3556	2747
14.	Ургут	99365	29883	7308	5912
	Жами	1478040	369690	79556	57919

\*жадвал Самарқанд вилояти ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган.

ажратишдаги тушунмовчиликлар, деҳқон ва томорқа хўжаликларида ушбу етиштирилган маҳсулотларни сотиш, ушбу хўжаликларда ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ молиявий муаммоларни тизимли ҳал қилиш, ерларнинг ҳолати ёмонлашуви каби долзарб муаммолар бугунги кунда ўз ечимини кутаётган асосий масалалардан бири ҳисобланади. Самарқанд вилояти туманларида фаолият кўрсатаётган деҳқон ва томорқа хўжаликлари ер майдонларининг тақсимланиши 2-жадвалда келтирилган.


Жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, 2018 йилда вилоят бўйича деҳқон ва томорқа хўжаликларига бириктирилган умумий ер майдони 79556 минг га, шундан суғориладиган ерлар 57919 минг га ташкил қилади, ушбу ерларда вилоятда етиштириладиган ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотнинг 60-65% ишлаб чиқилмоқда. Бу майдонларнинг

деярли 75% га яқини суғориладиган минтақаларда жойлашган. Ушбу хулосанинг исботини 1-расмда келтирилган диаграммада туманлар ер фондида деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг улуши (%) ҳам тасдиқлайди.

Диаграммдан кўриниб турибдики, вилоятда мавжуд бўлган 14 та маъмурий туманнинг фақатгина 5 тасида (Оқдарё, Жомбой, Иштихон, Нарпай ва Тойлоқ) деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг улуши ер фонди таркибида 10%дан юқори, қолган 9 та туманда бу кўрсаткич паст. Демак, вилоятда деҳқон ва томорқа хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ кўплаб масалалар борлигини юқоридаги рақамлар кўрсатиб турибди.

Шу билан бир қаторда таъкидлаш лозимки, деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланиш тизимида бозор механизмларининг тўлиқ жорий этилмаганлиги, хусусан ер ва мулк солиқлари тизимидаги мавжуд чигалликлар, инвестициялаш тизимидаги ноаниқликлар, банк билан деҳқон ва томорқа хўжаликлари ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш, каби муаммолар ҳам ўз ечимини кутмоқда.

Ушбу ва бошқа муаммоларни ечиш ва уларни ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республи-



2-расм. Туман ер фондида деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг улуши, % ҳисобида

қасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” иқтисодий эркинлаштириш, хусусан қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш бўйича зарур бўлган вазифаларни ҳал қилиш деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланиш самардорлигини янада оширишга қаратилган соҳага замонавий агротехнологияларни жорий этиш, институционал ислохотларни чуқурлаштириш асосида янги ташкилий-иқтисодий механизмларни, соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш, қишлоқда долзарб ижтимоий муаммоларни, айниқса барқарор ва самарали иш жойларини ташкил қилиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш чораларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни тақозо қилади. Бу эса деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг нотурал ишлаб чиқариш воситаси хусусиятидан товар ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги роли ва вазифаларини кенгайтириш ва кучайтириш механизмларининг ташкилий-иқтисодий асосларини яратиш заруратини пайдо қилади.

Деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланишнинг илмий, методологик ва амалий асосларига оид масалалари юзасидан дунёда [4, 5] ва мамлакатимизда кейинги

йилларда бир қатор илмий тадқиқотлар [3, 4, 5] олиб борилган, уларда деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланилганлик учун солиққа тортиш билан боғлиқ услубий масалалар ўз ечимини топган, давлат маблағлари, банк кредитлари, зарур инфраструктура тармоқларини барпо қилиш ҳисобидан қўллаб-қувватлаш чоралари ишлаб чиқилган. Шу билан бир қаторда деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланиш соҳасида юзага келган муаммоларни ҳал қилишнинг концептуал асослари, айниқса унинг ташкилий-иқтисодий механизмларини янада такомиллаштириш юзасидан илмий-амалий тадқиқотларни янада кучайтириш ишларини тизимли асосда йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш масалалари бугунги кунда ўз моҳияти ва эътиборига кўра алоҳида стратегик аҳамиятга эга, чунки унда ушбу ерлардан фойдаланиш тизимига бозор элементларини жорий қилиш, ер участкасини хусусийлаштириш, солиқ механизмининг такомиллаштириш, ер ижарасининг иқтисодий мазмунини кенгайтириш, кластер лойиҳаларини жорий қилиш, ерларнинг норматив қийматини аниқлаш каби энг муҳим механизм ва инструментларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш пировард натижада деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларида барқарор ва тўла иқтисодий манфаатдорликка асосланган агробизнеснинг ва энг муҳими қишлоқда ижтимоий адолат ва барқарорликнинг ишончли ва мустаҳкам заминини яратишга асос солади.

### ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони //ПФ-5199, 9.10.2017й.
2. Мирзиёев Ш.М.Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Т., Ўзбекистон, 2017. <<Газета.uz>>.
3. Мирзиёев Ш.М.Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тарақиёти ва халқ фаровонлигини гарови.Тошкент,Ўзбекистон, 2017.-486
4. Алтиев А.Ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш муаммолари. Монография.-Тошкент, 2018, 272 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот. “Давер-геодезкадастр” қўмитаси.-Тошкент,2018 й.



## ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ҲУСУСИЯТЛАРИ ВА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Тимур НУРЫМБЕТОВ,

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ТАЯНЧ ДОКТОРАНТИ

Сарсенғалий БАЙЖАНОВ,

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ДОЦЕНТИ

**Аннотация:** Мақолада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг барқарорлигини таъминлашда ишлаб чиқаришни диверсификациялашнинг аҳамияти ёритилган. Худудларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан келиб чиқиб, ҳар бир ҳудуд учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялашнинг асосий йўналишлари аниқланган.

**Аннотация:** В статье выявлена высокая значимость диверсификации производства для обеспечения устойчивости сельскохозяйственных товаропроизводителей. На основе анализа определены основные направления диверсификации сельскохозяйственного производства с учетом производственных потенциальных возможностей каждого региона.

**Abstract:** The high importance of diversification of production to ensure the sustainability of agricultural producers was revealed in this article. Based on the analysis, the main directions of agricultural production diversification are determined taking into account the production potential of each region

**М**аълумки, ишлаб чиқариш диверсификациясининг асосий мақсади бир неча турли тармоқларда хўжалик фаолиятини амалга ошириш ҳисобига хатарларни камайтирган ҳолда корхонанинг тушум ва фойдани оширишдан иборатдир. Бу ерда хатарларни камайтириш биронта тармоқда ҳолатнинг ёмонлашиш эҳтимоли, масалан, бозорда маҳсулотга бўлган талабнинг пасайиши ёки рақобатнинг кескин кўтарилиши ва кейинчалик корхона фойдасининг камайиши шароитида ушбу мумкин бўлган зарарлар корхона фаолият кўрсатаётган бошқа тармоқларда фаолият кўрсатишдан олинган фойда орқали қопланиши мумкин [2].

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, диверсификациялашган ташкилий-ишлаб чиқариш тузилмасига эга бўлган корхоналар ўта тор номенклатурадаги маҳсулотларни ишлаб чиқараётган хўжалик субъектларига нисбатан бозорда янада барқарор мавқега эга. Диверсификациялашган ташкилий-ишлаб чиқариш тузилмасига эга бўлган корхоналарда бозорда муайян турдаги товарларнинг нарх конъюнктураси тебраниши, истеъмолчиларнинг тўлов қобилиятли талабнинг пасайиши, иқтисодиётда циклик ўзгаришлар оқибатида зарар кўриш хатарлари сезиларли даражада паст бўлади. Диверсификация бозор иқтисодиётида хўжалик юритувчи субъектларни ривожлантиришнинг энг муҳим ва кўп қўлланиладиган

йўналишларидан бири ҳисобланади. Бироқ қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни диверсификацияси тўғрисидаги қарор қабул қилишда тармоқнинг бир қатор муҳим ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш лозим:

- ер ишлаб чиқариш воситаси сифатида гавдаланади ва ягона мутлақ чекланган ресурс ҳисобланади;
- ишлаб чиқариш катта майдонда амалга оширилади;
- иш вақти ва ишлаб чиқариш даврлари бир-бирига тўғри келмайди;
- биологик, технологик ва иқтисодий жараёнлар ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд ва бошқалар [3].

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялашнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигининг асосий мезонларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши;
- қишлоқ аҳолисининг бандлиги таъминланиши;
- табиий ресурсларнинг оқилана фойдаланиши;
- қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва даромад манбасининг ортиши;
- давлат бюджетига тушумларнинг тушуши;
- демографик ҳолатнинг яхшиланиши;
- рақобатбардош бозорларнинг шаклланиши;

**Калит сўзлар:** қишлоқ хўжалиги, диверсификация, ишлаб чиқариш, ҳудуд, самарадорлик, стратегия, технологик жараён, иқтисодий жараён, ижтимоий-иқтисодий самарадорлик.

- қишлоқ жойларига инвестицияларнинг кириб келиши.

- Озиқ овқат хавсизлигини таъминланиши;  
Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудини бир нечта шартли ҳудудларга яъни, жануби-шарқий қисмида жойлашган Тўрткул, Беруний, Эллиқалъа туманлари 1-ҳудуд, Республиканинг марказий туманлари Нукус, Кегейли ва Хужайли туманлари 2-ҳудуд, шимолий ҳудудида жойлашган Тахтақўприк, Қораузақ ва Чимбой туманлари 3-ҳудуд, Республиканинг шимоли-ғарб ҳудудида жойлашган Шумонай, Қонликўл, Қўнғирот ва Мўйноқ туманларини 4-ҳудудларга ажратиб ўрганилиб, ҳар бир ҳудуднинг ишлаб чиқариш салоҳияти таҳлил қилинди (1-жадвал).

ладан: пахта, ғалла, полиз, мева резаворлар ва сабзавотларни етиштириш учун қулай ҳисобланади. Ушбу ҳудудда ёпиқ грунтда маҳсулотларни парник ва теплицаларда етиштириш учун ҳам қулай шароит мавжуд.

2-ҳудуд: жами экиладиган майдоннинг 21,4 фоизни, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда унинг улуши 17,9 фоизини ташкил қилади. Ушбу ҳудуд пойтахтга яқин жойлашгани сабабли асосий турдаги маҳсулотларни етиштириш, қайта ишлаш ва сақлашга қулай ҳисобланади. Сув ресурслари билан таъминланиш даражаси нисбатан барқарор бўлиб пахта, ғалла ва сабзавотларни етиштириш қулай. Ғўза поясида картон қоғоз ишлаб чиқариш учун қулай имкониятлар мав-

1-жадвал жуд.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудининг турли зоналарида мавжуд ресурслардан фойдаланиш кўрсаткичларининг таҳлили

Зоналар	Туманлар	Умумий ер майдонлари (минг.га)		Экин майдонлари (минг.га)		Аҳолини сони (минг киши)		Қишлоқ хўжалик ҳудудий маҳсулоғи (млрд.сўм)	
		Умумий	Ҳудуд бўйича улуши (%)	Умумий	Ҳудуд бўйича улуши (%)	Умумий	Ҳудуд бўйича улуши (%)	Умумий	Ҳудуд бўйича улуши (%)
1-ҳудуд	Амударё	102	10,7	35,3	43,2	195,2	40,1	1196641,6	52,9
	Беруний	395		21,6		187,6		836640,6	
	Тўртқул	748		22,7		210,3		760809,5	
	Эллиқалъа	542		20,3		156		737348,1	
2-ҳудуд	Кегейли	221	2,5	16,3	21,4	89,4	34,6	400302,0	17,9
	Нукус	94		12,9		49,1		257167,0	
	Хўжайли	73		20,2		194		498556,9	
	Ноқис шах	22		0,1		315,1		38887,1	
3-ҳудуд	Чимбой	220	17,5	16,7	17,5	115,2	11,1	492378,1	15,1
	Тахтақўприк	2112		10,9		39,9		245862,2	
	Қораузақ	589		12,9		52,4		274048,8	
1-ҳудуд	Қонликўл	74	69,3	11,7	17,8	50,3	14,2	222448,8	14,1
	Шўманой	78		14,6		55,6		253249,2	
	Қўнғирот	7600		13,8		128,3		345575,5	
	Мўйноқ	3790		1,1		31,3		120684,8	
ҚР жами:		16660	100	231,1	100	1869,7	100	6680600,3	100

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Биринчи ҳудуднинг умумий экин майдонлари республика экин майдонларининг 43,2 фоизини ташкил қилиб, жами қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотларини ишлаб чиқаришни 52,9 фоизи ушбу ҳудудга тўғри келади. Бунинг асосий сабаби ушбу ҳудудда сув билан таъминланиш даражаси нисбатан барқарор ҳисобланиб, табиий-иқлим шароити бошқа ҳудудлардан +50, +60 га юқори ҳисобланади. Баҳор фаслининг эрта келиши ҳудудда асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жум-

3-ҳудуд: Республиканинг экиладиган ер майдонларининг 17,5 фоизини, ялпи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида эса 15,1 фоизини ташкил этади. Нисбатан паст кўрсаткичларнинг асосий сабаби ҳудуднинг сув ресурслари билан таъминланиш даражаси нисбатан пастлигидир. Бу ҳудудда ерларнинг бонитет баланинг пастлиги туфайли, унинг ҳосилдарлиги ҳам нисбатан паст ҳисобланади. Ушбу ҳудуд чорвачилик учун қулай. Тахтақўприк туманида чорва моллари учун яйлов ерларнинг мавжудлиги ва озуқа базасини шакллантириш имкониятлари

мавжудлиги туфайли, бу туманда чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш, жумладан сут маҳсулотларини қайта ишлаш, чарм маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Ушбу ҳудудда жойлашган Қораузақ туманида табиий кўлларнинг мавжудлиги балиқчиликни ҳам ривожлантириш учун қулай ҳисобланади.

4-ҳудуд: Республика умумий майдонининг 69,3 фоизи ташкил қилади. Ушбу ҳудуднинг жами экиладиган майдонларининг 17,8 фои-

зини, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда энг паст кўрсаткич қайд қилинган (14,1 фоиз). Бунинг асосий сабаби сув ресурслари билан таъминланиш даражаси нисбатан паст ва ҳудудда экологик муоммо ҳам мавжуд.

Ушбу таҳлилларни умумлаштирган ҳолда ҳар бир ҳудуднинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялашнинг асосий йўналишларини қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин (2-жадвал).

га корхонанинг бардошлигини ошириш, маҳсулотни сотишдан тушадиган тушум, фойда, фаолият рентабеллигининг ошишига хизмат қилади. Диверсификация корхонанинг ташкилий-ишлаб чиқариш тузилмасининг ўзгаришини ўзида намоён этиб, у мазкур тузилмани янги унсурлар (янги турдаги маҳсулот, ишлаб чиқариш, технология, етказиб берувчилар ва х.к.лар) билан тўлдиришдан иборат. Ҳудудларнинг имкониятларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялашнинг йўналишларини аниқлаш

2-жадвал

**Қорақалпоғистон Республикаси табиий-иқтисодий зоналарида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини диверсификациялаш йўналишлари**

Табиий-иқтисодий зона	Ишлаб чиқариш салоҳияти	Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялашнинг асосий йўналишлари
1-жануби-шарқий ҳудуд (Амударё, Турткуль, Беруни, Эллиқалъа)	Қулай табиий иқлим, сув билан таъминланганлик, ишчи кучининг мавжудлиги, қишлоқ инфратузилмасининг ривожланганлиги	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, ташиш, асал аричилик, чарм ва сут маҳсулотлари кластерларини ташкил этиш, ёпик ғрундта мева сабзавот етиштириш
2-марказий ҳудуд (Кегейли, Хожайли, Нукус, Нукус шаҳри)	Қулай табиий иқлим, сув билан таъминланганлик, ишчи кучининг мавжудлиги, боғдорчилик учун кучат етиштириш	Интенсив боғ яратиш, тез пишар сортли мевалар экиш, асаларичилик, токзорлик
3-шимолий ҳудуд (Тахтақўпир, Қораузак, Чимбой)	Табиий қўлларнинг мавжудлиги, паррандачилик, чорвачилик учун озуқа етиштириш қулайлиги	Балиқчилик, қурилиш материаллари, қорамолчилик, туячилик, чучқачилик, қуянчилик, қоромолчилик учун озуқа базасини етиштириш
4-шимоли-ғарбий ҳудуд (Қанликўл, Шумонай, Қунғирот, Мўйнақ)	пичанзор ва яйловларнинг мавжудлиги, катта ер ресурсларининг мавжудлиги, қурилиш материаллари учун ресурслар мавжудлиги	Эчкичилик, балиқчилик, сувсизликка чидамли ва қум-чўл зоналарида ўсвучи ўсимликларни ўстириш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш, маҳаллий ресурслардан қурилиш материалларини етиштириш

Манба: Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш мумкинки, ишлаб чиқариш диверсификацияси – иқтисодиётнинг ҳар қандай тармоқ корхонасининг хўжалик фаолияти ривожланишининг истиқбол йўналишларидан бири ҳисобланиб, у ташқи ва ички муҳитнинг салбий ўзгариши-

ва уни амалга ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш истиқболда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг рақобатбардошлиги, молиявий натижадорлиги ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

**ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Бершицкий Ю.И. Теоретико-методические аспекты инновационного развития агроэкономики. // В сб. трудов «Российская экономическая модель-7: от стагнации к развитию», Краснодар, ФГБУ «Российское энергетическое агентство» Минэнерго России Краснодарский ЦНТИ – филиал ФГБУ «РЭА» Минэнерго России, 2017 г. – с. 288 – 304
2. Костяев А. И. Диверсификация экономики сельских территорий с учетом их конкурентных возможностей // Вестник государственного аграрного университета северного Зауралья. – 2015. – № 3 (29). – с. 136 – 144.
3. Сайфетдинов А.Р., Пузейчук П.В., Готовской С.Г. Особенности и приоритетные направления диверсификации производства в сельском хозяйстве // ECONOMICS / «Colloquium-journal» 3(27), 2019

## ДЕҲҚОН ВА ТОМОРҚА ХЎЖАЛИКЛАРИ ЕРЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ МОНИТОРИНГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Анвар ПАРДАБОЕВ,

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш  
муҳандислари институти мустақил изланувчиси

**Аннотация:** Деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланиш мониторингги таъсирчан ва самарали механизм шаклланишини тақозо қилади. Шу нуқтаи назардан мақолада республикада мавжуд деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланишнинг мониторингини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Аннотация:** Использование дехканских и приусадебных участков требует эффективного и действенного механизма мониторинга. В связи с этим в статье разрабатываются предложения и рекомендации по совершенствованию мониторинга земельных и дехканских хозяйств в стране.

**Abstract:** The use of dekhkan and household plots requires an effective and efficient monitoring mechanism. In this regard, the article develops suggestions and recommendations for improving monitoring of land and dekhkan farms in the country.

Республикамиз иқтисодиётида амалга оширилаётган ислохотларнинг туб моҳияти-аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий аҳволини тубдан яхшилашдан иборатдир. Шундай экан, аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлайдиган деҳқон ва томорқа хўжаликларини ривожлантириш ва уларга таъсир этаётган омилларни тадқиқот қилиш зарурияти юзага келади.

Ҳозирги кунда, деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг мониторинги тўғри юритилмаётганлиги, деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларини қайта тақсимлаш механизми ишлаб чиқилмаганлиги, деҳқон ва томорқа хўжаликларига ажратилган ерлардан оқилона фойдаланишни ташкил этиш имконини бермаётганлиги сабабли бу хўжаликларни янада ривожлантириш захиралари борлигидан дарак беради.

Шунинг учун, деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланишни самарали ташкил этиш мақсадида, ерларнинг ҳисобини юритишда замонавий геоахборот тизимлари ва масофадан туриб бошқарилувчи курилмалар, яъни дронлардан фойдаланиш асосида ер ҳисобини юритишнинг аниқлиги ва мукамаллигини ошириш зарур. Бундан ташқари, деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланишнинг мониторингини олиб бориш юзасидан қабул қилинган қонун ҳужжатлари талаблари бажарилишининг аниқ механизми ишлаб чиқилмаганлиги ҳам деҳқон ва томорқа хўжаликлари ривожланишига сал-

бий таъсир этмоқда.

Бугунги кунда, республикамизга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга хизмат қилаётган деҳқон ва томорқа хўжаликларига ажратилган ер майдони 618,8 минг гектарни ташкил қилади. Бу ажратилган ер майдонларининг ҳисобини тўғри юритиш ва деҳқон ва томорқа хўжаликларини замонавий геоахборотлар билан таъминлаб бориш муҳим амалий аҳамиятга молик бўлган масалалардан бири ҳисобланади.

Бунинг учун жойлардаги мутахасислар деҳқон ва томорқа хўжаликларига бўлган назоратни ва уларнинг ҳозирги кунда ажратилган ер майдонларидан тўғри фойдаланишни кучайтириш, ерларнинг ҳолатини (ботқоқлигини, бегона ўтлар босганлигини) ва деҳқон ва томорқа хўжаликларини экинларини ўрганиш учун бугунги кундаги замонавий геоахборот тизимларидан ва масофадан туриб бошқариладиган дронлардан фойдаланишни кучайтириш зарурдир.

Шу билан бирга, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан мақсадли ва самарали фойдаланишда:

- муайян экин тури, парранда ёки чорва молларини парваришдаги аҳолининг хоҳиши, тажрибаси ва шароити ҳисобига олинмаган;

- тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда экинларни жойлаштириш, талаб қилинадиган уруғлик, ўғит, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари билан таъминлаш тизими самарали ишламади;

**Калит сўзлар:** деҳқон ва томорқа хўжаликлари, ердан фойдаланиш, мониторинг, қишлоқ хўжалиги, замонавий геоахборот тизимлари, ахборот технологиялари, зараркунанда.



- томорқа ер участкаларида етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш, олдиндан шартнома тузиш ва аванс тўловини кафолатли амалга оширишда молиявий таъминот масалалари охиригача ўз ечимини топмаган;

- дрон орқали деҳқон ва томорқа хўжаликлари ҳудудларининг мониторингини олиб боришда, ерларнинг аэросуратларни, картографик материалларини олиш ва уларни яхшилаш билан бирга уларнинг дастурий таъминот таҳлили асосида ерларнинг аниқ ҳолати ҳисобини юритиш имконини беради.

Маълумотларига кўра 2013 йилдан 2018 йилгача томорқа ерлари миқдоридан сезиларли даражада ўзгаришлар юз берган. Томорқа ерларидан суғориладиган ерларнинг ҳам ўзгаришлари ҳам сезиларли даражада. Албатта буни шу билан изоҳлаш мумкинки, аҳолининг ўсиши томорқа ерларига бўлган талабнинг ошишига олиб келмоқда. Шунинг учун бошқа ер турларидан турар жой бинолари учун ерларнинг ажратилиши у билан бирга томорқа ерларининг кенгайишига олиб келмоқда. Лекин ушбу томорқа ерларидан самарали фойдаланишни ташкил этишда унинг мониторингини юритиш масалалари билан биргаликда тўғри ҳисобини юритилишига алоҳида аҳамият қаратиш лозим. Чунки деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг ҳисобини тўғри юритилиши яратиладиган қўшимча ишчи ўринлари ҳамда қўшимча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳисобини юритилишида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирда томорқа ерлари ҳисобини юритилиши бўйича ваколатли орган-бу “Давергеодезкадастр” қўмитаси ҳамда унинг жойлардаги бўлимлари томонидан амалга оширилади. Албатта, буни анъанавий амалга ошириш ортиқча ишчи кучи ва ортиқча маблағ талаб этади. Лекин, замонавий ахборот технологияларини жалб этиши бу борада самаралироқ саналади. Геоахборот технологияларидан фойдаланиб ҳудудни ер турлари бўйича мониторинг қилиш кўп ҳолатда самарали ҳисобланади. Қолаверса бунда дронлардан фойдаланиш жойни ер турлари бўйича мониторинг қилиш қулай деб ҳисоблаймиз.

Албатта бугунги кунда замонавий усуллардан фойдаланиш бўйича ерларни мониторинг

қилиш ва уларнинг ҳисобини юритиш бўйича бизда барча шароитлар мавжуд.

Шундай экан замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш деҳқон ва томорқа хўжаликлари фаолиятида қуйидаги авзалликларни беради:

- юқори ва сифатли план, картографик маълумотларни олишга;

- ишчи кучи ва ортиқча маблағлар сарфини бирмунча камайишига;

- деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларини мониторинги ва ҳисобини аниқ рақамлар билан юритилишига;

- деҳқон ва томорқа хўжаликлари фаолиятини назоратини сифатли олиб борилишига;

Ҳозирги вақтда деҳқон хўжалигига 0,50га томорқа хўжалигига 0,06 га ер ажратиб берилмоқда бу ажратилган ерларни дронлар орқали ерларининг мониторингини олиб борилиши ортиқча сарф харажатга олиб келмайди. Чунки дронларни чет элларда ҳам майдонлари кичик бўлган қишлоқ ҳудудларида кенг қўллаб фойдаланиб келмоқдалар. Шунинг учун республикамиздаги деҳқон ва томорқа хўжаликларидан дронлардан фойдаланиб ерларнинг мониторингини олиб борилиши, жойлардаги мутахассисларга қулайликлар яратилади ва аниқ ерларнинг мониторингини юритишга эришилар эди.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки деҳқон ва томорқа хўжаликларини самарали юритилишида ерларнинг мониторинги такомиллаштириш билан биргаликда замонавий технологияларни қўллаш, шу билан биргаликда жаҳон тажрибасидан фойдаланиш ва уни самарали юртимиз шароитидан келиб чиқиб жалб этиш келажакда халқимизни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини қондиришига ҳамда бозорларимиздаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларини барқарорлашувида муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, деҳқон ва томорқа хўжаликларидан ҳам учувчисиз дронлардан фойдаланилиб хўжаликларнинг мониторинги олиб борилиши, яъни ерларнинг чегараларини, ҳозирги кундаги аҳволи, бошқа мақсадларда фойдаланилаётган деҳқон хўжаликларини аниқлаш, қишлоқ хўжалиги етиштираётган маҳсулотларини қандай аҳволдалигини ҳам кузатиш ўзининг юқори самарасини беради.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3680-сонли қарори.
3. Алтиев А.С. Ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини эркинлаштиришнинг иқтисодий механизми. Монография. Тошкент., “Фан”-2009-223б.

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕРЛАРИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ

**Мақсуд РАЖАПБОЕВ,**

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш  
муҳандислари институти, катта ўқитувчи

**Ўткир ИСЛОМОВ,**

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш  
муҳандислари институти, ассистент

**Санжар ХИКМАТУЛЛАЕВ,**

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш  
муҳандислари институти, ассистент

**Аннотация:** Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозорида конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлоқ янги ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақоза этмоқда.

**Аннотация:** В настоящее время, глубокий анализ пути развития страны, изменения в условиях глобального рынка и растущая конкуренция в условиях глобализации требуют разработки и внедрения принципиально новых подходов и принципов для более устойчивого и динамичного развития нашей страны.

**Abstract:** Currently, a thorough analysis of the country's development path, changes in the global market and growing competition in the context of globalization require the development and implementation of fundamentally new approaches and principles for a more sustainable and dynamic development of our country.

**К**ейинги йилларда республикада қишлоқ хўжалиги ерлардан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этиш, таъсирчан назоратни таъминлаш ва ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри соҳасида муносабатларни комплекс тартибга солишда бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ер ресурсларини тизимли ҳисобга олиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш, давлат кадастрларини тартибга солиш, Ўзбекистон Республикаси картография фондини такомиллаштириш чора-тадбирлари дастури доирасида ер қонунчилигига риоя этиш юзасидан доимий мониторинг қилиш тизими ишлаб чиқилди. Шу билан бирга, ердан фойдаланиш ҳолатининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ерлардан фойдаланишда мунтазам давлат назоратини таъминлаш, замонавий технологияларни жорий этиш, шунингдек, ер ресурсларини тизимлаштирилган ҳолда ҳисобга олиш ишлари етарли даражада самарали бўлмаяпти.

Соҳага юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, илмий тадқиқот ишларини тезкор ва самарали амалга оширишда тармоқнинг моддий-техник базаси бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Амалдаги ходимлар сони, айниқса қуйи поғонада, ер ресурсларидан фойдаланишни назорат қилиш ва уларнинг тўлиқ ҳисобини юритиш имконини бермаяпти.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга кўра, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш муҳим вазифа қилиб белгиланган.

Республикада ер ва сув ресурсларидан

**Калит сўзлар:** қишлоқ хўжалиги, ер, суғориладиган ер, мониторинг, замонавий технология, мелиорация, ирригация, интенсив усул, агротехнология, Phantom 4 Pro парвоз қурилмаси.

унумли фойдаланиш, уларни тартибга солиш, илмий изланишлар олиб боришда аэро суръатлардан таёрланган фототархлардан фойдаланишда катта ютуқларга эришилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017-йил 14 мартдаги 258-ф сонли фармойишига асосан қишлоқ хўжалик ерлари, қишлоқ хўжалиги экинларини экиш ва парваришлар ишларини мониторинги ва ҳудудларни электрон рақамли хариталарини янгилаш (яратиш) ишларини техник ва технологик жиҳатдан қайта курулантириш ва модернизациялаш ишларини амалга ошириш мақсадида ер мониторинги билан шуғулланувчи ташкилотлар учувчисиз учар қурилмалари билан таъминланган. Ҳозирда ушбу қурилмалардан фойдаланиш ва раҳбариятга тегишли маълумотларни бериб бориш юзасидан тегишли ташкилий чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

“Геоинформкадастр” давлат унитар корхонаси томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аэро-космо суръатларини далада дешифровка қилиш, ушбу дешифровка ишлари натижаси бўйича ҳудудларнинг электрон рақамли хариталари ҳамда ер майдонларини ер турлари ва контурлари бўйича ҳисоблаш қайдномаларини яратиш ишлари корхона томонидан бажариб келинмоқда. Бугунги кунда ишлаб чиқаришга кириб келаётган янги технологиялар, жумладан юқори аниқликка эга бўлган космосуръатлар, электрон рақамли хариталарни яратиш бўйича замонавий дастурий таъминотларга асосланган ҳолда электрон рақамли хариталарни яратиш ишлари олиб борилмоқда. Корхона тамонидан ҳозирги кунда фойдаланилаётган замонавий технологиялардан бири Phantom 4 Pro учувчисиз парвоз қилувчи қурилмалар бунга мисолдир.

Қишлоқ хўжалигида учувчисиз парвоз қилувчи қурилманинг бажарадиган вазифалари:

- Ерларни жойида кўриб чиқиш ва йўриқномадан ўтказиш;
- Мелиоратив қурилиш ҳолатини кузатиш;
- Ерлар тизимига аниқлик киритишдаги вегетатив ҳолати индексини яратиш;
- Ердан фойдаланишда агротехника тадбирларини қонун талаб даражасида олиб бориш.

Замонавий дронлар нафақат аэрофотосёмка қилишга, балки ўсимликларни кимёвий ҳимоялашда ҳам бир қанча авфзалликларга эга.

Учувчисиз парвоз қилувчи қурилма қишлоқ хўжалигида қўлланиши натижасида, далани электрон картасини автоматик тарзда аэросуръатга олиш орқали яратиш ҳамда маълумотларга автоматик тарзда қайта ишлов бериш, қишлоқ хўжалик экинларини инвертизация қилиш, бажарилган ишлар ҳажминини баҳолаш ва уларни бажарилишини назорат қилиш, экинларни ҳолатини оператив мониторинг қилиш, қишлоқ хўжалик экинларини ҳосилдорлигини назорат қилиш, қишлоқ хўжалик ерларини экологик мониторингини олиб бориш, қишлоқ хўжалик экинларини униб чиқишини назорат қилиш, ерни ҳайдаш сифатини текшириш, шунингдек экранда кўриб турган ҳолда таҳлил қилиш ва жўнатиш имкониятини беради.

Мисол учун, Жиззах вилоятининг Пахтакор туманида инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда фототархлар яратилиб камерал ва дала шароитда дешифровка ишлари бажарилди. Тайёрланган фототархларга туман ердан фойдаланувчи массивлар чегаралари мавжуд бўлган юридик ҳужжатларга хўжаликлараро ер тузиш лойиҳалари, туман навбатчи харитасига асосан туширилди. Космик суръатлардаги маълумотларга асосланган ҳолда тафсилот, ер тоифалари жойларда кўриб чиқилиши, дешифровкакаш камерал ҳолда 70–80% га аниқ бажарилди. Космик суръатларга олиш жараёнидан кейин ўзгарган тафсилот йўл, ариқ, қурилиш объектлари, канал ва бошқалар фототархларга ўрнатилган тартибда тегишли ўлчов асбоблари орқали амалга оширилиши лозим бўлган ишларни қисқартирилишига эришилди. Юқорида айтиб ўтилган афзалликлардан шунини хулоса қилиб айтишимиз мумкинки электрон рақамли ер кадастри хариталарини янгилашда иновацион технологияларни қўлланиш натижасида дала дешифровка ишларини 80% қисқартиришга, камерал ҳолатда иш бажарилишини 40% га енгиллаштиришга, материалларни сифатини 30% га оширишга, иш сарфини 60% га қисқартиришга эришилади.

#### ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” Тошкент “Адолат” 2017 йил
2. Миллий ҳисобот 2018 йил
3. Интернет маълумотлари.

## ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ЎРНИ

Шоймардон ҚАРШИЕВ,

Тошкент давлат аграр университети “Агрологистика” кафедраси доценти, и.ф.н.

**Аннотация:** Мақолада мева-сабзавот маҳсулотлари озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни, ҳозирги пайтда мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ҳолати бўйича фикр мулоҳазалар келтирилган.

**Аннотация:** В статье дается обзор фруктов и овощей в области продовольственной безопасности, современного состояния производства фруктов и овощей и его роли в экономике страны.

**Abstract:** The article gives an overview of fruits and vegetables in the field of food security, the current state of fruit and vegetable production and its role in the country's economy.

Дунёда аҳоли сонининг тез кўпайиб бо-  
раётганлиги натижасида озиқ-овқат  
маҳсулотларига бўлган талаб ҳам ошиб бор-  
моқда. Аммо, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб  
чиқариш ҳажмини кўпайтириш чекланган.  
Шунинг учун аҳолини озиқ-овқат маҳсулотла-  
ри билан таъминлаш масаласи йилдан-йилга  
кескинлашиб бормоқда. Яъни озиқ-овқат маҳ-  
сулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши  
аҳоли сони ва эҳтиёжларининг ўсишидан орт-  
да қолмоқда.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжали-  
ги ташкилоти ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш  
ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги  
вақтда дунёда 840 миллиондан ортиқ киши,  
яъни деярли ҳар саккиз одамнинг бири тўй-  
иб овқатланмаяпти, сайёрамиз аҳолисининг  
30 фоизидан зиёди тўлақонли равишда овқат-  
ланмаслик, энг асосий микроэлемент ва вита-  
минлар етишмаслиги муаммосини бошидан  
кечирмоқда. Ана шундай сабаблар туфайли 160  
миллиондан ортиқ болалар бўйининг ўсиши,  
жисмоний ва интеллектуал ривожланишига  
доир камчиликлардан азият чекишига сабаб  
бўлмоқда [1].

Келтирилган маълумотлардан кўриниб ту-  
рибдики, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари  
билан таъминлаш йўллари излаб топиш  
муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг учун инсон-  
лар томонидан энг кўп истеъмол қилинадиган  
озиқ-овқат маҳсулотларини инobatга олган  
ҳолда маҳсулот етиштиришни режалаштириш  
мақсадга мувофиқдир. Жумладан, инсонлар  
томонидан истеъмол қиладиган озиқ-овқат

маҳсулотлари ичида мева-сабзавот маҳсулот-  
ларини ўрни беқиёсдир.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маъ-  
лумотлари шундан далолат берадики, бугун-  
ги кунда ривожланаётган мамлакатларда бир  
киши учун тавсия этилган кундалик 400 грамм  
ўрнига жуда кам миқдорда – бор-йўғи 150–200  
грамм мева ва сабзавот истеъмол қилинмоқда.  
Халқаро диетологларнинг тавсиясига кўра,  
инсон истеъмол қиладиган озиқ-овқатнинг  
камида 50 фоизини мева ва сабзавотлар таш-  
кил этиши зарур [1].

Келтирилган маълумотлардан кўриниб ту-  
рибдики, мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб  
чиқариш ҳажмини ошириш долзарб масала-  
лардан ҳисобланади. Шу сабабли кейинги йил-  
ларда фермер хўжаликлари экин майдонлари  
ҳажмини оптималлаштириш, ишлаб чиқа-  
ришга янги ва ресурстежамкор технология-  
ларни жалб қилиш, селекция ишларини янги,  
замонавий агротехнологияларни ўзлаштириш  
борасида кенг қамровли ва пухта ўйланган  
ишлар амалга оширилди. Жумладан, қишлоқ  
хўжалигининг мева-сабзавотчилик, боғдор-  
чилик ва узумчилик каби йўналишлари жадал  
ривожланиши оқибатида 2018 йилга келиб,  
Республика бўйича 8 миллион 661 минг тонна  
сабзавот, 2 миллион 411 минг тонна картошка,  
1 миллион 607 минг тонна полиз маҳсулотла-  
ри, 2 миллион 100 минг тоннага яқин мева, 1  
миллион 314 минг тонна узум маҳсулотлари  
етиштирига эришилди [2].

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжа-  
лиги вазирлигининг маълумотларига кўра

**Калит сўзлар:** мавсумий характер, мева-сабзавот, интенсив усул, экстенсив усул, иқтисодий  
ислохотлар, экспорт салоҳияти, озиқ-овқат маҳсулотлари, озиқ-овқат хавфсизлиги, қишлоқ  
хўжалиги, маҳсулот ишлаб чиқариш, ички ва ташқи бозорлар, рақобатбардошлик.



**1-жадвал.** Республикамизда мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ўзгариш динамикаси

минг тонна

№	Маҳсулот тури	1991 йил	2015 йил	2018 йил	2018 йилда 1991 йилга нисбатан	
					фоиз	фарқи
1	Сабзавот	3324,1	10128	8661,0	260,6	5336,9
2	Полиз	925,8	1853,1	1607,0	173,6	681,2
3	Картошка	355,7	2696,7	2441,0	686,3	2085,3
4	Мева	516,6	2746,2	2100,0	406,5	1583,4
5	Узум	480,4	1579	1314,0	273,5	833,6

Манба: Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

1991 йилда Республикамизда сабзавот маҳсулотлари 3324,1 минг тонна етиштирилган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 8661,0 минг тоннага етди, полиз маҳсулотлари 925,8 минг тоннадан 1607,0 минг тоннага, картошка тон-

2-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, Мамлакатимизда аҳоли жон бошига тўғри келадиган асосий турдаги мева-сабзавот маҳсулотларининг тўғри келиши кўрсатилган.

**Ўзбекистонда аҳоли жон бошига\* асосий турдаги мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, %да**

Маҳсулотлар тури	Меъёр бўйича, кг	2018 йилда меъёрга нисбатан, %да
Мева	43,4	146,5
Узум	13,9	287,5
Сабзавот	109,2	240,3
Картошка	50,4	146,6
Полиз	19,3	252,3

\* аҳоли сони: - 2018 йилда ўртача 33 млн киши

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси,

надан 355, 7 минг тоннадан 2441,0 минг тоннага, мева 516,6 тоннадан 2100,0 тоннага, узум

риш имконияти яратилади ва экспорт салоҳияти оширилади.

маҳсулотлари эса 480,4 тоннадан 1314,0 минг тонна маҳсулот етиштиришга эришилди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ошиши фақат экин майдонларини кенгайтириш эвазига экстенсив йўл билан эмас, балки асосан интенсив ривожланиш, яъни экинлар ҳосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш эвазига таъминланмоқда.

2-жадвал. 2018 йилда мева билан 146,5 %ни, узум 287,5 %ни, сабзавот 240,3 %ни, картошка 146,6 %ни, полиз 252,3 % миқдориди таъминланилишига эришилди.

Юқорида келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда дунё аҳолиси томонидан мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган талаби қонди-

**ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Каримов И.А. “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. //Халқ сўзи, 2014 йил 7 июнь.
2. www.agro.uz

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКИНЛАРИНИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

**Собир КУЧИМОВ,**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали тадқиқотчиси

**Элмурод УМУРЗОҚОВ,**

Самарқанд ветеринария медицинаси институти доценти, қ. х. ф. д.

**Батир ДЖАЛИЛОВ,**

Самарқанд ветеринария медицинаси институти катта ўқитувчиси, и.ф.н.

**Аннотация:** Мақолада зараркунандаларга қарши конфидор, бензофосфат, БИ – 58 (янги) препаратларининг қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги келтирилган.

**Аннотация:** В статье представлена экономическая эффективность применения пестицидов, бензофосфата, БИ – 58 (новых) препаратов против вредителей.

**Abstract:** The article presents the economic efficiency of the use of pesticides, benzophosphate, BI – 58 (new) drugs against pests.

Қишлоқ хўжалик экинларини зараркунандаларига қарши курашда қўлланиладиган тадбирлар мажмуасининг иқтисодий ва хўжалик жиҳатдан самарадорлигини аниқлаш зараркунандаларга қарши кураш усулларининг ишлаб чиқаришга жорий этишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга [1, 2, 6].

Тамаки трипсига қарши кураш усулларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда тажриба ўтказилган вариантларнинг энг қулайлари, юқори самара кўрсатган тадбирлар мажмуаси, самарали кимёвий воситалар ишлаб чиқариш тажрибаларида синаб кўрилди [3].

Тамаки трипсига қарши кураш усулларининг иқтисодий ва хўжалик самарадорлигини аниқлашда тажриба ўтказилган барча йилларнинг ўртача кўрсаткичи ҳисобга олинди, шу билан бирга маҳсулот сифатини ўзгариши ҳам ҳисоб-китоб қилинди. Тамаки трипсига қарши қўлланилган барча тадбирларнинг тамаки етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигига таъсирини ҳисоб-китоб қилишда ҳамма тажриба вариантлари бўйича сарф-харажатлардан ташқари ҳар бир вариантда тамаки зараркунандаси трипсига қарши кураш билан боғлиқ харажатлар, шу билан бирга қўшимча ҳосилни йиғиштириш, тизиш ва қуритиш билан боғлиқ харажатлар ҳам алоҳида ҳисобга олинди [4, 5].

Ишлаб чиқариш тажрибалари Самарқанд вилояти Ургут тумани «Деҳқонобод» агрофирмаси

майдонларида ўтказилди.

Ишлаб чиқариш тажрибаларида конфидор (20% эм.к.) препарат сарф миқдори 0,2 л/га, бензофосфат (30% н.кук.) меъёри 2,0 кг/га, БИ – 58 (янги) (40% эм.к.) меъёри 1,0 л/га синаб кўрилди. Назорат вариантыда эса зараркунандаларга қарши кураш ишлари олиб борилмади.

Тамаки ҳосилдорлиги бўйича олинган натижаларни таҳлил қилганимизда тамаки трипсига қарши конфидор (20% эм.к.) 0,2 л/га, ишчи суюқлиги сарфи 100 л/га бўлганда ҳосилдорлик гектаридан 1071 кг ни ташкил қилди, бу кўрсаткич назорат (ишловсиз) вариантдан 34,2% кўп демакдир. Бунда олий навли хом ашёнинг чиқиши 357,4 кг бўлиб, бу кўрсаткич умумий ҳосилнинг 33,4% ни ташкил қилди (1-жадвал).

Тамаки трипсига қарши бензофосфат (30% н.кук.) ва БИ – 58 (янги) (40% эм.к.) ишлатилганда гектаридан 19,9% ва 15,2% га қўшимча ҳосил олинди. Олий навли хом ашёнинг чиқиши умумий ҳосилнинг 25,2% ва 21,7% ларини ташкил қилди. Бу кўрсаткичлар тамаки трипсига қарши конфидор (20% эм.к.) ишлатилганда олинган на-

**1-жадвал. Тамаки трипсига қарши кимёвий ишлов беришнинг тамаки ҳосилдорлиги ва хом ашё сифатига таъсири.**

№	Тажриба вариантлари	Препаратнинг сарф миқдори, л/га	Ўртача ҳосилдорлик, кг/га	Назоратга нисбатан олинган қўшимча ҳосил		Олий навли хом ашёнинг чиқиши, кг/га
				кг/га	%	
1	Конфидор 20 % эм.к.	0,2	1071	273	134,2	357,4
2	Бензофосфат 30 % н.кук.	2,0	957	159	119,9	241,3
3	БИ-58 (янги) 40 % эм.к.	1,0	913	114,4	115,2	198,4
4	Назорат (ишловсиз)	-	798	-	100,0	71,9

ми ҳосилнинг 25,2% ва 21,7% ларини ташкил қилди. Бу кўрсаткичлар тамаки трипсига қарши конфидор (20% эм.к.) ишлатилганда олинган на-

**Калит сўзлар:** Зараркунанда, конфидор, бензофосфат, БИ – 58 (янги), иқтисодий самарадорлик, экин, кимёвий усул, хом ашё, харажат, трипс, бензофосфат, тамаки, рентабеллик.

тижалардан бироз паст даражада бўлишлиги билан тавсифланади.

Конфидор (20% эм.к.) препарати таъсир этиш тизимига кўра ташқи, ички ва системали бўлиб, сўрувчи зараркунандаларга қарши курашда сама-

фидор (20% эм.к.) ишлатилганида қайд этилди. Сарфланган харажатларни қоплаш 5,1 – 7,9 мартагача бўлганлиги аниқланди.

Тамаки майдонларида тамаки трипсига қарши кимёвий препаратларни ишлатиш ҳамма вари-

## 2-жадвал. Тамаки майдонларида тамаки трипсига қарши курашнинг кимёвий усулининг иқтисодий самарадорлиги (Ишлаб чиқариш тажрибалари 2015–2016 йй.).

№	Кўрсаткичлар	Назорат (ишловсиз)	Конфидор, 20% эм.к. 0,2 л/га	Бензофосфат, 30% н.кук. 2 кг/га	БИ-58 (янги), 40% эм.к. 1,0 л/га	Пилардельта, 2,5% эм.к. 0,5 л/га	Фуфнон, 57% эм.к. 1,8 л/га	Ланнейт 20L н.кук. 2,0 кг/га
1	Ҳосилдорлик, кг/га	670	990	930	910	915	920	935
2	Қўшимча ҳосил, кг/га	-	320	260	240	245	250	265
3	Сарфланган препарат баҳоси, минг сўм/га	-	40	30	28	15	46	60
4	Харажатлар, минг сўм/га: ишлов беришга	-	25	25	25	25	25	25
	қўшимча ҳосил учун	-	156	126	117	119	122	129
	тамакини ишлаб чиқариш учун	1 620	1 620	1 620	1 620	1 620	1 620	1 620
5	Жами харажатлар, минг сўм/га	1 620	1 841	1 801	1 790	1 779	1 813	1 834
6	Ҳосил қиймати, минг сўм/га	1 876	3 663	3 348	3 094	3 294	3 220	3 179
7	Соф фойда, минг сўм/га	255	1 821	1 546	1 303	1 514	1 406	1 344
8	Назоратга нисбатан соф фойда, минг сўм/га	-	1 566	1 291	1 048	1 259	1 151	1 089
9	Сарфланган харажатларни қоплаш, марта	-	7,1	7,0	6,2	7,9	6,0	5,1
10	Рентабеллик, %	-	708,6	713,1	616,5	791,8	596,4	508,9

рали препарат эканлиги аниқланди. Ушбу препаратни тамаки трипсига қарши ишлатилганида олинган ҳосил миқдори ва хом ашёнинг сифати яхшиланиб, тамаки етиштиришнинг иқтисодий кўрсаткичлари анча яхшиланганлиги аниқланди.

Тамаки майдонларида тамаки трипсига қарши кураш кимёвий усулининг иқтисодий самарадорлиги 2-жадвалда келтирилган. Бунда сарфланган препарат баҳоси 15 минг сўмдан 60 минг сўмгача ўзгарди. Назоратга нисбатан олинган соф фойда 1 048 минг сўмдан 1 566 минг сўмгача ташкил қилди. Бунда энг юқори кўрсаткич кон-

антларда иқтисодий ва хўжалиқ кўрсаткичлари жиҳатдан ўзини оқлади. Кимёвий препаратларни ишлатишда уларни тавсия қилинган меъёрларда фойдаланиш ва препаратларни ўз вақтида тамаки майдонларига қўллаш юқори иқтисодий самара олишга имкон яратади.

Тамакичиликда қўлланилаётган ҳар бир тадбирни нафақат ҳосилдорликка, балки хом ашё сифатига таъсири, уни яхшилланиши соҳанинг иқтисодий ва хўжалиқ самарадорлигини оширишда ҳал қилувчи омил бўлиб ҳисобланади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Умурзоқов Э.У., Ахмедов С.И., Ҳошимов Ф.Х. Тамаки трипси (*Thrips tabaci* Lind.) биоэкологияси ва улар миқдорини бошқариш. Самарқанд., 2019. – 100 б.
2. Ахмедов С.И., Умурзоқов Э.У. Тамаки маҳсулдорлигига сўрувчи зараркунандаларнинг таъсири. Самарқанд., 2018. – 208 б.
3. Асосий қишлоқ хўжалиқ экинларини парваришlash ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карталар. Тошкент, ҚХИИТИ, 2016 й.
4. Методика определения экономической эффективности использования в сельском хозяйстве результатов научно-исследовательских и опытно-конструкторских работ, новой техники, изобретений и рационализаторских предложений. ВАСХНИЛ. М., Колос, 1980. 111 с.
5. Хўжаев Ш. Т. ва бошқ. Инсектицид, акарицид, биологик актив моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар. Тошкент, 2004. 104 б.
6. Хўжаев Ш. Т. Энтомология, қишлоқ хўжалиқ экинларини ҳимоя қилиш ва агротоксикология асослари. Т., 2010. 355 б.

**ЁЎЗАНИ СУЎОРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ САРАДОРЛИГИ****Бахтияр МАТЯКУБОВ,**Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари  
институти, қ.х.ф.д., проф.в.б.**Косимбек ИСАБАЕВ,**Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари  
институти, қ.х.ф.н., доцент

**Аннотация:** Мақолада турли суғориш технологиялари, жумладан эгатни ўзгарувчан сув сарфи билан, қарама-қарши томонидан ва эгат оралатиб суғоришнинг иқтисодий томондан самардорлиги тўғрисида таҳлилий маълумотлар келтирилган.

**Аннотация:** В статье дается обзор экономической эффективности различных технологий полива, в том числе бороздкового орошения с переменным расходом воды, встречный полив и полив через борозды.

**Abstract:** The article provides an overview of the cost-effectiveness of various irrigation technologies, including furrow irrigation with a variable flow rate, counter irrigation and irrigation through furrows.

**Х**озирги кунда қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олишда сув тежамкор суғориш технологияларни тўғри танлаш ва дала шароитида қўллаш ҳамда суғориш технологияларини қўлланиши самардорлигини аниқлаш катта аҳамиятга касб қилади. Юқорида келтирилганларни инобатга олган ҳолда, Хоразм воҳаси шароитида ғўза етиштирилаётган далаларни суғоришда тежамкор суғориш технологиясини жорий қўлланилиши ва уларни иқтисодий томондан самардорлиги ўрганиб чиқилган. Ёўзани суғоришда технологияларининг қўлланилиши бўйича олимлар томонидан бажарилган илмий тадқиқот ишлари ўрганилди. Жумладан, Хоразм воҳасида бажарилган илмий тадқиқот ишлари натижаси билан танишиб чиқилди ҳамда қўлланилаётган суғориш технологияларини самараси бўйича таҳлиллар амалга оширилди. Дала шароитида ғўзани етиштиришда бажарилган агротехник тадбирлар Хоразм вилояти хўжаликларида қабул қилинган ПСУЕАТИнинг Хоразм филиали тавсияномасига асосан олиб борилди.

Суғориш технологиясининг тажриба схемаси, қарама-қарши усулда сув бериш технологияси кўрсаткичларини боғлаш учун эгат узунлиги ва сув сарфи, суғориш вақти, ҳисобий суғориш меъёрларини суғоришдан олдинги чегаравий йўл қўйиладиган намликка боғлаш орқали белгилаб олинди.

Тажриба ишлардаги асосий мақсад, эгатга бериладиган сув сарфи орқали тупроқнинг чегаравий намлик миқдорини ҳисобга олган ҳолда тупроқни керакли миқдорда намлатиш орқали, суғориш сувининг самардорлигини оширишдан иборат. Суғориш сувининг сама-

радорлигини оширишда бўладиган буғланиш-ни камайиши ҳисобига сувни иқтисод қилиш, суғориш меъёри сонини камайтириш, ғўзани ҳосилдорлигини орттиришга олиб келишга эришиш мумкин.

Тажриба далаларда турли суғориш технологияларининг Хоразм-127 ғўза навининг ўсиши, ривожланиши ҳамда ҳосил тўплашига турлича таъсир кўрсатиб, суғориш сувидан самарали фойдаланиш тажриба йўли билан аниқланди.

Дала шароитида олиб борилган илмий тадқиқот натижаларига кўра, фенологик кузатувлар бўйича (август ойи) тажриба далаларининг ишлаб чиқариш назорати бўйича асосий поя узунлиги 63,5-77,6 см, 10,0-11,2 дона ҳосил шохи, 2,6-2,8 тугунча, 0,8-1,4 дона кўсак, сентябр ойидаги кузатувларда кўсаклар сони 9,4-10,1 атрофида бўлган. Шу тажрибаларнинг 3-чи вариантыда, яъни эгатни қарама-қарши томонидан суғоришда асосий поя узунлиги 76,3-81,1 см, ҳосил шохи 11,9-12,0 дона, очилган гул (тугунча) 2,7-2,9 дона, кўсак 2,6-2,8 дона, сентябр ойидаги жами кўсаклар сони 13,3-12,5 бўлди.

Турли тежамкор суғориш технологияларни қўллаш натижасида (эгатни қарама-қарши томондан) суғориш олди тупроқ намлигини 70-80-60 фоизда ушлаб туриш орқали, барча вариантлар ичида оғир тупроқли тажриба дала (3-тажриба)да ғўзанинг ўсиш-ривожланиши, барча кўрсаткичлари юқори бўлганлиги кузатилди. Экин учун керак бўлган тупроқдаги намликни меъерий ҳолатда ушлаб туриш билан бир қаторда, сувни ўз вақти ва муддатида етказиб бериш орқали пахтадан юқори ҳосил олиш мумкинлигини исботланди.

Барча тажриба даладаги кузатувларда ғўзани

**Калит сўзлар:** Эгат, эгат узунлиги, тупроқ намлиги, сув, тежамкор, технология, тежамкор суғориш технологияси, ҳосилдорлик, иқтисодий самардорлик, соф фойда.



1 – жадвал

Суғориш технологияларини ўрганиш бўйича тажриба тизими

Вариант-лар	Ўзани эгатлаб суғориш технологиялари	Суғориш олди тупроқ намлиги, чегаравий дала нам сифими (ЧДНС) га нисбатан, %
1	Ишлаб чиқариш назорати	70–80–60
2	Эгатни ўзгарувчан сув сарфи билан суғориш	
3	Эгатни қарама-қарши томонидан суғориш	
4	Эгат оралатиб суғориш	

Изоҳ: Эгатнинг узунлиги: енгил механик таркибли тупроқларда 80 м, ўрта механик таркибли тупроқларда 100 м ва оғир механик таркибли тупроқларда 120 м; эгатнинг сув сарфи шунга мос равишда 0,60 л/с, 0,40 л/с, 0,20 л/с (2-вариантда эгатга берилган сув сарфи, эгат охирига етгандан сўнг 2 марта камайтирилади), эгатлар орасидаги масофа: 0,6, 0,9, 0,9 м. қабул қилинган. Тажриба дала майдонининг нишаблиги  $i=0,00020$  ни ташкил этган.

ўсиши ва ривожланишига ўрганилаётган омилларнинг таъсири сезиларли даражада бўлганлиги кузатилди.

Кейинги йилда бажарилган илмий тадқиқот ишларида ҳам юқорида келтирилган боғлиқдаги маълумотлар кузатилди. Демак, ўтлоқи аллювиал тупроқларда чекланган дала нам сифмига нисбатан тупроқ намлиги 70–80–60 фоиз ЧДНС бўлган ҳолат учун эгатни қарама-қарши томондан суғориш технологиясини қўллаш яхши натижа бериши аниқланди.

Ўза қарама қарши томондан суғорилганда кўсақларнинг эртароқ очилишини ҳам кузатилди. Чунки ўза учун зарур бўлган ЧДНС ушлаб туриш орқали тупроқни эгат узунлиги бўйича бир хилда намланиши ва ўзани учун керак бўлган тупроқдаги намлик таъминланди.

Турли суғориш технологияларни, экинга бериладиган бир галги суғориш меъёри ва мавсумий суғориш меъёри, сув-ҳаво режимлари ўзанинг ўсиши ва ривожланишига ҳамда экин ҳосилига таъсир қилувчи асосий омиллардан ҳисобланади.

Ўзани эгатлаб суғоришни амалга оширишда, яъни турли суғориш технологияларининг кўчат қалинлигига таъсири аниқлашда, ўзанинг биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кўчат қалинлигини тўғри танланиши пахтадан юқори ва сифатли ҳосил олишни таъминлайди. Тажриба даласида мақбул кўчат қалинлигининг қолдирилиши натижасида ва тупроқ намлигининг тўғри бошқариш орқали экиндан юқори ва сифатли ҳосил олишга эришиш мумкин. Бу ишларни тўлиқ амалга ошириш натижасида тупроқдаги намлик кўпроқ муддатда сақланишига эришиш ҳамда тупроқ юзасидан бўладиган буғланиш камайтириш мақсадида тежамкор суғориш технологиялари тажриба далаларида қўлланилди. Юқоридагиларни инobatга олган ҳолда, ўза ниҳоллари тўлиқ униб чиққандан сўнг, уларда 2–3 чинбарг пайдо бўлгандан сўнг ягона қилинди.

Тажриба далаларида олиб борилаётган ил-

мий натижаларда вегетация охирида яъни пахта терими олдиан кўчат қалинликлари вариантлар бўйича яна бир бор аниқланади.

Тажриба далаларда ўзанинг эгатлаб суғориш технологиялари самарадолигини аниқлашда қўлланилган барча агротехник тадбирлар, жумладан суғориш ва ҳосилни йиғиб-териб олиш учун кетган сарф-харажатлар инobatга олинди. Турли суғориш технологиялари учун иқтисодий самарадорликни ҳисоблашда тажриба далада бажарилган барча қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги ишлари учун ишлатилган харажатларини ҳисобга олинди. Ўзадан олинган ҳосилдорликдан келиб чиққан ҳолда, шартли соф фойдани ва рентабеллик даража ҳисобланди. Иқтисодий самарадорликни аниқлашда тажриба далаларда амалга оширилган суғориш технологиялари учун сарфланган харажатлар инobatга олинди ҳамда технологияларнинг қўлланилиш самарадорлиги аниқланди. Ресурс ва харид нархлар Хоразм вилояти Янгибозор тумани фермер хўжалиқларининг ҳақиқий таннархи асос қилиб олинди. Сотишдан тушган пул тажрибада теримлар бўйича саноат навига асосан ҳосилдорликни харид нархларига кўпайтириш орқали аниқланди. Тажриба даласи вариантларида бажарилган агротехник тадбирлар бир хил бўлганлиги учун, фақат суғориш технологиялари, қўшимча ҳосилни териш ва ташишга кетган сарф харажатлар, суғоришлар сони билан боғлиқ харажатлар кўшилди.

Шартли фойдани аниқлашда, сотишдан тушган пулдан жами харажатлар олиб ташланди. Тажриба вариантлари бўйича рентабеллик шартли фойдани жами харажатга бўлиб, 100 га кўпайтириш орқали ҳисобланди.


Ўзанинг турли суғориш технологияларида суғоришнинг иқтисодий самарадорлигининг тажриба йиллар бўйича ўртача қиймати 3 – жадвалда келтирилган (1 ва 2 расмлар).

Тажрибаларда суғориш технологиялари самарадорлигини ўза ҳосилдорлиги ва рентабеллик даражасини аниқлаш мақсадида, ҳар бир вариантдан барча қайтариқларда 3 марта қўл терими ва 1 марта кўсак терими (пахтага айлантирилди) ўтказилди.

Тажриба натижаларига асосан ўза ҳосилдорлиги ҳар гектарига (ўртача тажриба йиллари бўйича): эгатни қарама-қарши томондан суғорилган вариантда: – 41,9 – 42,7 ц/га; эгатни ўзгарувчан сув сарфи билан суғорилганда: – 40,3–41,3 ц/га, эгат оралатиб суғориш технологияси қўлланилганда 36,8–38,9 ц/га бўлди. Рентабеллик даражаси 2 ва 3-вариантларда

юқори бўлганлиги кузатилди, яъни 2 вариантда 34,6-35,7 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқаришда қабул қилинган эгатлаб суғоришга нисбатан 3,9-5,0 фоизга ошди. Эгатни қарама-қарши томондан суғорилган 3 - вариантда рентабеллик даражаси 38,4-40,9 фоизни ташкил қилиб, ишлаб чиқаришда қабул қилинган эгатлаб суғоришга нисбатан 7,7-10,2 фоизга ошганлиги аниқланди. Эгат оралатиб суғорилган 4 - вариантда рентабеллик даражаси 31,4-33,4 фоизни ташкил қилган бўлиб, ишлаб чиқаришдаги вариантга нисбатан 0,7-2,6 фоизгача ошганлиги кузатилди (1-расм).

Тажриба натижалари асосида келтирилган таҳлилий натижалар шуни кўрсатадики, ишлаб чиқариш шароитида қабул қи-




1-расм. Суғориш технологияларининг ғўза ҳосилдорлиги ва рентабеллик даражасиги боғлиқлиги

линган суғоришда шартли соф фойда ҳар гектар майдонда тадқиқот олиб борилган ўртача йилларда 726,3-764,9 минг сўмни ташкил қилган бўлса, эгатни ўзгарувчан сув сарфи билан суғорилган 2 - вариантда шартли соф фойда 1094,1-1133,5 минг сўм, ишлаб чиқаришда нисбатан 353,3-404,6 минг сўм кўшимча даромад олинганлиги аниқланди (2-расм).

Эгатни қарама-қарши томондан суғорилган 3-вариантда шартли соф фойда 1248,8-1291 минг сўм, ишлаб чиқаришда қабул қилинган эгатлаб суғоришга нисбатан 517,5-550,2 минг сўм кўшимча даромад олинганлиги аниқланди.

Эгат оралатиб суғорилган 4-вариантда шартли соф фойда 935,1-1018 минг сўм, ишлаб



2-расм. Суғориш технологияларининг қўлланиш самарадорлиги

чиқаришдаги вариантга нисбатан 194,3-253,1 минг сўм кўшимча даромад олинганлиги кузатилди.

Умуман олганда, ғўзани суғориш олди тупроқ намлиги 70-80-60 % ЧДНСда ушлаб турган ҳолда суғориш технологияларини қўлланилганда, энг мақбул вариант бу эгатни қарама-қарши томондан ҳамда эгатни ўзгарувчан сув сарфи билан суғорилган вариантларда бўлди. Бунда эгат узунлиги бўйича бир хилда намланди ва ғўза яхши ривожланди. Ғўзанинг асосий поясининг биологик ривожланиши, меъёрда ўсиши, ҳосил шохлари ва кўсақларнинг ортиши

эгатни қарама-қарши томондан ва эгатни ўзгарувчан сув сарфи билан суғорилганда бошқа суғориш технологиялари қўлланилганига қараганда юқори самара олинди. 3 вариантда шартли соф фойда 1248,8-1291 минг сўм/га, ишлаб чиқариш назоратига нисбатан 517,5-550,2 минг сўм/га кўп бўлди. Ишлаб чиқариш назоратига нисбатан рентабеллик даражаси 7,7-10,2 фоизга ошганлиги кузатилди. 2 - вариантда шартли соф фойда 1094,1-1133,5 минг сўм, рентабеллик даражаси 34,6-35,7 фоиз бўлганлиги аниқланди. Ишлаб чиқаришда қабул қилинган эгатлаб суғоришга нисбатан 353,3-404,6 минг сўм кўшимча даромад олинганлиги ва рентабеллик даражаси 3,9-5,0 фоизга ошди.

### ҲОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ахмедов А. Сув тежаш технологиялари // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали, 2008 йил 8-сон, 37 бет.
2. Исабаев К.Т., Хамидов М.Х., Алиева Д. Экинларни суғориш ва ҳосилдорлик. Тошкент., "Меҳнат". 1991. - 104 бет.
3. Палуашова Г.К., Широкова Ю.И. Эффективность встречного полива хлопчатника по бороздам в условиях Хорезма., стр.151-161.
4. Nathan Larson, Sheetal Sekhri, Rajinder Sidhu. "Adoption of water-saving technology in agriculture: The case of laser levelers" / Water Resources and Economics, Volume 14, April 2016, Pages 44-64.

## СУГУРТА КОМПАНИЯЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Беҳзод ҲАҚБЕРДИЕВ,

Тошкент молия институти, мустақил тадқиқотчиси

**Аннотация:** Мазкур мақолада суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича амалга оширилган ислохотлар ва суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорлигини оширишда суғурта бозори кўрсаткичларини роли ва уларни таҳлили келтирилган ҳамда суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш йўналишлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Аннотация:** В этой статье дается обзор текущих реформ, направленных на повышение финансовой устойчивости страховых компаний, их роли и анализ эффективности страхового рынка в улучшении финансовой устойчивости страховых компаний, в том числе рекомендации по повышению финансовой устойчивости страховых компаний.

**Abstract:** This article provides an overview of ongoing reforms aimed at improving the financial stability of insurance companies, their role and analysis of the effectiveness of the insurance market in improving the financial stability of insurance companies, including recommendations for improving the financial stability of insurance companies.

Маълумки охириги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан суғурта соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг ёрқин ифодаси сифатида 2019 йил 5 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5464-сонли фармони асосида қабул қилинган Концепция 2-бўлимининг 10-чи банди суғуртага бағишланган бўлиб, унда суғурта институти ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, хусусан мулкни ва бошқа мулкрий манфаатларни ўзаролик асосида суғурталашни ривожлантириш ва бунда ихтиёрий бадаллар ҳисобидан шакллантирилган фондларни инвестицияга йўналтириш билан доимий даромад олишни кўзда тутиш белгилашни назарда тутилган.


Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августда “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги №ПҚ-4412-сонли қарори қабул қилиниб, ушбу қарор асосида 2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини жадал ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси” қабул қилинди. Ушбу “Йўл харитаси” 48 та бўлимдан иборат бўлиб, 30-чи бўлимида тадбиркорлик фаолияти суғуртаси ва ҳаёт суғуртаси билан бирга микро-

суғурта турларини ривожлантириш кўзда тутилди. Чунки иқтисодийни модернизациялаш ва ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири мамлакатнинг барча ҳудудларида суғурта компанияларининг бўлимларини ташкил этиш ва уларда микросуғурта маҳсулотларини таклиф этишни йўлга қўйиш ҳисобланади. Микросуғурта хизматлари юқори даромадга эга бўлмаган аҳоли ва кичик бизнес субъектларини суғуртавий ҳимоя қилишга мўлжалланган бўлиб, ушбу суғурта суғурталанувчи ва унинг оила-аъзоларини бахтсиз ҳодисалардан, мулкларини ёнғиндан, портлаш, zilзила ва бошқа стихияли ҳодисалардан, меҳнат қобилятини йўқотиш ёки вафот этиш, кредитни қайтмасликдан суғурталаш каби комплекс суғурта хизматларини таклиф этади. Ушбу суғурта арзон ва оддийлиги билан кўпчиликни ўзига жалб эта олади. Ушбу микросуғуртаниннг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат: масалан, маҳсулотнинг оддийлиги, нисбатан паст суғурта тарифлари, катта бўлмаган суғурта суммалари, турли истиснолар кам ёки умуман йўқ, суғурта ҳодисаси бўйича қопламани тўлашнинг оддийлиги ва талаб қилинадиган ҳужжатларнинг камлиги ҳамда микросуғурта маҳсулотлари ёрдамида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан боғлиқ хавф-хатарларни ҳамда фуқаролар ҳаёти ва фаолиятини суғурта хизматлари билан таъминлаш талаб этилиши билан суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорлигини

**Калит сўзлар:** суғурталовчи, суғурталанувчи, суғурта мукофоти, суғурта қопламаси, микро-суғурта, суғурта бозори, кичик бизнес субъектлари, иқтисодийни модернизациялаш.

ошириш муҳим эканлиги кўзда тутилган.

**Суғурта бозорида суғурталовчилар томонидан жами йиғилган суғурта мукофотлари (млрд. сўм)**



**1-расм. Суғурта бозорида суғурталовчилар томонидан йиғилган жами суғурта мукофотлари тўғрисида маълумот.**

Манба: <http://www.mf.uz> веб-сайти маълумотлари асосида тайёрланган.

Шунингдек 2019 йил 5 апрелда “Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5464-сонли фармони асосида қабул қилинган Концепциянинг 10-бўлимида ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш кўзда тутилган ўзаро суғурта суғуртанинг алоҳида ва нотижорат шакли бўлиб, чет мамлакатларда кенг ривожланган ва кўпгина мамлакатларда унинг ҳажми жами суғурта хизматларининг 40-фоиздан ортиғини ташкил этмоқда, баъзи мамлакатларда эса ундан ҳам ортиқ. Ўзаро суғуртанинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, аввало ушбу суғуртанинг оддий кўриниши нотижорат шаклида бўлиб, ўз аъзоллигига кўп ҳолларда маълум касб эгаларини (ҳаёт суғуртасидан бошқа суғурта турларида), юридик шахслар ўртасида тузилган бундай жамиятлар бир тармоққа мансуб корхоналарни ихтиёрийлик асосида ўзида бирлаштиради. Концерн ёки холдинглар таркибига кирувчи корхоналар ўртасида ташкил этилган ўзаро суғурталаш жамиятлари фаолият айнақса ҳар жиҳатдан қулай шароитга эга бўлади.

Ўзаро суғурталаш жамиятларида барча суғурталовчилар ушбу жамиятнинг аъзоси бўлганлиги туфайли ушбу жамият фаолият тўғрисидаги барча маълумотлар очиқ бўлиб, бу ушбу жамиятга бўлган юқори даражадаги ишончни таъминлайди. Инвестицион фаолиятдан кўрилган даромад ва суғурта ҳодисаларининг кам юз беришидан манфаатдорликнинг мавжудлиги суғурта ҳодисаларининг камайишига сабаб бўлади. Ўзаро суғуртани қишлоқ хўжалигида жорий этиш айнақса юқори самардорликка эришиш имконини беради. Ушбу суғурта шаклининг энг муҳим жиҳати ташкилий ва маъмурий харажатларнинг камлиги ҳисобига йиғилган суғурта бадалларининг 90

фоизгача бўлган қисмини суғурта қопламалари учун йўналтириш имконининг мавжудлигидир. Мамлакатимизда ушбу кўрсаткич бугунги кунда 20 фоиздан ортиқроқни ташкил этмоқда. Ушбу ҳолатни бизни суғурта бозорида йиғилган суғурта мукофотлари ва амалга оширилган суғурта тўловлари миқдоридан келиб чиқиб қуйида келтирилган расм маълумотларидан кўришимиз мумкин.

Ушбу расмда суғурталовчилар томонидан охириги 5 йил давомида суғурта бозорида йиғилган жами суғурта мукофотлари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Мазкур маълумотларга эътиборни қаратадиган бўлсак, суғурта бозорида охириги 5 йил давомида йиғилган суғурта мукофотлар динамикаси ўсиб борган. Чунки охириги йилларда ҳуқуқатимиз томонидан суғурта соҳасига жуда катта эътибор қаратилганлиги боис кўрсатиладиган суғурта хизматларининг сифати яхшиланиши натижасида суғурта хизматида бўлган талаб ошганлигидан далолат беради. Яъни 2014 йилда суғурталовчилар томонидан йиғилган суғурта мукофотларининг улуши 439,1 млрд.сўмни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2016 йилда 692,6 млрд.сўмни, 2018 йилда эса 1635,2 млрд.сўмни ташкил қилган. Ушбу кўрсаткич натижаларини юзага келиши суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорлик йўналишларини белгилаш сифатида қараш мумкин.



**2-расм. Суғурта бозорида суғурталовчилар томонидан амалга оширилган суғурта тўловлари тўғрисида маълумот.**

Манба: <http://www.mf.uz> веб-сайти маълумотлари асосида тайёрланган.

2-расмда, суғурта бозорида суғурталовчилар томонидан амалга оширилган суғурта тўловлар тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Ушбу маълумотларга эътиборни қаратадиган бўлсак 2014 йилдан то 2018 йиллар давомида суғурталовчилар томонидан амалга оширилган суғурта тўловлар миқдори ўсиб борган. Масалан 2014 йилда суғурта бозорида суғурталовчилар томонидан амалга оширилган суғурта тўловлари



миқдори 74,6 млрд.сўмни ташкил қилган бўлса бу кўрсаткич 2016 йилда 130,5 млрд.сўмни, 2018 йилда эса 460,8 млрд.сўмни ташкил этган.

Юқорида келтирилган 1-2-расм таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, шундай хулоса чиқариш мумкинки, суғурта бозорида йиғилган суғурта мукофотлари билан амалга оширилган суғурта тўловлари ўртасидаги фарқ жуда катта миқдорни ташкил этади. Бу ўз навбатида суғурта ташкилотлари ихтиёрида катта миқдордаги молиявий ресурсларни шаклланганлигини ҳамда инвестиция мақсадида йўналтирилганлигидан далолат беради. Суғурта ташкилотларининг ҳам бўш маблағларини инвестицияга йўналтирилганлигини қуйида келтирилган 3-расм маълумотларидан кўришимиз мумкин.



3-расм. Суғурталовчилар томонидан инвестицияга йўналтирилган маблағлар ҳажми тўғрисида маълумотлар.

Маба: <http://www.mf.uz> веб-сайти маълумотлари асосида тайёрланган.

Ушбу расмда суғурталовчилар томонидан инвестицияга йўналтирилган маблағлар ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган. Мазкур ҳолатга кўра суғурталовчилар томонидан инвестицияга йўналтирилган маблағлар йиллар мобайнида ўсиб борган. Масалан, 2014 йилда суғурталовчилар томонидан инвестицияга йўналтирилган маблағлар ҳажми 623,7 млрд.сўмни, 2016 йилда 867,5 млрд.сўмни, 2018

йилда эса 2010,7 млрд.сўмни ташкил қилган. Суғурталовчилари томонидан инвестицияга йўналтирилган маблағларнинг бундай ўсишига асосий сабаб охириги йилларда кўрсатиладиган суғурта хизматининг турлари кенгайиб, аҳолига сифатли суғурта хизматларини кўрсатилиши натижасида суғурталовчилар ихтиёрида катта миқдордаги пул маблағларининг йиғилишига ҳамда қўшимча инвестиция фаолиятини амалга оширишга олиб келган. Бу эса суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорлик даражасини мустақамланишига олиб келади.

Юқоридаги таҳлил натижаларидан келиб чиқиб биз суғурта компанияларининг молиявий барқарорлик даражасини янада ошириш мақсад қуйидагиларни таклиф этдик:

Биринчидан. Дебитор қарзларнинг шаклланишига мутлоқа йўл қўймаслик лозим. Бунинг сабаби шундаки, дебитор қарзлар суғурта ташкилотларида пул маблағлари оқимида салбий таъсир кўрсатади.

Иккинчидан. Суғурталовчиларнинг инвестиция портфелида дивиденд шаклида фойда келтирмайдиган кимматли қоғозларнинг “жонсиз капитал” тарзида сақланиб туришини олдини олиш лозим. Имкон қадар, пул маблағларини бошқаришда активларнинг риск даражаси минимал, аммо катта даромад келтириш имконияти мавжуд объектларга инвестиция қилиниши мақсадга мувофиқ.

Учинчидан. Суғурта ташкилотлари ва давлат бюджети ўртасида солиқ тўлаш билан боғлиқ молиявий ресурслар оқимини тўғри ва қонунчиликка риоя этган ҳолда ташкил этиш зарур. Зеро, нотўғри ҳисобланган солиқлар ёки солиқларни қонунчиликда белгиланган муддатларда тўламаслик, пировардида, молиявий ресурслар оқимини бошқариш самарадорлигини пасайтиради.

### ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августда “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412-сонли қарори.
2. 2019 йил 5 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5464-сонли фармони.
3. Кенжаев И.Е., Матиязова С.Р., Адилова Г.Д. Суғурта махсулотлари сотишни ташкил этиш. Ўқув қўлланма. “Иқтисод-молия” нашриёти. Тошкент-2018 йил.
4. Абдурахмонов И.Х. Суғурта назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. “Иқтисод-молия” нашриёти. Тошкент-2018 йил.
5. <http://www.mf.uz> веб-сайти маълумотлари.

## ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА АСОСИЙ ТАРМОҚДАН ТАШҚАРИ БОШҚА ТАРМОҚЛАРНИ ҲАМ ТАШКИЛ ЭТИШ ЗАРУРАТИ

Халықназар ҚАЛИМБЕТОВ,

Қорақалпоқ давлат университети, иқтисод фанлари бўйича (PhD)

Бибисара ЕРЕЖЕПОВА,

Қорақалпоқ давлат университети, ассистент

**Аннотация:** Мақолада “кўп тармоқли фермер хўжалиги” фаолиятининг иқтисодий моҳияти, фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалигида асосий тармоқдан ташқари бошқа тармоқларни ҳам ташкил этиш зарурати баён этилган. Шунингдек бу мақолада мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш борасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохатлар ва уларнинг халқ фаровонлигига таъсири ҳақида ёзилган.

**Аннотация:** В статье рассматривается необходимость организации в фермерских хозяйствах других отраслей сельского хозяйства кроме основной, а также экономическое значение многоотраслевого фермерского хозяйства. Также в данной статье рассказывается об экономических реформах, осуществляемых в нашей стране для обеспечения стабильного экономического роста, и их влияние на благополучие народа.

**Abstract:** The article discusses the need for organizing in farms of other branches of agriculture other than main one, as well as the economic importance of a diversified farm. And also this article tells about the economic reforms carried out in our country to ensure sustainable economic growth, and their impact on the welfare of the people.

Республикада кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-4478-сонли Фармонига мувофиқ амалга оширилади бошланди. Фармон асосида қишлоқ хўжалигида амалий тадбирлар билан биргаликда бу борадаги илмий фаолият ҳам ривожланиб бошлади.

Таъкидлаш лозимки, хўжаликда қўшимча тармоқлар фаолиятини йўлга қўйган, яъни кўп тармоқли фермер хўжалигини ташкил этиш орқали фермер хўжаликлари қандай ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиши лозимлигини тушуниб олиши лозим. Бу масала, ишлаб чиқариш нуқтаи- назаридан ҳам, фермерлик фаолиятини ҳудудлар ва мамлакат доирасида бошқариш нуқтаи – назаридан ҳам, шунингдек кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг илмий асосларини шакллантирувчи илм-фан соҳалари фаолияти учун муҳим ҳисобланади. Бу эса кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини турлича ту-

шунишнинг олдини олади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тадбиркорлик субъекти сифатида олдиға қўядиган мақсади бозор конъюнктурасидан унумли фойдаланган ҳолда фақатгина фойда олиш ва оладиган фойдаси миқдорини ошириб бориш ҳисобланади. Бунда фермер хўжаликлари фаолияти амалдаги қонунлар доирасида, ўзларига узоқ муддатли ижара асосида бириктириб берилган қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш, моддий-техник ресурсларини тежаш имконини берувчи инновацион технологияларни амалиётга тадбиқ қилиш, меҳнатни рағбатлантириш механизмларини жорий қилиш орқали эришилади.

Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришнинг фойдалилик даражаси ортиши бу нафақат қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш ҳисобига балки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, савдо фаолиятини ривожлантириш, саноатнинг бошқа тармоқлари ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш бўйича қўшимча тармоқлар ҳисобига ҳам шаклланиши лозим.

**Калит сўзлар:** фермер хўжалиги, қишлоқ хўжалиги, кўп тармоқли фермер хўжаликлари, асосий тармоқ, қўшимча тармоқ, етакчи тармоқ, моддий-техник ресурс, хизмат кўрсатиш.

Бу борада қўшимча тармоқларни ташкил қилган фермер хўжаликлари яъни “Кўп тармоқли фермер хўжалиги” фаолиятининг иқтисодий моҳияти юзасидан баъзи назарий масалалар ҳал этиш талаб этилади. Ишлаб чиқариш соҳаларидаги тармоқ атамаси – иқтисодий жиҳатдан яхлит ишлаб чиқариш бўғинининг умумий мақсадларига хизмат қилувчи ёки ўзаро технологик жиҳатдан бир-бири билан боғланган, аниқ вазифаларни бажарувчи (тайёр маҳсулот етиштирувчи) бўғинлари тушунилади.

Иқтисодий нуқтаи назардан “тармоқ” атамасига тариф берилар экан кўп ҳолларда бир хил технология асосида ўзаро яқин хусусиятга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар мажмуи тушунилади [1].

Жумладан, Б.А.Райзберг, Л.Ш.Лозовский ва Е.Б.Стародубцевалар “тармоқ” атамасига берган таърифи ҳам шунга ўхшаш маънони касб этиб қуйидагича кўринишга эга: «Тармоқ – ўхшаш технологиялар асосида ишлаб чиқарилувчи, ўхшаш истеъмол хусусиятларига эга бўлган маҳсулотлар яратувчи ишлаб чиқариш ва корхоналар мажмуидан иборат бўлади» [2].

Иқтисодий нуқтаи назардан “тармоқ” атамасига юқоридагига ўхшаш бўлган тарифни бошқа манбаларда ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, тармоқ – атамаси биринчи маънода – мамлакат, ҳудуд иқтисодининг соҳасини ўзида акс эттириб, алоҳида йўналишдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзида акс эттиради деб талқин қилинса; иккинчи маънода маркетинг тамойиллари доирасида баҳо берилиб бунда тармоқ – бир бири билан боғлиқ бўлган маҳсулотлар ва товарларни бозорга таклиф қилувчи сотувчилар ёки ишлаб чиқарувчилар йиғиндисидан иборат деб қаралади» [3].

Муаллифлар Грэхэм Бетс, Барри Брайндли, С.Уильямсларнинг тармоқ атамасига берган тарифи эса анча умумий бўлиб, ушбу муаллифларнинг фикрича «Тармоқ– мақсадли ташкил этилган фаолият бўлиб, бунда капитал ва меҳнатдан товарлар ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланилади» [4].

Демак, хулоса қиладиган бўлсак, “тармоқ атамаси товарлар ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан – ягона бир ўзаро боғлиқ йўналишларни жамлаган соҳа доирасида амал қиладиган, ўхшаш ва бир-бири билан боғлиқ бўлган технологиялар асосида ишлаб чиқариладиган аммо, ишлаб чиқаришнинг бирон бир

мустақил ҳамда тугалланган, аниқ маҳсулотлар етиштиришни кўзда тутувчи бўғинини англатади”. Ушбу ўзаро боғлиқ тармоқларни ижтимоий ва иқтисодий аҳамияти жиҳатидан етакчи ҳамда қўшимча тармоқларга ҳам ажратиш мумкин.

Юқоридаги фикрлардан асосида хулоса қиладиган бўлсак, қўшимча тармоқларни ташкил қилган “Кўп тармоқли фермер хўжалиги”нинг етакчи тармоғи сифатида – маҳаллий ҳокимиятлар томонидан фермер хўжалигига узоқ муддатли асосда ижарага ер майдонларини ажратишда икки томонлама имзоландиган ижара шартномасида кўзда тутилган ихтисослашув йўналиши бўйича маҳсулот етиштириш танланиши объектив асосга эга бўлади деб ҳисоблаймиз. Хусусан, чорвачилик соҳасида ихтисослашув билан ер майдонларини ижарага олган фермер хўжаликларининг етакчи тармоғи – чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш қабул қилинади. Ем-хашак ишлаб чиқариш ёки сабзавотлар етиштириш ёки бошқа ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш ушбу фермер хўжалиги учун қўшимча тармоқ сифатида қабул қилиниши мақсадга мувофиқ.

“Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунида ҳам фермер хўжаликларининг ихтисослашув йўналишларига мос равишда ер майдонларини ажратиш шартномасида фермер хўжаликларининг ихтисослашув йўналишлари аниқ белгилаб қўйилади. Бу эса ўз ўрнида қўшимча тармоқларни ташкил қилган фермер хўжаликларида турли мақсадлардаги тадбирларни амалга оширишда (солиққа тортиш, кредитлаш, бухгалтерия ҳисоботи, иқтисодий таҳлил каби масалаларда) етакчи ва қўшимча тармоқларни ажратиш олишда аниқлик ва қулайликлар туғдиради.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда қўшимча тармоқлар фаолиятини йўлга қўйган фермер хўжаликлари кўп тармоқли фермер хўжаликлари сифатида ривож топмоқда. Хусусан, фермер хўжаликларининг фаолияти, қачон ва қандай ҳолатларда кўп тармоқли фермер хўжалиги сифатида номланиши борасида аниқ ҳуқуқий асослар шакллантирилмаган. Шу боис бизнинг назаримизда:

“Кўп тармоқли фермер хўжаликлари” – бу ер участкаларини узоқ муддатли ижарага олиш пайтида кўзда тутилган ишлаб чиқа-

риш йўналиши бўйича белгиланган етакчи тармоққа нисбатан қўшимча равишда қонунларда тақиқланмаган бошқа фаолият турларини ташкил қилиш (моддий ва номоддий ишлаб чиқариш) орқали товар ишлаб чиқаришни ташкил этган фермер хўжаликларидир.

Янгидан ташкил қилинган қўшимча тармоқлар фермер хўжалиги учун ажратиб берилган ер майдонлари, ёки фермер хўжалигининг ноқийшлоқ хўжалиги ер майдонларидан ташқарида ҳам жойлашган бўлиши мумкин.

Умуман олганда фермер хўжаликларида қўшимча тармоқларни ташкил қилиш – хўжаликнинг етакчи фаолият тури бўйича етиштирилаётган маҳсулотлар билан биргаликда, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа соҳалардаги фаолият юритишни ташкил этиш орқали (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш, турли йўналишларда хизматлар кўрсатишни ташкил этиш каби) фермер хўжалигининг иқтисодий аҳволини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар мажмуидан иборат.

Бизнинг назаримизда фермер хўжаликларида қўшимча тармоқлар фермер хўжаликларининг етакчи тармоғи билан технологик жиҳатдан уйғунликда ёки етакчи тармоқ билан технологик жиҳатдан боғлиқ бўлмаган йўналишларда ҳам йўлга қўйилиши мумкин. Фермер хўжаликларида қўшимча тармоқ етакчи тармоқ фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш (моддий ёки номоддий ишлаб чиқариш) йўналишларида ташкил этилган ҳо-

латларда қуйидаги расмда кўрсатилган фаолият турларидан бири ёки бир нечтаси танланиши мумкин (1-расм).



**1-расм. Фермер хўжаликларида етакчи тармоқлар билан технологик уйғунликда ташкил қилинадиган қўшимча тармоқ таркиби**

Фермер хўжаликларида қўшимча тармоқларни ташкил қилишда фермер хўжаликлари тадбиркор сифатида ўз хусусий манфаатлари доирасида фаолият юритгани ҳолда, қўшимча тармоқларни ташкил этган тўлиқ ихтиёрий равишда амалга оширилиши лозим. Шундагина фермерда эркин бозор талабларига мослашиш имкони пайдо бўлади, таннархи рақобатга бардошли маҳсулотлар етиштириб бозорга тақдим этишга юқори даражадаги манфаат юзага келади.

Қўшимча тармоқлар ташкил қилиниши фермер хўжаликлари учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасининг мавсумийлик хусусиятини юмшатиш ҳисобига мавжуд моддий-техник ресурслар, айниқса иш кучидан самарали фойдаланиш ҳисобига молиявий барқарорликка эришиш манбаи ҳисобланиши билан биргаликда, ҳудудларда бозорлар тўкинчилиги, нарх-навонинг барқарорлиги, қишлоқ жойларида қўшимча иш ўринлари ташкил қилиниши ҳисобига жамият учун ҳам манфаатли фаолият ҳисобланади.

#### ҲОЛДАНИЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:

1. [http://ru.wikipedia.org/wiki/Отрасль\\_экономики](http://ru.wikipedia.org/wiki/Отрасль_экономики).
2. Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. 2-е изд., испр. -Москва: ИНФРА
3. <http://dic.academic.ru/dic.nsf/business/9441>.
4. Бизнес. Толковый словарь. -М.: «ИНФРА-М», Издательство «Весь Мир». Грэхэм Бетс, Барри Брайндли, С. Уильямс и др. Общая редакция: д.э.н. Осадчая И.М. 1998. -<http://dic.academic.ru/dic.nsf/business/9441>.



## О НЕОБХОДИМОСТИ УСТАНОВКИ СОЛОМОПРЕССУЮЩЕГО АППАРАТА НА ЗЕРНОВОЙ КОМБАЙН В УСЛОВИЯХ УЗБЕКИСТАНА

**Қодир ШАВАЗОВ,**

Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации  
сельского хозяйства, доцент

**Муқаддас ШОУМАРОВА,**

Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации  
сельского хозяйства, профессор

**Тулеген АБДИЛЛАЕВ,**

Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации  
сельского хозяйства, доцент

**Аннотация:** В статье предложено приспособлять серийные пресс-подборщики к агрегатированию непосредственно зерновым комбайном. Это даст возможность сократить число заездов различных машин на поле, а также улучшит состав соломы при её использовании в качестве грубого корма. Также агрегатирование не ухудшит работу комбайна, не потребуются дополнительный расход энергии.

**Аннотация:** Мақола ишлаб чиқарувчиларни тўғридан-тўғри дон комбинати билан агрегатцияга мослаштиришни таклиф қилади. Бу майдондаги турли хил машиналардан фойдаланиш сонини камайтириш имкониятини яратади, шунингдек, ғалла сомони сифатини яхшилайдди. шу билан биргаликда, сомонни йиғиштиришда комбайн ишини осонлаштиради ва энергия сарфини камайтиради.

**Abstract:** The article proposes to adapt serial balers to aggregation directly with a grain combine. This will make it possible to reduce the number of rides of various machines on the field, as well as improve the composition of straw when it is used as roughage. Also, aggregation will not worsen the operation of the combine, additional energy consumption will not be required.


**В** условиях Узбекистана имеется потребность в заготовке соломы зерновых культур. Солома зерновых широко используется в качестве грубого корма для домашних животных, а также как строительный материал. Поэтому с комбайнов демонтируются соломо-измельчающее и разбрасывающее устройства, отчего солома оставляется в виде валка небольшой ширины (чуть больше одного метра). Затем на поле заезжает агрегат с пресс-подборщиком, который подбирает грубую часть соломы, удерживаемую стерней на некоторой высоте. При этом мелкая часть соломы (полова, неполноценные зерна, измельченные колосья и т.д.) проходит сквозь остатки стеблей стерни вниз, на землю. Лишние заезды машин, воздействуя механически, уплотняют почву. Если запоздать с подбором соломы, влажность почвы резко снижается, возрастут расходы поливной воды, затянется подготовка поля к повторным посевам. Поэтому следует ускорять уборку и вывоз соломы с поля.

Для этого, на наш взгляд, следует на комбайн вместо соломоизмельчающего и разбрасывающего устройства устанавливать соломопрессующий аппарат. Это позволит за один проход комбайна убрать весь биологический урожай, резко ускорить подготовку поливных земель к посеву повторных культур. Энергия, которая фирмой-изготовителем комбайна была предусмотрена для функционирования снятого соломоизмельчающего и разбрасывающего устройств, теперь будет использоваться на работу соломопрессующего аппарата. Мощность мотора комбайна теперь будет использоваться более полно, что полезно.

Мы изучили возможность оснащения комбайна соломо-прессующим устройством. Объем камеры соломоизмельчающего - разбрасывающего устройства комбайнов вполне достаточен для установки там соломопрессующего аппарата. Эту задачу можно решить в трех вариантах. В целях сохранения ширины существующей камеры комбайна можно спро-

**Ключевая слова:** пресс-подборщик, комбайн, грубо корма, почва, поливное земли, повторные культура, биологический урожай, эффективность, агрегат, строительный материал.

ектировать специальное компактное соломопрессующее устройство, используя опыт создания пресс-подборщиков. Создание такого устройства, компоновка которого давала бы возможность вмонтировать его в любой комбайн будет сложной задачей. Поэтому целесообразнее будет приспособлять имеющиеся модели пресс-подборщиков к любому комбайну. Правда, при этом потребуется несколько переделывать служебные части пресс-подборщика, приспособляя к конструкции комбайна. Однако, все рабочие органы будут сохранены без изменений. Но, в этом варианте прессующий аппарат расположится за пределами камеры соломоизмельчающего и разбрасывающего устройства, но в пределах ширины колеи ведущих передних колес комбайна.



**Рис.1. Схема агрегатирования пресс-подборщика непосредственно комбайном.**

На рис.1. приведена примерная схема агрегатирования пресс-подборщика с верхней подачей Российского производства комбайном Dominator 130. В средней части балки задних управляемых колес комбайна имеется крепежное место для соломоизмельчающего устройства. Сюда следует установить прицепную серьгу для пресс-подборщика. Имеющееся дышло длинного прицепного устройства

пресс-подборщика потребуется заменить короткими тягами 2 и 3. Длины тяг 2 и 3 следует устанавливать такими, чтобы промежуток между задним колесом комбайна и главным редуктором 13 пресс-подборщика было не менее 50 см. Нет надобности сохранять пальцевой подбирающий барабан, поэтому его можно демонтировать. Ленточный транспортер же остается без изменений.

Для направления потока соломы, сходящего с клавиш 15 соломотряса непосредственно на сохранившийся транспортер 1 достаточно установить щит 6 А. Для направления сходящего с верхнего решета материала на тот же транспортер, потребуется установить щиток 6 А под углом не менее  $\alpha=300$ . Пространства для установки щитка под таким углом, когда будет обеспечено безостановочное скольжение половы к транспортеру достаточно, что облегчит достижение цели.

Ширина верхнего решета и соломотряса комбайна 105 см, а ширина захвата транспортера пресс-подборщика 160 см. При агрегатировании пресс-подборщика желательно, чтобы габаритная ширина всего агрегата не стала больше ширины комбайна. Иначе, это может ухудшить его маневренность. Поэтому целесообразно совместить левый край транспортера с левой границей камеры соломоизмельчителя, чтобы левее за этой границей разместился только прессующий аппарат. В таком случае правый край транспортера, шнека и ходовое колесо окажутся вынесенными за пределы правой границы камеры соломоизмельчителя. С такой ситуацией можно согласиться, т.к. габаритная ширина агрегата не станет шире колеи ведущих колес комбайна.

На рис 1 в показан вариант совмещения ширины пресс-подборщика с шириной ка-

меры соломоизмельчителя за счет обрезки правой части (шириной 60 см) подборщика, транспортера и шнека при сохранении катка 4 и правого колеса 5 подборщика на своих местах. При агрегатировании пресс-подборщика непосредственно комбайном технологический процесс последнего абсолютно не изменится, за исключением разбрасывания соломы. Теперь солома, сошедшая с клавиш соломотряса, а также мелкие и легкие частицы, сошедшие с верхнего решета поступают на транспортер подбирающего устройства, который доставляет их до шнека. Шнек, в свою очередь, принимает поступающий по всей ширине транспортера солому и перемещает ее в камеру прессования поршнем. Далее поршень уплотняет принятого солому до определенных размеров в виде параллелепипеда, обвязывает. После этого готовый тюк сбрасывается на землю.

Если урожайность зерновых  $H=46$  ц/га (при соломистости  $v=0,6$ ) комбайн Dominator 130, имея ширину захвата  $B=4$  м и секундной обмолачивающей (пропускной) способностью  $q = 6$  кг/с должен иметь рабочую скорость  $Y=q/vH \leq 6 \cdot 10000 / 4 \cdot 4000 = \leq 2,5$  м/с или до 9 км/час. Однако, специалисты в условиях Узбекистана рекомендуют скорость комбайна устанавливать около 6 км/час. При скорости  $V = 6$  км/час в молотильный аппарат каждую секунду будет по-

ступать 3,0 кг хлебной массы. Следовательно, в пресс-подборщик агрегируемый комбайном будет поступать соломы до 1,8 кг/с. Если прессующий аппарат настроить на плотность прессования соломы в 170 кг/м<sup>3</sup> (максимально 200 кг/м<sup>3</sup>), то тюки массой 25 кг будут формироваться через каждые 20 м пути. Прессующий аппарат не будет перегружен. При меньшей урожайности и соломистости, естественно, загруженность прессующего аппарата будет еще меньше.

Проведенный анализ позволяет сделать следующие выводы:

Имеется техническая возможность адаптации серийных пресс-подборщиков к агрегатированию непосредственно зерновым комбайном, внося незначительные конструктивные изменения

Агрегатирование пресс-подборщика непосредственно зерновым комбайном улучшит качество запрессованной соломы, а также сократит число заездов машин на поле.

При агрегатировании пресс-подборщика непосредственно комбайном габаритная ширина агрегата не изменится, длина возрастает на 1,4 м общий расход энергии не возрастет

При работе комбайна даже на высокоурожайных полях, количество собираемой соломы не вызовет перегрузки прессующего аппарата.

#### ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

1. Шоумарова.М, Абдуллаев.Т. «Қишлоқ хўжалиги машиналари» Тошкент, 2009
2. Поединок. В.Е «Комплексная механизация заготовки кормов» Москва , 1989.

**УЗУМЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШДА ХУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАР****Баҳром ШАФКАРОВ,**Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари  
институту докторанти, и.ф.н.

**Аннотация:** Мақолада мамлакатимизда узумчилик тармоғининг аҳамияти, ҳудудий хусусиятлари, хусусан мамлакатимизнинг жанубий минтақаси бўлган Сурхондарё вилоятининг узум етиштириш ҳажми, қайта ишлаш қуввати ва ундан фойдаланиш ҳолати ҳамда вилоят узумчилик тармоғини имкониятлари тадқиқ этилган ва уни ривожлантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

**Аннотация:** В статье исследуется значение виноградников в стране, его региональные особенности, в том числе объем выращивания винограда, перерабатывающие мощности и использование южного региона Сурхандарьинской области, а также возможности развития регионального виноградника.

**Abstract:** The article explores the importance of vineyards in the country, its regional features, including the volume of grape growing, processing capacity and use of the southern region of the Surkhandarya region, as well as the possibility of developing a regional vineyard.

**М**аълумки, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг пировард мақсади қишлоқ аҳолисида тадбиркорлик қобилиятини шакллантириш асосида мавжуд меҳнат ва табиий-иқтисодий ресурслардан оқилона фойдаланиш, аграр секторнинг барча тармоқларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш орқали аҳолининг сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига, саноат корхоналарининг эса хом ашёга бўлган эҳтиёжларини узлуксиз қондиришга қаратилган. Ушбу мақсадга эришишда қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири ҳисобланган узумчилик тармоғи муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у аҳолини қимматбаҳо истеъмол маҳсулоти – узум меваси, виночилик саноатини эса хом ашё маҳсулотлари билан таъминлайди.

Мамлакатимиз шароитида барча ҳудудларнинг географик жойлашуви, ривожланиш даражаси, демографик ҳолати, ресурслар (табиий, меҳнат)нинг тақсимланиши ҳамда ихтисослашувига кўра турличалиги узум етиштириш ва уни барқарор ривожлантириш имкониятларини баҳолашда ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ёндашиш зуруратини келтириб чиқаради. Назарий жиҳатдан ҳудуд – бу географик маконнинг сиёсий, иқтисодий, табиий ёки ижтимоий чегараси. Хусусият эса – бирор объект ёки субъектнинг ўзига хос, бошқалардан ажралиб турадиган томони, ўзига хос белгисидир [1].

Айтиш мумкинки, узум етиштириш ва уни

барқарор ривожлантиришнинг ҳудудий хусусияти – бу узумчилик хўжалиги жойлашган ҳудуднинг иқтисодий, табиий ва ижтимоий жиҳатдан ўзига хос, узум етиштириш фаолиятига таъсир даражасига кўра бошқа ҳудудлардан ажралиб турадиган томони, белгисидир.

Узум ва узумчилик маҳсулотлари республикамизнинг барча ҳудудларида етиштирилсада, ҳар бир ҳудуд ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Хусусан етиштирилаётган узум нави, таркиби ҳамда етиштириш агротехнологияси минтақалар кесимида турлича ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда истеъмолчилар орасида маҳсулотни ҳудуд номи билан аташ ҳолати кузатилади. Паркент узуми, Каттақўрғон магизи, Водий гавҳари (Ризамат ота нави) каби номлар узумнинг ҳудудлар орасида узоқ йиллик деҳқончилик маданияти натижасида эришилган тажрибалари орқали халқ тилига тушган.

Узум етиштириш ва уни қайта ишлашда етакчи вилоятлардан бири бу Сурхондарё вилояти саналиб, унинг ижобий иқлим самарасига эгаллиги, тоғ ва тоғолди ҳудудларнинг шамол айланиши ва сув билан таъминланишида нисбатан қулай географик жойлашуви узум етиштириш ва уни қайта ишлаш корхоналарининг самарали фаолиятига хизмат қилади.

Сурхондарё вилоятида токзорлар майдони 2016 йил ҳолатига барча тоифадаги хўжаликларда 13,4 минг гектарни, 2017 йилда 9,6 минг гектарни ҳамда 2018 йилда 9,2 минг гектарни ташкил этмоқда.

**Калит сўзлар:** Узумчилик, салоҳият, имконият, ҳудудий хусусияти, интергация, модернизация, тўлов шакли, узум баҳоси, ўзаро иқтисодий муносабатлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари.



Хўжаликлар кесимида ҳолатни таҳлил этадиган бўлсак, фермер хўжаликларида 2016 йилда 10,0 минг гектар, 2017 йилда 6,4 минг гектар ва 2018 йилда 6,0 минг гектар тоқзорлар мавжуд бўлса, деҳқон хўжаликларида 2016 йилда 3,3 минг гектар ёки жами тоқзорларнинг 24,6 % ини, 2017 йилда 2,6 минг гектар ёки 27,0 % ини ҳамда 2018 йилда 2,6 минг гектар ёки 28,3 фоиз гектар тоқзорлар мавжуд. сўнги 3 йилда барча тоифадаги хўжаликларда тоқзорлар майдони 31,3 фоизга, хусусан фермер хўжаликларида 40 фоизга камайган. (1-жадвал).

1-жадвал. Сурхондарё вилоятида узум етиштириш иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари [2]

Кўрсаткичлар		Йиллар			2016 йил 2018 йилга нисбатан, % да	
		2016	2017	2018		
Тоқзорлар майдони, минг гектар	Барча хўжаликларда	13,4	9,6	9,2	68,7	
	Фермер хўжаликларида	Жами	10,0	6,4	6,0	60,0
		Улуши, %	74,6	66,7	87,4	87,4
	Деҳқон хўжаликларида	жами	3,3	2,6	2,6	78,8
Улуши, %		24,6	27,1	28,3	114,8	
Узум ялпи ҳосили, минг тонна	Барча хўжаликларда	109,8	100,0	91,9	83,7	
	Фермер хўжаликларида	Жами	52,7	38,9	41,4	78,6
		Улуши, %	48,0	38,9	45,0	93,9
	Деҳқон хўжаликларида	Жами	56,4	58,8	47,7	84,6
Улуши, %		51,4	58,8	51,9	101,0	
Узум ҳосилдорлиги, ц/га	Барча хўжаликларда	104,6	116,1	108,8	104,0	
	Фермер хўжаликларида	Жами	81,4	67,8	92,6	92,6
		Улуши, %	77,8	58,4	89,1	89,1
	Деҳқон хўжаликларида	Жами	174,8	228,7	106,4	106,4
Улуши, %		167,1	197,0	102,3	102,3	

Сурхондарё вилоятида етиштирилган узум ялпи ҳосилини таҳлил этадиган бўлсак, 2016 йилда барча тоифадаги хўжаликларда жами 109,8 минг тонна узум етиштирилган бўлса, 2018 йилда 100 минг тонна маҳсулот етиштирилган.

Етиштирилган маҳсулотни хўжаликлар кесимида таҳлил этсак, 2016 йилда етиштирилган маҳсулотнинг 48 фоизи ёки 52,7 минг тоннаси фермер хўжаликлари зиммасига тўғри келса, 2018 йилда бу кўрсаткич 41,4 минг тоннани ёки жами маҳсулотнинг 45 фоизини етиштирган. 2016–2018 йилларда мазкур хўжаликлар томонидан етиштирилган узум 22 фоизга камайган.

Вилоятда мавжуд деҳқон хўжаликларида

эса, 2016 йилда етиштирилган маҳсулотнинг 51,4 фоизи ёки 56,4 минг тоннаси айнан шу хўжаликлар зиммасига тўғри келса, 2018 йилда бу кўрсаткич 47,7 минг тоннани ёки жами маҳсулотнинг 51,9 фоизини ташкил этмоқда.

Сурхондарё вилоятида бугунги кунда умумий 17300 тонна қувватга эга бўлган жами 9 та қайта ишлаш корхонаси мавжуд бўлиб, улар орасида «Денов вино-ароқ» АЖ, «САВВ» МЧЖ, «Мусаллас» Агрофирмаси ва «Султон шарбати» МЧЖ лар тенг қувватга эга бўлган яъни 1500 тонна узумни қайта ишлаш имкониятига эга бўлган корхоналар

саналиб, вилоятда энг йирик узумни қайта ишлаш корхонаси бу 3000 тонналик қувватга эга бўлган «Саховат» қўшма корхонасидир (2-жадвал).

Узум маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг тўлиқ қувватда иш фаолиятини олиб бормаслик сабаблари қуйидагиларни қамраб олади. Жумладан, маҳсулотни йиғиштириб олишда хом ёки ўта пишиб кетганларини йиғиштириб олиш технологиясига риоя қилмаслик, маҳсулотларни ташишда махсус техникаларнинг етишмаслиги натижасида сифатнинг бузилиши ва исрофгарчиликка йўл қўйилиши; маҳсулотни сақлаш учун махсус омборхона бинолари ва музлатгичларнинг етишмаслиги; қайта

ишлаш корхоналарини мавжуд хом ашё ресурсларига кўра оптимал жойлашмаганлиги; қайта ишлаш корхоналарининг тўла қувватда бир меъёрда ишламаслиги;

Қайта ишлаш корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватидан тўлиқ фойдалана олмаслик сабаблари сифатида қуйидаги омилларни кўрсатишимиз мумкин:

– аввало мавжуд қайта ишлаш корхоналарининг моддий техник базаси моддий ҳамда маънавий эскирганлиги;

– корхоналар ишончли, сифатли ҳамда кафолатланган хом ашё базасига эга эмаслиги, маҳсулот етказиб берувчилар билан ўзаро иқтисодий-ташкилий муносабатлардаги ҳамкорликнинг талаб даражасида эмаслиги;

**2-жадвал. Сурхондарё вилоятида узум маҳсулотларини қайта ишлаш динамикаси ва мавжуд имкониятлардан фойдаланиш ҳолати [3]**

Қайта ишлаш корхонаси номи	Қуввати, тонна	Йиллар оралигида қайта ишланган маҳсулот жами қувватига нисбатан, % да		
		2016 й.	2017 й.	2018 й.
«Денов вино-арок» АЖ	1500,0	41,9	28,0	47,1
«САВБ» МЧЖ	1500,0	33,4	27,5	29,7
«Мусаллас» Агрофирмаси	1500,0	46,9	23,9	67,5
«Саховат» К/К	3000,0	19,1	129,3	73,2
«Полвонтош» МЧЖ	800,0	25,0	30,1	75,5
«Орзу - К» ХИЧК	2500,0	22,1	10,0	23,7
«Бобур Мирзо» УК	5000,0	19,4	3,4	0,0
«Хумо» МЧЖ	1000,0	0,0	40,2	0,0
«Султон шарбати» МЧЖ	1500,0	0,0	0,0	38,6
<b>Сурхондарё вилояти</b>	<b>17300,0</b>	<b>23,9</b>	<b>35,5</b>	<b>35,5</b>

- ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сотиш каналлари аниқлаш, маркетинг тадқиқотларини олиб бориш кичик хажмли корхоналар учун қийинчилик туғдириши;

- маҳсулот етиштирувчилар ва қайта ишлашчи корхоналар ўртасида етказиб берилган маҳсулот учун тўлов шакли, муддати ҳамда баҳо юзасидан ўзаро шартномаларга амал қилиш механизми миллий ўзлигимиз билан қоришиб кетганлиги;

- узум етиштириш учун сарф этиладиган ресурслар нархининг йиллар кесимида кескин тебраниши натижасида етиштириладиган маҳсулотларнинг таннархи ҳамда бозорлардаги талаб таклифни назорат қилишнинг имконияти маълумотлар етишмаслиги каби муаммолар маҳсулот етиштирувчи ва уни қайта ишловчи корхоналар фаолиятини тўлиқ имкониятлар доирасида олиб боришни қийинлаштирмоқда.

Таъкидлаш жоизки, қайта ишлаш корхоналарининг самарали фаолияти корхонани техник-технология модернизация қилишга ҳамда энг таъсирли бўгин бу маҳсулот етиштирувчилар билан иқтисодий муносабатларни тўғри ташкил этишга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда узум етиштирувчиларнинг «оғриқли нуқтаси» бу тўлов шакли, баҳо ва муддати билан боғлиқ бўлиб, қайта ишлов-

чи корхоналар билан маҳсулот етиштирувчиларнинг ўзаро самарали фаолиятига салбий таъсир кўрсатаётган мазкур омиллар маҳсулот етиштирувчиларни деҳқон бозорлари сари ҳаракатланишига замин яратмоқда.

Сурхондарё вилоятида узумни қайта ишлаш корхоналарининг салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уларнинг тўлиқ қувват билан ишлашини таъминлаш нафақат иқтисодий жиҳатдан балки ижтимоий аҳамиятдаги масала саналиб, у аҳолининг бандлиги, ердан самарали фойдаланиш, ҳудудий узум навларини сақлаб қолиш, маҳсулот етиштирувчиларнинг узоқ йиллик тажрибаларидан самарали фойдаланиш каби жиҳатлари мавжудлиги билан изоҳланади.

Аммо таҳлиллар кўрсатишича бугунги кунда вилоятда мавжуд узумни қайта ишловчи корхоналарнинг биронтаси 2016-2018 йилларда тўлиқ қувват билан ишламаланганлиги, баъзи корхоналар ўртача 30% лик кўрсаткичга ҳам эришолмаганлигини кўришимиз мумкин.

Бошқа тарафдан эса вилоятда 2018 йил ҳолатга кўра 91,9 минг тонна узум етиштирилган бўлиб, қайта ишлаш корхоналарининг жами қуввати 17,3 минг тонна холос, яъни 14,5 фоиз узумнинг қайта ишлаши мумкин. Аммо амалиётда 6,1 минг тоннагина узум қайта ишланган.

Вилоятнинг узум маҳсулотларига бўлган талабини аҳоли жон бошига нисбатан тиббий меъёр бўйича таққрслама таҳлил этадиган бўлсак, 2016 йил ҳолатига кўра Сурхондарё вилоятида мавжуд 2260,6 минг киши аҳолига 109,8 минг тонна узум етиштирилган бўлса, бу аҳоли жон бошига нисбатан 48,6 кг дан тўғри келмоқда. Аммо узум истеъмолининг тиббий меъёри бўйича солиштирилганда 83 кг ўрнига 34,4 кг кам маҳсулот етиштирилганлигини кузатиш мумкин (3-жадвал).

Бу ҳолат 2018 йилга келиб аҳоли сони 2258,3 минг кишини ташкил этгани ҳолда 91,9 минг тонна узум етиштирилган ҳамда аҳоли жон бошига нисбатан 39,0 кг узум ёки тиббий меъёрга нисбатан 44 кг кам маҳсулот етиштирилганлигини кўриш мумкин.

3-жадвал. Сурхондарё вилоятида аҳоли жон бошига нисбатан етиштирилган узум маҳсулоти, кг

Кўрсаткичлар	Йиллар			2016 йил 2018 йилга нисбатан, % да
	2016 й.	2017 й.	2018 й.	
Аҳоли сони, минг киши [4]	2260,6	2308,3	2358,3	104,3
Етиштирилган маҳсулот, минг тонна	109,8	100	91,9	83,7
Узум истеъмоли бўйича тиббий меъёр, кг [5]	83	83	83	100,0
Аҳоли жон бошига нисбатан етиштирилган маҳсулот, кг	48,6	43,3	39,0	80,2
Тиббий меъёрга нисбатан фарқ, кг (+, -)	-34,4	-39,7	-44,0	127,9

Юқоридаги таҳлиллардан хулоса қилиш мумкинки, Сурхондарё вилояти узум етиштиришда катта салоҳиятга эга бўлсада, йиллар давомида унинг самарадорлик кўрсаткичлари камайиб бормоқда. Шу билан биргаликда аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда қарийб 2 баробар кам етиштирилиши бу ҳудудда катта ҳажмдаги бўш бозор сегменти мавжудлигидан ҳамда таклиф этилган маҳсулот учун талабнинг мавжуд бўлишидан далолат беради.

Фикримизча истиқболда Республикаимизнинг жанубий ҳудудлари хусусан Сурхондарё вилоятида узумчиликни риволантириш ҳамда унинг имконият ва хусусиятларидан самарали фойдаланишда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Жумладан:

- узумчилик тармоғида ташқи бозорлар конъюнктураси, баҳолар даражаси, тебраниши тўғрисидаги тезкор маълумотлар олиш имкониятини яратувчи механизмни жорий этиш;
- мамлакатимизда етиштирилган, сотилган ҳамда омборхоналарда сақланаётган маҳсулотлар миқдорини таҳлил этувчи марказлар ташкил этиш;

- маълумотларни узум етиштириётган фермер ва деҳқон хўжаликларига тез ва осон етказиш, уларнинг маълумотлар таҳлили ва хулосалар чиқариш бўйича кўникмаларини ошириш.

- узумнинг мамлакатимиз ҳар бир ҳудудига мос, ўз навбатида анъанавий қуриш имкониятига эга бўлган навларини жойлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш.

- магизнинг салмоқли қисми экспортга йўналтирилиши боис жаҳон бозорида талаб юқори бўлган магиз навларини маркетинг тадқиқотлари орқали ўрганиш, тадқиқот натижаларини маҳаллий узум етиштирувчи деҳқонлар орасида тарғиб этиш тадбирларини амалга ошириш;

- чекка ҳудудларда узум етиштирувчи деҳқон хўжаликларига кимёвий воситалар етказиб бериш, уларнинг баҳосидаги кескин фарқнинг вужудга келишининг олдини олиш чораларини кўриш;

- етиштирилган узумдан юқори сифатли магиз олишнинг илмий ва амалий жиҳатларини деҳқон хўжаликларига тушунтириш ишларини олиб бориш, кўникмалар шаклланишига амалий ёрдам бериш.

Хулоса қилиб айтганда узумчилик тармоғини барқарор ривожлантиришда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда, шу билан биргаликда ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш қувватларини инobatга олган ҳолда тоқзорларни жойлаштириш, узум навларини қайта мониторинг қолиш, хусусан маълум ҳудудларни экспортга йўналтирилган навларни, бошқасини эса қайта ишлашга ихтисослаштириш орқали маҳсулот етиштирувчиларнинг самарали фаолиятига замин яратиш мумкин.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. З.М.Маъруфов “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” М.1981 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 февралдаги “Виночилик соҳасини ва алкогольли маҳсулотларни реализация қилишни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3573-сонли қарори.
3. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” йиллик статистик тўплами, 2019 йил.
4. “Ўзбекистон Демографик йиллик тўплами” статистик тўплам, Т-2019 йил
5. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда талаб этиладиган меҳнат ва моддий ресурслар сарфи меъёрлари. – ҚХИИТИ, Тошкент, 2016, 78 б.

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ИСТЕЪМОЛИ ВА ДАРОМАД ЎРТАСИДАГИ БОҒЛИҚЛИКНИНГ РЕГРЕССИОН ТАҲЛИЛИ

**Алмардон МЕНҒНОРОВ,**

Тошкент давлат аграр университети мустақил изланувчиси

**Хайдар САИДАКБАРОВ,**

Тошкент давлат аграр университети доценти, и.ф.н.

**Аннотация:** Мақолада аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад ва гўшт истеъмоли ўртасидаги боғлиқликнинг регрессион таҳлили амалга оширилган. Бунда эластиклик коэффициенти кўрсатишича, агар даромад 1 фоизга ортса гўшт маҳсулотларининг истеъмоли 0,26 фоизга ортиши назарий жиҳатдан исботланди.

**Аннотация:** В статье был проведен регрессионный анализ взаимосвязи между доходом на душу населения и потреблением мяса. В то же время коэффициент эластичности показывает, что потребление мясных продуктов увеличится на 0,26%, если доход увеличится на 1%.

**Abstract:** In this paper, a regression analysis of the relationship between per capita income and meat consumption was carried out. At the same time, it is theoretically proved that the increase in consumption of meat products by 0.26 percent, if the income increased by 1 percent, shows the coefficient of elasticity.

Ўзбекистонда аҳолининг озиқ-овқат ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари-га бўлган эҳтиёжларни тўла қондириш, озиқ-овқат бозоридаги барқарорликни таъминлаш йўлида фаолият юритадиган муҳим тармоқ – аграр соҳасида ислохотларни янада чуқурлаштириш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Зеро, озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизига яқини аграр соҳа доирасида тайёрланади.

Қишлоқ хўжалиги мажмуасидаги энг асосий масалалардан бири экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ва уни экспорт қилишдир. Аммо бу соҳада тизимли иш олиб борилмагани оқибатида экспорт прогнозини тўлиқ таъминлай олмаслик хавфи мавжуд ва бу устида илмий асосда ишланган аниқ чора-тадбирлар тузиб, улар устида ишлаш лозим.

Ўзбекистоннинг иқлим шароити эртапишар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда кенг имкониятлари бор. Айниқса, баҳор ойларида хорижий мамлакатларда уларга талаб ортади, лекин бу имкониятдан унумли фойдаланилмапти.

Ҳукуматимиз томонидан тегишли вазирлик ва ташкилотларга Россия, Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Япония ва бошқа давлатлар бозорига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини кўпайтириш бўйича кўрсатма берил-

ди [1].

Ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат билан биргаликда бундай муаммоларни ечишда илмий асосланган предметлардан фойдаланиш, яъни амалиётга қўллаш ва уларнинг натижаларини сарҳисобини олиб бориш муҳимдир. Қишлоқ хўжалигида мавжуд имкониятлар ва уларнинг натижаларига асосланиб келажакни прогноз қилиш энг муҳим масалалардан биридир. Бунда математик моделлаштириш, регрессион таҳлил элементларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Регрессион таҳлил натижавий белгига таъсир этувчи омилларнинг самарадорлигини аниқлаб беради.

Бизни таҳлилда даромад ва истеъмол кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлиги қаралган. Мамлакатимизда олиб юорилаётган ислохотлар натижасида аҳолининг даромадлари босқичма-босқич ошиб бориши борабариди гўшт баҳосининг ортиб бораётганлиги муаммолигича қолмоқда. Мамлакатимизда аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли меъеридан анча ортда қолмоқдамиз. Айни вақтда, бу кўрсаткич бизда 41 килограммдан ошаётган бўлсада, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бир йилда ўртача 55 килограммгача гўшт истеъмол қилишни тавсия этмоқда. Экспертларнинг тахминига кўра, 2025 йилга бориб Ўзбекистонда

**Калит сўзлар:** истеъмол, даромад, регрессион боғланиш, озиқ-овқат, эҳтиёж, экспортбоп, маҳсулот, рақобатбардош, аграр соҳа, гўшт маҳсулотлари, корреляцион боғланиш.



аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли йилига 54,8 килограммни ташкил қилади.

Биз қуйида шундай масалалардан бирини қўриб чиқамиз. Жон бошига тўғри келадиган даромад ва гўшт маҳсулотлари истеъмоли ҳақидаги маълумотларга [2] асосланган ҳолда дастлаб масаланинг регрессия тенгламасини тузамиз.

Жон бошига тўғри келган гўшт истеъмоли ва даромад ўртасидаги боғланиш чизиқли бўлиб, бу боғлиқлик қуйидаги регрессия тенгламаси кўринишида ифодаланади:

$$Y_x = a_0 + a_1 X \quad (1)$$

бу ерда:  $Y_x$  – жон бошига тўғри келган гўшт истеъмоли;

$X$  – жон бошига тўғри келган даромад;

$a_0, a_1$  – регрессия тенгламаси параметрлари.

Регрессия тенгламасидаги номаълум параметрларни аниқлаш учун тузилган ёрдамчи маълумотлар асосида [3]  $a_0, a_1$  параметрлар аниқланади ва регрессион боғлиқлик тенгламаси (1) қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$Y_x = 23,684 + 0,0077 X$$

Демак, жон бошига тўғри келадиган даромадни 1 долларга ошиши гўшт истеъмолини 7,7 граммга ошишига олиб келади.

Белгилар ўртасидаги боғланиш тўғри чизиқли бўлса, у ҳолда корреляцион боғланиш зичлигини аниқлаш учун  $r$  – корреляция коэффициенти ҳисобланади [3].

Агар корреляция коэффициенти  $r$  – қиймати  $-1$  дан  $+1$  гача ўзгарса, корреляцион боғланиш зичлигини ва йўналишини кўрсатади. Корреляция коэффициенти  $1$  га яқинлашса боғланиш шунчалик зич бўлади. Агар  $r=1$  бўлса боғланиш функционал,  $r=0$  бўлса боғланиш бўлмайди. Корреляция коэффициенти мусбат

ишора билан чиқса боғланиш тўғри, манфий ишора билан чиқса боғланиш тескари бўлади [4].

Бизни мисолимизда:  $r=0,6$  га тенг бўлмоқда, бу боғланиш тўғри боғланишдир. Демак, жон бошига даромад билан гўшт истеъмоли орасидаги боғланиш тўғри ва таъсирчандир, яъни корреляцион жадвал маълумотлари тўғри ва меъерий нормалар асосида жамланганлигини билдиради. Бундай боғланишларни таҳлил қилиш ва амалиётда истиқболни белгилашда тўғри хулосага келиш гўшт ишлаб чиқаришдаги тадбиркорлик муҳитини шакллантиришда аҳамияти каттадир.

Тадқиқотларимизни аҳолининг даромади билан истеъмол ўртасидаги боғлиқлик таҳлилларини назарий эластиклик коэффициентини ҳисоблашлар билан давом эттирамиз.

Назарий эластиклик коэффициенти истеъмолнинг даромадга боғлиқлиги боғланишнинг чизиқли шаклида қуйидагича ҳисобланади:

$$E = a_1 \cdot X/Y = 0,0077 \cdot 1080/32 = 0,26$$

Назарий эластиклик коэффициентини кўрсатишича, агар даромад 1 фоизга ортса гўшт маҳсулотларининг истеъмоли 0,26 фоизга ортади.

Шундай қилиб, регрессион таҳлил қишлоқ хўжалигининг амалий масалаларини ечишда муҳим аҳамият касб этади. У натижавий кўрсаткичларга таъсир этувчи омилларнинг самарадорлигини амалий жиҳатдан етарли даражада аниқлик билан баҳолаш имконини беради. Шу билан бирга регрессион таҳлил қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий жараёнларнинг келажаги учун истиқбол миқдорларини баҳолаш ва уларнинг эҳтимол чегараларини аниқлаш имконини беради.

#### ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ш.М. Мирзиёевнинг 2018 йил 31 октябрдаги “Қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантириш, соҳага инновацион технологияларни кенг жорий этиш, маҳсулотлар экспортини ошириш масалаларига бағишланган йиғилиши” маърузаси, Манба: president.uz
2. Gail L. Cramer, Clarence W. Jensen, Douglas D. Southgate. Jr. Agricultural economics and agribusiness. – New York, 2001. – 519 p.
3. Д.Н.Саидова, И.Б.Рустамова, Ш.А.Турсунов. “Аграр сиёсат ва озиқ-овкат хавфсизлиги”. Ўқув қўлланма. Т.: “ЎзР ФА Асосий кутубхонаси” нашриёти, 2016. – 257 б.
4. А.У.Абдурахимов, З.К.Кушаров. Қишлоқ хўжалигида гўшт ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ва уни ошириш истиқболлари (монография). Тошкент–2012 й. “Реп-Полиграф” МЧЖ босмахонаси.

## ОРГАНИЗАЦИОННЫЕ ВОПРОСЫ АУДИТА КРЕДИТОВ И ЗАЙМОВ

**Зийнатдин ТАЖЕКЕЕВ,**

старший преподаватель Каракалпакского государственного университета

**Аннотация:** В статье рассмотрены организационные и методические аспекты аудита кредитов и займов. Исследованы нормативно-правовые аспекты регулирования кредитов и займов, установлены основные различия между понятиями кредита и займа и сформированы конкретные выводы и порядок проведения аудиторских процедур.

**Аннотация:** Мақолада кредитлар аудитининг ташкилий-услугий жиҳатлари, хусусан, таҳлиллар асосида, кредитлар ва қарзларни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий жиҳатлари, кредит ва қарз тушунчалари ўртасидаги асосий фарқлар аниқланган ҳамда аудит ўтказиш муалажалари тартиби ишлаб чиқилган.

**Abstract:** The article discusses the organizational and methodological aspects of the audit of loans. The legal and regulatory aspects of the regulation of loans and borrowings are investigated, the main differences between the concepts of credit and loans are established, and specific conclusions and the procedure for conducting audit procedures are formed.

**Ц**ель аудиторской проверки кредитов и займов – получить достаточные доказательства достоверности показателей отчетности, отражающих задолженность организации по полученным заемным средствам и средствам целевого назначения.

Для достижения цели аудиторской проверки учета кредитов, займов и средств целевого назначения необходимо проверить:

- реальность и документированность кредитов, займов и средств целевого назначения;
- обоснованность получения кредитов, займов и средств целевого назначения (источники получения средств);
- целевое использование заёмных средств, полноту и своевременность их погашения (на какие цели использованы заёмные средства, как погашается задолженность по кредитам и займам, наличие просроченных задолженностей);
- оценку остатков по непогашенным кредитам и займам и уплату процентов по ним (учет процентов по кредитам, участие процентов в оценке имущества и в формировании финансовых результатов);
- ведение синтетического и аналитического учета операции по кредитам, займам и средствам целевого назначения (применение счетов учета кредитов и займов, отражение операции получения и погашения заемных

средств, соблюдение принципов формирования финансовых результатов).

Для получения аудиторских доказательств используются различные приемы (проверка документов, прослеживание операции, аналитические процедуры в целях определения соотношения заемных и собственных средств) и источники получения информации.

Информационной базой для проверки кредитов и займов являются:

нормативные документы, регулирующие вопросы получения заемных средств, бухгалтерского учета и налогообложения операций с ними;

договоры и первичные документы по оформлению и отражению в учете операций по кредитам и займам. К ним относятся: кредитные договоры и договоры займа, дополнительные соглашения к кредитным договорам об изменении процентных ставок по кредиту, сроков возврата кредита, других условия кредитных договоров, выписки банков из лицевых счетов организаций по движению кредитов и займов, мемориальные ордера, подтверждающие списание в без акцептном порядке сумм возврата кредита и сумм процентов, уплачиваемых по кредитным договорам;

финансовая отчетность и регистры синтетического и аналитического учета по отражению указанных операций в учете в финан-

**Ключевые слова:** аудит, кредит, заём, документированность кредитов и займов, целевое использование, кредитный договор, учёт кредитов и займов, аудиторское доказательство.

совой отчетности информация для проверки данного участка содержится в бухгалтерском балансе (ф. № 1)(стр. 730 «Краткосрочные банковские кредиты», стр.740 «Краткосрочные займы», стр.570 «Долгосрочные банковские кредиты», стр. 580. «Долгосрочные займы») отчете о финансовых результатах(ф.№ 2)(стр. 180 «Расходы в виде процентов»– на суммы процентов по кредитам и займам; стр. 200 «Убытки от валютных курсовыхразниц» – на суммы возникающих курсовых разниц по полученным кредитам и займам); в отчете о денежных потоках (суммы полученных заемных средств по кредиту счетов 6810 “Краткосрочные банковские кредиты”,7810

требованиям «положение о составе затрат».

Расходы по оплате процентов по кредитам банков и иных финансово-хозяйственных организации, полученных на инвестиции, которые в инвестиционный период входят в состав капитальных вложений в соответствии с «Положением о составе затрат» и НСБУ должны быть включены в первоначальную стоимость объектов, а проценты, уплаченные после принятия их к учету, списываются в общеустановленном порядке на счет 9610–«Расходы в виде процентов».

Обобщая выше изложенное предлагаем следующую общую схему организации аудита кредитов и займов (схема 1).



Схема 1. Алгоритм проверки кредитов и займов

“Долгосрочные банковские кредиты”, 6820 “Краткосрочные займы”,7820“Долгосрочные займы”), денежные средства направленные на оплату процентов по кредитам и займам. Аудитору предоставляются регистры синтетического и аналитического учета, присущие выбранной в организации форме бухгалтерского учета:

журналы-ордера № 4 и 12, если применяется журнально-ордерная форма;

соответствующие компьютерные формы по счетам,6810 ,6820 ,7810, 7820 ,Главная книга, аналитические ведомости, если учет автоматизирован.

В соответствии с НСБУ № 21 проценты за пользование кредитами и займами должны быть учтены в составе финансовой деятельности, т. е. списаны на финансовые результаты – в дебет счета 9610 “Расходы в виде процентов”, а для целей налогообложения учтены согласно

Для качественного осуществления аудиторских процедур необходимо выявить принципиальные различия договоров кредита и займа согласно Гражданского Кодексу Республики Узбекистан и другим соответствующим нормативным актам. По нашему мнению, различие между договорами кредита и займов необходимо установить по следующим признакам: источники получения; форма и содержание договора; предмет договора; платность и правила учета. (таблица 1)

Исследованием нормативно-правовых аспектов регулирования кредитов и займов установлены основные различия между договорами кредита и договорами займа.

При проверке организации учета кредитов и займов аудитору необходимо установить, как оцениваются остатки по полученным кредитам.

Согласно национальным стандартам бух-

**Таблица 1. Основные различия между договорами кредита и займа**

КРЕДИТЫ	ЗАЙМЫ
<b>ВЫДАЮТ</b>	
Банки или иные кредитные организации, имеющие лицензию	Любые физические или юридические лица (не банки), лицензия не требуется
<b>ФОРМА И СОДЕРЖАНИЕ ДОГОВОРА</b>	
Только письменная (ст. 745 ГК РУз), имеет четко установленную, типовую форму.	Письменная, если договор заключен между юридическими лицами (ст. 733 ГК РУз)
	Если договор заключается между гражданами, то он должен быть заключен в простой письменной форме, если его сумма превышает десятикратный установленный размер МПЗ.
<b>ПРЕДМЕТ ДОГОВОРА</b>	
По общему правилу предметом кредитного договора являются денежные средства (ст. 744 ГК РУз).однако сторонами может быть заключен договор, предусматривающий обязанность одной стороны предоставить другой стороне на условиях кредитного договора вещи, определенные родовыми признаками	Деньги или другие вещи, определенные родовыми признаками (ст.732 ГК РУз)
<b>ПЛАТНОСТЬ</b>	
Обязательно предусматриваются проценты (ст. 744 ГК РУз)	Могут быть беспроцентными (ст. 734 ГК РУз)
<b>УЧЕТ</b>	
На счетах	На счетах:
6810 – «Краткосрочные кредиты банков»	6820 – «Краткосрочные займы»
7810 – «Долгосрочные кредиты банков»	7820 – «Долгосрочные займы»
6950 – «Долгосрочные обязательства - текущая часть»	

галтерского учета Республики Узбекистан № 21 «План счетов бухгалтерского учета финансово-хозяйственной деятельности хозяйствующих субъектов и инструкция по его применению (с изменениями и дополнениями)» начисленные проценты за кредиты и займы отражаются отдельно на счете 6920 «Начисленные проценты». По кредиту счета 6920 отражаются начисленные суммы причитающихся процентов, а по дебету оплата задолженностей по процентам. Аналитический учет по счету 6920 «Начисленные проценты» ведется по каждому кредитору. Аудитору следует обратить внимание на правильность отражения начисленных процентов по кредитам и займам (дебет 9610 кредит 6920).

Таким образом, для квалифицированной аудиторской проверки необходимо установить конкретную цель и определить задачи аудита. Для решения поставленных задач предлагаем сформировать перечень нормативных документов в частности национальных стандартов аудиторской деятельности, регулирующие объекты аудита. Разработанный алгоритм проверки объектов аудита даёт возможность выявить все нарушения и отклонения и дать квалифицированные рекомендации по их устранению. Также, установление принципиальных различий между договорами кредита и займов дают возможность аудитору квалифицированно проверить юридические аспекты.

**ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:**

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, расмий нашр–Т. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2003 й.  
[www.lex.uz](http://www.lex.uz)  
[www.norma.uz](http://www.norma.uz)



## МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ САМАРАДОРЛИГИ

**Одилжон ШЕРМАТОВ,**

Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали, и.ф.н., доцент

**Дилобар ИСЛАМОВА,**

Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали, катта ўқитувчи

**Аннотация:** Мақолада мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган мева ва сабзавот етиштирувчиларни ўрни ва аҳамияти асослаб берилган. Шунингдек, мамлакатимизда аҳоли зичлиги бўйича энг юқори ўринда турувчи Андижон вилоятида мева ва сабзавот етиштириш ҳолати иқтисодий таҳлил этилиб, шу асосда мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, экспортини рағбатлантириш, маҳсулот сифатини ошириш йўналишлари бўйича тегишли хулоса ва таклифлар тайёрланган.

**Аннотация:** В статье рассказывается о роли и важности выращивания фруктов и овощей в сельском хозяйстве для обеспечения продовольственной безопасности стране. А также, подготовлены выводы и рекомендации по направлениям увеличения производства фруктов и овощей, стимулировании экспорта и повышении качества продукции, на основе экономического анализа производства фруктов и овощей в Андижанской области, которая является одним из наиболее густонаселенных районов страны.

**Abstract:** The article outlines the role and importance of fruit and vegetable growers working in agriculture to ensure food security in Uzbekistan. In addition, the economic analysis of fruit and vegetable production in Andijan region, which is one of the most densely populated areas in the country, provides an economic analysis and, therefore, focuses on increasing fruit and vegetable production, promoting exports, and improving the quality of products. conclusions and recommendations are prepared.

**Б**угунги бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросини озиқ-овқат маҳсулотлари билан талаб даражасида таъминлашни барқарорлаштириш энг асосий ижтимоий масалалардан ҳисобланади. Шу боис, аҳоли жон бошига тўғри келадиган тиббий меъёрга мос равишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини оширишнинг янги инновацион имкониятларини тадқиқ қилиш ва амалиётга самарали жорий этиш асосида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш долзарб масаладир. Мазкур йўналишда республикаимизда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича стратегик жиҳатдан мақсадли ҳамда изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан “2019-2024 йилларда мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш миллий дастури”нинг қабул қилинганлиги таҳсинга лойиқдир. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича дастур-

нинг олдида қўйган энг асосий вазифаси сифатида “ҳар бир инсоннинг фаол ва соғлом ҳаёт учун зарур бўлган етарли миқдордаги хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари учун жисмоний ва иқтисодий имкониятга эга бўлиши, маҳсулотларни сифатини яхшилаш, нархлар барқарорлигини таъминлаш, импортга боғлиқликни камайтириш, тўғри ва соғлом овқатланишни тарғиб қилиш орқали аҳолининг саломатлигини таъминлашдан иборат” эканлиги эътироф этилади. Шунингдек, дастурда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Ислоҳот йилларида мамлакатимизда аҳоли сонини кўпайиши ўз навбатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабнинг ошиши билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муаммони келтириб чиқармоқда. Мамлакатимизда озиқ-овқат таъминоти барқарорлигини сақлашда деҳқон хўжаликлари, томорқа ер эгалари ва балл бонитети 40 баллдан паст бўлган қишлоқ хўжалиги ерларида ташкил этилган мева ва сабзавотчиликка ихтисослашган

**Калит сўзлар:** озиқ-овқат хавфсизлиги, таъминот барқарорлиги, балл бонитети, кичик ер эгалари, рақобатбардошлик, органик маҳсулот, оқилона жойлаштириш, интенсив боғдорчилик, иқтисодий имконият, жисмоний имконият, иқтисодий самарадорлик

фермер хўжалиklarининг ўрни юқори эканлиги боис, ушбу хўжалик юритувчи субъектларини ривожлантириш бўйича кенг миқёсда ислохотлар олиб борилмоқда. Аммо, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини барқарор ошириб бориш, ер майдонларидан самарали фойдаланиш масалаларида, айниқса мева ва сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжалиklarида қатор муаммо ҳамда камчиликлар кузатилмоқда.

Маълумотларга кўра, Нидерландия (Голландия) ҳар йили ўзининг 1 миллион гектар ерида деҳқончилик қилиб, 102 миллиард долларлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилар экан. Ўзбекистонда эса бугунги кундаги статистика бўйича 4 миллион гектарга яқин деҳқончилик қилса бўладиган ерлар мавжуд. Шундан давлат буюртмалари асосида пахта ва буғдой етиштирилаётган ерлардан ташқари қишлоқ хўжалиги ерлари 2 миллион гектарга яқин қишлоқ хўжалиги ерларининг таркиби-деҳқон хўжалиklари, томорқа ер эгалари ерлари ва турли йўналишдаги (пахта ва ғалладан ташқари) фермер хўжалиklarига қарашли бўлган ерлар ҳисобланади. Бугунги кунда давлат буюртмасидан ташқари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг амалдаги фаолияти бозор иқтисодиёти талабларига мос эмаслиги келгусидаги озиқ-овқат хавфсизлигини барқарорлигига хавфни келтириб чиқаради. Чунки, 1 гектар ерда бирор маҳсулот етиштириб, уни экспорт қилиш орқали 10 минг долларгача фойда қилиш имконияти мавжуд. Савол туғилади нима учун деҳқон хўжалиklари, томорқа ер эгалари ва фермер хўжалигида иқтисодий самарадорлик турлича, яъни деҳқон ва томорқа ер эгаларида юқори ва фермер хўжалигида паст? Фикримизча, агар мева ва сабзавот етиштиришга ихтисослашган фермерларда ҳам худди деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгасидек ўз мулкига нисбатан иқтисодий ва технологик мустақиллик бўлганида эди самарадорлик юқори бўлар эди. Чунки, бу ҳолатда мева ёки сабзавот етиштирувчи фермер ўзига қарашли ерга нима экади, қачон экади, етиштирилган маҳсулотни қаерга сотади ва ниҳоят эришилган фойдани қандай тақсимот қилади, каби қатор масалаларни ўзи мустақил ҳал этади. Статистика қўмитаси маълумотига кўра 2019 йил 1 апрел ҳолатига Ўзбекистон аҳолиси сони 33 миллион 300 минг кишидан ошган. Шундан, аҳолини 50,5 фоизи шаҳарда ва 49,5 фоизи қишлоқларда истиқомат қилади. Шунингдек, Ўзбекистон аҳолисини 30,4 фоизи меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик, 10,1 фоизи эса меҳнатга лаёқатли ёшдан

катта ва аҳолини 59,5 фоизи меҳнатга лаёқатли ёшдагиларни ташкил этади. Ислохотлар жараёнидаги энг асосий масала мана шу 59,5 фоиз меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобига аҳолимизни зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминотини шакллантиришдир. Бу масалани муваффақиятли ҳал этишда юқорида келтирилганидек, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришда қишлоқ хўжалик ерларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш катта аҳамияга эгадир. Бу масалани мамлакатимиз ер майдонларини атиги бир фоизида жойлашган ва мамлакат аҳолисини қарийб 10 фоизига яқини истиқомат қиладиган Андижон вилояти мисолида кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисобладик. Статистика маълумотларига кўра бугунги кунда Андижон вилояти бўйича аҳоли сони 3011700 кишидан ортган ва вилоятда бир квадрат километрга ўртача 714 киши тўғри келади. Бу кўрсаткич Республика бўйича ўртача 74 кишини ташкил этади. Вилоятда 201026 гектар суғорилиб деҳқончилик қилинадиган экин ерлари мавжуд бўлиб, шундан 28836 гектарини боғ ва токзорлар, 10041 гектарини сабзавот экиладиган майдонлар ташкил этади. Биз тадқиқот давомида Андижон вилоятида мева етиштириш ҳолати статистикаси билан танишдик. Вилоят бўйича жами 28836 гектар ерларда мева етиштирилади. Шундан 26592 гектардаги, яъни 92 фоизи мевага кирган боғлар ҳисобланади. Бугунги кунда вилоятда жами 434296 тонна атрофида мева етиштириш имконияти мавжуд бўлиб, бу кўрсаткич вилоятнинг ҳар бир аҳолисига кунига ўртача 367 граммдан тўғри келади. Шунингдек, вилоятдаги деҳқон хўжалиklари ва томорқа ер эгалари сони 477374 нафар бўлиб, уларга қарашли бўлган ер майдонлари 24541 гектарни ташкил этади. Вилоят деҳқон хўжалиklари ва аҳоли томорқа ерларида 2019 йилда 393119 тонна сабзавотлар етиштирилган. Бу кўрсаткич вилоятнинг ҳар бир аҳолисига кунига ўртача 357 граммдан тўғри келади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ўз маълумотларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан биргина мева ва сабзавотлар истеъмолини киши бошига кунлик 400-500 граммга чиқариш лозимлигини, лекин афсуски, ушбу меъёр дунё бўйича ўртача 150-200 граммни ташкил этаётганини эътироф этмоқда. Халқаро диетологлар тавсиясига кўра, инсон истеъмолига кирадиган озиқ-овқатнинг камида 50 фоизини мева ва сабзавотлар ташкил этиши лозим [3]. Агар Андижон вилоятида бугунги кунда етиштирилаётган мева ва сабзавотлар вилоят аҳоли-

си киши бошига кунига ўртача 724 граммдан тўғри келаётган бир шароитда бу кўрсаткичдан киши бошига кунига 400 грами жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти нормалари бўйича истеъмолга йўналтирилса киши бошига етиштирилган 324 грамм мева ва сабзавотни, яъни 356284 тонна мева ва сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш имконияти бор. Бу нисбат эса 53377 гектар мева ва сабзавот майдонларига гектарига ўртача 6,7 тонна мева ва сабзавот экспорти тўғри келади. Мева ва сабзавотни 1 килограмини ўртача 5000 сўмдан ҳисобланса, 1 гектар ҳисобига мева ва сабзавот экспорти 33 500 000 сўм ёки 3700 АҚШ долларига тўғри келади. Бу кўрсаткични Голландиядаги мева ва сабзавотлар экспорти (1 га/12000 \$)га солиштирилганда бу соҳада амалга оширишимиз лозим бўлган вазифалар ҳали жуда кўп эканлигидан далолат беради.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳаси Ўзбекистон иқтисодиётининг локомотиви вази-

фасини бажариш қудратига эга бўлган соҳадир. Ер, жазирама қуёш, миллионлаб тажрибали қишлоқ деҳқонлари, иссиқ қуёшда етилган ўзбек мева-сабзавотларига бўлган юқори талаб, ёнимиздаги катта бозорлар мавжудлиги аҳолиси зич, ишсизлик миқдори юқори бўлган ҳудудларда кичкина ер хўжалиklarини тузиш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Хулоса ўрнида шунини алоҳида таъкидлаш мумкинки, бугунги кунда мева ва сабзавот етиштирувчиларни айнан кичик ер эгаларига (5 гектардан 10 гектаргача эмас, меҳнат қиладиган, ер билан бевосита ишлайдиган оила аъзоларининг имкониятларидан келиб чиқиб 1-1,5 гектаргача) айлантирилиши, энг аввало мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, сифатини ошириш ҳамда соҳага янги инновацияларни мустақил киритиш учун қизиқтириш механизмини шакллантириш имкониятларини яратади, деб ҳисоблаймиз.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, Тошкент ш., 2019 йил 9 январь, 14-сон
2. “2019-2024 йилларда мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 07.03.2019, ID-2722.
3. [www.fao.org](http://www.fao.org) – Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги халқаро ташкилотининг расмий сайти маълумотлари.
4. Саидова Д.Н., Рустамова И.Б., Турсунов Ш.А. Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. – Т.: «ЎЗР Фанлар академияси Асосий кутубхонаси» нашриёти, 2016 й., 257 б., 89-б.
5. Шокир Шарипов. Ўзбекистонда ердан фойдаланишдаги муаммолар ва оқибатлар. KUN. UZ –Сайтининг 07.10.19 сонидаги материал.
6. Андижон вилоят қишлоқ хўжалик бошқармаси маълумотлари

## ИПАК ҚУРТИ УРУҒЧИЛИГИ КОРХОНАЛАРИДА ЎЗARO МУНОСАБАТЛАРНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Замира МУРАТБАЕВА,

Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали ассистенти

**Аннотация:** Мақолада ипак қурти уруғчилиги тизимида фаолият юритаётган корхоналар ўртасида ўзаро муносабатларнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

**Аннотация:** В статье представлены предложения и рекомендации по обеспечению неразрывной взаимосвязи между предприятиями, работающими в системе семеноводства шелкопряда.

**Abstract:** The article presents suggestions and recommendations to ensure the inextricable relationship between enterprises operating in the silkworm seed production system.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай хўжалик юритиш субъекти ўз фаолиятини диверсификациялаш йўли билан биринчи навбатда бозор сегментлари ва истеъмолчилари эҳтиёжи учун сифатли ва зарур маҳсулот (товар, хизмат) ишлаб чиқариш орқали юқори самарага эришиш чора-тадбирларига асосий эътибор қаратади. Бу жараёнда эса у ўзининг фаолияти билан алоқадор бўлган бошқа хўжалик юритиш субъектлари билан бевосита ва билвосита муносабатлар занжирининг ажралмас иштирокчисига айланади. Бинобарин, нафақат жамият аъзолари, балки иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа субъектлари ўртасида содир бўладиган муносабатлар тизимини томонлар манфаатларига мос ташкил этиш ва такомиллаштириб бориш объектив зарурият бўлиб ҳисобланади.

“Муносабат” категорияси ўз мазмун-моҳиятига кўра кишилар ўртасидаги алоқа, ташкилотлар, давлатлар ўртасидаги олди-берди муомилалар, нарсалар ва ҳодисалар ўртасидаги ўзаро боғланиш, уларга ёндашиш принципи каби маъноларни англатади [1]. Шу жиҳатдан, турли бозор субъектларининг самарага эришиш йўлидаги ўзаро муносабатларга киришишнинг энг таъсирчан ва ижобий туртки берувчи шакли бу иқтисодий муносабатлар ҳисобланади. Иқтисодий муносабатлар бозор субъектлари томонидан амалга оширилаётган фаолият натижаси ва келгуси ишлари учун пойдевор

бўлиш захираларини баҳолаш имкониятини бериши, ўзаро муносабатларнинг яққол номоён бўлишига хизмат қилиши каби ижобий жиҳатлари боис доим ўзаро алоқалар марказида бўлади.

Жамиятда юзага келадиган ҳар қандай муносабатлар самараси жамият аъзоларининг турмуш даражаси яхшиланишида номоён бўлиши лозим. Шу сабабли турли субъектлар ўртасидаги ўзаро алоқаларда иқтисодий муносабатларнинг ўрни ва зарурияти тўғрисидаги баҳслар доим иқтисодчи олимлар диққат эътиборида бўлган ва уларни мазмунан бойитган [2]. Улар таҳлилига тўхталмасдан шуни таъкидлаш жоизки, иқтисодий адабиётларда бозор субъектларининг ўзаро муносабатларини қуйидаги шаклларга ажратган ҳолда ўрганишга алоҳида аҳамият қаратилган:

- ижтимоий – иқтисодий муносабатлар ёки ишлаб чиқариш муносабатлари;
- техник – иқтисодий муносабатлар;
- ташкилий – иқтисодий муносабатлар.

Умуман, бозор субъектлари ўртасида содир бўладиган барча муносабатларнинг илмий-назарий асосларини ўрганган ҳолда айтиш мумкинки, товар ва хизматларни ишлаб чиқаришдан то уларни истеъмолчиларга етказиб беришгача бўлган занжир бўғинларида ўзаро муносабатларга киришадан субъектлар ўртасидаги алоқалар юқорида таъкидланган йўналишларни ўзида қамраб олади ҳамда пировардида муноса-

**Калит сўзлар:** Ипак қурти, ипак қурти уруғчилиги, корхона, бозор иқтисодиёти, бозор сегментлари, бозор субъектлари, товар, хизмат, иқтисодий муносабат, диверсификация.




батлар иштирокчиларининг манфаатларига хизмат қилгани ҳолда тармоқ ва жамиятнинг ривожланишига билвосита ҳисса қўшади.

Хусусан, мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқлари орасида узоқ йиллик ишлаб чиқариш тарихига, тажриба ва анъаналарига эга бўлган, етиштирилган маҳсулотларига талаб доимий равишда ортиб бораётган пиллачилик соҳасида ҳам ўзаро муносабатларнинг замонавий метод ва усуллари самарали жорий этишга эътибор кучаймоқда ва натижада пилла маҳсулотлари етиштириш субъектлари ўртасидаги муносабатлар иқтисодий тизимнинг ривожланиш тенденциясига мос равишда амалга ошмоқда.

Маълумки, пиллачиликнинг бирламчи, ҳал қилувчи бўғини, бу пилла етиштирувчи субъектлар учун уруғ етказиб берадиган, таъбир жоиз бўлса мазкур соҳанинг ривожланиш йўналиши ва истиқболларига

таъсир кўрсата оладиган пилла уруғчилиги тизими саналади. Аввал ҳам таъкидланганидек, пилла уруғчилиги тизими корхоналари ипак қурти уруғининг янги зотларини яратувчи муассасалар, насли пилла уруғи станциялари, ипак қурти уруғи етиштирувчи корхоналардан таркиб топган ҳамда улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар бозор принципларига мос ташкил этилган. Аммо, амалиёт айрим объектив ва субъектив омиллар таъсирида доим ҳам ташкилий чора-тадбирларнинг тўғри ва аниқ ишлашини таъминлай олмайди. Шу сабабли ҳам, бугунги кунда пилла уруғчилиги тизими корхоналари ўртасида шаклланган ўзаро муносабатларни илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳамда уларни томонлар манфаатларига мос ташкил этиш ва унинг институционал асосларини такомиллаштириш масаласи долзарб вазифалар сирасига киради.

Юқорида бозор субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг назарий асосларини ўрганиш, шунингдек, бевосита пилла уруғчилиги корхоналари ўртасида ўтказилган анкета сўровномаси натижаларининг кўрсатишича, ушбу тизим корхоналари ўртасидаги ўзаро муносабатларни қуйидаги йўналиш ва шаклларда самарали ташкил этиш имкониятлари мавжуд (1-расм).



1-расм. Пилла уруғчилиги корхоналари ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи субъектлар ўртасида шаклланган ўзаро муносабатлар шакл ва йўналишлари

Таъкидлаш лозимки, мазкур ўзаро муносабатлар гуруҳлари асосан пилла уруғчилиги корхоналари ўртасида ҳамда унга хизмат кўрсатувчи субъектлар ўртасида шаклланади. Бу ҳолатни, масалан, Ҳиндистонлик агроиқтисодчи олим Маянк Шехар (Mayank Shekhar) "...пиллачилик корхоналари ўртасидаги муносабатлар бир ёки икки корхона ўртасида шаклланмайди, шаклланган ҳолда ҳам у умумий вазиятни ифода эта олмайди" [3] деб таъкидласа, Хитойлик тадбиркор ва пиллачилик соҳасида тажрибали мутахассис Га Кан Хуа "пилла уруғчилиги тизимида маҳсулот етиштириш жараёнида қатнашувчи бир нечта субъектларнинг ҳар бири бошқа кўплаб корхоналар билан ўзаро алоқалар ўрнатади. Мазкур алоқаларнинг ижобий ёки салбий натижаси пилла уруғи етиштирувчи корхоналар ўртасидаги муносабатларга ҳам бевосита таъсир кўрсата-



2-расм. Пилла уруғчилиги тизими корхоналарининг ўзаро муносабатларига таъсир кўрсатувчи омиллар гуруҳи

ди. Шу боис комплекс ёндашувга зарурият туғилади” [4] деб ҳисоблайди.

Аммо, аввал ҳам таъкидланганидек, амалиётда барча муносабатлар ҳам инсон оми-

ли таъсирида тўғри ва самарали ташкил этилавермайди. Зеро, пилла уруғчилиги корхоналари ва уларга хизмат кўрсатувчи субъектлар ўртасида ўзаро муносабатларнинг ижобий ёки салбий бўлишини билиш учун авваломбор унга таъсир кўрсатувчи омилларни қуйидаги, яъни: иқтисодий, ташкилий-демографик ва табий-географик гуруҳларга ажратган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқ (2-расм).

Хулоса қилиб айтганда, ипак қурти уруғчилиги тизими корхоналарида ўзаро муносабатларни самарали ташкил этишда ушбу субъектлар ўртасида узвий алоқани таъминлашда бозор қонунларининг асосий унсурларининг бўлган талаб, таклиф ва рақобатнинг қарор топиши ўз-ўзини ҳаракатга келтирувчи дастак сифатида муносабатлар иштирокчиларининг манфаатларига мос ҳолда шаклланишига хизмат қилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”. 1-қисм, 1987 й. – 480-бет
2. www.sharqjurnali.uz/. «Халқаро муносабатлар».
3. <http://www.infodrivindia.com/india-exportdate/silk-cocoon-export/aboutinfrastracute...>
4. [http://www.travelchinaguide.com/intro/silkworm.htm/Knowledge\\_of\\_Silkworm: Chines Sericulture.](http://www.travelchinaguide.com/intro/silkworm.htm/Knowledge_of_Silkworm:_Chines_Sericulture)